

ЁШЛАК



Ўзбекистон
ЛКСМ Марказий
Комитети ва
Ўзбекистон
ССР Ёзувчилар
уюшмасининг
органи

[106]
октябрь

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Владимир ЖОНИБЕКОВ,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Ҳамид ИСМОИЛОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул котиб),
Олим ОТАХОНОВ,
Азим СУЮН,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Нурали ҚОБУЛ,
Абдурашид ҚОДИРОВ,
Усмон ҚУЧҚОР,
Ғаффор ҲОТАМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти



ЛОҚАЙДЛИК ЗИНАПОЯЛАРИДАН

Тиббиёт фанлари номзоди,
шифокор Жуманазар Бекназаров
билан суҳбат

— Жуманазар ака, суҳбатимизни бошлашдан олдин ўтган кунларга бир назар ташлаб олсак, зеро бу суҳбатимиз мавзусига бевосита алоқадор, деб ўйлайман. «Ҳокимият Советларга!» деган дабдабали шнорнинг ёши етмишдан ошиб қолди. Утган вақт мобайнида халқимиз бошидан кечирган воқеаларни ўн йилликларга бўлиб рўйхат қилсак, куйидагича бўларкан. 20-йиллар: Совет ҳокимиятини ўрнатиш, кулоқларга қарши кураш ва коллективлаштириш азоб-укубатлари. 30-йиллар: мисли кўрилмаган даҳшатли очарчилик, мустабид Сталин қатли оми, иккинчи жаҳон уруши ва унинг асоратлари. 60-йиллар, жамиятимизда турғунлик иллатларининг илдиз ёя бошлаши... Маънавий оламимизга етган зарарларни бу жайдари рўйхатимизга киритганимиз йўқ, ҳали... Буларни хаёлдан ўтказатуриб, «бундай тузуқроқ кун кўрганми бу саҳройи халқ?!» деган хўрсиник бўғизига тикилади кишининг...

Яқинда олтишинчи йилларда рўй берган бир воқеани эшитиб қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолдим. Қисқаси, жумҳуриятимизнинг чекка қишлоқларидан бирида бир деҳқон иморат солаётган экан. Шунда кимдир келиб: — Нима қиласиз, иморат соламан, деб бошингизга ташвиш орттириб, ахир саксонинчи йилларда мамлакатимизда коммунизм қурилади-ку?! — дебди. Ҳалиги деҳқон содда эмасми, «саксонинчи йилда коммунизм қурилса, янги иморатни нима қиламан?!» деб ўйлаб уй қуришни тўхтатиб қўйган экан. Йўқ, бу соддафеълликдан эмас, ўша йиллари нафақат оддий деҳқон, балки зиёлилар ҳам «коммунизм» ақидасига қаттиқ ишонишар эди. Ҳукумат тепасига келган Никита Хрушчев юргизган сиёсат мана шу пуч ақидага асосланган эди-да. Аммо шўрнинг кургур бу халқни коммунизм эмас, оч юҳодай кутурган экологик қиёмат кутиб олди саксонинчи йилларда.

— Ҳа, бу экологик қиёмат пойдеворининг илк гиштлари Россия империяси Туркистон ўлкасидан пахта хом ашёсини кўпроқ ундиришдек вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган йиллари пишитилган эди. Унинг пойдевори халқимиз олдига пахта мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган пайтда яна ҳам мустақкамланди. Усткурма «гуллаб-яшнаши» учун, буткул шаклланиши учун яна ўзимиз зўр бердик. Нега шундай қилаемиз, деган саволини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадик.

Ҳукуматимизга, давлатимизга қанча кўп пахта берсак, ҳаётимиз ўшанча фаровон бўлади, бу фаровонлик ҳаёт уфқларида

барқ уриб, кўриниб турибди, яна бир зўр берсак бу уфқни эгаллаймиз, деган хайқирик ва шнорлар бизни ҳамма томондан чирмовукдай ўраб олган эди. Бу сўзларнинг баландпарвозлигю пала-партишлигига эътибор беришга, ўйлаб кўришга вақтимиз ҳам, имконимиз ҳам йўқ эди. Бу йил фалончи муносабати билан зарбдор йил дедик, бу йилдаistonчи шарафига мажбуриятларни ошириб бажарамиз, дедик. Бу йилларнинг зарбдорлиги, шарафли эканлиги ҳеч тугамасди.

«Коммунизм сари олға!» чакиригидан руҳланган ўзбек деҳқони фақат шу тўғрисида ўйлашга мажбур бўлди. Бир йилда уч йиллик планни бажарамиз, деган дабдабали шнорлардан еримизнинг бели майишиб, қадди буқилди, наслликка сақланган букалар, отлар, кўчқору қўйлар сўйилди. Халқимиз ҳар хил шнорлар «сеҳридан» шу даражада гангиб қолдики, ён-верига орқа-олдига қараш зарур эканлигини ҳам унутди. Агар ҳар тарафга қарайверсам, мулоҳаза қилаверсам, вақтимни йўқотаман, мен учун ўйлайдиганлар бор-ку, бу уларнинг иши дедию, тор тиркишдан қараб, план ва мажбуриятларни бажариш учун тинмай тер тўкиб, меҳнат қилаверди. Олға юряпмиз, деган тушунча ҳар доим ҳаёлда ҳукмрон бўлди. Бироқ бир неча йиллар «қизил қарвон» қилиб олға юраверибмиз-у, «фаровонлик» деган қизил бахт коммунизм уфқидай биздан узоқлашаверибди, экология мувозанати бузилаверибди. 86,8 фонзи қишлоқда яшайдиган халқимиз, э, бориға шукр, яшаймиз-у, дея «даврий-даврон» сураверди. Кўпчилик эса экология бузилса бузилибди-да, менга дахли йўқ, деган тушунчани ўзларига қабул қилиб олишди. Биз шунга ўрганган, кўниккан, мутеъ эдик.

Чор Россияси ва унинг гумашталари зулмидан эзилган, хонавайрон бўлган халқ инқилобни хурсандлик билан кутиб олди. Лекин тез кунда ҳафсаласи пир бўлди. Арман дашноқларнинг ҳаддан ташқари зулми, рус шовинистларнинг миллий кадрлар фикрини менсимай, уларни идоровий ишларга яқинлаштирмаслиги ва ниҳоят, халқимизнинг миллий турмуш тарзи, иқтисодий шароити, тили ва маданияти хусусиятлари билан ҳисоблашмаслик халқ ҳаракатининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Фан, мулоқот, мустақил дунёқараш, миллий турмуш тарзи минг йилдан кўпроқ ислом таъсири остида бўлган халқни бир неча йил ичда даҳрийлаштириш сиёсати халқ томонидан қабул қилинмаслиги, низоларга сабаб бўлиши эътиборга ҳам олинмай, қу-

рол кучига ишонилди. Социализм куриш йўлида тўғанок бўлган дин пешволарини йўқ қилиш ақидаси остида ўзбек халқининг саводли зиёдилари йўқ қилинди. Натижада халқ саводли катламидан айрилди, жудо бўлди. Бу эса, инкилобдан олдин Туркистонда ялли саводсизлик ҳукмрон эди, деган уйдирмага асос бўлиб хизмат қилди. Биз ҳам ишондик.

Катагон йилларида зиёдиларимизнинг иккинчи қатлами яна бир бор қирғин қилинди. Биз энди мугъаллини бўйига олган ҳолда эдик, қаскка етакласа, ўша ёққа кетаверадиган оломонга айланиб, узагимизни йўқотдик. Табобат ҳам бу «шараф»дан куруқ қолмади.

Айниқса, эски давлат машинисини синдириб, тамоман янгисини куриш керак, эски тузумнинг усткурмаси ўзгардимиз, тамом, базиси, яъни пойдеворини ҳам бутунлай ўзгартириш зарур, деган қонунят тиббиётимизнинг бутун гавдасини зир титратиб, ўзини зор қакшатди.

Ҳозирги биз ўрганаётган дарсликларда Туркистон ҳудудидан ар-Розий ва Ибн Сино давридан кейин гўё бошқа ҳаким бўлмагандек. Ақалли бир-иккитасининг номи ҳам тилга олинмайди, ҳатто шунга ишора ҳам йўқ. Гўё бу ерларда дуохону фолбин, куф-суф қилувчи мулла ва эшондан бошқа табобат билан шуғулланувчи инсон бўлмагандек. Демак, инкилобдан кейин табобатни ҳам бутунлай ва тамоман қайта қурдик. Бунда кўп асрлар давомида халқимиз томонидан кўз қорачиғидай асраб қилинган, орттирилган амал-услублардан воз кечилди. Ва шу кундан бошлаб Оврўпо табобатига сўнгиниш бошланди. Халқ орасидаги беморларни даволашга уринган табиблар таъйик остига олинди, қувғин қилинди, қадимий ўзбек ёзувида битилган табобат китоблари ёқилди, мазорларга кўмилди. Бир амал-лаб бу китобларни яширган ҳакимлар сони ҳам аста-секинлик билан, аммо мунтазам равишда қамайиб бораверди. Қолганлари ҳам замоннинг тинч бўлишини қутавериб, бу сеҳрли китобларда ёзилганларини бошқаларга айта олмасдан, ўргата олмасдан армон билан бу дунёдан кўз юмдилар.

Синган, чиққан суякларни жойига қўювчи, шифоловчи табибларга сал-пал эркинлик берилди, ҳолос. Негаки, бу соҳада шу табибларнинг олдига тушадиган шифокорларнинг, улардан қойилроқ қилиб бу муолажани бажарадиган врачнинг ўзи йўқ эди.

Шундай қилиб, Туркистон ҳудудидан «эски ярамас, илмий асосланмаган» табобат буткул инкор қилиниб, тамоман янгича, халқимиз учун умуман тушунарсиқ медицина юзага келди. Бу медицинани халқ табобати билан яқинлаштириш, халқ тиббиётининг амалда синалган ва тасдиқланган ютуқларини жорий қилиш, бир-бирига қиёслаб, яхши томонларини олиш, омухта қилиш тўғрисидаги фикрнинг зарраси ҳам йўқ эди. 1924 йилнинг ноябрь ойида Туркистон врачларининг биринчи съезди иш бошлади. Шуниси қизиқки, съезд ишида маъруза қилувчилар лисонида «сарты», «туземцы» деган сўзлар ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам маҳаллий миллат вакилларидан ақалли бирон-бир киши бўлмади. Съезднинг қарорларидан бири келгуси съездда маҳаллий тилда маъруза ўқиган шифокорни тақдирлаш учун иккита мукофот таъсис этилди, ҳолос. Халқ табобати билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллий халқ тилида дарсликлар яратиш ва ерли халққа ўз тилида дарс бериш, умуман, тил эркинлигида табобатни ўрганиш каби масалалар бировнинг хаёлига ҳам қолмаганлиги табиий эди.

Ўз ёзувини йўқотиб, икки бор саводсизлик аламини тортган халқ ўз табибу ҳакимларини тамоман унутди. Шаҳобиддин ибн Абдулқарим, Юсуф ибн Муҳаммад, Ҳаким Давоий, Сайид Муҳаммад Ҳасрат, Турди Шаҳобий, Абдулхай Туний, Ҳожи Абдулло каби ўилаб, юзлаб таббиркор, донишманд, зукко табибларнинг номлари кўп йиллар давомида биз учун тамоман бегона бўлиб қолди. Халқ табобатини менсимаслик, унинг усул ва муолажа қилларини илмий асосланмаган деб йўққа чиқариш, илгор амалий усулларини ҳам динга қарши кураш никоби остида тўқиклаш оддий ҳодиса сифатида қабул қилингани ҳеч кимни ҳайрон қолдирмас эди.

Мана шу сиёсий, иқтисодий, маънавий йўқотишлар оқибатида увол, савоб, имон, эътиқод каби сўз ва тушунчаларнинг муқаддаслигини, унга амал қилишини унутдик. Табиат эҳсонларини, бойликларини асраб-авайлаб сақлаш ҳақидаги доноларимизнинг сўзларини ёддан чиқариб ёки менсимай, табиатга нисбатан кўр ва соков бўлиб қолдик. Экология мувозанатини кўз қорачиғидай сақлаш тўғрисидаги халқ ўғитларини тамоман эсдан чиқардик. Натижада экологик қиёмат ёпирилиб, ўз

ҳужумини бошлади. Мана шу ҳужум натижасида оналарнинг 80 фоизга яқинида камқонлик, болаларнинг 70 фоиздан ортиги да камқонлик, рахит, гипотрофия. Ёз ойларида юкумли ичак касалликлари ҳужумидан кўз очолмай қолдик. Бу касалликлар, айниқса, болалар учун ҳақиқий офат бўляпти. Тасаввур қилинг-а, бу касалликлар май ойида 6 баравар, июнь ойида 16, июлда 24, августда эса 18 баравар кўпайишдан. Ана кўрдингизми, экологик мувозанатнинг бузилишдан энг биринчи наватда болалар жабр тортишмоқда. Тўғри-да ахир, юкумли ўткир-ичак касалликларининг 80 фоизини болалар ташкил қилаётган бўлса, шундай дейишимизга асос борми ё йўқми?..

Мана шу касалларни даволаш учун томирдан суюқ эритма дорилар юбориш зарур. Бирок шу суюқ дориларни тайёрлаш учун зарур яроқли сув анқонинг уруғи бўлаётгани ҳар қандай одамнинг қалбини зир титратади. Чунки баъзи бир ноҳиялардаги (масалан, Термиз, Нукус шаҳарлари, Улянов ноҳияси ва бошқалар) мавжуд сувларни икки марта махсус асбоба ҳайлаб, яъни буғлатиб, дистилланса ҳам дориларни, шифобахш тузларни эритишга ярамаётганини нима деб аташ мумкин? Бунга сабаб сув таркибининг, туяроқ таркибининг ҳаддан ташқари бузилиши. Яна бир мисол. Бухоро вилояти, Ғиждувон ноҳияси аҳолисига ховуларда сув сақлаш таъйикланган. Қудуқлардан сув ичиш ман этилган. Ажабо, илгари энг тоза сув қудуқ суви бўларди-ку, дейишингиз, ажабланишингиз табиий. Энди бу гаплар 30—40 йиллар олдинги ҳолга тегишли. Ҳозир эса бу ноҳиянинг ери, ер ости сувлари шу ҳудудда қазилма бойликларни олиш учун ишлатилаётган махсус эритмадан тўйинган ва захарланган. Бу ҳол, айниқса, Қўқча совхоз, Пахтаобод, Халқобод қолхозларида ачинарли. Саросиё ноҳиясининг Свердлов, Калинин қолхозларида картошка ва қарамдан ҳосил ололмайтлар, чунки алюминий заводининг захарли тутунни ҳақиқий офат бўлмоқда. Жумҳуриятимиз ҳудуди, унинг замини ва заминидан яшаётган инсонларда ҳар хил пестицид, гербицид, фунгицид, яна аллақандай «цид»лар, нитратлар, хлор-органик бирикмаларни синаб қўриш ва уни узок йилларга мўлжалланган таъсирини ўрганиш учун тажриба лабораториясига айланган, деб бемалол айтиш мумкин. Мисол учун, Қашқадарё вилояти Ғузор ноҳиясида 17850 гектар пахта экиладиган ерга 20 турга яқин 180 тонна (тонна-и!) захарли химикатлар ишлатилган. Бу дегани аҳоли жон бошига 1,9 кг. дан тўғри келади, деган сўз. Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг далаларида сепилган қимёвий захарларнинг тури 40 дан ортик бўлиб, ҳар гектар ерга сепилиш жиҳатидан Япониядагидан 100 марта кўп. Бир неча ўн йиллар давомида кўпгина олимларимиз учун худди шу тажриба лабораторияси натижалари диссертациялар ёзиш ва уни химоя қилиш ҳамда унвон олиш манбаи бўлиб қолганини яширишдан қим ҳам ютарди, дейсиз. Чунки бунақа ноёб материални заминнинг бошқа бурчагидан топиш амримаҳол. Тўғри-да ахир, ҳар йили атмосферага қарийб 1,5 млн. тонна захарли тутун пурқалаётган, ҳар хил қимёвий захарлар еявериб, «ғиёҳанд» бўлган еримизга, устига устак, гектарига яна 20 кг. дан ортик захаротишлар сепилаётган, мева-чевалари, сўт-қатқилари муолажа малҳами бўлиш ўрнига ялли захарланишларга сабаб бўлаётган, она сутидан, сигир сутидан ҳар хил пестицидларнинг зарар келтирувчи микдори аниқланаётган бўлса-ю, бу фактлар тажриба лабораторияси деб аташга ваҳотки ҳуқуқ бормаса?! Мана шу улкан лабораторияда ҳар хил касалликлар авж олди. Масалан, Тошкент Давлат табобати Олийгоҳи ҳодимлари томонидан Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясида яшовчи 820 киши текширилганда улардан 205 нафари буйрак касалликларидан азоб чекаётганлиги аниқланди. Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятидаги 1—2 ойлик болаларнинг 90 фоизда сийдигида тузлар микдори ҳаддан ташқари кескин ошганлиги қайд этилди. Бу эса уларнинг кўпчилигида келажақда буйрағида тошлар ҳосил бўлади, деган гап. Умуман, Оролбўйида умумиттифок кўрсаткичларига нисбатан қорин тифи билан оғриш 30 марта, сарик касали билан касалланиш 7 марта, сил ва ўсма касалликларига дучор бўлиш 1,5 марта кўп. Саросиё районидаги болаларнинг ҳар хил касалликларга чалиниши 2,8 баравар кўпайган бўлса, Туреунзода ноҳиясига яқин жойлашган овуларда эса бу кўрсаткич 12 га тенгдир.

— Шу экологик офат туфайли чуқур ижтимоий илдиз отган болалар ўлими тўғрисида бугун очик-ойдин гапирилмоқда.

Аммо бу бугун пайдо бўлиб қолган нарса эмас. Уша олтишинчи йилларда — пахта ва макжазхўризорлар устида темир қанотли «Кукурузлар захри-котил пуркай бошлаганда, мамлакат бўйлаб «кишлоқ хўжалигини химиялаштириш» даъвати инграган кезларда илдиз ота бошлаган эди. Утган давр мобайнида неча минглаб норасидалар тутдек тўкилиб, ҳазон бўлди. Аза очмаган хонадон кам қолди юртимизда... Энг дахшатлиси, ситамкор бу фожеа мустабидлар томонидан ҳаспўшланиб, сир тутилиб келинди. Қанча гўдакнинг ҳазон бўлиб кетгани биздан кўра сиз мутахассисларга яхши маълум бўлса керак.

— Болалар ўлими тўғрисида очик-ойдин гапириляпти, деб айтиб бўлмайди. Хали бу соҳада аниқ ва равшан, болалар соғлигини муҳофаза қилишдек муқаддас ишда содир бўлаётган камчиликлар бор ҳақиқати билан очилляпти, деб айтишга эрта. Аввало шунга таъкидлаш жоизки, туғилган боланинг бир ёшгача бўлган даври жуда ҳам муҳимдир. Чунки бир ёшга киргунича унинг келажакада ким бўлиши аниқ бўлиб қолади. Бир йил давомида унинг организмида шундай «сақраш» бўладикки, бундай хусусият унинг ҳаётида бошқа қайтарилмайди. Мана шунинг учун ҳам бир ёшгача содир бўлган ўлим «Болалар ўлими» деган махсус тушунча сифатида қабул қилинган. Сир эмас, узок йиллар табобатимиз тўғрисида қарнай-сурнай чақиб, қизил рангларда ютуқларимизни мактадик. Мана шу шовкинга махлиё бўлиб, болалар ўлими кўрсаткичи бўйича Иттифокимиз дунёда 50, жумҳуриятимиз эса 75 ўринга тушиб қолганини билмай ҳам қолибмиз. Қизил пардани кўтарсак, Иордания, Куба мамлакатларида ҳам юрак кўчириб ўтказиш, болалар юрагига тавақа ўтказиш операциялари оддий бир ҳол бўлиб қолибди. Биз эса бу пайтда бор фактни рўй-рост айтиш ўрнига «болалар ўлими» доирасига кирмай, сон камкор бўлишни учун бир ёшгача бўлган даврда ўлим бўлса ҳам, ёшини каттартирдик ёки вақтига етмай ўлик туғилган деб, қоғозларни қора қилдик. Бор ҳақиқатни очик-ойдин айтиб, маъмурият диктатини ўзига қаратиб, туб ижтимоий илдишларини очиб, режали равишда, илмий асосда профилактика ва муолажа ишларини ташкил қилиш ўрнига рақамларни безаш билан шугулланиш хали ҳам барҳам толган эмас.

Бунинг ҳам ўзига хос туб илдишлари бор. Узок вақтгача қонунда ёзилмаган бир қонда бор эди. Обрўли мажлисда қимдалик танкид остига олинди, номи айтелса, у албатта эғаллаб турган мансабидан маҳрум бўларди. Буни яхши билган соғлиқни сақлаш мутасадди раҳбарлари иложи борича рақамларни бўяб, Иттифок кўрсаткичидан фарқ қилмайдиган даражада сақлашга ҳаракат қилишардилар. Оқибатда қишлоқ, шаҳар кенгаши ва соғлиқни сақлаш идораси маълумотлари орасидаги фарқ жуда катта бўларди.

«Болалар келажагимиз», «Ҳамма яхши нарсалар болаларга» шиорлари ўртага ташланган турғунлик йилларида болалар ўлими тўғрисида бор фактни гапириш ва уни ривожланган капиталистик мамлакат кўрсаткичлари билан таққослаб, ўз башарамизни намоен қилиш обрўлимизга тўғри келмасди-да, ахир. Нью-Йоркда яшовчи негрлар орасида болалар ўлими 19,1 бўлса-да, «жаннатмакон» жумҳуриятимизда бу кўрсаткичдан кам бўлиш ўрнига 2,5 баравар кўп бўлса ким ҳам бахтиёр бўлиб, жиламайшга ҳаракат қиларди?

Мана шу фактларнинг ҳаммаси шифокорлар ташқи муҳит шароитлари ёмонлашуви, унинг мувозанати бузилиши олдидан ўзларини ожиз сезиб, касалликларнинг олдини олиш каби илоҳий ишдан ўзлари билмаган ҳолда четлаштирилган эдилар, десак ҳеч ҳам хато бўлмайди. Энди шифокорларнинг асосий вазифаси пайдо бўлган, ривожланган касалликларни даволашдан иборат бўлиб қолган эди. Натижанда пайдо бўлган касалликларни муолажа қилишнинг улдасидан чиқа олмай қолдик. Қанча касални даволасак, яна ўшанчаси шифохоната туша-вердилар. Мана сизга занжирли реакция!

Яна шунга айтиш керакки, пахтазор четларига ёки ўртасига қурилган мавсумий омонат боғчалар, қишлоқлар устидан учиб ўтаётган «Кукурузлар»дан пуркалаётган дориларнинг пахта зараркунандаларига, пахта япроғига таъсири жуда зўр ўрғанилган эди-ю, лекин бу кимёвий захарларнинг одамлар, айниқса, болалар организмига сурункали таъсири яхши таътиб қилинмасдан, амалиётга жорий этилаверди. Ёки уларнинг ўта захарли эканлиги маълум бўлса ҳам план ва мажбуриятларни бажаришга интилиш уларнинг захарлилик хусусиятларини нейтраллайверди. Бундан эса биринчи навбатда уй хайвонлари, одамлар, айниқса, болалар зарар кўрди. Уша йиллари

бу захриқотилларнинг захарли эканлиги шу соҳада хизмат қилувчи ходимларга айтилди-ю, лекин кенг халқ оммаси «кимёвий кўр»лигича қолаверди. Ҳатто кимёвий захарлар оморларида химёя воситаларисиз ишлаётган одамларни кўриш одатдаги ҳол эди. Чунки «кишлоқ хўжалигини кимёлаштириш» даъватини максимал равишда бажаришни маъсул ходимлар ўзларининг олижаноб вазифалари деб билдилар. Уша «Кукурузлар» сепаётган дори тагида қолиб уй хайвонлари, захарланиб шифохоналарга тушган пахтакор ва унинг болалари тўғрисида ўйловчи одамнинг ўзи кам эди. Балки ким кўп кимёвий дорини ишлатиш борасида ўзига хос мусобақа авж олди. Захриқотилни кўпроқ ундириш учун ҳатто таниш-билиш, қариндош-оғайничилик, ҳуллас, ҳамма воситалардан фойдаланилди.

Ер, сув, ҳаво, овқат махсулотларида кимёвий инокерак моддаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг сурункали равишда организмга қабул қилиниши инсоннинг ҳар хил таъсирларга ва касалликларга қарши курашувчанлигини кескин пасайтирганини таъ олишдан бошқа иложимиз йўқ. Бу ҳислатнинг болаларда яққол ифодаланганлиги айниқса равшан эди. Масалан, 1974—1980 йилларда Тошкент шаҳар 14-болалар шифохонаси реанимация бўлимида июнь, июль, август ойларида болалар ўлими энг кўп қузатилганди. Кейинги йилларнинг худди шу ойлари ҳам бундан мустасно эмас. Нобуд бўлган болаларнинг 70 фонзидан ортиғи пахтакор районлардан оғир аҳволда келтирилган болалар бўлиб, ўша пайтда биз уларнинг касалликларини одатдан ташқари ҳолда кечаётганини тушуна олганамиз. Кўпчилик болаларни тўғридан-тўғри иссиқ қон қуйиш билан кутқариб қолишга эришилган.

Кўпгина болаларнинг касалликларига одатдаги дориларнинг микдори рисоладагидай таъсир қилмаётгани, иммун қучларни оширувчи препаратларсиз иложи бўлмаётгани тўғрисида илмий адабиётларда ҳам ёритилди. Лекин унинг ҳақиқий сабаби айтилмади. Яхшиямки қайта қуришнинг инсоний шабадаси эсиб, мустабидлар томонидан темир сандикларда хор бўлиб, қамалган сирлар моғорламай, офтоб юзини кўрди. Лекин бор бўйи билан ўз қаддини ростлай олгани йўқ.

— Жуманазар ака, юртимизда пахтага ишлатиладиган захриқотиллар ва химкомбинатлар катталар қатори болалар ҳаётига қанчалик таҳдид солаётганини қўйиб турайлик-да, биргина Орол денгизи қуриши оқибатида вабодай тарқалаётган касалликлар тўғрисида гапирайлик. Расмий маълумотларга қараганда Оролбўйи худудида ҳар ҳафтада 40 нафар гўдак ҳаётдан кўз юмар экан...

— Орол денгизининг тобора ўз қирғоғидан чекиниб, талвасага тушиб, қуриб бораётгани ҳақиқий фожеа. Орол бўйидаги экологик фалокатнинг вужудга келишида табиат айбдор эмас. Афуски, инсон томонидан сунъий равишда яратилди. Ана энди унинг жабрини тортмоқдамиз. Бир вақтлар Хвайразам номи билан аталган, «Боғи эрам» дея дostonларда қуйланган Хоразмга Балх, Наса, Хуросон, Шом ва бошқа шаҳарлардан келишиб, шу ерда илм-фан билан шугулланишган. Машҳур араб сайёҳи Екут ал-Ҳамавий (1179—1229) Хоразмнинг аксар қишлоқларини шаҳарга ўхшатиб, дўқонлари қўпчилигидан, мева-чевалари сархиллигидан хайрон қолганини ёзган. Араб сайёҳи Ибн Боттута (1303—1378) Хоразм элининг ахлоқи яхшилиги олдидан лол қолади. Қани энди виждонимизга савол берайлик-чи: қайси муҳитда ва иктисодий шароитда яшовчи жамоанинг ахлоқи яхши бўлади?

Агар Орол денгизининг қуриши Оролбўйида яшовчи халқлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаганида эди, балки ҳаёт ўз оқими билан ўтавериши мумкин эди. Аммо мана шу саломатликнинг ёмонлашганлиги фожеа бўлиб, бу фожеа бир неча минг қилинга эмас, балки бир неча ўн миллион инсонга тегишлядир.

Ҳар қандай давлатнинг обрўйи шу давлат халқининг фаровон турмуш кечирish даражаси билан ўлчанади. Халқ қанчалик фаровон яшаса, уларнинг умри ҳам шунчалик узун бўлиши аниқ. Ҳа, умрнинг узоклиги шу инсоннинг озик-овқатлар билан қандай таъминланганлиги, қайси муҳитда нафас олаётгани, бахтиёрлик, шодлик даражаси қай ҳолда эканлиги билан чамбарчас боғланган. Жумҳуриятимиз турмуш шароитлари фаровонлиги бўйича Иттифок кўрсаткичидан икки бара вар орқада. Бошқа давлатларга нисбатан солиштирсак, 90 ўринда. Мана шундай шароитда бу чамбарчаслик бузилмаган дея оламизми? Йўқ! Шундай экан, «Халқ соғлиги — Ватан бойлиги» деган шиор бизда даббадан бошқа нарса эмас.

Бўлмаса туғилажак ва туғилган болаларнинг соғлигини сақлаш учун барча нарсаларни қилган, атроф-муҳитни яхшилаган, бу болаларнинг бир қуни халқ бўлиб етишишини ўйлаган бўларди.

Ташқи муҳит шароити ёмонлашгани устига ичимлик суви давлат стандарти талабларга жавоб бермаса, бироқ уни истеъмол қилмаслиқнинг бошқа иложи бўлмаса, Оролнинг қуриган тубидан осмонни фалакка кўтарилаётган 75 млн. тоннадан ортиқ туз нафас йўллари китиклаётган бўлса-ю, бизнинг соғлом инсон тўғрисида фикр юртишимиз таъабот қонуниятининг ҳеч бир доирасига сиғармикан? Унинг ерларида 40 хилдан ортиқ захриқотил ишлатилса, ҳар хил пестицидлар, селитралар билан тўйинган оқова сувлар яна тупроқни қайтадан захарлаётган бўлса, бу муҳитда инсон соғлом бўлиши мумкинми? Америка Миллий Фанлар академияси рақ касаллигидан ўлишининг асосий гуноҳкори пестицидлар эканлигини инкор қилиб бўлмайдиган далиллар воситасида исботлади. Биз бунинг ҳақиқий эканлигини жумҳуриятимиз мисолида, айниқса Қорақалпоғистон муҳтор жумҳурияти тақдирини аниқ кўриб турибмиз. Онкология касаллиқларининг бунчалик кўпайишида нитратларнинг ролни инкор қилишнинг ўзи қулгили. Чунки радиациянинг зарари нитратлар таъсири остида 2-4 баравар ошади, радиациянинг жинсий аъзоларга салбий таъсири бир неча марта кўпайтиради.

Гербицидларнинг ҳаддан ташқари ортиқ қўлланиши оқибатида Мўйнок атрофидаги балиқлар ёппасига қирилмоқда. Бу қирон захарининг яна бир бошқа ҳусусияти борки, уни айтмасликнинг ўзи жиноят: у ҳайвонларнинг касалланишига сабаб бўлади, ўсмирларнинг меҳнат қобилиятига таъсир кўрсатиб, ақлий қобилиятини пасайтиради.

Биз минг тошга бошимизни уриб, ташқи муҳитнинг инсон соғлиғига таъсири рад этишга уринсак ҳам ҳаёт бунинг тескарисини кўрсатаётган бўлса, фактларни ҳаспўшлашга ҳожат бормикан? Ҳар хил оромгоҳ, санаторийларга, дам олиш уйларига бориб, соғлигини тиклаб ёки яхшилаб қайтган одамлар яна уйларига келиб, қайтадан касалланаётганликлари бунинг исботи эмасми?

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳолисининг 80 фоизда у ёки бу касаллик бор. Хали бу олдий қараб кўриш, юрагини, ўпкасини эшитиш, лабораторияда олдий қон анализини таҳлил қилиш билан аниқлангани. Агар фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида қуролланган лабораторияда текширилса, уларнинг сони яна кўпроқ бўлган бўларди. Майли, касалланиш 80 фоиз ҳам бўла қолсин, лекин шу аҳвол яна 8—10 йил давом этса нима бўлади? Насл-насаб-чи?

Инсоннинг ҳар томонлама, яъни ақлий, жисмоний ва маънавий гўзал бўлиши йиллар давомида, авлоддан авлодга шаклланиб, тақомиллашиб бориши ирсият фанида аллақачон тасдиқланган. Аёллар ва эркекларнинг ёшига номувофиқ пайдо бўлган ҳар бир кичик ўзгариш унинг иккинчи ё учинчи авлодига, албатта таъсир кўрсатади. Агар унинг шу авлодларида ҳам ёшлиғида қариллик белгилари бошланса (масалан, эрта соч оқариши, юзга ажишлар тушиши ва ҳ. к.), келгуси авлодларда у энди доимий бўлиб қолади. Шуни ҳисобга олиш керакки, йиллар давомида орттирилган яхши сифатни йўқотиш учун эса кўп вақт керак эмас.

Наслчилик билан шугулланувчи мутахассисларнинг айтишича, нўхат ёки қалам гулли аъло нав қорақўл тери етиштириш учун энг камида 30—40 йиллар она қўй ва қўчқорни танлашга тўғри келаркан. Лекин мана шу тери сифатини бузиш, яъни аввалги ясси тери ҳолига келтириш учун икки йил кифоя экан. Албатта, инсон ирсиятида бу бироз бошқача бўлса ҳам лекин унинг қонунияти бир. Бундан ҳар қандай табиат мўъжизаларининг яхши сифатлари (гўзаллиги, кўркемлиги, мутаносблиги, аъзоларининг бир-бирига монандлиги, ақли, умри узунлиги) йиллар давомида шаклланган, уни янада яхшироқ томонга кескин равишда ўзгартриш мумкин эмас. Бироқ ёмон томонга буриб юбориш жуда ҳам осон деган хулоса келиб чиқади. Пайгамбар Мухаммад Алайҳис-салом 63 га кирган эканлар. Ва у киши айтган эканларким: Мен умматларимга ҳам шунча ёшни раво кўраман. Демак, VII асрнинг бошларида инсоннинг ўртача умри шу ёш атрофида экан. Бундан бир неча асрлар олдин яшаб ўтган алломаларимизнинг умри ҳам хозирги пайтда ривожланган капиталистик мамлакатлар аҳолисининг ўртача умридан кам бўлмаган. Масалан, Абу Бакр Ал-Хоразмий 58 йил, Абул Қосим аз-Замахшарий 69 йил, Рашидуддин ал-Вот-

вот 94 ёшга кирганлар. Улуғ бобомиз ал-Чағмийини 80, қомусий олим Беруний 78 йил умр кечирганлар. Лекин халқимиз фаровонлиги учун тинмай кураш кетаётган шу қунларда Қорақалпоғистон муҳтор жумҳуриятида ўртача ёшнинг 52 га тушиши, ҳатто баъзи бир ноҳияларда 40 га тенг қилишини таъриф этишга диссонансда сўз топилаармикан? Шу инсонлардан дунёга келган болаларнинг ёшини Япониядагидек 82 ёшга чиқаришнинг иложи бўлармикан? Шундай қилса бўлади, деб ирсият соҳасида ишловчи олим жавоб бера олармикан? Лекин далилсиз қуруқ сўз бўлса-чи? Исмлари Олтишвой, Етмишвой, Саксонвой қўйилганини тунов қунги тарихдан ўқиб, бунга ҳавас қилган халқимиз қуруқ сўзлардан тўйди.

Ана энди, келинг, ортиқча хис-ҳаяжонларга, эхтирослар чўққисини забот этишга берилмасдан мулоҳаза билан фикр юритайлик-чи, экология ҳалокати рўй берган шароитда болалар ҳоли не кечди экан? Япония ёки АҚШдагидай болалар ўлими 5—10 га тенгми ёки сал бошқачароқмикан? Расмий маълумотларга қараганда, бу кўрсаткич 1989 йилда жумҳуриятимизда 38,8 га, Хоразм вилоятида 49,9 га, Қорақалпоғистонда эса 72 га тенг, 1989 йилнинг 18 августидан СССР Медицина Фанлар академиясининг 59-сессиясида кишлоқ ҳўжалигида химикатларни қўллаш ҳаритаси намойиш қилинди. Бу ҳарита Иттифоқимизнинг барча жанубий районлари, Молдавия, Одесса, Херсон областларида энг кўп қимёвий захарли дорилар қўлланилаётганини кўрсатди. Шуниси даҳшатлики, қаерда дориларни қўллаш кўпроқ бўлса, худди шу ерда болалар ўлимининг кўплиги ҳам маълум бўлди. Мана шу далилнинг ўзи ҳам кишлоқ ҳўжалигини қимёлаштиришнинг қамайтирмасдан (балки, умуман тугатмасдан) туриб, болалар ўлимини қамайтириб бўлмаслигини исботловчи далилди.

Режали ва шафқатсиз равишда дефолиантлар, минерал ўғитлар, қимёвий захарлар билан бели майнштирилган ерда туғилган, ўсган биринчи авлод эмас, балки иккинчи авлод ҳам бола кўриш ёшига етиб қолди. Хўш, энди шулардан мутлақо соғлом бола туғилади, деб қим қайиллик бера олади? Улар қимё Чернобилнинг қурбонлари эмас, деб айтишга етарли далилларимиз борми? Қорақалпоғистон муҳтор жумҳуриятининг Қораўзақ ноҳиясида болалар ўлими 140, Учасой ҳудудида 187 га тенг эканлигини қиёматнинг қайси хилига қўшиш мумкин? Жавоб борми?

— Бу ҳол эҳтимол хали кўпчиликка сир бўлиши мумкин. Ҳатто баъзи раҳбар ҳодимлар «Тухмат!» деб аҳолининг солишлари ҳам тайин. Аммо шунинг оқибатида эътироф этиш керакки, бизда ҳам қўшни Туркменистонда рўй бераётгани сингари болалар очликдан ўлишмоқда. Бу мудҳиш жараён ботиний ҳолда, яъни гўдак она қорнидалигида ривожланиш учун керакли модда этишмаслигини содир бўлади. Шу тўғрисидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Жуда тўғри гап! Агар оналарда оксил тақчиллиги бўлмаса тугма гипотрофиянинг бўлиши мумкин эмас. Демак, она қорнидаёқ ҳомила етарли равишда ўзига керакли овқат моддаларини олиш имконидан маҳрум, яъни очлик балосига гирифторм. Натижада ҳомиланинг қонига қон, этига эт қўшилмайди. Жумҳуриятимиздаги оналарнинг 70—80 фоизда геомглобин миқдори 60—80 атрофида бўлса (нормада 112—120), витаминлар билан энг камида 5—10 марта кам таъминланган бўлса, демак, улар ўзларнинг овқат билан таъминлай олмаётган бир пайтда, ҳомиласининг ҳоли не кечини маълум-ку, ахир. Хоразм воҳасида туғилган болаларнинг ярмидан кўпроғида гипотрофия; камқонлик аниқланаётгани оналарнинг соғлигини қоникарли деб аташдан анча йироқ эканлигини кўрсатмайдими?

Жумҳуриятимиздаги бир ёшгача бўлган болаларнинг 60 фоиздан ортиқроғида гипотрофия ва рахит касаллиги бор. Кишлоқ жойларда эса бир ёшгача бўлган болаларнинг ҳаммасида шу рамақижонлик. Маълумки, қайси болада ушбу касаллик бўлса, уларнинг иммун, яъни бошқа касалликларга қарши курашувчи қучи кескин даражада қамаяди. Улар касалликларнинг ривожини учун тап-тайёр манба. Ислоботи учун Қашқадарё вилояти Болалар марказий касалхонаси даволаш ишлари бўйича муовини М. У. Хусановнинг маълумотларини келтирсам: 1989 йилда шифохонада давоаланган 12860 боланинг 82 фоизда гипотрофия бўлган. Улардан 1/3 биринчи эса унинг оғир формаси. Тасаввур қилинг-а, 4 яшар боланинг оғирлиги 4 кг, 100 гр бўлса, 8 ойлик чақалоқнинг оғирлиги

3 кглик тошни боса олмас... Бу дахшат-ку! Бу болаларга караб рахмингиз келади: уларнинг кўриниши худди 80—90 яшар карияларнинг кичиклаштирилган нусхаси.

Гипотрофия бўлишининг устига устак гиповитаминоз ҳам бўлса борми, улар очлик азобини бошидан кечирмаяпти деб айтишга ҳақкимиз йўқ. Холбуки, гиповитаминоз (дармон доридарининг камлиги) жумхуриятимиздаги гипотрофик болаларнинг доимий йўлдошидир. Агар очлик бўлмаса эди камқонлик ҳам, юқори кўрсаткичдаги касалликлар ҳам бўлмасди, болалар ўлими ҳам кескин равишда камайиши турган гап эди. Шуни алоҳида кайд қилиш керакки, тўлик сифатли, хилма-хил калорияли ва тўйинли овқатланишни йўлга қўйиш, ташкил қилиш касалланиш ва ўлимни камайтириш учун олиб борилган соғломлаштириш ишларининг асосий пойдеворидир. Хозир эса бизда ана шу пойдеворнинг ўзи йўқ. Ахир умумиттифокка караганда гўшт истеъмол қилиш 75 фоз, тухум, картошка, сут 70 фоз кам бўлса, бу хали шу пойдеворнинг Оролнинг қуриган яйдоқ туз қўлидай деган гап эмасми? 1989 йилда жумхуриятимиз РСФСРга 1 млн 870 миң тонна мева-чевалар етказиб берди. Илгари Оролнинг шовуллаб тўлқинланиб турган киргокларда яшаган аҳоли орасида йил бўйи мева-чева тотмаган ҳам учраб турган пайтда бунақа серсахийликнинг бўлаётгани нахотки ажабланирли туюлмасан? Ахир турмуш шаронти, иктисодий ахволи ночор оилаларда болалар ўлими яхши таъминланган, ўзинга тўқ оилаларга нисбатан 6 марта кўп бўлаётганини ҳисобга олайлик-да!

Мана кўрдингизми, кишлоқ аёллари табобат тавсия қилган овқат хилларини истеъмол қилиш имконияти йўқлиги устига, организмга зарар келтирувчи хар хил моддаларни қабул қилишга мажбур. Бошқа илож йўқ-да, ахир. Оқибатда она сүти сувдан деярли фарк қилмайди. Бунинг устига таркиби ўзгарган. Бунақа таркибли сутта эса бола организмни ўрганмаган. Мана шу шаронгда соғлом она ва соғлом бола тўғри-сида гап юритишнинг ўзи кулгили. Она нимжон; бола нимжон, она юзининг ранги қочган. Бундай оналар ўз болаларини ўз сүти билан боқиб қудратига эга эмас. Боласининг юзи сарғимтир, жигари шишган Бунақа болаларда гипотрофия ривожланмасдан иложи йўқ. Ана энди вужудга келган ахволи ўзингиз тасаввур қилиб кўринг: она боласини нима билан боқибши керак? Сут берай деса, сүти йўқ. Дўконларда сотиладиган «Малыш», «Малютка» аралашмаларини берай деса, сув чаток. Бор сувдан фойдаланилса, «Малыш» ва «Малютка» сув билан суюлтирилган захоти ирий бошлайди. Сигир сүтини берай деса кўнгли бўлмайди. Чунки ташки мухитнинг ёмонлашуви сигирларга ҳам таъсир қилиб, масалан, Тўртқўл ноҳиясидаги соғин суларнинг 75 фозини сил билан касалланган.

Кишини каттик ўйлантириб, изтиробга солиб қўядиган тарафи шундаки, бу ўзгаришлар кейинги наслга берилади. Демак, «Коммунизм бу мамлакатни плус электрлаштириш ва кимёлаштириш», деган шнор ўртага ташланган пайтгача авлоддан авлодга кучлироқ бўлиш (мен бу ерда иммунобиологик омилларни назарда тутаяпман) nasib этган бўлса, мана энди бунинг тескариси бўлмоқда.

— Рухий носоғлом, майиб-мажруҳ болаларнинг сони йил-йил кўпайиб бораётгани ҳақида матбуотда кўплай ёзишмоқда. Албатта бу ҳам экология оқибатида келиб чиқаётган бўлса керак.

— Чақалогини оппоқ либосга ўраб, туғруқхонани тарк этган она ўз бахтининг уммондай кенглигини, чекизлигини, ўзининг бекиёс бахтиёрлигини ҳис этади. Бироқ майиб-мажруҳ ёки бирон-бир норасолик билан туғилган болани туғруқхонадан олиб чиқаётган она худди шу бахтни, бахтиёрликни ҳис қилармикан? Бир кулокуфасиз, ёки бироексиз, ёки кўлсиз, ғилай бўлиб туғилган болани кўлида ушлаб, яшайдиган уйи остонасига кадам қўяётган онанинг кўнглидаги хижиллигини, аламини, юрагидаги дардини ҳеч ким йўқотиш қудратига эга эмас. Мана шу юрагидаги дард, кўнглидаги изтироб она қалбида дарз, юзида ажин, сочида оқ пайдо қилади, умрини қискартиради.

СССР Фанлар академияси маълумотларига караганда экология мухити бузилган хоналарда махсус, чуқур текширишлар янги туғилган чақалокларнинг 50 фозидан тўғма касаллик борлигини аниқлади. Бир-бирининг ҳаётини боғлаётган ёшларнинг 40—45 фозидан қайсибир бир сурункали касаллик борлиги кайд этилмоқда. Мана шу сабаблар оқибатида

туғма мажруҳли ва норасоликлар жуда ҳам кўпайди. Мактабни тугатаётганлар орасида 45 фозини сурункали касал, 36 фозини қандайдир бир нормадан ташқари ўзгаришлардан жабр торган. Фақат 20—25 фозини соғлом, холос. Хўш, шу 70—80 фозидан ҳаммаси мутлақо соғлом болалар туғилиши мумкинми?

Нафас олаётган ҳаво тоза бўлмаса, соғлом боланинг туғилиши ўзи бир мўъжиза. Турсунзола ва Сарюсийё худудида болаларнинг мажруҳ бўлиб туғилиши 9 барабар ортди. Бу далалини экологиянинг таъсирисиз, яна қандай омиллар билан изохлаш, тушунтириш мумкин?

— Дард устига чипқон деганларидай, биздаги тиббиёт хизмати ҳам болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ожизлик қилаётди. Биринчидан, касалликлар ўта хавфли бўлса, иккинчи томондан, тиббиёт хизматининг ибтидоий даражадалиги сабаб бўлмоқда. Масалан, оддийгина фақат бир марта укол қилинадиган шприцлар ҳам бизда муаммо саналади.

— Касаллик жазирдан азоб чекиб, инқиллаб, ёрдам сўраб, кўзлари жовдираётган бола бечорага етарли даражада муолажа кўрсатиш воситаларининг шифохоналарда етишмаётгани, андух оғушида беморлар чекаётган азоб шифокор юрагини баттар исканжга солади. Бир марта ишлатиладиган шприц ва игналарнинг танқислигини қўя турайлик-да, касал болалар учун ниҳоятда зарур меъда зондлари, капалаксимон найчалар, махсус каравотчалар, сунъий нафас берувчи аппарат уларга жиҳозларнинг етишмаслигини кўз олдига келтирасану қачон тиббиётимиз чорасиз тиланчидай зорикманлик ҳолидан кутулар экан, дея беихтиёр ўйлашга мажбур бўласан. Болаларнинг бир томчи қонидан унинг организмда қайси моддалар кўпайгани ё камайганини билиш, қондаги нордонлик ёки ишқорий мухитни аниқлаб шунга яраша ёрдам кўрсатиш ирзу қилиш қачон тугар экан-да деб ўйламаган шифокорни жумхуриятимизда топиш амри маҳол. Тўғрида ахир, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўлида, ихтиёрида валюта пули йўқ. Ҳизматининг саноатимиз бу аппаратларни ишлаб чиқармаса, валютаниз бўлмаса, ёлвориб, келишувчанлик йўли билан валютаси бор корхоналарга бош эгиб боришга мажбурсан. Хўш, бунинг тиланчиликдан нима фарқи бор? Хозирча соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган пулдан хориждан олинётган аппаратуралар, реактивлар, асбоб-анжомлар Марказнинг ўзидан ортмаяпти. Эндигина амалиётга жорий қилинган ноёб аппарат, дорю реактивлар, умуман, илмгир ашёлар қуйи муассасаларда анқонинг уруғи. Натижа-чи? Тафаккурнинг қалампирсимон ачиштирган аччиқ алами бутун танангни ловуллаштиб ёндирди. Негаки, бу илмгир ашёлардан фан номзоди ёки фан доктори унвонлиги учун зарурий ва қимматли маълумотлар олинганидан кейингина уни кўриш бахтига муяссар бўламиз. Ана энди ундан фойдаланиб, бирон-бир илмий иш қилмоқчи бўлсанг фойдаси йўқ. Чунки улар равон ва текис йўлдан шитоб билан олға кетаётганида, хали сен ҳосил беришлиги номаълум шудорланган даланинг қок ўртасида турган бўласан. Бир амаллаб равон йўлга чиққанингда эса, э, бу илмий мезонлар билан касалликни баҳолаш эскирди, улар энди ўтмайди, дейишади. Натижа эса аниқ, илмдан кўнглинг совийди. Ҳа, энди бўлгани шу экан-да, деб бошқа олий манзилларда яратилган, тақлиф этилган усул ва усуллар билан ишлайверасан. Бунинг бир томони яхши, бош оғритмасдан тайёридан кўчирма ва андоза олиб кунингни ўтказаверасан. Фан оламида биров сенинг борлигингни ҳам, йўқлигингни ҳам билмайди.

Яна бошқа масала ҳам кишини ўйлантиради. Хозир биздаги соғлиқни сақлаш ишларида гуманизм етишмайди. Эътибор қилинг-а, шифокор иш вақти, ўрин-жой, категория, илмий унвон, неча йил ишлагани учун мояна ва кўшимча ҳақ олади. Лекин у беморни қай даража ва сифатда даволяпти, унинг бунга илмий ва амалий билими етарлими ё йўқми — бунга асло эътибор қилинмайди. Бизнинг онгимизга сингдрилган бир қонда бор: шифокорнинг иш стажига қанча кўп бўлса, у шунчалик тажрибали бўлармиш. Ва шунга яраша ҳақ олиши керак эмиш. Ажабо! Нахотки, дейсан. Шифокор олийгоҳни битирганидан сўнг ўз соҳасига, тиббиётга онд биронта ҳам мақола ўқимаган бўлса, биронта ҳам китобнинг маъзини қақмаган бўлса, қандай қилиб у тажрибали бўлсин! Касал учун қайғурувчан кечая қундуз ўз илмий ва амалий савиясини ошириш учун иттилувчан ёш шифокор устидан бу мазах қилиш эмасми? Қанча ҳаракат қилсанг қилавер, чи-

ранма, чунки сенинг иш стажинг кам, деб айтилган гапнинг айнан ўзи-ку!

Энди табабот олийгоҳини битирган ёшларнинг яхши ишлаши уларнинг этикодига, жонкуярлигига, жавобгарлик хиссини қанчалик сеза билишига боғлиқ. Аммо бу сифатларнинг сабр-тоқати неча йилга етар экан? У бошка дангасалар, ишкemasлар, дунёни сув босса тўпигига чикмайдиған баъзи бир шифокорлар билан ишлайвергач, ўз ишининг сифатига зарур эътиборни сезмагач, нега? деган савол унда пайдо бўлиши аниқ-ку, ахир! У минг баробар коммунистик ахлоқ рухида тарбияланган билан ҳам унинг фидойилиги котиб қолган механизми олдида мумкин дош бера олармикан? Қани, иш стажингиз етмаса «Олий даражали жаррох, ёки терапевт, ёхуд реаниматолог...» деган уивонни олиб кўринг-чи?... Нуфузли комиссия ҳам сизнинг билимингиз, маҳоратингиз, укувингиз юкори эканлигига ишонч ҳосил қилса ҳам, сиз жуда мураккаб ва нозик операцияларни муваффақиятли бажараётган ёки ўта мураккаб касалларни ўз вақтида тафриз қилиб, даволаётган бўлсангиз ҳам иш стажингиз етмаса, кўлларини икки ёнга ёзиб, «Иложимиз йўқ, кўрсатмада рухсат берилмайди...» дейишади. Мана шулардан маълум бўлдики, ҳеч қанақа рағбат йўқ, ишхонангизда ҳам вақтингизни ўтказсангиз бўлди, сизга ой охирида белгиланган ойлик келаверади, чунки сиз вақт учун ишлайсиз. Фойдали иш коэффициентингиз қандай бўлаяпти — бу кўрсаткич асосий эмас. Мана энди андишани йиғиштириб қўяйлик-да, айтайлик: рағбатлантириш бўлмаса, рақобат бўлмаса, хўш, унда ортикча ташвишнинг нима кераги бор?

Муолажанинг усул ва услубларини тобора такомиллаштира бориш, талантли ёшларни хоржларга юбориб, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ўрнига шифокорларни ўтоқ ишларига, яғана қилишга, пахта теришга чикардик. Пахтага зўр бериб, лойиха бўйича шифохоналар қуришни унутиб қўйдик. Бўлмаса ҳар 10000 болага 114 ўрин бўлиш ўрнига атиги 76 та бўлаётганига сукут сақлаб турармикан? Жумхуриятимизда хомладор аёллар учун 7700 ўрин етишмайди. Нега шундай деб ким сўрадио ким жавоб берди? «СССРни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1986-1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган асосий йўналишлари»да «Оналик ва болаликнинг соғлиғини сақлаш тadbирлари қучайтирилсин» дейилган. Аммо шу соҳада нима ишлар қилинди? Соғлиқни сақлаш IV бошқармаси ўрнига ташкил қилинган «Даволаш-соғломлаштириш комплекси» ўз ходимлари учун 1750 сўм сарфлаётган бир пайтда умумий соғлиқни сақлаш соҳасида бу рақам 60-70 сўмни ташкил қилади. Халқ, нега шундай, дея сўраяпти-ку! Охириги пайтларда ҳар бир инсон соғлиғи совет, партия, давлат ва хўжалик органларининг диққат-марказида туриши керак, деган гаплар бўлаяпти. Аммо шундайми?

— Қайси йўлдан бораётганимиз аллақачон маълум бўлиб қолди. Орол денгизининг қуриши, ҳаво, ер ва сувнинг заҳарланаётгани туфайли болалар ҳаётдан кўз юмаётгани тўғрисида шунчалар кўп гапириляптики, ҳатто Тайгадаги ўрмонзорда юрган киши ҳам буни эшитиб улгурди. Аммо ҳали Оролга бир томчи ортикча сув қуйилгани, Навоийдаги химкомбинатлар «эх аттанг, бунинг зарари қатта экан-ку!» дея тўхтатилгани йўқ. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, ҳадемай халқнинг наслига қирон битиши ҳеч гап бўлмай қолди. Сизнингча, бу кўргиликлардан халос бўлиш учун қандай чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш зарур?

— Бутун имкониятни пайдо бўлган касалликларни даволашга эмас, балки шу касалликларни пайдо қилувчи сабабларни бартараф қилишга қаратишимиз зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мана бу маълумотларига яна бир бор эътиборни қаратсак: инсон соғлиғи 50 фоиз ҳолларда турмуш кечирish тарзига, 20 фоиз ташкил муҳит шароитига, 20 фоиз наслий омилларга, фақат 10 фоиз соғлиқни сақлаш ишларига боғлиқ. Бу фактлар қатта-қатта китобларда ҳам, рўзномаю ойномаларда ҳам келтирилди. Бирок унга эътибор бўляпти, деган ишонч йўқ. Чунки натижанинг нишонаси ҳам кўринмаяпти. Аммо халқ соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш яна медицина таъминотини яхшилаш ҳисобига удалашни вазифа қилиб қўйилмоқда. Бизнинг диққат-эътиборимиздан «Соғлом турмуш тарзи — асосий мезон» деган қонуний тушунча четда қоляпти.

«Халқнинг соғлиғи ёмон! Тезда медицина хизматини яхши-

лаш керак!», дея ҳайкирганимиз билан иш битмайди. Чунки «Соғлиқнингиз ўз қўлингизда» деган сўзлар ҳозирги экологик қиёмат муҳитида ўз аҳамиятини йўқотган. Тўғри, бутунлай эмас. Лекин инсон организмни атроф-муҳит билан шу қадар чамбарчас боғланганки, уларни айрим-айрим олиб, бир-биридан ажралган ҳолда иш юритиш мутлақо мумкин эмас. Чунки организмнинг ўзи табиат бағрида вужудга келади ва шаклланади. Ҳозирги даврдаги ташкил муҳит шароитларини бундан юз йил аввалгиси билан умуман таққослаб бўлмайди. Атроф-муҳит шу қадар жароҳатланганки, жаррохлар тили билан айтганда, тезликда операция қилмасдан туриб, кескин даражадаги ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин эмас. Биз сув ичамиз, озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қиламиз, аммо улар таркибидаги ҳар хил захар ва зуккумлар қонга тушиб, жигарни, буйракни, қон ишлаб берувчи органларни ншдан чиқараётганлигини ҳам ўйлаб кўрайлик-да!

Мана экологик вазият ёмонлашганлиги, натижада касалликларнинг кўпаяётганлиги тўғрисида матбуотимиз анча вақтлардан бери бонг урмоқда. Аммо шунга жавоб қанақа бўлаяпти? Санитария-эпидемия станциялари ўз ҳуқуқларини бюрократик аппаратга аллақачон бериб қўйганликлари ҳам сир эмас. Ахир шу пайтгача бирон бир эпидемиология ходимининг ёки санитария мутахассисининг жўяли ва салмоқли гап билан чиқиб, ҳавони ифлослантираётган, сувимизни булгаётган, ернинг қовурғасини синдираётган мутасадди ташкилотнинг ишини аёвсиз фош қилганини ким эслай олади? Айни ҳақиқатнинг аксиомасини рўй-рост айтиш пайти келганида бу жимликни нима билан тушунтириш мумкин? Ахир бир нарсани тушуниб олайлик: касалликни йўқотиш учун шу касаллик вужудга келишига сабаб бўлган факторларни, омилларни йўқотишдан бошлаш кераклиги аён.

Хўш, экологияни яхшилаш учун нима қилиш керак? Бу кийин муаммо. Лекин бир нарсани таъкидламоқ керак: ўзига ишониб топширилган ерга ортикча ўғит солаётган дехкон, ҳавони ифлослантираётган завод хўжайини бунинг ҳаммаси инсон соғлиғига зарар етказишини чин дилидан ўйлаб кўрмаса экан, улар устида жамоат назорати ўрнатилмас экан, ахволнинг ўнгланиши жуда ҳам кийин гап. Чунки ҳали ҳам кўп тўралар фақат ўз мансаби ва плани ўйлашади. Ортикча ишлатилаётган ҳар бир грамм ўғит ёки пестицид, ҳавога пуркалаётган ҳар бир грамм захарли тутун инсон организмни учун ҳалокатли таъсирини ўйламас эканми, ахвол ўзгармасдан қолаверади. Умуман, одамлар орасида экологик маданиятни кўтаришимиз керак.

«Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилидаги хўжалик юритиш усулларида буткул воз кечиб, энг аввало соғлиқ ва фаровонлик тўғрисида қайғуриш биринчи навбатга чиқиши шарт.

Яна бир гап. Ибн Сино, Беруний яшаган даврда ҳам палов жуда лаззатли бўлган. Чағминий бобомиз Хоразмнинг ширин-шакар қовунларидан бахраманд бўлган, Пахлавон Маҳмуд ширин таомлардан куч олган, Ибн Ботутта Амударё сувининг ширинлигини таъриф этишга гўзал сўз топа олмаган. Демак, ўша пайтларда ўғитсиз, пестицидларсиз яхши ҳосил етиштирилган экан-ку! Ҳозирги пайтда ҳам бунинг иложи бор. Бунга мисол Дания. Нега жумхуриятимизда мумкин эмас экан? Шунинг учун «гиёҳванд» ерларимизнинг соғлиғини ўзига қайтариш учун бор имкониятлар билан муолажа қилиш зарур. Бунинг асосий йўли «гиёҳванд»ликка сабаб бўладиган қимёвий заҳарларнинг бирон-бир турини ҳам мутлақо ишлатмаслик. Бобо дехқонларимиз минг йиллар давомида яратган дехқончилик маданиятини ўрганиш, татбиқ қилиш в амалиётда қўллаш ниҳоятда зарур.

Талвасада тўлғанаётган Оролни қутқариш халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги энг улуг, энг улкан, энг баракали ва савоб иш эканлигини унутмаслигимизни ҳаётнинг ўзи такозо қилмоқда. Оролнинг фожеаси соғлиқни сақлаш фақат тиббийёт ўзига тегишли эмаслигини очик-ойдин кўрсатди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: ШОДИҚУЛ ҲАМРОЕВ

Садриддин Салимов



СЕН ШУНДАЙ УЛКАНСАНКИ...

Утганларнинг нафасими бу?
Уни газ деб ёқамиз бизлар.
Нафасимиз бунчалар совуқ,
Бу нафасдан келажак музлар...

Илашибти сенга бир ШАРПА,
Ҳасадгўйми, айғоқчими у?
Лекин унга беролмай зарба
Яшамоққа маҳкумсан, ёҳу!

Насибангда буғдойми, арпа?
Хуноб бўлма сен— ҳақгўй, дайди!
Илашибти сенга бир ШАРПА,
Шоирлигинг ростга ўхшайди...

Гумбазларни чирмаб олмиш, водариғ,
Радио—сим, электр—сим, юзлаб сим.
Йигирманчи аср—улкан ўргимчак
Бухорони айламиш тилсим.

Бухорода Бухорони соғиниб,
Мен ҳар тонг умид-ла ташлайман назар.
Ноумид шайтондир, қутулармикан—
Ўргимчак дастидан бу шаҳар?

Шоир— ўтмиш,
Келажак,
Уни бўлдириб бўлмас.

Шоир—миллат,
Шоир—юрт,
Уни ўлдириб бўлмас.

Яхшини ёмонга айлантирдилар,
Ростни ҳам ёлғонга айлантирдилар.
Сен халқ эдинг, асл халқ эдинг, халқим,
Сени оломонга айлантирдилар.

Гурс-гурс қадам ташлаб бемалол
Бухорони айламоқчи забт
Темир-бетон бинолар, шоир,
Улар йўлин тўсмоқлигинг шарт!

Пасткўчалар, Минору Тоқлар
Сен борсанки, юраги тўқдир.
Портлатилган Қалъанинг эса
Қалқон бўлиш сиёғи йўқдир...

Самадга

Узгалар ёлғон сўзлаб,
Сени алдади осон.
Сен эса яшаяпсан
Сира сўзламай ёлғон.

Узгалар чоҳ қазади,
Омадинга кўна олмас.
Сен шундай улкансанки,
Чоҳлар сени кўма олмас.

Пасткўчанинг елкаларига
Тирмашибди темир қувурлар.
Қувурларнинг ичидан оқар
Қай асрдан келган ҳовурлар?

Пасткўчалар— қадим кўчалар,
Бухорода қолмиш қисилиб.
Кун кўрмоқда улар бўйнига—
Йигирманчи аср осилиб.

Пасткўчанинг елкаси яғир,
Яғир этмиш уни қай нокас?
Қувурларнинг оғзидан чиқар
Миллион йил олдинги нафас.

Сўроқ

Ким айтади, бундан дилга
Аламми, қувонч?—
На худога, на бандага
Бўлмаса ишонч?

Қайда сўнги манзилимиз?
Ҳайратда қолдик.
Чунки дўзах, жаннатни ҳам
Йуқ эта олдик...

• • •

Ишим кўп деб заминни тавоф
Этолмадим ўзимдан ортиб,
Замин кўрпа бўлади бир кун
Ухлагайман устимга тортиб.

Умр


Дўстим Салим Фозил ўелига

1

Кунларнинг маъзига сочилди
Умрим, оҳ, дон мисоли.
Йиға олмас, тополмас уни
На чумчуқ, на чумоли.

2

Кимлар сени талаган, титган, умрим?
Сен ҳақингда ким ёлғон битган, умрим?
Энди излаб тополмайман ҳеч қачон —
Бешйилликлар қаърида йитган умрим...



• • •

Дарс ўтмоқ-чун хонага кирсанг,
Деразалар тингласа сени
Оғзи очилиб.
Тингласа бўр майда-майда —
Эриб, сочилиб.
Шифту девор маҳлиё бўлса
Дардингга фақат...
«Дод!» деб чиққинг келар синфдан,
Бу қандай даҳшат?!

Даҳо мисли қуёшдир

Қайдан аниқлагайсан
Ҳавонинг миллатини?
Қуёшнинг юртинию
Дарёнинг миллатини?

Даҳо мисли қуёшдир,
Ол зебу зийнатини.
Бошинга урасанми
Даҳонинг миллатини?

Эшитмасам ҳеч қачон
Гумроҳлар ғийбатини.
Гумроҳ текширмиш Одам
Атонинг миллатини.

Маълум этмиш ҳаммага
Алар паст тийнатини,
Паст кимса қайдан билсин
Самонинг миллатини...

• • •

Не сабаб Бухоро ҳувиллаб қолди,
Эҳром ичра итлар увиллаб қолди,
Ёшу яланглари чувиллаб қолди,
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?

Нуробод нурини замин ютдимиз?
Нақшбанд сўзини эл унутдимиз?
Аё дўст, менданми, сендан ўтдимиз?
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?

Е кўкдан тушдимиз Ҳорут-Морутлар?
Эҳромларда «сабоқ» олди кўп итлар,
Бухоро танини сўрмоқда битлар,
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?

Туғларни чопган ким, руҳлар дарбадар,
Қаерда ҳақиқат, қаерда зафар?
Ҳаром заҳарга ем муқаддас шаҳар!
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?

Ўтмиш бор, ўтмишинг минг битта китоб,
«Барига ўт қўйдим!»—дер қай беодоб?
Сени хароб этган бўлмасми хароб?!
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?

Зилолсув чашмалар, ҳайҳот, қурибди,
Келажак ёқамдан тутиб турибди,
Арвоҳми, худоми бизни урибди,
Бухорони захга ботирган кимлар?
Фитрат, Файзуллани оттирган кимлар?






БАҲОДИР МУРОД АЛИ

КЎКТЎНЛИКЛАР

Қисса

Мунаввархон Қодиркулхожи кизи
ва Рустамжон Қаҳдоржон ўглининг пор-
лоқ хотирасига.

Ҳар кимнинг тушови
ўзи билан

Баҳодир Мурод Али (Муродалиев) 1954 йил Андижон вилояти, Пахтаобод (Қўқонқишлоқ) ноҳиясининг Эскиқўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика бўлимида таҳсил топган. Илк ҳикоялар тўплами — «Оқтўш» чоп этилиш арафасида. «Кўктўнликлар» Баҳодирнинг биринчи йирик асаридир.

«Ёшлик» журнали муҳарририятида хизмат қилади.

Унинг болалигини бозор қилган Зарварақ, Зарварақни Зарварақ қилган Жўра Қўлдошнинг қарвонсаройи. Қарвонсарой шундоқ йўлнинг четида, пешонанинг қоқ ўртасида жойлашган, холдек кўзга ташланади: келаётган йўловчи шуни мўлжал қилса, кетаётгани манзилни шундан белгилайди. Пастқам адирлардан кавланган энг кичиги ўн газ келадиған қатор тўлаларда меҳмонларнинг отига емдан тортиб, ўзларига озиғу қимизгача ғамланган. Бу икки гўшани ҳам ажратиб, ҳам мураса қилдириб турган арава йўл қишлоқ томонга бесабр бош урган. Йўлнинг икки четини то чойхонагача бирига мингашган баққолчилик, қандолатчилик, атторлик, заргарлик, новвойхона каби дўконлар ишғол этган. Дўконлар шомдан сўнггина мижозлардан юз ўгирган— ёпилган. Ёпилганики, бўйра «эшик»нинг паранжи тўсгандек тушириб, каноп боғичларда боғлангани.

Қишда қарвонсаройга, ёзда ариқ бўйидаги толзорга кўчадиган чойхона ҳамиша ғавжум. Сўриларда иссиқдан бошларига бодринг пўчоғи ёпиштириб олган дилтортар кексалардан тортиб кўзларини чирт юмиб, ўзларини арши аълода кўрадиган бангию кўкнориларгача жам. Ногирон от қўшилган кўқонараванинг ғилдирагидек вазмин айланадиган чархпалак бевафо дунёнинг ўткинчилигига ишоратдай — унинг кўралари девонанинг тангасидек ҳар хил; рисоладайлари ҳам бор, баъзилари биринчи маротаба кўлга сув қуяётган ёш боланинг обдастасидай бирваракайига бўшаниб, сув сачратса, бошқалари кўтарилгунча бор-бурдини тўкиб, новга етганда оғзини қуруқ очиб ўтиб кетади. Толларга илинган сон-саноқсиз тўрқовқлардаги сайроқи бе-

даналар, оппоқ яктакларини ҳилпиратишиб, чойхўрлар хизматига шошган чой ташувчи болалар, куннинг ис-сигига дош беролмай тимлардан қочиб, соя-салқинга мол ёйган савдогарлар бу ажиб даргоҳга файз ато этади. Зарварақнинг савдогарлари пулнинг қадрини ҳам, одамнинг қадрини ҳам яхши билишганидан аввало молининг сифатию юртнинг обрўси учун қайғуриш-ган, сўнг харидорнинг кўнглини овлашган, уларга хизмат қилишдан асло бўйин товлашмаган. Тўғри, барча савдо аҳлида бўлганидек, булар орасида ҳам устомон-лик бор, бироқ булар элга дастурхон қилишмаган, чунки моли ерда қолмаслиги аён. «Зарварақда пахса деворниям майдалаб сотса кетади», деган гап бежиз айтилмаган.

Чойхонанинг гала-говурини гоҳи-гоҳида карвонсарой-нинг тўполонигина бузиб турган: туяларнинг ўкириши, отларнинг кишнашлари, эшакларнинг ҳанграшлари, ит-ларнинг ҳуриши ва катта-кичик, бўғоз-қисир дод-вой-лар. Чойнак қопқоғининг жаранглашидан ҳам чўчиб тушадиган гиёҳвандларни ҳисобламаганда, деярли бар-ча бундай «гиря»ларга кўниккан. Карвонсарой ўз номи билан карвонсарой, ҳар ҳолда, овоз чиқмаса карвон-саройлиги қаерга борди бунинг. Аслида, бу оддий ҳол: кимнингдир туяси, кимнингдир эшаги ёки оти бўшалиб кетиб, чакана томоша кўрсатмаган, орага олдинига итлар, сўнгра эгалари тушиб, ёқавайрон бў-лишгача боришган, холос.

Зарварақ наинки атроф қишлоқларнинг, ҳатто Туман-боғ мавзесининг гапирса гапиргудек, олиб борса уял-магудек гузари эди. Кишиларнинг турқи-тароватидан, дунёни сув босса тўпигига чиқмайдигандек бежавотир ўтиришларидан диллар яйраган, кўнгилга ёмон ўйлар буйламаган, гўё бу ерлар ҳаминиша обод туришга васиқаси бордек, гузар-гузарлигидан тонмайдигандек тасаввур уйғотган. Лекин айнан шу гузар хусусида бўлмаса-да, чойхонадаги кексалар дам-бадам башорат қилувчи эдилар:

— Бир обод жойнинг бир хароб бўлиши, бир хароб жойнинг бир обод бўлиши бор. Гузар-кузар, бозар-ўчар, деб бекорга айтишмаган.

Шубҳасиз, истироҳатда ўтирган мижозларга қария-ларнинг бундай-чикин гаплари ёқинқирамасди.

— Нега энди шу пайтгача Зарварақда гузар тарқа-мади? Эс-эс биламиз, катта оталаримиз айтишган: «Мана шу ариқ бизнинг ёшлигимиздан бери оқади, чойхона кечасию кундузи очик, беданалар ҳамон сай-раяпти», деб. Тўғрай дарахтга кўнибдими ёки хотиндан қассоб чиқибдимики, биз ота-боболаримизнинг гузари-ни тўзитсак?!

— Гузарини деябсиз-а, иним. Алҳол замон охирласа, мазорини бузасиз, мазорини!

Имомнинг гапидан мутаассир бўлган Дўлта бужур овози борича гап қотди:

— Хў, мулла Эгамберди, оғзингизга қараб гапи-ринг, ҳали имонимиздан кечганимизча йўқ.

Мулла ўз номи билан мулла, китоб кўрган, мад-расанинг тупроғини ялаган, яна анча-мунчасида эмас, нақд Бухорои Шарифда таҳсил топган. У бутун аҳли жамоани миқ эткизмай оғзига қаратиб юрганда, Дўлта бужурга жавоб қилиш нима деган гап:

— Имонни ислом мустақамлайди, бой! Оллоҳнинг қудратига ишонмаган одамдан ҳар нарса кутгулик. Ҳеч бўлмаганда жума номозига чиқиб туринг.

Асқаралибекнинг ўша дамдаги болаларча ўйлари Дўлта бужурнинг хижолат чекканию Соли бўқоқнинг бўқоғини селкилатиб кулгани теварагида бўлган. Обод жой ҳақидаги гаплар бир кун мана шу Зарварақ бошида кечишини Асқаралибек тугул, уни башорат

қилганлар ҳам хаёлига келтиришолмасди. Ваҳоланки, гузарнинг харобага айланиши у ҳақда оғиз кўпиртир-ганлар қолиб, Асқаралибек номи билан боғланди. Бекнинг хатоси мухорибада йигитларига машъала (ҳар бирида иккитадан) тутқазганлигида. Тўполонда кўлидан тушиб кетгани, ўқ еб йиқилганда туташгани, бал-ки ўтни ўзлари атайлаб қўйишганими?..

Нима бўлса ҳам, гузар ёнди, йўл четидаги сўппай-ган том борки, ҳаш-паш дегунча кули кўкка совурилди. У қочишга қочди-ю, ўт ҳақида, ундан қоладиган тав-қи лаънат ҳақида ўйлаб кўрмади. Мавриди эмасди, бу хил йўл тутишларини билмасди, билолмасди. Утни ёғий қўйиб, унинг номи булғанди: «Мўлтонидан ботир чиқса, чодирига ўт кўяр. Асқаралибек бек бўлиб гузар-нинг бошига етди».

Агар ёмонотлик бўларини билганида ўлса ўларди-ю, ўтни ўчириб кейин чекинардди. Ёғийлар қишлоқни шу эгаллаган бўйи қўлдан бермади, карвонсаройга мус-таҳкам ўрнашиб олиб, куч тўплади. У қишлоққа юриш қилмоқчи эди-ю, элнинг норозилигидан кўрқди, ўз юртига от тортиб боришни эп кўрмади...

Асқаралибекни олиб кетишаётганда «Кўриб қўй, бу фалокатларга сен айбдорсан» дегандек атайлаб уни ана шу вайроналар ёнидан олиб ўтишди. Қатор дўкон-лар қорайиб кулга айланган, чойхона эгасиз ҳовлидай хувиллайди, чархпалак синиб ётар, гузар мазор-дай совуқ эди.

Мулла Эгамбердининг нафаси кетганмикан ёки замон охирлаганмикан? Бўлмаса гузар шу аҳволга ту-шармидию буни бекка тўнкашармиди. Одамлар шун-чалар қўймижозки, ким нима деса ишонишади, ким қаёққа бошласа кетаверишади. Дўсту ғанимнинг фар-қига бормай бекни тутиб беришди-я! Қирғий боланинг арпасини хом ўрганмиди, дилига шунчалар озор етказганмидики, унга шуни раво кўрди. Майли эди, тузукроқ бир, улугроқ бир мақсад йўлида шунга кўл урган бўлса, алам-аччиғи йўқ, пешонада бори деб, чекинга чиқса чекчайма деб тақдирга тан берар-ди. Ҳар бир эр кишига юрт қайғуси, дин қайғусидан бошқа яна не бор?! У қирғийлигига борибди, оёғи-нинг остини, ўзининг оромини кўзлабди, туз еган тузли-ғига тупурибди, элни арзонга пуллабди, уни ялангоёқ-лардан афзал билибди, начора, бу ҳам кўргулик. Унинг хатоси одам боласига ишонганлиги— қирғий болани ав-валига навкарликка, сўнг удайчиликка олгани, очлик-дан силласи қуриб, сумакдай келган йигитчанинг қорни-ни тўйғазиб, бойваччалардек кийдиргани, мисни олтин-га фараз қилгани, алдангани, алдангани...

Онасининг гапини гап демаганди, қирғийликларни одам ўрнида кўрмаганидан ранжиганди:

— Буям худонинг бир бандаси, опа, бир келин бўлар, шунчалик бўлар, намунча ношукрсиз.

— Сен нимани биласан, болам. Отам раҳматли қир-ғийни мардикорчиликкаям олмаган. Сен қўйингга со-либ, эркалаб ўтирибсан. Икки қирғий бир шайтон, деб бекорга айтишмаган.

Онаси ҳақ экан, қирғийнинг иккала боласи (бири марҳума хотини Нисора, иккинчиси— удайчи бола) ҳам нобоп чиқди, уларга кўнгул қўйиб, пешонасини си-лаб ҳўб янглишибди. Биринчисидан дили пора, тур-муши қаро кукун, иккинчисидан ичи тўла оғу, ҳўли орқада. Билагини билагига қўйиб боғлашган, чилвир эмас, қайиш, қайиш бўлгандаям бегона эмас, ўз оти-нинг юганидан қирқишган, ўрмаси майда, ишлови пишиқ. Сиқиб ташланганидан темирдай қаттиқ эди, ёмғир еб юмшади, қимирлатишнинг иложи топилди, лекин чиқаришга уринмади. Дамашқий қиличи белида бўлганида бир нав эди. Билишар экан, тиккасига тош-

ни кесадиған, энига ипакдай эшиладиған қиличи белбоғининг остидан ўралғанди, тортиб олишди. Бари қўлдан кетган, бари беҳуда, қочганда қаерга боради, элидан айри яшолмайди, юртидан кўнарға жой топилмайди. Навкарлари тўлаларда экан, келаётиб ғалағовуридан пайқади, қайниси Исмойил кўрбоши Ушға чекинибди, нажот шулардан эди. Күни кеча уни тўлага ташлашганида бунчалар чорасизлигини билмаганди. Ётқизилган кўзадек қоронғи тўлада ҳибс эканлигини чин демаганди, булар ҳеч нарсага арзимайдигандек, болаларнинг беркинмачоқ ўйинидек кулгили, айни замонда таҳқирумоз туюлган. Мўрисиға четан ташлаб, устидан кигиз ёпишганида, тўла баттар зимистонга айланиб, ишончига юпқа парда тортилгандек, нохуш кайфият уйғотган. Ва шу билан бирға қоронғулик унинг шууриға бир эрк ҳада этди, умидларига ҳаёт югурди, юқоридан эшитиладиган номи шарпа берки, унга алоқадордек, уни қидириб безовта изғиётгандек бўлаверди. Бора-бора шарпалар тинди, у кутиб толиқди, деворға суяниб кўзи илинди, қанча вақт ўтгани номаълум. Туйнукдан шувиллаб тупроқ тўкилди-ю, у уйғонди. Мўри очилди, у кўзларини ишқаб, юқорига мағрур тикилди. Ҳозироқ арқон солишадигандек, икки-уч киши бўлиб дарҳол ўрадан тортиб олишадигандек ва отни рўпара қилишиб, узангини тутадигандек эди. Шошган экан, узок кутди, тепадан садо бўлавермади, бир маҳал нимадир штирлаб бир уюм сомон ҳамда чилвирға боғланган офтоба тўла сув тушди. У ётган тўла тўлаларнинг энг кичиги (эни тахминан бир ярим, узунлиги олти, шипи икки ярим газ), деворлари тухум пўчоғининг ичидек сўйра қилиб силлиқ қиртишланган, мўриси елпиштовокдек, эшиги кўмиб юборилган. Илғари бунда қимиз, бўза, шароб сақланганидан ачимсиқ ҳид анқийди. Сомоннинг ёқимли ҳиди тўлани тутди-ю, бўйини кўтаролмади.

Негадир бу гал мўриға кигиз ёпишмади, четан ташлаш билан кифояланишди. У шундагина осмонни, бодраган юлдузларни ва ойни кўрди ҳамда билдики, тўлага тушганиға бир кечаю бир кундуз бўлган. Бурунсиз соясиға қараб ўксинди, унинг сояси довруғи сингари катта, отда юрса туяда кетаётгандек улкан, кўрган сайин қувонарди, энди эса чопонининг ярмича келади, остига тўшалган сомондан ҳам ташқариламаган. Омад кетгач, соянг ҳам кичраяркан.

У қоровул йигитлар етовида Жўра Қўлдошнинг карвонсаройидан таралиб турган чироқларға яқинлашаркан, ориға қаради. Энди кечаги сояни ҳам кузатиб келаётган йигитлар босиб, ўзларининг сояларига қўшиб олишган. Тамом, бекнинг сояси йўқ, ном-нишон йўқ, қуруқ жусса... сақлаб ўтиришмайди, отиб ташлашади.

Сўроқхонаси—сайсхона, уйнинг қаеридандир чакка ўтаяпти, харига илинган ўнинчи лампа пориллайди, тўрдаги столда қоғозға термулганча командир, ёнидаги курсида Жалолоддин. Командирнинг бўйи Жалолоддинникидан баланд, елкаси кенг, шапкаси сал униққан. Командир бош эгиб ўзини танитди:

— Сорокин Владимир Николаевич! Бу—ҳамюртингиз Жалолоддин Қодиров,— дея Жалолоддинға ишора қилди.

Командир ўзбекчадан тузук, ёмон гапирмади, аммо одамнинг кўзига қарамас экан.

— Марҳамат, курсиға ўтиринг.

Курси қисирлаб орқа томонға қайишди, унинг қўллари деворға қадалди: «Сувоғи сомон сувоқ, нам тортган: демак, тарнов кўчган, булар жойлашишға жойлашган-у, орқа-олдига қарашмаган, танаси бошқа дард билмас».

— Асқаралибек! Сизни ва йигитларингизни ҳарбий трибуналға берамиз. Исмойил кўрбоши ҳам, Шомирзабек ҳам ҳадемай қўлга тушади. Кўп қон тўкилди. Бундан буюғи бизға ёрдам беришингиз керак. Шунда кўп оилаларни фарзанд, ота-она, ака-ука доғидан халос қиласиз. Жазоингиз энгиллашади.

«Қизил командирнинг кўриниши ёққанди, овозиям дуруст, фақат гапининг маъниси жиндай оқсаган, яхши тарбиялашмабди ёки шунақаларни юборишармикан?»

— Отингларға сайслик қиламанми?

— Нима қилишингиз кераклигини ўзимиз айтамыз. Рози бўлсангиз ҳисоб.

«Қўлинг баланд, хушёрсан, ботирсан, бировнинг уйини олсанг ҳам сен учун ҳалол, йўлинг кўп, адолат сен томонда. Нима қилишинг зарурлигини ҳақиқатан ўзинг биласан. Тўғилган юртимда— Зарварақда, деворига айрим миниб катта бўлган карвонсаройда кўлимни боғлаб сўроққа тутяпсанми, шумлигингга балли! Манаву ҳожининг боласиниям хўб аврабсан, қопадиған қилибсан, ўзиники билан бегонани ажратолмайди, кўзи сўқир, дили одам танимайди.»

— Унамасам-чи?

— Ихтиёр ўзингизда, сизни мажбурламаймиз. Бизнинг ҳукумат одил ҳукумат. Ҳар кимнинг эрки ўзида.

— Қўлида «кишани» биланми?— деди бек ўзининг қўли боғлиқлигига шама қилиб.

— Ҳозирча «кишани» билан, кейин кўрамыз. Сизнинг кўмагингизсиз ҳам бошқаларни қўлга оламыз. Қурбон кам бўлишини ўйлаганимиздан шундай йўл тутмоқчимиз, холос.

— Юртини деб ўлганларға ачинманглар. Нима қиласизлар уларни шаҳидликдан бенасиб қилиб?

— Сизнингча, бекордан-бекорға ўлиб кетиш шарафми?

— Фақат ўлиш эмас, ўлдириш ҳам шараф.

— Шунинг учун ўлдирибсиз-да, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни?!— дея Жалолоддин гапға аралашди.

— Одамниям эътиқоди бор, одам ўлдиради, мулла Жалолоддин, кўкрагида бир нарсаи бор одам ўлдиради. Сизға ўхшаганлар товукуням ўйланиб сўяди, қўли қалтирайди, ўлимдан кўрқади, ундан баландроқ нарсалар борлигини билмайди. Қолаверса, мен ўлдириганлар бегуноҳ эмас, сизнинг сингари элиға тескари боққанлар.

— Бек! — деди командир босиқ овозда. — Бу гаплар эскирган. Уша сиз айтган элиға тескари боққанлар юртнинг ободонлигини, халқнинг фаровонлигиниям ўйлашганди. Сиз эса сўраб-суриштирамай ёстигини қуритдингиз, мол-мулкни таладингиз, қиз-жувонларни очиққа чиқаришға қарши турдингиз, хуллас, босмачиликдан бошқа нарсаға ярамадингиз. Шуми сизнинг эътиқодингиз?

— Қўй, командир!— деди бек.— Ташвиқотингни менга сингиролмайсан. Бошимниям қотирма, хомтамайя бўлма, сенларға фойдам тегмайди. Ўлдирадиған бўлсанг, ўлдир-да, қутул! Тўғрисиной айтсам, иккаланг ҳам икки қулоғинг билан эшитиб қўй: менинг босмачилигим ҳам, сенларнинг қизиллигинг ҳам ёлғон!

— Ҳақиқат, сизнинг беклигингиз энди тамом. Бизнинг қизиллигимизға келсангиз, бир оз шошилдингиз. Майли ўзингиз билинг. Кейин афсусланиб юрманг.

...Бекни ташқарига олиб чиқишганида ҳамон ёмғир ёғар, қўлнинг орқадалигини, атрофдагиларнинг қоровуллигини ҳисобламаса, ажиб, тароватли тун эди. Адирликнинг сағиз лойида юриш қанчалик оғир бўлиш

баробарида, шунчалик завқли. Худди болалик дам-ларидидагидай, ёмғирлар эзгин-эзгин, лойлар қаймоқдай майин, оёқларни сиранчдек қучган, ҳеч қўйиб юборишни истамаётгандек. Қанийди шу дамда оёғидаги этигини ечиб, қўнжиларини боғлаб, елкасига хуржундай ташлаб олса-ю, қўнгли тусаган томонга кетаверса. Ёмғир ёғаверса, у тўхтамаса, адирма-адир, қирма-қир йўлини давом этказаверса, то ҳолдан тойгунча, йиқилиб қолгунча юрса, ортидан соқчилар таъқиб этмаса, ҳовури босилармиди, унутармиди... Яқин-яқинги-нада мана шу орзу қилаётгани бошидан кечмаганмиди, ёғаётган сим-сим ёмғирдан жунжикиб, уйга чопмаганмиди, тиззага урадиган арава йўлдаги тупроқни тўзғитиб қувонмаганмиди? Энди бари бегонадек, орадан ўтган шунча йиллар ўтмагандек, бирдангиа шу ҳолга тушган-у, улардан айрилгандек...

У гоҳ сирпаниб, гоҳ йиқилиб, тўлалар устидан ўтаётганида ҳозиргина юзига сурмоқчи бўлган, оёғини қўйиб юбормаётган лойдан-да, маъни топди: ер уни торяттимикан?...

Ёмғирнинг салқини тўлага тушгандан кейин билинди. Чопонига ўралиб, сомонга ёнбошлади. Мўрининг қирғоқлари ивиб, бир парча лой ўприлиб, шундоғ оёқ томонга таппидек попиллаб тушди. Солим-солим ёмғир унинг руҳиятини баттар эзди, рутубат ўз исканжасига олди. У қўмғондаги сувда таҳорат олди ва беихтиёр тили калимага келди. Дастлабига оятлар эриш туюлди, овози бегонаникидай қовушимсиз эшитилди, кейин кўникди, аста-секин ўша ярашиқсиз муножотлар оҳанг касб этиб, ўзига ром этди, сел қила бошлади. Наздида қуйлаётгандек эди, қўшиқ, сўзлари қуръони шарифдан эмас, юрак қатидан отилиб чиқар, шуурга жамики муқаддас мусиқалар ва инсон зоти ҳали бир-бирига ҳада этмаган илоҳий қудратлар янглиғ оқиб кирарди.

Гўё борлиқ унга алоқасиздай, бу оламда яшамаётгандай, шу дамгача бирор нарса юз бермагандай, ҳеч кимнинг умрига зомин бўлмагандай ёки жуда кўп яшагандай, яшашдан чарчагандай, энди ҳордиқ чиқараётгандай, барчасини унутаётгандай. У одам бўлиб ибодатдан бунчалик истироҳат қилмаган, бунчалар дуога суянмаганди.

Бобоси мулла ўтган — ўттиз пора қуръонни етти ёшида ёд ўқиб, аҳли Шаҳрисулунни тонг қолдирган экан. Онасининг бирдан-бир орзуси Ойдин опасини отин, Асқаралибекни қори қилиш эди. Опаси зукколигидан тез ёд олган. Уни эса совуқ кунлари сандалга тик турғазиб қўйиб, кун илиса томга қўйилган нарвон устига чиқариб, сура ёдлатарди. Ургатганларини такрорласа-ю, хўп-хўп, такрорлай олмаса тепадан туширмас, қачон бехато айтганда тушсан, деб ўтираверарди. Шунда отаси унинг ёнини оларди:

— Намунча болага ёпишиб олдинг? Қўй энди, бола-боладай бўлсин-да, керак пайтида ўрганар, туш, ўғлим.

— Йўқ! Бўлар бола бошидан, ҳозир ўрганмаса кейин ўрганмайди, тушма! Иккаламиздан қоладиган бирдан-бир тирноқ шу иккиси, бизниям боғлаб бергани йўқ... Эртами индин чироғимизни ёқиб, ҳаққимизга дуо ўқийдиган одам керакми йўқми, ёки ўлдинг — ўчдинг деб ном-нишонсиз кетаверамизми? ОхираттIAM ўйланг, чол. Билиб-билмай қилган хатоларимиз бор.

Ҳаммага гап топиб берадиган отаси бундай пайтларда ўйга толарди.

— Билганингни қил-а, мен болани қийналмасин дев-ди-да.

Сураларни тутилмай ўқиган кунлари онаси ўзида йўқ хурсанд, ўтқизгани жой тополмай қоларди. Икки гапининг бирида: «Менинг ҳассакашим, йўқловчим, шам-

чироқ ёқадиганим, қуръон ўқийдиганим», дея кўзлари-да ёш билан бошини силарди.

— Мен ўлсам мазоримга бориб, опанг билан тиловат қилиб турасан, хўпми, ўғлим.

— Шотида ўтириб ўқийверсам-чи?

— Шотидаям ўқийсан, тупроқ бошигаям чиқиб тури-шинг керак-да.

— Шотида ўқисам эсимдан чиқмайди-да,— дерди у мазордан қўрқишлигини яшириб.

Онасининг васиятлари қанчалик мустажоб бўлган— худонинг ўзи билади. У ҳамиша банд эди, дунёнинг ишлари усиз тўхтаб қоладигандек эди. Ёлғонмас, қаердандир келишаётганида йўллари жойиростонга тушиб, қабрини топтирган, муллага тиловат қилдирган, янтоқларини тозалатган. Янтоқларнинг томири нақд майитнинг баданидан ўсиб чиққандек узун эди, ҳеч қайсиси таги билан юлинмаган. Уйласа онаси шундай бўларига ишорат қилган экан.

— Чол, биз Асқаралибекнинг орзу-ҳавасини кўра-мизмикан, болаларининг қўлидан сув ичамизмикан ёки бунинг қўлидан иш келганда устимиздан янтоқ ўсиб чиқармикан?

— Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейишлик. Нафасингни иссиқ қил, кампир.

Тириклик— соя, ўлим— асл, неки мавжуд— беқадр. Ҳаётлигида қадрига етолмаган онасининг бу ёруғ дунёдан топгани опаси билан у эди, умр бўйи шуларни деди, камига мазорида-да тинч ётолмади, руҳи парвона каби, жонсарак...

Уша куни кечгача кўнгли ғаш, ўзини қўйгани жой тополмай, Соли бўқоқни олдирди. Уям кулфи дилини очолмади, кулишга кулди-ю, яйраёлмади, гаплари енгил-елпи, қилиқлари бачканага ўхшаб кўринди. Бошқа пайт бўлса қотиб-қотиб куларди. Чор-атрофини ўзи кузатиб, соқчиларни назоратдан ўтказиб, хуфяларни йўқлатди. Улар ҳам ҳеч қандай хавф-хатар қутқусидан гап очишмади. Ёғийларнинг ўрдаси ҳозирча бўшлигини, қишлоқларга яна айғоқчилар юборилганини айтдилар. Дарада ҳамма шодон, йигитлар арчадан ўтлар ёқишиб, кабохўрлик қилишарди. Унинг эса дили хуфтон, сабабини билолмайди, қирғийнинг боласи парвона, нима гапирмоқчилигини оғзи очилмай туриб билади. Шундаям ўйламабдики, бу нега елпатак, олдинлари бунчалик гирдикапалак эмасди-ю, деб. Йўқ, бари бир хом экан, гўл экан, гўл бўлмаса илонни қўйнида сақлайдими?! Шунга ишониб хотиржам кўрпага кирибди. Тун яримдан оққанда туш кўрибди. Тушида ҳам иссиқ кўрпада ётибди, онасининг овози эшитилмапти:

— Тур, болам, тур. Ҳадемай отанг бомдоддан қайтади. У келгунича юзингни юв, чойингни ич, йўлга туш болам, отни эгарлаб йўлга туш.

Овоз аниқ-тиник, худди ёнида гапираётгандек, ҳатто нафаси қулоғига уриляпти, у онаси гапираётганига ишонмади, ўлган одам қанақасига гапиради деб ўйлади ва ўйнолмадиям, тушида туш кўраётганди. Туши уйқудек ширин эди, ажралгиси келмади, ётаверди. Онаси яна эланди:

— Ҳой, болам, жоним болам, умринг узоқ бўлгур, тур, шайтонга ҳай бер, ётаверма, йўлга туш, қўйларни ҳайда. Тентаксийнинг суви қутурган, оқизиб кетади, болам, бўғоз-қисирга қараб ўтирмайди, тур!

Тушида туш кўраётганини, онасининг овози тушида ҳам, ўнгида ҳам эшитилаётганини, ўрндан турмаса бўлмаслигини, Тентаксийнинг суви ҳақиқатан кўплигини, ҳамма-ҳаммасини билиб туриб туролмади, ғафлат босибди.

Онасининг бу галги овози ҳазин, зўрға эшитилди:

— Уйқуни ширин билдинг, болам, бари қўйларни

оқизиб кетди, сув бирданига тошди, одамлар билмай қолди. Бўлар иш бўлди, тур энди тезроқ; ўзингниям оқизиб кетмасин, болам...

Уйқу бирам ширин эдики, устидаги кўрпани олиб ташлашгунча сезмаган. Аввалига кўрпа ўзи тушиб кетаётганмикан деб ўйлаб қўлини чўзди, кўрпа йўқ, ўрнидан турмоқчи бўлса, оёғи боғлиқ, дарҳол тўрт киши елкасидан босди, қўлларини боғлади, оғзини беркиртиб, жун қопга солишиб, аравада бу ерга олиб келишди.

Оғзини беркитишаётганида қирғийни кўрди, елкасидан босганларнинг бири ўша эди. Бўралаб сўкса сўккудай эди-ю, ўзини тийди, фақат айтдики: «Барибир қирғийлигингга бординг-а!» деб.

Тақдир тақдирлигини қилса-ю, яна бир кўришса, мендан ялангоёқларни устун кўрдингми энағар, нима хусуматинг бўлса секин қулоғимга шипшитмайсанми, оқибат шуми, шуларнинг етовидамисан? Қонинг бошқа-ю, кўшилолмайсан-у, шуларга ишониб мени сотдингми, деса. Жавобини эшитса. Армони қонарди. Ҳеч ўзини ишонтиролмайдик, энг яқини, жонидан азиз кўргани ўз қўли билан тутиб берса... Юз керак одамга, виждон керак одамга, кўз-кўзга тушар демадиям, буйруқни бериб қўйиб, ўзингни четга олмайсанми, номард! Сотингга сотибсан, аралашмасанг туролмасиндиги? Сенсиз ҳам тутиб олишарди, белдаги дамашқи қиличгача қўймадинг. Қирғий бўлсанг ҳам одамсан, ўзингни қадрингниям бил-да, чайнаб оғзига солиб қўйсанг ҳисоб, бўлмаса ҳисобмасми, яхши кўринишнинг бошқа йўли қуриб кетибдими? Душман ҳам бунақа қилмайди, ичадиган сувимиз бир, от чопадиган майдонимиз бир, динимиз бир, мени ҳурматим йўқ эрса, шуларнинг ҳурмати йўқми?! Паст-пастлигига, туя мастлигига борарканда, мени тутиб бериб тирик қолмоқчи бўлдингми, янглишгансан, сениям итдай отиб ташлашади, вангиллаганингниям биров эшитмайди. Эгасига вафо қилмаган ит, ўзга вафо қилибдими?!

Улим огоҳмикан, марҳумлар огоҳлантирармикан, онасининг тирикликдаги меҳрибонликлари каммиди, болага шунчалар безовталаниш шартмиди? Уч марта уйғотди-я, уч марта эланди-я, бундан ортиқ яна нима қилсин?!

Эҳ, ожиз банда, на тирикнинг ва на ўликнинг қадрига етдинг. Шунча пайт панд еб бурнига сув киргани озлик қилувдимки, яна ўзини фитнага банди этди. Кўзини ёғ босиб, лаззат ботқоғига ботмаса, кўрпанинг тафтини тафт демаса, шамойилдан англари, баридан кечарди. Турса туриб кетгудек эди, туролмади, турганда уни тутишолмасди, тўлани макон билиб, четанли мўрига тикилиб ҳоримасди...

Ёмғир ҳамон савалаяпти, туйнук-мўри яна ўпирилди, лойи қаерга тушганини кўришга эринди, кўзини очмади, кейин очолмади. Тўла ёришди, у ой деб ўйлади, ҳақиқатдан ой эди, ой қуёшдек порларди, кўзни қамаштириб очгани қўймасди, юм-юмалоқ қулиб турарди, одамга ўхшарди, тузукроқ разм солса, онаси. Оппоқ рўмолда, қўйлаги оқ, этаги ерга тегади, енглари узун, бармоқларини яширган, жойида туриб тебранади, сезилар-сезилмас сакрайди.

— Мени танияпсанми, болам?

— Танияпман, опа, танияпман. Кўряпман-у, лекин кўзим юмук, кўзимни очолмаяпман.

— Қўёвур, болам, тирикларнинг барини кўзи юмук. Ҳамма нарсани кўра туриб, ҳеч нарсани кўрмайди. Уларнинг нигоҳлари неъматларга андармон, нафсга қул. Мен билан бирга юрсанг кўзинг очилади, нафсдан, ғафлатдан қутуласан. Ахир биз ҳеч нарса емаймиз, болам.

— Бирга боролмайман, опа!

— Қўрқяпсанми? Юрагингда ҳадинг йўқ эди-ю, болам?

— ...

— Кўнглинг бўшабди, мен ўргатган сураларни қайтармаяпсан экан. Қирғийнинг болалари барибир вафо қилмабди. Бири сени тутиб берибди, бири — Нисора сени айнитибди. Мен билан кетмасанг, Тентаксойнинг суви оқизиб кетади. Уғлинг ҳам, Нисора ҳам бир қора кўчқорга ёпишиб оқиб кетяпти. Ҳадемай сен ҳам ортдан оқсан, бошқа илож йўқ. Тамбани сув урган...

Ёмғир тинибди, тонг отибди, четан ёришяпти-ю, ҳаво очилмади. Хўрозларнинг қичқирғи, қўйларнинг маъраши, бир итнинг ўқтин-ўқтин, оғир-оғир ҳуриши эшитилади. Тўла бирданига зим-зиё бўлди-қолди: мўридаги четан устига кигиз ташланди, сумалак ёпгандек яхшилаб беркитилди, тўлага на бир садо киради, ва на бундан бир ун чиқади... Камига (унинг бу ердалигига шубҳа туғилмасин учун), тўла устига сурув ҳайдаб юборишди.

Ҳариф

Қармоғига биринчи бор балиқ илинган болакайнинг қувончи қанчалар беҳад эса, Сорокин Владимир Николаевич ҳам айни тобда шу қадар терисига сиғмай шод эди. Унинг куни туғди: ихтиёрида гўё каттакон бир қафас-у, ичида каттакон бир шер. Тутиб олинган шернинг тақдирини ўзининг қўлида эканлигидан ҳам хурсанд, ҳам таҳликада. Яйраётганлигининг боиси шулки, бу иқлимда у тенги йигитларнинг ҳеч бири ҳали бунақанги «ўлжа»ни қўлга киритмаган. Устига-устак, у овчилик борасида тетапоя — яқингинада милтиқ тутиб ўрмон оралаган, биров тан олишга-да, улгурмаган. Таҳликадалиги — ўлжани нима қилиш, ундан қандай фойдаланиш лозимлигини билмайди. Нақд жаҳоғир устида кулча бўлиб ётган илоннинг ўзгинаси. Ишқилиб, бирор қор-қол бўлмасидан нимадир қилиш керак, токи шер унга бўйсунсин. Аста-секин орқа-бошини силаб, қўлга ўргатмоқ, сўнгра шундай ўйнатмоқ даркорки, «мана ун» деган овчи тугул, шернинг ўзи-да ҳайратга тўлсин.

Унинг бундай хаёлларига қанот бағишлаб, тасаввурига сомеълик қилган ширин дамларининг умри бекнинг қўлга олинганидан тортиб, сўроққа келтиргунларигача чўзилди, холос. Шу фурсат ичида ре-не режалар, не-не ўйлар келмади унинг бошгинасига. Ахир умрида кўрмаган, ҳаммаша кўрмоққа интиқ бўлган Асқар кўрбошидай одамни қўлга олиш ҳазилми? Отнинг ўлими — итнинг байрами деганларидай, бахтига командир Богомоллов яраланиб, ҳарбий шифохонага ётқизилди-ю, бекни асир олиш учун тузилган йўриққа ўзи бошчилик қилди. Агар Богомоллов бу ишни амалга оширганида борми, «мен ана ундай қилдим, мен мана бундай қилдим» деб яна унинг кўзини очирмасди. Шубҳасиз, у шифохонадан соғайиб чиқса, «шарқшунос»нинг (Богомоллов уни ўзича камситиб шундай дейди) кўрсатган кароматидан куяди, ўзи иштирок этмаганидан афсусланади. Қанийди, унинг ҳарбий соҳадаги бу муваффақиятини ўз юртидагилар эшитса. Ҳаммасидан ҳам овга чиққанларида отилган қуённинг жон таслим этаётганини кўриб, юм-юм йиғлаган набирасини кўнгли бўшлиқда айблаган бобоси унинг бу ишларидан хабар топса, ёинки, хотини Людмила Николаевнага етиб борса, фақат халқ оғзика ижоди материаллари йиғадиган эр эмас, балки моҳир ҳарбий киши сифатида ҳам таҳсинлар ўқирди. Перронда бўйнига осилиб чакана йиғламади: «Ўзингни эҳтиёт қил, Володя. У ёввойилар ёмон бўли-

шади. Кўнгил бўшлиқ қилма, ҳамиша ҳушёр юр. Вақт топсанг фольклор йиғ». Халқ оғзаки ижоди материалларини иккита дафтарга тўлдириб жўнатди, ўзи соғсаломат, хотинининг истаклари вожиб. Энди мана бу кутилмаган воқеани ёзиб юборса борми...

Қоронғида чопонга ўралган ҳолда ётганлигини ҳисобламаса, бекка тузукроқ разм сололмаган. Назарида, унинг афт-ангори киши боқса тушола босинқираб чиқадиган — бадбашара, овози қандайдир ҳайвоннинг овозига ўхшайдиган, эшитган қулоқ иккинчи марта тинглашдан кўра карликни афзал кўрадиган даражада ёқимсиздай, қўйинги, у одам эмас, гўрди бир бало. Ҳатто юзма-юз бўлишгани заҳоти нафрат билан қисқ кўзларга тикилиб, «аҳволинг шу экан-у, нима қилардинг чираниб» дейишгача тараддудланди. Қўрбошининг тўккан қонлари беҳисоб, қилмиш-қидирмишларини айтиб тугатадиган тил йўқ, «довруғи» шу тўхтама маҳкум эди. Биргина, қуролсиз экан, тириклайин тутиб оламиз, дейишиб ўраб олган элликлар чамаси аскарни қизил қонга бўяганининг ўзи тепа сочи тикка қилгудек. Шўрликларнинг соддалиги бошига етган. Бек кўз илғамас тезлик билан белбоғи остидан боғлаб олган дамашқи қиличини ечиб, сермайверган, бошлар сапчадай учган, отлар чавандозсиз қочган. Бекни олиб келишгани отланган йигитларга унинг таъкидлагани ҳам шу бўлди: «Олдин белбоғининг остидаги қиличини ечиб олинглар. Унинг ҳар найранглари бор, ақл бовар қилмайди».

Буларнинг бари бекка қарши туғилган ғазабнинг, уни тўлага қамаб олиб туйилган туйғуларнинг ифодаси. У мазкур тотли-тотли кечинмаларни, хулосаларни боқийга йўйиб, ўзини бахтиёр санаган бек билан сайисхонада учрашгани дам бу ўйлари ўқ еган товукнинг патидек тўзиб кетишини хаёлига сиғдиролмаган...

Ҳар бир ножўя босилган қадамдан то одам ўлдиришгача бўлган жиноят юзда, кўзда из қолдирмайдими, ичидагини фош этмайдими ёки кўз кўзгуликдан кечганми? Алдабди, алдабди савқи табиийси, алдабди. Демак, савқи табиийнинг ўзи ёлғон, очуннинг ўзи ёлғон, унда ғимирлаган одамнинг ўзи нечун тўғри бўлсин? Бекни сайисхонага олиб киришганидаёқ у беихтиёр ўрнидан туриб кетганини сезмай қолди. Совуқ ҳужрага бек билан ёқимли бир илиқлик, қандайдир сир синоат бош суққандай, лампаннинг пилиги ўз-ўзидан кўтарилиб, хона ёришиб кетгандай бўлди. Шундай бўлари муқаррар экан, чунки бекка биринчи бор қараган заҳоти, жамики ёт хаёллари тарқалди, ўзини йўқотди; келбатли гавда, соқолсиз, истарали, сирли отюз, эгнидаги оддий, аммо улуғворлик бахш этган чопон, манглайи кенг, кўзларида ҳар дамда алангаланиши мумкин — кўр ҳамда кечирган умридан заррача пушмонлик емаган ёруғдан-ёруғ нур. «Менинг босмачилигим ҳам, сениларнинг қизиллигинг ҳам ёлғон» — бу гапни у тафтиш қилолмади. Ишонч билан айтилган бу гапдан у мутаассир эди, қурби етмади. Буни фақат ҳаётни жон-жонидан севган ёки ҳаётдан бутунлай кўнгли совиган кимсагина шундай таъсирчан айтаоларди. У эсини таниганидан буён қидирганини, учратган бўлса ҳам қадрига етмаганини рўпарасидаги душман-қўрбоши — бандидан топди. Вужудидан тирик жонни ром қилаоладиган ёғду таралаётган бундай инсонни, бундай озор емаган тетик рўҳни ҳали ҳеч кимда, етти аждодини ҳарбий ўтганлигини писанда этгучи Богомоловда ҳам учратмаган. Шунинг учун суҳбат асносида (сўроқ дейишга одам уялади) кўзига тик қараёлмади. Агар кўз-кўзга тушса борми, ўзининг нақадар ожизлигини билдириб қўярди, «сўроқ»ни давом эткизолмасди. Бундан бир неча дақиқа муқаддам ваҳшийдан олиб ваҳшийга солаётган қўрбо-

шининг таржимаи ҳолини қайтадан қулоғига мумдек қўйса ҳам ишонмасди. Бекда каззоблик унсуридан заррача сезилмади, у бундай таъриф-тавсифдан баланд эди.

У ихтиёрсиз равишда бекка яқинлик туйди, меҳри тушди, қизиллигидан андак хижолат тортди, «қизил», «босмачи» деган сўзлар одамни таҳқирлаш учун яратилгандай, қизил босмачими, босмачи қизилми фарқи йўқдай. Иложи бўлса сўроқ давом этаётган пайтдаёқ дилидагини тўкиб соларди, бекнинг суҳбатини оларди, лекин ўзидан қўрқди, тўғрироғи мулла Жалолиддиндан ҳайиқди. Бек ҳам унинг эмин-эрки ўзида эмаслигини, у ҳам бечора эканлигини, ўлганининг қунидан зиммасидаги вазифасини ўтаётганини пайқайди, балким ачингандир. Агар шу алфозда сўроқ давом этаверганида, унинг сабр-бардоши тугаб, ким билади, бек билан ошно тутунармиди, ёки янада қалинлашиб, қўйиб юборармиди? Яхшиям сўроқни тезроқ тугатгани. Аслида бундан бошқа чоранинг ўзи йўқ экан. Энасида бек бўлиб туғилган Асқаралибекни сўроқ қилишга чоғи келмас экан. Қараган сайин баданингни ғалвир қилиб юборади, ичи тўқ, маънавияти бут, ўлимни бўйнига олиб қўйган.

У ана шундай одамни ўзларининг сафида эмас, душман томонда эканлигидан ич-ичидан зил кетди. На ҳарбий ва на дунёвий илмлардан бехабар, тузукроқ қурол-яроққа эга бўлмади туриб ўзларини шунчалар ҳимоя қияптими, демак булар катта куч. «Булар билан қитиқ пастига тегмай, ҳушёрроқ муомала қилмоқ керак, токим бош кўтармасин. Уюшса, бош кўтарса ёмон. Ҳеч қачон ўзини топмасин, танимасин. Илмга зинҳор яқинлатиб бўлмайди. Қанча оми сақланса шунча хотиржам юрилади. Уйғонганларини бир-бирига гиж-гижлаш керак. Уйғонмаганларини танлаб фойдаланиш лозим». Агар лаёқатлиларидан юз нафарини ўзлари томонга оғдириб тарбияласами, Урта Осиё тугул бутун Ер юзида социализм қуриш имкони туғиларди.

У бор-йўғи уч ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтган, холос. Узига қолса ҳарбий ишларга яқин йўламасди, не қабилсинки, дорилфунуннинг шарқ бўлимини битираётганларнинг ихтиёри ўзида бўлмаскан, қолаверса, ҳукуматчилик, Богомолов ҳам комиссар бўлиб келганидан тинчлик бермади. Ҳар гапида калака қилгани қилган, гоҳо аскарлар олдида обрўсини тўкади:

— Шарқшуноснинг сиёсий ўринбосар бўлишини энди кўришим. Сени тутиб олишдими, ўзинг келдингми? — Юборишди.

— Мен ҳам шундай ўйловдим. Умуман олганда, сенга ўхшаш зиёлиларнинг кераги йўқ. Қиладиган ишларинг одамларни йўлдан уриш, издан чиқариш. Давлатга зарар келтирсанглар келтирасанлар-у, нафинлар тегмайди. Нима учунлигини биласанми?

— Йўқ.

— Давлатга учта нарса керак. Пошшо, хазина, аскар. Кўрдинг, зиёли тилга олинганми, шарқшунос-чи, йўқ! Буни ким айтган? Темур! Билиб қўй, шарқшунос!

Тўқимтабиат Богомоловнинг жароҳатлангани унинг омади. Бўлмасам бек билан бундай сўроқ-саволлар қаерда эди, умуман, бекка яқин йўлатмасди. Буйруқ бажарилса ҳисоб, ақлни ишлатишмайди. Ҳарбийлар учун одамнинг писта пўчоғича кадр-қиммати йўқ экан. Богомолов шу ерда бўлганида бек билан ади-бади айтиши ўтирмасдан отиб ташлармиди, яна ким билади...

«Биз ҳам ҳарбийларга ўхшаймиз» — дер эди профессор Иса Рафаэлич, — фарқимиз: улар командирларни буйруғини бажарса, биз ақл ва кўнгил ҳукмига бўйсунамиз. Уқувчи ҳар бир китобни ўқишдан аввал ўзини жангга ҳозирлаган аскардай тутмоғи шарт. Акс ҳолда муаллиф ташлаган фикрларни забт этолмайди. Бу ҳам-

момга кириб нопок чиққандай гап. Имло масаласига келсак, сизлар ўрганадиган араб имлоси ўзига хос. Бошқа алифбода битилган сўзларни ўқиб уқасизлар, бу алифбодаги сўзларни эса аввал ўқиб, кейин ўқийсизлар ва яна маъни топасизлар. Бунинг учун илм ва билим керак. Алифбо одам танламайди, одам алифбо танлайди. Ҳар бир элат ўз феъл-атвори ва дунёқарашига мос тушадиган имлода ёзади, ўқийди. Вақтинча мажбурлаш мумкин, барибир кейинчалик ўзиникига қайтади, агар у йўқотилмаса. Араб имлосини қабул қилган халқларнинг характери ҳам шу ҳарфларнинг табиатига ўхшаш. Улар билан мулоқотда бўлганларингда олдин обдон ўйлаб, кейин сўйлайсизлар...»

Асқаралибек ҳам имлога ўхшайди, гап уни англашда, қандай маъно беришида қолди. Ҳозир энг яхшиси, бекнинг ҳибсдалигини ўрдадагилардан бошқа ҳеч ким билмайди, билмагани ҳам маъқул. «Эвини қилса...» — миясига келган фикрдан ўзи чўчиб кетди. Дорилфунунда Қозондан борган бир йигитга ёрдам бергани учун ҳайдалиб кетишига оз қолган. Қайнотаси аралашиб, зўрға олиб қолган. Людмила бунинг ҳозиргача таъна қилиб айтиб юради. Йўқ, йўқ, зинҳор бундай қилмайди, бир марта оғзи куйгани етар. Унда, қўйиб юбормаганда нима қилади? Бир нарсага кўндириш маҳол! Оғзини очиб ўтираверадими? Зўрлик ёки алдов керак, бундан бошқа илож йўқ. Богомоллов севиб ишлатадиган мақол ёдига келди: «Ҳар ернинг тулкиси ўз тозиси билан овланади».

Қирғий қизнинг қилиғи

Бекнинг кун бўйи қиладиган юмуши тўланинг устидан ўтаётган қўйларнинг туёқлари дуқури ва ҳар замонда у ёқдан бу ёққа юраётган навбатчи йигитнинг оёқ шарпасини тинглаб ўтириш. Унга қўйган йигитни алмаштирмади чамаси, қадам товуши ўзгаришсиз, ўша-ўша. Бўй дегандан худо аямаган, аммо юзи юз дегудаймас, кўзи йилтираб зўрға кўринади, мўйловчасиям борми-ей. Бекни сўроққа олиб чиқишганида ўзини четга олди, узоқлашганларида эса мўри ёнига яқинлашиб қўриқлай бошлади. Қайтиб келса ҳам жойидан қимирламаган, гўё бекнинг ўзидан кўра ётадиган жойи азизроқ.

Қирғийнинг боласи ҳам дастлаб келганида қоровул йигит сингари узун, хипча, кўзлари ўйнаб турарди. Кейинчалик йўғайиб, жир битди, одамга елкаси оша назар ташлайдиган одат чиқарди. Уни навкарликка олишда бекнинг олдига Асқаралибек ўзи бошлаб кирган, кафиллигини олган.

Нисорага янги уйланган кезлари. Қайнотасиникидан уч-тўрт йигит билан қайтаётса, тутзордан йўлини кесиб чиққан, отнинг жиловига ёпишиб йиғлаган-сиқтаган:

— Асқарали ака, сиз раҳм қилмасангиз, бошқаси қарашмайди. Отамиз бирон бир ҳунар ўргатмаган экан. Қаёққа бош уришга ҳайронман. Қирғийнинг боласига биров ишонмайди, кўпи калтадумларга қўшилиб кетди. Пешонам шўр бўлмаса қирғийда туғилманми?! Акамни яқинда чиқардик, олтита укам билан касалванд знамининг қўлидамиз. Минг қилсаям қирғийга поччасиз. Бошимизни силайдиган одамимиз йўқ. Сиз акалик қилинг. Ҳар ҳолда мусулмонмиз.

Кап-катта йигитнинг «бощимизни силайдиган одамимиз йўқ», «знамининг қўлидамиз» деб йиғлаши олдинга ўтиришмади. Бир кўнгли бош-кўзи демай қамчи билан бошлаб тушир, камига узангидан оёқни чиқариб, иягига қарата теп, дейди. Яна бир кўнгли қамишдай тебраниб турган шу жуссани тепиб, нима авзум топдинг, тепгани одам қуриб кетганми дейди. Биринчидан қайтмади, тикилди, мўлжаллаётганда ёнидаги шериғи чилишни бузди.

— Асқарали, ке, шуни қўшиб олсак асакамиз кетадими. От-потни тагини тозалаб юрар.

Қараса жўраси тиржайиб турибди, бола ёлворяпти. Бошқалар ҳам болага ачинишди. Меҳмондорчилик қуюқ бўлганди, қайнотаси ийиб кетиб кўзада мусаллас киритган. Мусалласнинг кайфиданми, дўстларининг ўтинчиданми ёки боланинг кўз ёшидан эридим, хотамтойлиги тутиб бошлаб келаверган.

Жойинг жаннатдан бўлгур Умаралибек зийрак эди, пайқабди. Қирғийни ташқарилатгач, ўзини олиб қолди:

— Бу сафардан сўнг бошлаб келадиган йигитингни менга бир кўрсатиб олгин, ўғлим. Хали ёшсан, одам танимайсан. Бари кўзингга яхши кўринади, гапига ишонасан. Сенинг лабзинг қайтмасин деб, хўп дедим. Болани кўзи ўйнаяпти, ичида чигили бор.

— Етим ўсган экан, шунгадир.

— Майли, етим ўсганми, бошқами, ишқилиб... Ҳар ҳолда ортидан одам қўй!

Одам қўйдириб билолмади, исини чиқармади, оёқ-қўли энгли, елди-югурди, чоп деса чопди, от деса отди, қирғийнинг бодроқларини қўйиб беришгандаям қўли қалтирмади (қизилларга ўтганларни ўша қишлоқнинг йигити отарди.)

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, удайчилардан тортиб, навкарларгача меҳрини қозонди. Асқаралибекнинг энгидан кириб ёқасидан чиқди. Иккаласининг апоқ-чапоқлигидан Умаралибек хабардор экан, бир оқшом ўтовига чақиртирди:

— Удайчи дегани ўзини тутиши керак. Навкарларга кўп яқинлашаверма. Гаплашадиган одам топилмаяптими?

— Бор.

— Бор бўлса тенг тенги билан, тезак қопи билан. Фақир одамларга ёрдам қўлини чўзмоқ фарз, бироқ ўзининг зинҳор-базинҳор тенг кўрма. Негаки, бирдамас-бирда билмасдан панд бериб қўйиши мумкин. Сен шунда унинг дилини ранжитасан. Фақирнинг дилини оғритиш энг оғир гуноҳ. Шунинг учун кўмагингни узоқроқдан туриб қил, токим ўзи билмасин. Танангга ўйла, тирикчиликни деб яшаётган бола қанақасига сенинг қаторингда юриши керак. Сен чўбирингни бировга тутқазишдан бош тортиб навкарликка рози бўлгансан. Бошлаб келган бу занғаринг тирикчилик деб кирди ва шу йўлда энасини қўшиб беришдан ҳам тоймайди. Яхшиси мен ўзим уни олдин бир синаб кўрай, кейин айтаман.

Умаралибекка қирғийнинг боласини синаб кўриш на-сиб этмаган экан, баҳосини беролмади, дайди ўққа учди...

Кигиз ивиб чакка ўта бошлади, демак ташқарида яна ёмғир ёғяпти. Бек каби осмон ҳам дардга тўлгандай, у йиғлайди-ю, бу йиғлолмайди. Икки дард, икки дардқаш бир-бирини кўролмайди, ғамини аритолмайди. Ёмғир қорга айланса, борлиқни чойшабдек қопласа, шунда излар кўмилади, ҳаммаёқнинг шилтасини чиқариб ивитган ёмғир ҳам, ҳамоннинг йиғлагани ҳам, бекнинг чеккан нолалари ҳам унутилади. Ёмғир қорга айланади, оппоқ, иккаласининг бир келгани дуруст эди, оппоқ қорда, оппоққина қилиб қўйишади. Умаралибекни такфинлаганда ҳам тизза бўйи қор, ёмғирдан кейинги қор эди. Қанийди унинг йўлини бериб, осондан насиб этса. Бегона эмас, отасидай гап, Асқаралибекни бек қилган, юртга танитган, мазоринг нурга тўлгур Умаралибек эди-ку. Наҳотки, шу сўнгги йўлини қизғонса, ёнига қақирмаса, ҳа, қақирмайди, раво кўрмайди. Насиҳатларини олмади, ўзини жуда тез бек санаб қўйди, гўё Умаралибекнинг ўлимини кутгандай, уни ҳам ўзи уюштиргандай...

Ёмғир қорға айланмайди, яна билиб бўлмайди, ўзининг мулки, хоҳласа ёғади, хоҳламаса илтижо қилиб ҳам ёғдиролмайсан, ҳали эрта, ой ораси бўлганидан ёғяпти, холос, унда қишнинг боши эди. Қўшбулоқнинг қўрғонида карвонни кутиб ётишганди, йигитлар милтиқларини тозалашиб мойлашаётганди. Ҳамма ёқ сув қуйгандай жим, тиқ этса эшитилгудек. Сукунат ҳам катта шовқиннинг дояси экан. Қўққисдан гумбурлаган ўқ овози эшитилди-ю, бақирғи-чақирғи, тўполон қўрғонни тутиб кетди. Унинг юраги сезган экан, ҳужрадан тўғри айвон томонга югуриб чиқса, Умаралибек остонада кўкрагини ушлаб, букчайиб турибди, ёнида уч-тўрт йигит уймалашяпти. Шошиб қўлтиғидан олди-да, уйга олиб кирди. Эғнидаги яқтагани йиртиб, белбоғида жароҳатини боғлади, табибга одам юборди, гап нимадалигини суриштирди. Ҳали нима эканлигини англамаёқ ранги қув ўчган йигит остона ҳатлади, ҳатладию тиз чўкди, кўзи тўла ёш.

— Бек, айб менда, ичида ўқи борлигини билмабман, энди қўлимга олувдим, тепкини боссам чиқиб кетди. Атайлаб қилмадим, худо хайрингизни берсин, бек, ишонинг. Иккита болам бор. Ёлғон сўзласам шулар насиб қилмасин.

Умаралибек навкарнинг гапини охиригача эшитмади, қўли билан хонани бўшатишларини ишорат қилди. Йигитлар айбдорнинг қўлини қайириб ташқарига олиб чиқишди.

Уйда Асқарали иккиси: бек тим қора пўстинда узала тушиб ётибди, энгларни ечилган, пўстин қон, кўкрагига солинган қўллари қон, ихрайди — қон — оппоқ соқолининг учларигача илашган, юзлари ажиб бир нурга чулганган, қараган сайин қарагинг келади, бир чиройга тўлган, бир чиройга тўлган, боқиб тўймайсан. Нега илгари бекка тузукроқ разм солмаганига ичидан ачинди. Кейин билсаки, одам ўлимидан олдин шундай чиройга тўларкан. Нафас олаётгани деярли билинмас, кўзлари юмик, гавдаси қимир этмасди. У тамом, дарди ичида кетди деб ўйлаганди. Янглишибди олдинига қўли, сўнгра боши қимирлади, васиятлари бор экан, кўзини очди, қийнала-қийнала ўзини айтмоққа чоғлади, ютинди, бошини кўтармоқчи бўлди. Асқарали унинг орқасига ёстиқ тиради. Умаралибек анча маҳал жим ётгач, гап бошлади:

— Уғлим йўқ эди мени. Сен ўғлимдайсан. Йигитларга ўзинг бош бўл. Ислому байрогини қўлдан берма. Элни кўзига ёмон кўринма, косанг оқармайди. Имонингни сақла. Уларда имон йўқ, имоннинг лаззатини билишмайди, агар шуни билиб қолишганида, еримизни эмас, имонимизни тортиб олишмоқчи бўлишарди. Уларда инсоф бор, холос. Имонли одамни инсофга чақириб мумкин, лекин имонсизни имонга чақириб бўлмайди, болам. Йигитларингдан имон кўтарилмаса бас, ғанимларнинг устидан ғолиб келишинг муҳаққак.

Унинг кўкрагидаги латта ивиб, қон пастга сиза бошлади. Асқарали дурра олиб, қонни артмоқчи эди, бек қўлини тортиб олди.

— Қўлингизнинг қонини артиб қўяй, бек.

— Қўявер, болам, буям шаҳидликнинг белгиси. Ҳаммаимизнинг қўлимиз қон. Алам қиладигани ўзимизнинг қонимиздан қон. Ёғийлардан қутулиб ўлганимда армоним йўқ эди. Сен ёшлиқ қиласанми деб қўрқаман. Учта нарсадан ўзингни сақла: биринчиси — қирғидан. Уларнинг ота-бобоси энгил иш қилиб келган, қийинчиликка чидалмайди, дўст бўлиб панд беради. Овқатиники еб идишингни тепиб кетиш пайида. Иккинчиси нафсдан, учинчиси элнинг назаридан. Юртнинг тушови сенинг қўлингда қоляпти, ҳушёр бўл. Кеккайма, иложини топиб Шомирзабек билан бирлаш, бирлашсанг кам-

лик кўрмайсан, илми кучли. Фақат ислом денглар. Туркистон десанглар тариқдай сочилиб кетасизлар, низо кўп чиқади, душманга бу кўп келади. Бор гапим шу. Гулдиросга одам юбориб кампиримни олди. Мени Кўктўнли отага чиқаринглар. Ота уруғим ўша ердан. Суягимни ётга тутқазма. Қодирқулхожи кўйсин. Уғли нобоб чиқсаям, ўзи яхши одам. Энди мени ётқиз.

Асқарали орқадаги болишларни олиб ташлаб, бекни аста ётқизди. Бек олдинига овоз чиқариб, сўнг пичирлаб суралар ўқиди. Бора-бора лаби қимирламай қолди. Асқарали калима келтирди, бекдан ғар-ғар келди, кейин жон таслим этди.

Умаралибекнинг йигит бўлганидан буён кўргани ўлим, ўлим. Лекин бу ўлим унинг ғазабини кўзғатди, юрагида ўч олиш туйғусини алангалатди. Жасади забт этилган юртдек қимир этмайди, садо бермайди, бош кўтармайди. Умаралибекнинг ниятлари қутлуғ, режалари улуг эди. «Пешонаси шўр, орзулари ғўр кетган отам, сизнинг қўлингиз ўзингизнинг қонингизга беланди, менинг қўлларим душманнинг қонига беланади. Милтиғидан ўқ чиққан йигит атай қилганми, тасодифми барибир омон қолмайди, жонга-жон, қонга-қон!» Пешинга бориб Қўшбулоқ аҳлини қўрғоннинг майдонига тўплатди. Имомни чақириб қотил қандай жазога «мустаҳиқ» эканлиги сўралди.

— Уз бегига ўқ узган навкарга қандай жазо кўрилади?

Имом тасбеҳини ўгира-ўгира тамоқ қириб, қироат билан шариатдан сўзламоққа чоғланганида, Асқарали олдини олиб ўзи гап бошлади.

— Шубҳасиз чопиб ташланса керак.

Имом кўз қирида ён-атрофни зимдан қараб, суҳбатга ҳеч кимса гўвоҳ бўлмаётганига ишонч ҳосил қилгач, жиддий тортди.

— Худди шундай, бек!

Умаралибекнинг танаси совимасдан туриб ўзини бек аталишидан олдинига жиндай хижолат тортди, сўнгра имомнинг «бек» деган сўзи қўлоғида яна бир жарангандай бўлдию ичида ҳам масрурлик, ҳам кўникмоқликдан бошқа чора йўқлигини сездди.

— Унда жамоат олдида ҳукмини ўзингиз ўқийсиз!

Имомнинг юзидан қон қочди, тасбеҳидан доналар тинди, бармоқлари кузги изғиринда қолган баргсиз новдалардай титради.

— Узинглардан биронтаси аён қилгани дурустмиди, навкар сизларники.

— Навкар бизга қарашли эрса-да, таги Қўшбулоқдан, униб-ўсган жойи, болалигидан биласиз. Шу юртни тузини тотиб, фуқаросига одил бир ҳукм ўқиёлмасангиз, айб саналмайми?

— Бек, энгилроқ жазо кўрсак марҳумнинг руҳи шодланмасмикан. Раҳматли Умаралибекнинг ўзи ҳам қон тўкилишини кўп хоҳламагувчи эди.

— Жазо ўликларга эмас, тирикларга керак. Қўшбулоқ аҳли, жамики навкарлар кўриб хулоса чиқаришсин, калтафаҳмлайгини ташлашсин, милтиқнинг қувурини тўғри келган томонга қараб тозалашмасин. Бегига садоқатлироқ бўлишсин. Шоядки умрларига умр кўшилса...

Бекликнинг дами, бекликнинг шашти, бекликнинг ўзига хос донолиги ва бекликнинг салобати бор экан. Озгина муддат ичида шунчалик маддоҳлик, шунча виқор, шунча кескинлик қайдан пайдо бўлди, осмондан ёғилдими, ердан илашдими, бекнинг қотилига бўлган нафратдан туғилдими ва ёки Умаралибек жасади-дан чиқиб, тўғри унинг бағрига жойлашдими? Не синоатки, тирик жонни оғзига қаратадиган, баъзида ҳеч иккиланмасдан Умаралибекка-да насиҳат қиладиган имомнинг алифдай қадди дол тусини олди. Қозондай

саллани кўтаришдан чарчамаган бош, бир оғиз гапга бурнини ерга теккизгудек эгилиб таъзим қилишдан бошқа нарсага ярамади.

— Беклар олло-таоллонинг ердаги вакиллариدير. Нимани десангиз мустажоб бўлгай, бек.

— Боракалло, фармонни ўқинг!

Имом иложсиз эди, ўзининг қил устидалигини-да, англади. Бир ёғи бек—тиг, бир ёғи—эл. Жон ширин, у гапга чечан экан, фармонни келтириб ўқиди. Аммо ижроси хунук чиқди. Ижрозиям қўшбулоқлик эди-ю, қотилда қасди борми ёки қиличи ўтмасмиди хомта-лаш қилиб юборди. Биринчи сермаганда қоқ елкага тушди, қўл шалвиради, қилич теккан жойдан қон ўрнига оппоқ кўпикка ўхшаш ёғ кўпириб чиқди. Одамлар фарёд кўтарди. Йигит шошганидан қилични чиқариб, бошига тикка солди. Буниси унисидан-да аянчли тус олди. Бош қилични қисиб қолди, жасад йиқилди. Йигит жасадни босиб қилични ажратиш билан овора. Машъум воқеадан йиғилганлар тирқираб қочди. Асқаралининг дилидагини тушунгандай, дарҳол қирғийнинг боласи югуриб бориб қўшбулоқликни нари сурди-да, уч-тўрт ўқ узиб, ўзини ҳар ёққа ураётган жуссани тинчитди.

Гарчи ўшанда озми-кўпми қилган ишидан пушмон еса-да, бора-бора дийдаси қотди, бундай жазолар бермоқ шарт экан. Умаралибек йигитларни анча буш қўйиб, эркалатиб юборгандек эди. Аста ҳаммасини қўлга олди, гуноҳ қилганини аямоди, қаттиқўллик йигитларга-да, юқди. Қаерга борса ўша қишлоқнинг катталари қўллуқ қилиб кутиб олишарди. Ёғийлар-ку, номини эшитса чўчиб туришарди, ҳатто ҳамқишлоқлариям юзма-юз келса гапидан адашарди. Ошиғи олчи, қаерга қўл узатса етгудек эди.

Мана энди зах, қоронғи ертўлада, боридан айрилиб ўзи ёлғиз ўтириб англаяптики, одамзотни на қилич на яхши гап билан йўлга солиб бўларкан.

У ўзини кечаси сўроққа олиб чиқаётганларидан, кун бўйи тўлада ёмбидай сақлашаётганларидан мамнун. Чунки у одам боласини кўришга тоқати қолмаган, ташқарига умид боғлайдиган ҳеч қандай илинж йўқ, суяғи шу ерда, ном-нишонсиз чириб кетишига минг маротаба рози. Қачон ўйга толса, лоп этиб опаси, отаси ва эндигина йўлга кирган ўғли кўз ўнгига келади, кўпроқ Нисора. Ҳозирги хотинини жуда кам эслайди. Исмойил қўрбошининг синглизигина демаса, мевасиз дарэхтдан сўппайган қуруқ гавдаси бор, холос.

Биринчиси биринчиси экан, кўнгил узолмайди. Бўлмасам ўтказган жабрларини сўйласа илон пустидан, мусулмон имонидан кечади. Лекин не кўргиликки, кўнглининг бир чети у билан банд.

Нисорани топгани мисоли шириндан-ширин туш. Баҳор, боғларнинг бошида гулдан чойшаби, адирлар сабзаранг гилам ёпинган. Чиртаксойнинг ўкирган пайти, ҳар замонда қишлоқларга ваҳима солиб, гумбурлаб жарлар қулайди, шамол кўтарилган, тахтадан солинган осма кўприк ўргимчакнинг ипидай тебраниб, зўрга турибди, камига унга бир мужда омонат илашган. Яйилманинг бўтана суви отнинг сағрига уради. Унда нимадир лопиллаб оқар, одамга ўхшар, на овоз чиқарар ва на қимирлаган жон бор эди унда. Тўхташ — ҳалокат, оқимга қараб юраверяшди. Соининг ярмида оқизма уларни қувиб етди. Оққан паранжи чачвону унга чандилган шойи рўмол экан. Чачвонки, осмонранг, популклари отнинг ёлидек, ҳошияларига гуллар, гуллар янглиғ байтлар битилган, паранжига қўшилган банди-зар, икки кўксига туморлар тикилган, туморларнинг буржларидан осилган садафлар, мунчоқлар,

нозиклар сиргадек селкиллайди. Сиқиб ташласаям бўйи тарқамади, қалампирмунчоқни ҳиди димоқни ёради. Кўприк устидаги мужда эса қирғоққа ўтиб, қирғийнинг суқмоғига, эниб боради. Мужда қиз бола эди: сочлари жамалак, кўйлагини ёпади, кўзларида тирқираган ёш гуляпроққа инган шабнамнинг ўзи. Мўъжазгина жуссаси шернинг комига тушган оҳудек дағ-дағ қолтирайди. Отлиқларни кўриб юз ўгирди, бошига назикли дастрўмолини ташлаб, қимтинди.

— Қаердан келяпсан, қизгина?

— Кўктўнли отага назр олиб ўтгандик, энамнинг тоби қочиб, отинникида қолди. Ўзим қайтаётгандим. Паранжи-чачвонимни шамол учуриб кетди. Қишлоққа қандай кириб боришга ҳайронман.

— Отинг нима?

— Отим Нисора, уста Каримбердининг қизиман.

— Ма, паранжингни.

Нисора олдинига ишонмади, кўзи тушгач, юзларига нур югурди, худди қуёшдек порлади, тафти оташ, тигига бардошинг етмайди. Паранжи чачвонга узанган қўллар сутга чайгандек, қошга қулоқ ёзган нам киприклар остидан боққан кўзларга таъриф урпоқ ҳам эмас, энтикди, юраги ҳапқирди, қўлидан паранжи чачвоннинг кетганини-да, билмади. Қиз паранжига ўралиб кетди, паранжиге ўралиб ором кетди, сувлиққа бўйсунмай ортидан отлар эргашиб кетди. Чиртаксой — мисоли ёй, сўқмоқ қишлоққа — отилган ўқ, ўқ шунчалар калтами, ўлжа шунчалар яқинми, висол шунчалар қисқами?! Ўйга кузатиб боролмади, одамлардан истиқола қилди. Муюлишга борганда қиз қайрилди, паранжи четидан бир назора айлади, нақд жонни садақа қилгудек. Лаблари гул япроқдек учди, ундан сўзлар эмас, наволар учди.

— ...Сизни доим дуо қилиб тураман.

Шунда «бек» деганмиди, «бегим» деганмиди, ё иккисини ҳам айтмаганмиди, ўзига яқин олганидан шундай эшитилганмиди — қоронғи.

Паранжи-чачвон қўлга осон кирганди-я, эгасига етишиш қийин кўчди. Опаси тиш-тирноғи билан қарши, лекин отаси у томон.

— «Қирғийларнинг тили бир бўлгани билан дили бошқа, бу юртга қайишолмайди, тутуриғи йўқ, ёлгонни кўп ишлатади», деб айтарди отам раҳматли. Отам етти ёшида аҳли Туманбоғни озига қаратган. Ҳали сен ўшалардан ҳам чечанмисан?! Билиб гапиргандир ахир, ҳазилакам китоб кўрмаган. Йўлини биров кесиб ўтолмасди. У кишининг дуосисиз қишлоқда товуқ сўйилмаган. Дастурхон ҳафталаб йиғиштирилмасди. Келдикетдининг кети узилмасди. Қадамингни ўйлаб бос, бола. Наслимизни пастга урма. Кўктўнли отанинг авлодиданмиз деб Жўра Қўлдошнинг кўксига ургани бекор. Улар қизидан тарқаган. Аслида Кўктўнли отанинг авлоди бизмиз. Айбимиз мақтанишим хуш кўрмаганимизда, отам раҳматли ҳам камсуқум эдилар.

— Кампир, гапларинг тўри. Отам ҳақиқатан улўғ одам эдилар. У кишига қирғийнинг ўтмишию Кўктўнли отанинг тарихига оидек аён эди. Билъакс, келин бўлмишнинг тағи Кўктўнли отадан. Отаси уста Каримберди, Абдурахмон буванинг кенжаси. Акалари билан қиқишолмай қирғийга ичкўёв бўлган. Қирғийлик бўлганида мен ҳам розичилик бермасдим.

— Чол, сиз эшитмагансиз. Абдурахмон буванинг кичигиниям улар шунақа қилиб йўлдан урган. Синглисини кўрсатиб опасини берган. «Қирғийни қизи қиё боқса қирқта йигитни қулатади» деган эскилар. Булар мўлтониларга яқин. Кўриб-билиб туриб, тилаб олган боламизни ўзимиз ўтга ташлаймизми?

— Нега ўтга ташлаймиз? Асқарали сенга азизу, мен-

га азизмасми? Отаси азиз одамларнинг болалари. Яхшиси икки оёғингни бир этикка тикмай, тайёргарлигингни кўр.

Отаси иккиси куч келди, тўйни қилишадиган бўлишди. «Эшик супурди»лар ўтди, «Тугунлар» узатилди, «Ун-гуручлар» берилди. «Солим»лар солинди, «солим»дан отасининг дили андак лат еди, оғринганини сездириб қўйди.

— Йигирмата мол жўнатдим. Биттаси ориқ экан, деб уста Каримбердининг ўзи ҳайдаб келаётганмиш. Одамлар йўлда кўриб, борманг, уста, ҳамкасбсизлар, уят бўлади, дейишибди. Қулоқ солмаганига чидаёлмай Малик қассоб боққан новвосини туткизиб юборибди. Мен уни эркак деб қуда тутунгандим, орияти йўқ экан. Ҳеч бўлмаса ўғилларидан жўнатмайдими, ўзи ҳайдаб келадими? Жилови хотинининг қўлида экан. Вазирга қарам пошшолик уйдан қиз олиб бўлмас эди. Бола отага ўхшамас экан-да, раҳматли Абдурахмон бува қандай одам эди-я. Тўйни тўхтатардим, Асқаралига ваъда берганман. Пешонасига берсин.

Бошланиши ёмон бошланса-да, тўй ширин ўтди. У Нисорага, Нисора унга ошуфта боғланган, латиф қўллари бўйнига занжир, бармоқлари тойнинг тилидек майин, майда ўрилган қирқ кокили ёстиққа зийнат, илиқ нафасидан, никоҳ сувига чайилган гул рухсоридан ҳамаша сархуш. Ойлар ботди, тонглар отди, ҳаш-паш дегунча чилласи чиқди. Бир куни муҳорибадан чарчаб келса, опаси жавраяпти:

— Она қизим, шошманг. Отангиз бетоб бўлса тузалиб қолар. Оғзига сув томизмаётгандир ҳар ҳолда. Эрингиз келсин, икковинглар биргалашиб боринглар, дедим. Уламан саттор унамади, бораман деб туриб олди. Мениям бирга боринг дейди. Зарур келибдими, дедим. Эш-қўш деб, қўшнингиз қизини етаклаб чиқибди. Охири, борсангизлар бораверинглар, локигин манзур иш қилмаясиз, болам, эшитган қулоққа яхшимас, дедим. Парвойи палак, буям эридан кўрқмаганлиги-да, мени сариқ чақага олмади. Бошида шундай бўларига ақлим етувди, таги пастда, икки қирғий бир шайтон-да!

Унинг ҳам фиғони кўкка ўрлади, дулдулни қайта эгарлади, қозикдан қамчинни олаётганда, опаси яланг-оёқ кўндаланг чиқди:

— Борма, болам, ўзи кетган ўзи келади. Сенинг қувелик номинг бор. Зўрға юрган экан-да, эрғашиб келибди демасин.

Деса деяверсин эди, гапирган улар, бунга нима қайғулик, нега опасининг гапига кирди, бормади? Қирғий қочиб кетганмиди? Борганида дамани ичига ютиб, уйдан чиқармасмиди, қишлоқдан узоқлашгунча ҳурматини қилиб отга мингаштирмасмиди, овози эшитилмайдиган овлоқда қамчинни ишга солиб туғилганига пушаймон егизмасмиди?! Бу ўй бошқа ораламади, кўнгли бўш экан, меҳри кўпгандан-кўпди. Урса юрагининг чигили ёзиларди, шунда уни қайириб оларди, гумон шунда туғилмасди, гумоннинг қурбони бўлмасди...

Шундан сўнг Нисоранинг қадами қирғийдан тийилмади, отаси кундан-кун оғирлашаварди, икки ҳафта ўтар-ўтмас ўлди. Гоҳ сўраб кетган, гоҳ ўлимли-ўтинчлидир деб сўрамай кетган, қайнона-келин орасида тузатиб бўлмас гап қочган.

— Узимга қолса, сизни келин қилмасдим. Қош қоқиб ўғлимни йўлдан ўргансиз, қизим. Улим ҳаммининг бошида бор. Қайтаётиб онангизга тайинлаганман, йигирмасини ўтказиб борар деб. Беш-ўн кун кечкидигиз, майли, азадор десам яна бордингиз. Бунақаси бўлмайди-да, қизим. Кўз меҳрда, сиз йўқ

ўғлим уйда турмайди. Ярим кечагача юрагимни ҳовучлаб ўтираман, тирқ этса дарвозага қарайман. Опаси Ойдин ўн ёшида ўлган. Елғиз шуниси менга омонат. Буларни топгунча қилмаган назр-ниёзим, ўқитмаган хатми-хўжам қолмаган, қирқ биримда кўрганман. Узи бари айб ўғлимда, кўзи бошқа ёқни кўрмади, юрган йўли қирғий бўлди. Мана энди тили-жағи йўқ, гапи хотинига ўтмайди. Яна бек эмиш, садқаи беклик кетсин.

Бир томонда опаси, бир томонда Нисора, дарди ичиди, икковиниям ғалвасига чидайди. Баъзан ўйлайди: «Арпасини хом ўрганмидики, опаси келинни ёқтирмайди». Муросага чақириб бефойда. Нисорани йўлга солиш мумкин. Яхши гапирди, эркалайди, сўнгра барини унутишади, ҳеч нарса бўлмагандек тонгача иноқ.

— Бунчалар чиройлисан, Нисора?

— Бегим, ундай деманг, менинг ёшим ўтиб қолган.

— Энди ўн олтига кирдинг-ку, Нисора?

— Мени ўн учимда кўринг эди, бегим.

— Шундоқ ҳам менга ёқаверасан, Нисора.

— Фарзанд кўрсак, тез қариб қоламан, бегим.

— Сени қаритмайман.

— Энам раҳматли айтганлар: «Ун учиди эрга теккан қиз етмишида ҳам қиз. Ун учдан кейингиси ичи тушган қовун», деб. Менга эртага балиқ туттириб келинг. Балиқ егим келяпти.

У ўз қулоғига ишонмади, хурсандлигидан қичқириб юборай деди. Тонг отгандан отини миниб балиқчиникига жўнади.

Нисоранинг бўйида борлиги опасига ёқмади, шунгача ажратиб олмоқчи эди.

— Чиройига учдинг, болам, бу сенга хотин бўлмайди, десам ишонмадинг. Ҳали келин бўлиб тушганига бир йил йўғ-у, чакана томоша кўрсатмади. Мен кўрманага тилла балдоқ билан кўк хитой матосидан бир кийимлик ташлагандим. Отасининг ҳайитига борсам, опаси тикиб кийибди. Уйга қайтганида секин суриштираман, опасининг киядиган бошқа кўки йўқ экан. Майли, йўқдир — олгандир, лекин бир оғиз сўрамайдими, олдимдан ўтмайдими. На сени одам ўрнида кўрмаса, на мени, қандай кунларга қолдик, болам. «Икки қирғий — бир шайтон», деб одамлар янглишган экан. Аслида икки шайтон бир қирғий экан. Камига бошқоронғи эмиш, ҳадемай уйимизда тўртта шайтон бўлади.

Тепадан от туёқларининг дупури эшитилди. Отлар тўла мўрисида келиб тўхташди. Улар тўртта, охиридагиси энгил депсиняпти, тўлада одам борлигини сезяпти чоғи пишқирди, йигитларнинг отиданмикан, ҳид олдимикан?

Келганлардан учтаси бу депараникига ўхшамайди, типирчилаяпти-ю, зийрак эмас. Энди тўлани Зарварақнинг қўйлари қолиб, қадами оғир отларнинг туёқлари топтаяпти. Навбатчи йигит отларга яқинлашди, гунгур-гунгур гаплашди, туёқлар узоқлашди, туёқлар ундан қочди.

Унинг мучали от, кўрар кўзи от, у отларни биларди, уни отлар биларди, қашласа бўйин эгарди, силаса суйкаланарди, гапирса тушунарди. У отни аёлга менгзарди — қош-қовоғига термулиб туради, эркалашини кутади, шундан ҳузурланади. Фарқи — отнинг қорни кенг, кечиримли, идда сақламайди. Неники топдим деса отдан топди, неники кўрдим деса отдан кўрди. Агар отасининг дулдул ҳақидаги ривояти болалигини

дан қулоғига ўрнашмаганда, отга бунчалик меҳри тушмасди, унинг ортидан Умаралибекка юкуниб бормасди, навкарликка ройиш билдирмасди ва ниҳоят босмачи деган тавқи-лаънатни бўйнига илмасди. Йўқ, ношукрчилик эмас, шунисига шукр, тақдирдан тониб бўлмайди. Юрт кўрди, одам кўрди, дўст-душманни фарқлади. Энди дунёдан сўқир ўтмайди.

Отасининг ривоятчи, дулдул — отларнинг сараси, биқинларида қаноти, унга йўл дегани чикора, улоқ мушук олиб қочишдай гап экан. Дулдул бозорларда сотилмас, одамларда топилмас экан. Дулдулли бўлмақчи бўлган одам байтални катта сув бўйига (мисол учун, Тентаксойгами, Кўкдарё бўйигами) ғира-ширада тушовлаб келаркан. Ярим кечада ҳеч кимга кўринмай сувдан айғир чиқиб, байтални ялаб-юлқаркану оқибатда дулдул туғиларкан. Буни йиллаб қутиларкан, шунда ҳам дулдул олиш суйган қулига насиб этаркан.

Уларнинг уйида от кўп эди-ю, на байтали ва на дулдули бор эди. Байтал деявериб жағи тинмаган, отаси ҳадеганда олиб боравермаган. Тушларига нуқул байтал кирарди, уни Тентаксойнинг сувини сув демай, Кўкдарёнинг бўйига шомда тушовлаб келиб, дулдул оларди. Дулдулни миниб осмонда учарди.

Бўй пайти уйдагиларга билдирмай Евқочдидан байтал сотиб олган. От сайисникида сақланган. Ҳар оқшом бировга билдирмай байтални етаклаб Кўкдарёнинг бўйига боради, ўтлоққа тушовлаб қайтиб келади. Баҳорни, ёзни шундай ўтказди. Кеч кузга бориб, ҳақиқатдан сувдан айғир чиққанми ёки дарёнинг у қирғоғида ўтлаб юрган урганжилекларнинг уюридан бирортаси ўтганми ишқилиб, байталнинг қорни қаппайди. Кўкламга бориб, байтал қулунлади. Қулун кундан-кун каттариб той, ойдан-ой ўзиб дунан, ғўнан ва ниҳоят от бўлди. Отки қараб ўтиргудек, кўзлари чақнайди, пешонаси қашқа, нақд юлдуз дейсиз, бир жойда тек турмайди, учаман дейди, йўрғаси текис, улоқдан қуруқ чиқмайди, пойганинг эгаси, қаноти йўқлигини демаса дулдулнинг ўзи. Гоҳи-гоҳида ҳавони бургутдай ёриб бораётганини, чопган сайин отнинг усти кенгаётганини, ўзининг учаётганини ҳис қилардию унинг дулдуллигига ишониб қоларди.

Отнинг донғи Туманбоғ мавзесидан ўтиб, вилоятнинг ярмигача ёйилди. Харидорлар чиқди, сўқирлар йўлини пойлаб кўрди, ўғрилар уйининг турмини бузмақчи бўлдилар. Бари ҳайф кетди, отнинг юганини ўзгага туттирмади. Аввало кўз тикилмасин экан, тикилган кўз қўймас экан.

Жўралари билан меҳмонхонада тунаб қолишганди, эрталаб келса, бостирмада дулдул йўқ. Отаси айвонда бошини солиштириб ўтирибди. Уни кўриб ўрнидан турди.

— Отингнинг бошини доврўғи еди, ўғлим. Хуфтонни ўқиб тугатган эдим, Умаралибекнинг йигитлари кириб келишди. Шунча ялиндим-ёлбордим, ўзини чақиртирай, бироз сабр қилинлар десам ҳам унашмади.

Кўзини қоронғулик босди, турган жойида серрайди, ўзига келгач, отасининг ҳай-ҳайлаганига қарамай пичоғини қўнжига уриб, дулдулнинг ортидан йўлга тушди. Шашти баланд, ҳали йигитлари экан, Умаралибекнинг ўзи олдидан чиқиб қолса ҳам тап тортмай пичоқ солворадиган кепатада эди. Қони кўпирган, мушти тугилган, хаёлида ёлғиз оти, кўзи ҳеч нарсани ангармайди. Югуради, чарчамайди. Бир зумда Тентаксой ортида чувалди, Кўктўнли отани кампир шафтоли егунча тарк этди, қирғийнинг йўли узундан-узун. Йўл-йўлликка борди, баданидан терлар куйилди. Олдинда бийдай дала, Чўмбоғининг чўли — ўтлари сарғайган саҳройи кабир. Кўзга илашадиган зоғ топилмайди. Қанча юрди

билмайди, бир маҳал узоқдан эгасиз жийрон қашқа у томонга чақиндай чақнаб чопляпти. Оёғи ерга тегиб-тегмай учаётганидан, отлиқлар чангига етолмаётганидан, пешонасидаги ярқираган юлдузидан таниди — дулдули! Тўғри унинг олдига келди-ю, тўхтади, исқади, исқаланди. Нўхтасидаги чорак газ арғамчининг учи титилган, ҳўл, танаси терга ботган, тинимсиз хансирайди, нажот кутгандай кўзлари жовдирайди.

У отнинг бўйнидан кучоқлади, қувонганидан томоғига нимадир тикилди, ёши юзини ювди:

«Қайтарингни билардим. Барибир уйда ўтиролмадим. Сен меникисан, мен сеники, дулдулим. Бир кун ҳам ёлғиз қололмабсан-да, менинг ёлғиз қолишимни истамабсан-да, сенсиз туролмаслигимни сезибсан, менсиз туролмаслигингни сезардим. Бир дўст бўлар сенчалик бўлар-да, дулдулим».

От уни тушунаётгандай, топишганидан суюниб, юм-юм йиғлаётганди, бирданига хўрсинди, ютинди, кўз ёшлари аста-секин тинди. Асқаралининг қулоқларини ялаб, лаблари пичирлаб нимадир дегандай бўлди.

«Гапиравер, дардинг энгиллашади, гапиравер уялма, кўп гапирмасанг ҳам бир оғиз гапир. Асқаралининг оти гапирар экан дейишларидан чўчима. Сенга гапириш ярашади дулдулим».

— Нима деб пичирляяпсан, Бойназар кўсанинг боласи от билан гаплашадиган бўлиб қолганмисан?

— ... (Отамнинг кўсалигини писанда қилишинг шартмиди, номард).

Уни ўраб олган чавандозлар от ўйнатишиб, масҳараомуз боқишган. Ким гапирганини ажратиш қийин. Пешонасини танғини даврадан унга яқинлашди.

— Қани эгарини ўнглаб мин-да, олдимизга туш. Камини йўлда гаплашасан.

Асқарали ўша кетган бўйи бир ҳафтадан кейин, Умаралибекнинг тўрт йигити билан дулдулни миниб, Зарвараққа кириб келди. У энди навкар эди...

У энди дақиқа сайин ўлимини кутаётган банди. Ҳаёт — неъмат, ўлим — неъмат, икки неъмат орасида сарсон — бир неъмат. Бунисидан тўйиб унисига неъмат бўлиб борасан.

Эс-эс, элас-элас хотирлайди: опачаси — Ойдин раҳматли етти-саккиз ёшларда, сочларига толпопук тақадиган қизалоқлик пайтида бир дарди бедавога чалинган. Ҳар куни тонг саҳар уйғонган опачи, бугун қайси табибникига борамиз, деб зорланар, қизининг сўровига жавоб топишга қийналган опачи ва энаси юзларини яширишиб юм-юм йиғлаб олишарди. Сўнгра отаси гарчи кимникига боришини билмаса-да, яхши ниятда кўчага етаклаб чиқиб кетарди. Домлама-домла, фолбин-ма-фолбин, табибма-табиб юравериб, опачи ниҳоят зериккан, қолаверса, ўзининг касали тузалмаслигинида, сеза бошлаган. Шунда энаси раҳматли тўнғич набирасини — унинг опачини — жажожигина қизчани ўлимга ҳозирлаган. Унга бу дунёнинг ёлғонлиги, у дунёнинг боқийлиги ҳақида ривоятлар айтган.

«Ҳеч қайғурма қизим, ўлим — ҳақ. Бу дунёда кўрмаганлар у дунёда кўради. У дунё бу дунёдан бошқача, у дунёда ҳуру ғилмонлар, боғи эрамлар, оби замзамлар, дуру жавоҳирлар бўлади».

«Яна нималар бўлади, эна?»

«Яна, сени тўйинг бўлади».

«Келинчак бўламанми, эна?»

«Ҳа, келинчак бўласан, ҳур кетган қизлар ҳур кетган йигитлар билан турмуш қуришади».

«Ёр-ёр айтишадими?»

«Албатта ёр-ёр айтишади, сени келин қилиб тушириб борамиз». Ух... опачининг суюнганлари... ўзини қўярга жой тополмаган, дардини-да эсидан чиқариб, ҳар куни

уч мартадан ўсма, ғозию упа-элик билан келинлардек пардозга берилган, оҳори тўкилмаган кийимларини тахлаган. Кетишга тайёргарлик кўрган, ўлимни тўй, деб ўйлаган. Қаратиб-кўрсатганларнинг ҳам деганлари тўғри чиқмаган, опаси яна уч йил, «тўй»га ясан-тусан қилган кейин... жонсиз танасига «ёр-ёр» айтишган...

Ўлим — тўй, тўй — ўлим. Бекни ўлдиришиб, улар тўй қилишади. Ҳадемай тўй... тўйга етказсин... У тўйга тайёр.

Жалололдиннинг хотира дафтаридан ёхуд ғамзаи усул Биринчи боб

Бу жигарранг дафтарда баён қиладиганларим кўрган-кечирганларимдан уюшса-да, Сорокин муаллимнинг айтишича, тарих бўлармиш. Узимга қолса қоғоз қораламасдим. Негаки, бунинг ҳеч кимсага кераги йўқ деб ўйлайман. Мен шоирмидим, алломамидим ва ёки муаррихмидимки, одамларга манзур тушадиган неларнидир битсам? Замоннинг зайли, Владимир Николаевичнинг гапи билан, мана, қалам қитирлатяпмиз. «Тарих»ни гоҳ чироқ ёруғида, гоҳ ҳеч кимнинг йўғида уйга қамалиб, хуфиёна ёзаман. Кўрар кўзга яхшимас, нима қиялсан, деса, тарих қиялсан дейманми, оғзи йиртилиб кетгудек бўлиб кулмайдами? Одам уялади, ҳар ҳолда бировнинг билмагани маъқул. Қолаверса, айтадиганларимнинг аксари юрак тўримда ардоқлаганларим, ўзимга, отамга қарашли, унча-мунча эшитганларим ҳам йўқ эмас.

«Сизлар, — деди Сорокин Владимир Николаевич, — капитализмни кўрмадинглар. Феодализмдан тўғри социализмга сакрадинглар. Ҳозирги ҳар бир дақиқа ўзи тарих. Нимани кўрсанг қоралаб юравер. Келгуси авлод учун бу жуда муҳим манба, тарихчилар шу эсдаликлардан жон-жон деб фойдаланишади. Фурсатни қўлдан бермай, бугундан бошлаб дафтар тут. Мен ҳам Туркистон сафарларидан иккита дафтар тўлғаздим. Бу ерда йўқолиб кетмасин деб, Россияга — хотинимга юбордим».

Владимир Николаевичнинг иншолари иккита дафтарга тўлгани рост, ўзим кўрганман, кулранг муқовада, учинчи дафтар қизил. Кулранг муқовадагиларга ҳар хил маросимлар, ёр-ёрлар, маъракалардаги айтишувларни ёзган. Қизилида эса қишлоқда янги ҳокимият ўрнатилиши акс этган.

Менинг буларга қўшилиб қолганимга келсак, отам Кўктўнли отага қайтмасидан илгари юз берган. Унда қишлоқ кимнинг қўлида эканлигида маълум эмас, унисиям, бунисиям эгалик қилиш ниятида жангу жадаллар билан овора эди. Кечқурун босмачилар келиб, «Бугундан бошлаб фалончи сизларга мингбоши, фалончи имом, писмадончи қози», деб тайинлаб кетишса, эрта-лабга бориб эгри карнайларини чалишиб қизиллар пайдо бўлишади, кўчама-кўча одам йиғишади, маъруза ўқишиб, жамоанинг раиси этиб бошқа бировни қўйишади. Албатта, бундай алмашувлар шунчаки кечмаган, милтиқлар отилган, қонлар тўкилган, одамлар осилган. Янги ҳукуматнинг-ку, вакилларини аниқлаш осон эди: бошида шапкаси, белида энли камари, отларининг думи кесик. Ёт унсурларни халқдан ажратиш қийин: деярли барининг бошида дўппи ёки салла, эгнида чопон, ёнбошида пичоқ. Бу ёғини суриштирсангиз, мени ҳам гумон қилиб олиб келишди. Яхшиям гумон қилганики, ҳақиқатни эрта танидим, мазлум халқнинг озод бўлишига ўз ҳиссамни қўшаётирман. Қайсидир бир гал

отамга шундай десам, бошини сарак-сарак қилиб, ёнидаги шеригига афсусланган:

— Айбга буюрмайдилар, тақсир. Ер-сувни олдирганимиз етмагандек, қафасдаги лочинимизгача қўлдан кетганга ўхшайди. Ҳаммаси кетса кетсин-у, тарбия кетмасин экан, кейин ҳеч бирини ўнглаб бўлмаскан. Биздан бир хатолик ўтдиким, энди тузатиш қийин.

— Риёзат чекманг, ҳожим, ёшлик нодонлик дейишган, бориб-бориб аслига қайтади.

— Бизниям умидимиз шундай, иншоолло, ўзига келар. — Кейин менга юзланди: — Мулла Жалололдин, одамларни имондан ажратиб, озод қилиб бўлмайди. Имоннинг ўзи озодлик. Бундан бошқа озодликнинг ўзи йўқ.

Бу шунчаки орамиздаги гап, менинг янги ҳокимият томонига қандай ўтганим борасига келсак, мана бундай воқеа содир бўлган. Обжувоз тарафда ола-тасир отишмаю ур-тўполон авжга минганда томоша қилиш истаги туғилди. Кўча томонга шошиб бораётсам, энам раҳматли худонинг зорини қилди:

— Болам, сен чиқма, уришган улар, сенга нима, уйда ўтир. Сеням қўлингни қайириб, отга ўнгариб кетишса нима қиламан? Отанга нима дейман?

Энамнинг кўзини шамғалат қилиб, тандирнинг ёнидан бошимни чиқарсам, шуни кутиб туришган эканми, деворнинг у томонидан бир бақувват қўл бошимдан тортиб сўғуриб олди. Қоронғилигимга ёки гапиришмаганиданми, оғзимга кининг латтаси тиқилганиям, кимлар отга ўнгарганиниям билолмадим. Сўнграқ пайқасам қизилларнинг қўлидаман. Оти қирчанғи, лўкиллайди, бунинг устига эгари темирдан, биқинларимни шилворган. Тўғри Елғизбоғдаги чойхонага келтиришди. Сўроққа туггани мана шу ўзимизнинг Сорокин Владимир Николаевич.

— Отинг нима?

— Мулла Жалололдин.

— Мулла!?

Комиссарнинг ажабланишидан англашимча, мулла деган сўзни бекор ишлатибман. Дарров олдини олиб ялпизлашга тушдим.

— Саводим борлигига одамлар «мулла» сўзини исми-ма қўшиб айтишади. Бунга ўзим ҳам ўрганиб қолганман. Аслида муллагликка муносиб эмасман.

— Ота-онанг?

— Елғиз энам билан тураман. Опам узлат қилган. Отам Чортоқда туради.

— Отаннинг оти нима?

— Қодирали (Қодирқулхожи дейишга тилим бормади).

Барибир суриштириб билибди. Нўғай йигит ярадор бўлиб, шифохонага юборилгач, мени унинг ўрнига таржимонликка олаётганда шама қилди.

— Отанг ҳожи экан-да, а?

— Ҳа, анча бўлган.

Жавоб беришга бердим-у, тилмочликка қабул қилмай қўярмикан деб ташвишландим. Ва отамнинг ҳожилигидан қаттиқ ранжидим. Нима зарур эди Маккага бориб, кўпчилик қатори жимгина юраверса бўларди-ю? Саводи бор экан, мактабдорлик қилар экан, тирикчилиги ўтмасиди? Мавридини топиб ўзига айтганман:

— Ота, нимага ҳаж қилгансиз?

Отам зийрак, илғаганини бировнинг юзига солмайди, дилига озор беришдан тийинади. Сўровимнинг тагига етган, бироқ қулимсираб жавоб қилиб қўяқолган:

— Айбим ҳожи бўлганлигимдами, ўғлим?..

Отам ҳам олдинига мени сингари Энамда ҳарф таинган. Сўнг Абдуллажон қорининг қўлида, ундан Шаҳ-

рисулудаги Мадрасаи олияда таҳсил топиб, анча йил Чортоқда болаларга сабоқ берган. Чортоқлик бир бой (яъни менинг бувам) куёв қилиб олган. Орада мен туғилганман. Биз — мен, опам ва энам Кўктўнли отадаги ҳозирги ҳовлимизда турардик. Отам тез-тез ҳолимиздан хабар олгувчи эди. Отам билан бувам ҳажга отланишганда унча-мунча нарсани фарқлайдиган ёшда эдим.

Отамларни Зарварақдан карвонга қўшиб юборганимиз кечагидай эсимда. Опам раҳматли ҳам биз билан келиб кузатишганди. Ранги синиққан, тез-тез қусиб турарди, ҳаммамиз қўшилиб менга ука кутаётгандик. Шу боис опам иккимизни кўп уринтирмай аравада жўнатиб юборишган.

Бир куни опам қўлини қорнига қўйиб, «Ҳозир кўрасан, тепади», деб айтган. Мен тушунмасдан: «Нима тепади?», дея бошимни кўтариб деразага қарабман. Шунда опам кулиб, қўлимни яна қорнига қўйган: «Уканг тепади». Яқин орада укалик бўлишимни фаҳмлагач, ўзимни қаерга қўйишни билмай қувонганларим... Афсуски, укамнинг қадами қутлуғ келмади. Отам кетганига бир ойлар тўлиб-тўлмай, ярим кечаси доя — Адолат опани айтиб чиқдим. Энам иккиси кўп уймаланишди, опам бақирди... Эрталаб энамнинг йиғисидан уйғониб кетдим. Опам укамни туғолмай ўлибди. Уша куни иккита ўлик чиқардик.

Опамнинг қирқини ўтказгач, энам ёлғиз ўтирмайлик деб, оқ пошшо замониде келиб қолган бир нўғой муаллимини дарвозахонадаги уйга қўшни ўтқизди. Менинг тил билишим шундан. Абзий қизи иккимизга ҳарф танитиб, ўрис тилини ўргатди. Муаллим кўп нарсани билгучи меҳнатқаш, тўғрисўз, фақир бир кимса эди. Мен унга қаттиқ боғланиб қолгандим. Бу негадир энамга ёқмас, муаллим бирорта қизиқ воқеани ҳикоя қилиб бераётганда энам дарров мени ёнларига чақириб, «одоби солиҳин»дан таълим бермоққа киришарди. Шубҳасиз, энамнинг гаплари бу қулоғимдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетар, шаёл курғур абзий ҳикоясида сайр этарди. Бора-бора энам мени қўшниникига камроқ йўлатадиган, муаллимини қилдан қийиқ топиб қийидиган одат чиқардилар. Дастлабки келишмовчилик абзий ўтирган уйнинг оқланишидан бошланди. Энам қайсидир маъракага кетгандилар. Дарвозадан кира солиб ҳужранинг оқланганини кўрди-ю, авзойи бузилди, ёпинғичиниям қозикқа илмай, кириб борди.

— Бу қанақа қилиқ, абзий? Сизларни шу ниятда уйга қўювдимми? Уйни оқламоқчиман деб, бир оғиз сўрасангиз бўларди-ю, яхшиям дунёнинг бир кечкасида турмайми, ё тилингизга чипқон чиққанмиди? Бу ахир кимсан Қодиркул ўғлимнинг хос ҳужралари бўлса, кафандай қилиб оқартириб қўйибсиз-а... оқланган уйда фаришта қоладими? Бугундан бошлаб девордаги оҳани сидириб ташланг. Менга бунақа озодаликнинг кераги йўқ.

Яна бир куни, сабоқ олаётганимда, деразадан қарабдию ялангбош ўтирганимни кўриб, жанжал кўтарди.

— Абзий туппа-тузик илми бор, мусулмон одам десам, Жалоллидинимни диндан оздирапсиз экан-а, бошьяланг китоб кўради... Тунов куни пешинга яқин ҳожатхонада бировнинг боши кўринади, зеҳн солсам — шу, тикка туриб сиядиган одат чиқарибди, сизлар келиб уйимизга оҳак келди, оҳакда уй оқлашни ўргатдингиз, ўғлимиз бунақанги қилиқлар чиқарди, шунисиям шукр. Энди хотинингиз менга ариқда кир ювишни ўргатса, вассалом, қавминларга тортиб оласизлар.

Энамнинг бу гаплари муаллимга оғир ботди. Эртасига бир от арава ёллаб, Туманбоққа кўчиб кетишди.

Яна сўппайиб ҳовлида энам иккимиз қолдик. Энам

раҳматли гапидан қайтмайдиган, замоннинг зайлини тан олмайдиган, қайсар, тушунчаси заифроқ кампир эди.

Биринчи бўлиб «хуррият» ҳақида гапирган муаллимнинг айтишича, қишлоғимиз одамларида инқилобий онг етишмасди. Шу вайдан бўлса керак, энамни ҳамон бошларига кўтарар, гапини биров қайирмас, йўлини кесолмас эди. Қаерга борсалар уйнинг тўри, овқатнинг зўри энамга. (Биз ҳам қуруқ қолмаганмиз). Уша чўлоқ муаллимни қишлоққа келиб бир ҳафта истиқомат қилишга улгурмасиданоқ ёмонотлиққа чиқариб қўйган ҳам мана шу Буробия энам бўлади. Муаллимнинг қилган айбганиси шулки, тарғибот-ташвиқотдан ташқари, ўзгача кийган либосида, яъниким, мошранг кителда эди. Кампири тушмагур унга шундай далил билан айб тақадик, Кўктўнли отадаги эшитган қулоқнинг ҳаммаси ундан юз ўғирди. Уйда менга:

— Сени нўғой Абзий айтгани етар, яна анови динсиз чўлоқнинг ортидан эргашиб юрмагин, — дейди.

Катта-катта йиғинларда, маъракаларда юртни оғзига қаратади:

— Халойиқ, кўзинларни очинглар, ким нима деса ишон-наверманглар. Калтадумлардан эҳтиёт бўлинглар. Этаги кетига етмаган одамдан яхшилик чиқмайди. Бориб-бориб сизларгаям юқади, этагинглар ортингларга етмайди. Қарабсизки, беш-ўн йилда элнинг орқаси очиқ, Раҳматлининг бунчалик обрўга эришганлиги қачонлардир байтиллининг йўлига чиққанлиги. Боришга боролмаган. Самарқандгами, Бухорогами ёки ундан наригами (аниғини мен билмайман) борган-у, терламадан касалланиб қайтган. Гарчи Маккатиллога етмаган эрса-да, гувоҳлари бор экан, Ҳожи эна, номини олган. Ҳожи эналик қуруқ эмасди, шарият, тариқат, ҳақиқат иллари бирла лутфи назми ҳам пухта эгаллаган, гапининг безаги байт. Байт ўқигани дуруст эди-ю, умрининг охиригача хурриятни тан олмай ўтгани чатоқ бўлган-да. Зора буларни кўрса, «сизларнинг йўлинглар ҳам тўғри экану, менга сал тушунтириброқ айтмаган экансан-да», деса. Ҳа, эсимдан чиқай дебди, бояги «калтадум» муаллимнинг умри қисқа экан, куппа-кундузи майдондаги қайрағочга осиб, ўт қўйворишибди. Одам ёмон ёнаркан... бу хабарни йиғлағудек бўлиб энамга етказганимда, унинг ҳақиқига дуо ўқиди.

— ...Яхши бўлмабди. Ҳали ёш эди. Ун гулидан бир гули очилмаганди. Тили-жағи ўзининг бошига етди. Тақдирдан тониш қийин...

Чўлоқ муаллимнинг ўлиmidан кейин ҳар одамлар келди, савлатидан от ҳуркади. Тили-забондан ҳеч камчилиги йўқ. Агар шунақа даҳани бақувватлар келмаганида қишлоқдагилар энамга ўхшаганларнинг гапидан чиқмай юраверишарди. Анча-мунча элни оғзига қаратадиганлар ҳам «зўрдан зўр чиқса» дегандай ич-инига кириб кетишди. Шуларни кўриб айтгим келади: «Одамларини юбориб, энамни гапиртирмай қўйган ҳукуматга раҳмат. Бўлмасам биз яна қанча гафлат босиб ётардик».

«Калтадум»лар кўпайгач, уларни биров камситмай қўйди. Ушалар маърузалар қилишганда энамнинг элчилариям киприк қоқмай тинглашарди. Асосан улар ер ҳақида, хуррият ҳақида тўлиб-тошиб гапиришарди.

Биз, болаларнинг куни туққан: энамга билдирмай уч-тўртта ошналар билан кечгача уларнинг ортидан юрамиз, тушунмаганимизни тушунтиришади. Аввалги сандирақлаб юришлар, ланка тепиб, чиллак ўйнашлар барҳам топган. Ўзимизча биз ҳам инқилобчи. Бир гал бошқаларга қизиқиб мен ҳам одамлар гавжум жойда «Яшасин йўқсуллар», «Йўқолсин бойлар» деворибман. Уйга қайтганимда йўлда иккитаси тутиб олиб, шунақанги уришдики, гапирганларимга пушмонлар егизишди. Ҳар сафар, «Ҳа, нафасингни ел юткур. Бизни кафан-

гадо қилмоқчимисан, сенга йўқсул керак бўлиб қолди-ми, мана сенга йўқсул», деб оч биқинимга туширишади. Уша чакалакзорда қолиб кетаманми деб ўйловдим. Йўқ, уриб чарчашгач, ўзлари навбатма-навбат кўтаришиб дарвозахонага ташлаб кетишди.

— Энанг ҳожи, отанг ҳожи, сенга ким қўйибди бунақа гапларни. Шуларни юзи бор, бўлмаса тирик қўймасдик.

Ушандан кейин анчагача ўзимга келмай юрдим. Барибир бола бола экан, энам раҳматли касалимга қаради.

Кўрган-кечирганларимни тартиб билан ёзолмайман, миямга нима келса қоғозга туширавераман, акс ҳолда бу ёдимдан кўтарилади.

Отамнинг ҳажи қабул бўлиб келгани булардан илгари бўлган. Отамнинг келаётганини эшитиб энам суюниш ўрнига нима қиларини билмай довдираб қолди. Гоҳ кўчани тўлдириб отамни зиёрат қилишга шошаётган одамларга интилади, гоҳ уйга. Охири ортига қайтиб, уйга бор кўрпаларни тўшаб, устига оппоқ чойшабни ёзди-да, устига чиқиб ўтириб олдилар. Гап-сўз йўқ, кўзлари эшикда, қўллари дуода. Энамнинг аҳволидан чўчидим. Ҳазилми, ўғли сал кам икки йил деганда ҳожи бўлиб келаётса-ю, онаси кўрпа-тўшак қилиб ўтирса.

— Эна, тузукмисиз, ҳеч ерингиз огримаяптими?

Энам бошини қимирлатиб, «ҳа» ишоратини берди-ю, тили дуодан бўшамади.

— Отам ҳожи бўлиб келяпти экан. Юринг, кутиб оламиз.

Энам кўзига ёш олди:

— Отангнинг зиёрати қабул бўлсин, болам. Сен бора-вер, мен билан ишинг бўлмасин. Нега қараб турибсан, бор.

Ноилож кўчага чиқдим. Лайн-лайн одам кўчаларни тўлдиришиб, Зарварақ томонга юриш бошлашган, барининг кўзида ёш, гўё улар отамни тавоф қилгани эмас, дафн қилгани кетишаётгандай. Тентаксойдан ўтгунимизгача биров «итмисан», «эшақмисан» демаган, эл қатори бошимни элак-элак қилиб, ҳар замонда оҳ..., оллоҳ, оллоҳ, етказганингга шукр» деб кўзимни тупугимда намлаб бораётгандим. Бирданига кимнингдир меҳрибончилиги тутиб, «Ўғлини ўтказворинглар, ҳў, халойиқ, ўғлини кўрсин», деди-ю, менга йўл беришди. Олдинга тушиб юриб қолдим. Дўппининг астари чиқиб ётибди, иштонбоғнинг учини босиб олай, босиб олай дейман, оёқ барча қишлоқ болалариники сингари ёрилган, қорайган. Кўриниш шу-ю, ҳамма ҳавас билан қараганига ўласизми?

Бувам билан отам отда эканлар. Уларга ҳар томондан «Зиёратингиз қабул бўлсин, ҳожим» деган овозлар ёмғирдек ёғилар, юзлаб қўллар тавоф қилишга тинимсиз талпинарди. Бувам ва отам одамларга қараб «Муродинглар ҳосил бўлсин» дейишади-ю, хурсандчилигидан нуқул йиғлашади. Мени олдин бувам олиб, бағрига босди, сўнг отам қучоқлаб отига миндириб олди. Оломон бизга тикилган, отни юришга қўймайди. Менинг икки кўзим обжувоз томонда, қанийди энам юғуриб чиқса.

Йўқ, чиқмади. Дарвозага етганда отам отдан тушиб, югани менга тутқазди-ю, дарвозадан кириб, одамлар кўрмасин дедими, негадир эшикни зулфинлаб ичкарига отилди. Бир оздан сўнг қайтиб келиб эшикни очди. Оломон ҳовлига ёпирилди. Кейин билсам отам энамни зиёрат қилгани шундай қилган экан. **Агар ҳожи бўлмиш онасини зиёрат қилмай, онаси уни тавоф қилгани чиқса, ҳажи қабул бўлмас экан. Энам билан отам шуни билишар экан.**

Отамни Чортоқнинг одамлари келиб қўярда-қўймай яна олиб кетишди. Мачитга имомликка қўйишмоқчи эканлар, уйланмаганлиги ваъжидан отам ўзи унамабди.

Баҳорга чиқиб ўша ерлик чевар кампирнинг неварасига уйланди. Тўйнинг бошида яна бувам турди. Опам бўлмишни Кўктўнли отадаги ҳозирги ҳовлимизга туширдик. Келин опам ҳақида тасавурум олам-жаҳон: ўзимнинг опамга ўхшаган ширинсухан, болам деб эркалайди, келинчакнинг уйини чиройли тузашади, рўмолчаларидан сўрасам беради, ҳалинчалак учсам тебратади. Тўйнинг эртасига кириб борсам, чимилдиқда Махсум тоғанинг ўғли Юсуфдай кичкина қиз ўтирибди, ёшини сўрасам мендан уч ёш кичик. Отини айтиб чақирсам, энам уришиб берди:

— Иккинчи марта Сожида десанг, тилингни суғуриб оламан. Опам де! Отангнинг хурмати йўқми?!

Хуллас, опам билан иккимиз тил топишдик. Рўмолчани сўраб ўтирмадим. Хил-хилини танлаб ўзим оламан. Бу чорсиларни айтмайсизми, бўз чопонга шойи белбоғлар. Қийикнинг ўзини ҳисобласа, кувё болага ўхшайман. Келин тушгандан бери кўчага кам чиқаман. Зериксам опам қўшиқ айтади, мен унга эртак. Тўптош ўйнаймиз, эшак минди ўйнаётсак энам тутиб олиб, роса урди. Бу узоққа чўзилмади, ёзнинг оёқларидан отам опамни олиб Чортоққа кўчиб кетишди.

Шўроларда мирзолик, тилмочлик, югур-етим ишлар қилиб юрардим. Аини ўша кунлари ёзув-чизув ишлари кўпайиб, менинг ишчанлигим тутган, қоғозимиз тугаб қолса, Бердалиевой савдогардан шалдиरोқ Қўқон қоғозидан харид қилиб турардим. Қачон борсам Бердаливойнинг ўзи кутиб олиб, ўзи ташқаридан кузатиб қоларди. Бир гал чақириб борсам, ташқаридан ҳадеганда жавоб бўлавермади. Ичкарига кириб овоз бердим. Яна ҳеч ким индамади. Яна чақирдим. Шу пайт уйдан пақирнинг даранглагани эшитилди-ю, хонадонда эркак одам йўқлиги маълум бўлди. Энди ортимга қайтмоқчи эдим, дарчадан майин овоз келди.

— Қандай юмушингиз бор эди, мулла ака?

Қуруқ қайтмаслигимга озгина умидланганлигимданми ёки овознинг кўнғироқдек жарангиданми, нима сабабдан келганимни бир дақиқа унутдим, ўзим сезмаган ҳолда дарчага яқинлашдим.

— Сиз мулла Бердалиевой аканинг кимлари бўласиз? — Қизлариман.

Ярим газ келадиган сарғиш дарчанинг тирқишидан зангори шойи рўмолнинг учи сирилиб намойишланди. Юрагимда орзиқиш зуҳур топди.

— Мен Қодирқулхожининг ўғли Жалолиддинман. Отангиздан қоғоз олиб юргучи эдим. Учакишгандай бугун уйда йўқ эканлар, шекилли.

— Отам Шаҳрисулунинг пайшанба бозорига кетганлар. Кечга томон қайтиб қоларлар. Опам амакимларникида эдилар.

— Ўзингиз олиб беролмайсизми?

Ҳадеганда жавоб ололмадим. Ҳаяжонланаётгани енгил, аини замонда тез-тез нафас олаётганидан шундоқ сезилиб турарди. Мен уни тирқишдан яширинча кузатсам, у ҳам мени кўриб турган экан: мен топган тирқишнинг остидаги тангадеккина тешикда нигоҳларимиз илиқ кўришди.

— Отам сезиб қолсалар, қаттиқ ранжийдилар. Қолаверса омборни қулфлаб, калитини белбоғига тугиб кетганлар.

— Афсус, минг афсус, энди уйлариңдан қуруқ қайтадиганга ўхшайман. Учакишгандай уйда бир варақ ҳам қолмовди.

— Ҳай, тўхтаңг. Бунчалик зориқиб қолибсиз, ўзимнинг ёзув-чизувимга дафтар сўраб олгандим. Ҳали ишлатмаганман, шуни олиб берайми?

— Катта мурувват қилардингиз-а.

Ковуш фарчи анча узоқлашди. Тирқишга михландим.

Узум ишқомлари остидан уйга ўйноқлаб боради. Бошига қўндирилган шойи рўмолнинг учлари тим қора сочларини маҳкам қучоқлаган. Қучоғига сиғмаган кокиллар қип-қизил бахмал камзулини буткул қоплаган. Четларидаги қалта кокилларнинг жингала тортган учлари камзулнинг этагига тикилган сарғиш гулларга тегажўғлик қилса, узунлари камзулдан ўзиниб, ҳаводан кўтарилган хон атласни чилдирма қилиб чалади.

У уйда кўп тугилмади. Қўлтиғига жигарранг муқовали дафтарни қисиб, тездан айвонда кўринди. Икки бети нақш олмадек, тугмадеккина оғизчасининг четларидаги қулдиргичлар эндигина учмоққа шайланган қўшчага монанд. Йўқ, йўқ, бундай бўлишини туш кўрибманми, омад дегани шудир-да, пари деса дегудек, юришларида бир навозиш, тирқишдан қараётганимни сезгандай эркаланиб, қўзичоқдай сакраб-сакраб келади. Ичимда бир олов ёнади, юзим қизир, ичим қизир, вужудим жонимдан жудодай. Дарчага яқинлашган заҳоти «Жалолиддин ака!» деб юборса бўладими, юрагим уришдан тўхтаб қолармикан деб ўйлабман. Ҳали менинг исмиمنى биров бунчалик чиройли, бунчалик ширин қилиб айтмаган, «ака»синиям қўшмаган. Ҳа, «ака»гинангдан аканг айлансан дебим, кўкрагимга бир шапати уриб, «дўст» деб юбордим-у, қизни чўчитиб қўйишдан чўчидим.

Узатган дафтариям дафтармисан дафтар, ўзига муносиб: филофи чармдан, четларига кунгираддор нақшлар ишланган. Дарҳол қўйнимга солдим, қўйнимга дафтар эмас атир киргандай бўлди, димоғимга хуш бўйлар урилди, хуш бўйлар муаттар гулларни, гуллар бир-бирига мингашган қир-адирларни ёдимга солди. Унда иккимиз қувлашиб юргандекмиз. Дафтарни қачон варақласам, ундан қуритиб сепилган гул-гиёҳларнинг ҳиди уфураверади, мен эса хаёлга берилавераман.

Бундай дафтарга ёзадиган иншоим ўзи йўқ эди. Унга нуқул қишлоқдаги олди-қочдини ёзиб тўлдирмоқ ғирт густоҳлик бўлар деб ўйлардим. Дафтарни хайф қилгим келмасди. Қачонки, Владимир Николаевичнинг гапидан таъсирланиб, шу ёдномаларни қоралашни мўлжаллаганимда, дафтар ёдимга тушди, кўрган кечирганларим шунда мужассам топа бошлади. Ёзаётганларим наздимда равондай, муфассалдай, бунинг боиси ҳам Латофатнинг дафтаридаги сеҳрга боғлиқдай эди.

Бизларни ана шу дафтар худди икки қанотдай бир-биримизга боғлаган эди. Кўчага чиқиб йўл солсам, қадимим Латофатлар томонга тушаверади. Бахтимга яна бир гал уйларида ҳеч ким йўқ экан. Қоғоз баҳона анча гаплашиб турдим. Янги очилаётган мактабга таклиф қилдим. Қоғоз бераётган паллада мулоим қўллари қўлимга тегиб, сескантириб юборди. (Очиғини айтсам, мен ўзим атайлаб қўлларини қоғозга қўшиб ушлаган эдим). У дарҳол қўлларини тортиб олди.

— Вой, бу нима қилганингиз Жалолиддин ака?

— Узр, қоғозга қўшиб, билмай ушлаб олибман.

Уша қуни хурсандлигимдан уйга боргим, қамалиб ўтиргим келмади. Қулоғимдан «Жалолиддин ака» деган ёқимли овоз кетмас, бармоқларимда унинг қўллари худди из қолдиргандек ловулларди. Тўғри Мусоқул дўстимникига ўтдим. Дардимни айтдим. Ярим кечаси уйга қайтсам, бизни кўргани отам келган экан. Дарвозани очиб, ичкарига кирганимда опам отамга шивиради:

— Ана, келди Жалолиддининг.

Айвондаги чироқнинг пилиги кўтарилиб ёришди. Отам ёнбошлаган, энам одатдагидай тасбеҳини ўғириб ўтирарди.

Отам сўрашиб бўлгач, ёнидан жой кўрсатди ва бошдан-оёқ разм солди.

— Сарполар муборак, ўғлим.

Мен бошимдаги қуни кеча берилган шапкаمنى, энли камаримни, мошранг кителу бир оз кенгроқ шимимни ўнглаган бўлдим.

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Ҳаммаси дуруст-ку, шу ўзингизнинг манглайингизни ўзингиз беркитганингиз чакки бўлибди-да, ўғлим. Бизнинг ота-боболаримиз пешонасини беркитадиган кийим кийишмаган. Ҳаммасининг пешонаси очик бўлган.

Мен мулазам тортидим ва шапкаمنى юқорироқ кўтариб, пешонамни очдим.

— Сиз шуни ихтиёр қилибсиз, майли, ўғлим. «Отаси отмаган қўнғизи, боласи отибди тўнғизни», дейишган. Бизнинг уруғимиздан ҳам шўро чиқса, чиқибди-да. Ҳориб келгандирсиз, бориб дамингизни олинг. Мирзолик ҳам оғир иш.

Мен ноилож уйга кириб жойимга чўзилдим. Бир маҳал улар мени ухлаган ҳисоблашдимми ёки эшитгани маъқул дейишдимми, бемалол гапга тушишди. Энам обидийда қила бошлади.

— Мен ҳам пишиб турибман, бугун бор, эртага йўқ. Қўзимни тиригида уйла, сен тенгилар аллақачон невара кўришган. Энди катта бўлиб қолди. Менга бўйсунмайди. Новосни молим дема, бўйдоқни ўғлим дема, деган машойихлар. Агар уйламасаң Чортоққа олиб кет. Қишлоқда ҳар хил гап тарқалган. Шўрога ўтганидан тортиб, Бердаливойнинг уйини қўриқлаётганигача элнинг оғзиди. Бунингди деб кўчага чиқолмайман. Одамларга кўришга бет чидамайди.

— Мен озгина билим олармикан девдим. Учакишгандай замон нотинч. Шаҳрисулудаги мадрасаи олияни ҳам ёпишган. Хужранинг тупроғини уч-тўрт йил ялаганида ҳам ақл кириб, оқ-қорани фарқига борарди, кейин улардик.

— Яхшиси Чортоққа олиб кет. Манову уриш-тўполонларга аралашмасин. Бирортаси ўлдириб кетадими деб, жоним ҳалак. Сенга билдирмаган эдим. Асқаралибекнинг йигитлари уч марта излаб келишди. Уйда йўқ деб алдаб жўнатвордим. Тўтиб олишса, чавақлаб ташлашди. Иккаловиниям кўзига қон тўлган.

Энамнинг гапи гап бўлиб отам мени Чортоққа олиб кетадиган бўлди. Кийимларни топшириш баҳонасида командирдан тўрт кунга рухсат сўраб келдим. Гапига кирганимдан энам ҳам, отам ҳам ўзида йўқ хурсанд. Тушга яқин ота-бола йўлга тушдик. Чортоқ ўз номи билан атрофи тоғ, Катта Оқсой бор. Одамлар Оқсойнинг четларига, ёнбағирларга, қўйингки сув борадиган ерларга жойлашган. Бир-бирига мингашган лойтомлар кеч кузда ёки эрта баҳорда кўринади. Бошқа пайт дов-дарахтларнинг панасида кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Қишлоқда одамнинг қанчалигини тахминан подачи ҳайдаб борадиган соғин сигирлардан, кечга бориб мўрилардан чиқадиган тутунлардан билиш мумкин. Ёки жума намозиغا келган одамларни кўриб ёқа ушлайсан: «шунча киши бор экану, кўрмаган эканман-да», деб. Уларнинг юмуши чорва, кеч баҳор кириб, куз тушганидан тез пишар нарсалар экилади. Савдогарлариям бор. Қашқарга ўтадиган карвон йўли шундоқ Чортоқнинг қифтидан ўтган. Эгасиз чоғроқна карвонсаройи шундоқ тоғнинг ичида, худди орға ўхшайди. Карвонсаройнинг русми қизиқ. Қачон борилса ўчоқдаги қозонда албатта қўл урилмаган овқат туради. Шарти шуки, уни еб бўлгач, кетар маҳали у ҳам бирор овқат тайёрлаб, ўзидан кейинги йўловчига қолдиради. Бу удум шу дамгача бузулмаган экан.

Эндиликда тартибга путур етганмиш. Сабаби янги ҳокимиятнингми, ёт унсурларнингми қочиб юрганлари овқатни паққос тушириб кетишаркан. Чортоқ йўлнинг устида бўлганлигидан Кўктўнли отага қараганда анча гавжум. Шундай эрса-да, уч кунда зерикдим. Тўғрироғи, хаёлларимга, ўйларимга эга чиққан Латофатни соғиндим.

Отам кўчиб келган уй билан бувамларнинг ораси ўн-ўн беш ҳовли, холос. Мен бувамларникида тунаганман. Бувам бомдод намозига мачитга жўнаганда, бостирмадаги йўрғасини миниб, ҳеч кимга билдирмай Кўктўнли отага ҳайдадим. Қишлоққа кириб келганимда шом азони эшитилаётганди. Йўрғани бостирмага боғлаб, энам билан саломлашдим, Латофатларникига бордим. Дарчадан қараб турибман, қани энди, Латофат кўринса, айвондаги сўрида ҳамма бор, фақат у йўқ. Опаси уй томонга қараб қўлини арра қилди:

— Бўлди, Латофат, кўзингнинг сийдигини оқизаверма, бор, дарчани беркитиб кел.

Уйнинг эшиги очилиб, Латофат кўринди. Боши ҳам, қадамлари оғир, қўллари жонсиздай шалвираган. Дарвозага яқинлашгани замон аста чақирдим:

— Латофатхон!

Қўрқиб кетиб чилишни бузармикан дегандим, яхши таниди.

— Жалолиддин ака?

— Ҳа, менман, тинчликми?

— Худога шукр, нега келдингиз?

— Сизни кўргани.

— Мен сизни яна қоғозга келганмикан дебман.

— Қоғозим бор. Энди эгасини олиб кетсам дегандим.

— Отингиз қирчанғими?

— Йўқ, йўрға!

— Йўрғани аябсиз, Жалолиддин ака, майли, бўлар иш бўлди. Бизникига бошқа келманг.

— Нима гап?..

Латофат гапимни охиригача эшитмади, дарчанинг зулфинини солиб уйига қайтди.

Латофатнинг тушуниксиз гаплари бир ҳафтадан сўнг ойдинлашди, ҳақиқатдан отни аябман. Берган қоғозига, қўлини ушлаб олганимга, «ака» деганига сўюниб юраверибман-у, одам юборишни ўйламабман. Қўйнимдаги нарса — биздан ошса биров олади-да, деб адашибман. Мендан жиндай бурун Жўра Қўлдошнинг ўғли Шомирзабекдан совчи келиб, розилигини олиб кетишибди.

Ўзи билганми, Мусоқул гуллаганми, командир ҳузурига чақиртирди.

— Бердаливойнинг қизини севарминдиги?

Ҳеч ким бундай қилиб очиқ сўрамаганидан андак хижолат тортдим.

— Кўнгил қўйгандим.

— У ҳам севадимми?

— Ҳа.

— Ғам қилма. У вақтлар ўтиб кетган. Бойларнинг куни битган. Қолаверса, Шарқнинг мазлум хотин-қизларини босмачиларга хор этказиб, тўрт девор ортига тикдириб қўймаймиз. Унда инқилобимизнинг маънисини қайга борди. Отасига ўзим учрашаман.

— Сиз борманг, ўзим эплайман.

— Йўқ, бу сиёсий масала. Кўплашиб ҳал қиламиз.

Сўзимга кирмаган командир ҳам қуруқ қайтди. Отаси кўнмабди. Айтибдики, «қиз меники, хоҳлаган одамимга берман. Янги ҳокимият итми, фуқарони талагани. Агар зуғум қиладиган бўлсанглар ўзимниям, қизимниям ўлдираман».

Ҳаммаси тугади, ёш эканман, содда эканман, ўз бахтимни ўз қўлимдан учирдим. Энг ардоқли дамларимдан мана шу жигарранг дафтар ёдгор. Уни соғинсам дафтар варақлайман.

Айрилиқ аламлари

Қоронғи тушибди, шекилли, қоровул йигит мўрига келди. Жикқа ҳўл кигизни қайтариб, четаннигина қолдирди. Қўрғошиндек қорайган осмонни у четандан кўряпти. Ёмғир тинишга тинган-у, ҳаво пуркаяпти. Паст билан баландни, Асқаралибек билан уларни ажратиб турган чегара мана шу бир энли четан. Гўё осмон ҳам нимталанган. Мабодо, кўкда ой сузганида-да, четандан боқарди, ёруғликни ҳам унга тўлиқ кўрсатишмасди. У ёғи яхши, бу ёғи ёмон, у ёғи ёруғлик, бу ёғи қоронғи — тўла-лаҳад. Аслида дунёнинг ўзи лаҳад. Тирик инсон борки, буни англамай, ўзини арши-аълода ҳис этиб, оёғи ердалигини пайқамай юравераркан. Баногоҳ буларнинг барчаси сароб эканлигини сезганида, кечикканини, чорасизлигини тушуниб, бошини қаерга уришни билмай овораи сарсон бўлиб қолавераркан. Унгача бари бир-бирига четан қўйиб, чегара қўйиб ўзини бошқалардан ақллироқ, онглироқ санаб, алоҳида ҳурмат-эътибор талаб қилиб юравераркан.

У ҳам умрини ана шундай чегара қўйишга сафарбар этганди. Унинг чегараси метиндек мустаҳкам, хитой деворидек узун бўлмоғи керак эди. Афсуски, унинг тағи бўш экан, олдингилар пойдеворни нобоп қурган эканлар. Шуни билмабди, янглишибди. Узини ўтдан чўққа ураверибди-ю, ниҳоясига ақли оқсабди...

Қурол ортган карвонларнинг кети узилмасди, гап кучда, қатли олда деган, ёғийлар эгри карнайларини чалиб кўчани тўлдириб юришганида пистирма қўйдириб тутдай тўккан. Кўмаклашганиниям, уларга ўтганиниям, уларга хайрхоҳларниям аямаган, шубҳа туғилса бас. Шуни ҳақ санаган, шундай қилса кўнгли хотиржам топадигандай, шундай қилса Умаралибекнинг ушалмаган орзулари рўёбга чиқадигандек, руҳи шод бўладигандек эди.

Ҳозир ҳам қилган ишларидан афсусланмайди, ўзини надоматга банди этмайди. Умаралибек тирик бўлганида ҳам шу йўсинни тутмоғи аниқ, бундан бошқа чоранинг ўзи йўқ эди. Эл орасидан Умаралибек таъкидлаб айтган иймон кўтарилган, ташвиқотнинг бўронидан қулоқлари банд, ваъда қилинган «дориламон» кунлардан кўзлари сўқир, тиллар ўргатилган гапларни тўтиқушдай такрорлашга одатланган.

У вақтни ўшанда бой берган, Шомирзабекка қўшилмаган. Унинг ўзи юкунганди, ҳўп деса асакаси кетармиди, қайсарлиги бор-да, ёғийларни даф қилиб ўзи беклик қилмоқчи эди, қолаверса, икки кўнқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деб ўйлаган. Чунки теварағи текис: қиличининг дами қайтмаган, қайнона-келин орасидаги «сан-ман»ни ҳисобламаса қўйнида Нисора, бекнинг руҳи поки учун номини Умаралибек қўйган ўғилчасининг тетапоя пайти, қирғийнинг боласини ҳали удайчиликка олмаган, остида дулдули гижинглаган. Назарида жамики нарсалар унинг учун яратилгандек, бошқариб турса, тўсқинлик қилганини тинчитса, етадигандек эди. У ўзининг умр бўйи шундай яшашига қаттиқ ишонган. Ўзига ишоншиш — хотиржамлик, хотиржамлик — лаззат, лаззат эса ғафлат экан.

Дастлабки йўқотиш дулдулдан бошланди. Кутилмаганда талофат кўрди. Энди ўйласа чақув бор экан. Қирғийнинг боласи иш бошлаган экан. Бўлмасам бировнинг юртига биров дабдурустдан бостириб келолмайди, сотқин ўзингдан чиқади. Бахтига пистирма қўйган, шулар жонига оро кирмас аҳволи не кечарди— номаълум. Ёғий қисиб қишлоқдан улоқтириб ташланаётганди, «хайт-хуйт»лаб кўрнинг бошида қилич яланғочлаб ўзи борарди. Кимнингдир ҳовлисидан кесиб ўтаётганда, оғил томондан кутилмаганда бешотарини дўлайтириб аскар чиқди. От сезган экан, ўқ отмасиданок олдинги оёқларини кўтариб Асқаралини ҳимоя қилди. Аскар икки бор қувурини бўшатди. У ҳам от кўтарилган дамдан фойдаланиб, аскарни тўппончадан қулатди. Аммо дулдулдан айрилган эди. От тик турган жойида бир титради-ю, аччиқ кишнади, сўнгра мувозанатини йўқотди. Ерга эгиляптиямки, бекини ўйлади: оёғини босиб тушишдан эҳтиётланиб, олдинига кеткамчасига, у узангидан оёғини чиқариб олгач эса чап томонга йиқилди. Кўзларида ҳалқоб-ҳалқоб ёш, қорнидан, кўксидан қон оқмоқда, энтикади, ҳарсиллайди. У гўё янги бўшанган аёл, оёқлари узалган, ҳаётдан умидини узган, боласининг тирик қолганидан севинган каби бекка термулган. Кейин тўшидан оқаётган қонга бошини эгиб, ўз қонини ўзи ялади ва кун ботарга бошини қўзиб, бир ҳазин, бир маъсум кишнагандай, нимагадир муножот этгандай бўлди. Бек охириги чорани қўллади. Отга пичоқ тортди, гўё ўзига пичоқ тортгандай. Отдан шовуллаб қон, унинг кўзларидан эса тинимсиз ёш оқди. Оғир эди дўстнинг жасади ёнида туриш, оғир эди уни ёлғиз ташлаб кетиш. Қўлда пичоқ, атрофда йигитлар ҳангу манг, қуёш уфқини безаган — қонталаш, ерда ер билан битта бўлиб ётар бир жасад — юрагининг суюк парчаси. Бек ортига қайтар экан, отининг ўз қонини ўзи ялашида, унинг оғзидан қон кетишидан қандайдир синоат бордай, бу манзара унга танишдай, қачондир кўргандек туюлаверди, слаб ҳеч тополмади. Ва яна шундай хаёлга бордики: «Кўрмаган бўлсам, энди кўрармиканман?»

Бўзахонага кириб роса бўзага тўйди, аламин арийдимикан деганди, аксинча, кучайгандан кучайди, оғзи қонга беланган дулдули уни таъқиб этаверди. Эслаган сари ичи дардга тор келди, йиғлашга қурби етмади. Дулдул кўзларида мошдек қизғиш холи бор байталдан тўғилмагандек, байтал ҳам от эмасдек, унинг орзусидек, дулдул ана шу орзунинг мевасидек, ҳаётининг безагидек эди. Уйга борса ғурбат устига ғурбат— Нисора онаси билан яна оралари бузилиб қирғийга кетган экан. Ертўладан мусаллас олиб шунга ружу қилди, қони қизиб кўнгли Нисорани тусайверди: «Мени дулдул ёлғизлатганда, ёнимда бўлсанг нима қиларди, Нисора? Ё кетарингни билдирмай кетибсан. Уйимиз сенсиз ҳувиллайди, ютаман дейди. Қадрингни синаб кўрмоқчимисан, орқангдан бормаслигим аён эди-ку. Сен ҳам юрагининг бир парчасисан, сендан ҳам айрича яшаш малол. Энди қароғим бўлиб фақат ўзинг қолдинг; сенсиз менга дунё қоронғи. Булар ичимда кечади, сенга барини айтмайман, буларни ўзим биламан, изҳор этсам оҳори тўкилади, ҳали демаганларим деганимдан кўп, суймаганларим суйганимдан кўп. Аразласанг онамдан аразлагансан, мендан аразинг йўқ эди-ю, наҳотки тишингни-тишинга қўйиб сабр этмадинг, мени кутмадинг, Нисора!»

Бунинг устига оти ҳақиқатан дулдул экан. Еришса, иккала қўлтигининг остидан етилмаган қанот чиқибди, олиб келишди: бир суюмдай бор, оппоқ тоғай, тарамтарам, нақд кабутар қанотининг ўзгинаси. Отини шу пайтгача дулдул дейишга деган-у, қаноти борлигига,

чиндан ҳам дулдул эканлигига ичида шубҳаси бор эди. Гўё дулдул унинг ичидаги шубҳани тарқатиш учун, ўзининг дулдул эканлигини исботлаш учун аскарнинг ўқиға учгандек эди. «Аскар унинг ўзини эмас, отини овлабди, отини эмас, Ғиротини овлабди. Ҳеч бир юрт майдонсиз, мардсиз қолмасин, мардлари Ғиротсиз қолмасин. Зарварақ ғиротидан айрилди, Асқаралибекнинг қаноти қайрилди».

У уйга сиғмади, йўли яна бўзахонага тушди. Ичди, ичди, сувдай кетди, таъсири бўлмади. Уни албатта кўриши керакдай, кўрмаса андуҳи ёзилмайдигандай бўлаверди, оёғи қирғийга тортаверди. Аҳдини бузди, Нисоранинг ортидан илк бора қирғийга юзланди.

Йигитларига: «Мен қирғийга боряпман, зарур бўлсам айттирасизлар», деди. Бир отни ўзи минди, бир йигитга арава қўштирди, жловини қирғийга бурди. Отларнинг йўрғаси текис, одамни элитади. Жуда кўп юргандай, юриб чарчагандай бўлди, лекин йўли унмади, қирғий кўринавермади. Кўзи илинганми, хаёли қочганми арава-каш йигитиниям, ўзининг отдалигиниям эсдан чиқарибди. Нисора билан бирга эмиш. У олдида, остида дулдул. Қаергадир учиб борармиш, дулдулнинг дулдуллиги аёнмиш. Бир қорли тоққа етишганида, тоғнинг учи отнинг қорнига тақалиб қолармиш. Нисора ўзини четга олармишу, у от билан бирга чоғга қулаётганмиш, шунда кимдир бирданига «Узангидан оёқни чиқаринг!» дермиш. Оёғини чиқарса яна овоз эшитилармиш:

— Бек, эҳтиёт бўлинг!

Кейингиси аравакашнинг овози экан. У оғаётган гавдасини тиклади. Қишлоққа кириб қолишибди. Ғирашира, осмонда чечаклар очилляпти, итлар қишлоқ бўйлаб кузатишади, деразалардан ёғдулар оққан, кўчадан поданинг ҳиди кўтарилмаган, обжувознинг дупури тинмаган. Қайнотасининг дарвозаси олдида кимнингдир қораси басабр кезинади, қора ёқинқирамади, ивирисгани бежодай. Етиб борса қайноғаси кулиб пешвоз келди. Унинг қарши олганидан суюнибди-ю, «келишимдан хабардормидингиз?» деб сўрамабди, бўзаю мусалласни кучи билинган, кўнгили гумондан йироқ эди. Ейилиб кетган бу остонани ўзига қадрдон, бу хонадонни иккинчи уйим, қайноғасини Нисоранинг акаси— мени акам деган, акасига ишонган, уни қизилларнинг шотири, оёққа болта уради демоққа тил айланмаган. Уйга эмас, меҳмонхонага бошлади. Аравакаша алоҳида ҳурмат, бошқа уйга олиб киришди. Тайёргарлик катта, у пайқамаган экан, отдан тушаётганида йигити шипшиган эди: «Бек, кайфингиз бор, ҳушёр бўлинг!» Кайфга шама қилляпти деган, дилида ғулу уйғонмаган. Остона ҳатлаб меҳмонхонага кирса, бир уй қирғийнинг полвонлари кўр тўккан. Кайфдан ном-нишон қолмади, товонигача музлаб кетди. «Хотиннинг уйдан ўлигим чиқаркан дедим. Бошқа яна нима дердим, нима дейишим мумкин эди, Нисора? Шундай умидда бир ёстиққа бош қўйганмидим?! Аканнинг оёқ олишидан сезгандирсан, уйингга шунча одам тўпланади-ю, сен беҳабар ўтирасанми, бир оғиз ишоратга ярамадинг?! Ё тилинг бирмиди, ёинки сизлар меҳмонни— куёвни шундай қаршилайсизларми? Опамнинг хунини мендан тўлаттирмоқчи бўлибсизлар-да? Суйганларим бекор, туйганларим сароб, эшитганларим ёлғон, кўрганларим сохтами?! Қирғийнинг қизи экансан, аканнинг синглиси экансан, лекин менга хотин бўлолмаскансан, Нисора!»

Ичкарига киришга кирди, номус ўлимдан қаттиқ, сир бой бермади, неки бўлса ёзиғимдан деди. Хариға илинган ўринчи лампа шундоқ дастурхоннинг устида, меҳмонларнинг ангори бузуқ, билдирмасликка тиришади, бўлар-бўлмас гапга хиринглаб кулишади. Нуқул май тутқазишади номардлар. Ичаверди, бу ёғини оллога

топширди, шундан бўлак ёрни ёр демади, марҳаматини дариф тутмасликни ўтиниб сўради ва хушёрликни йўқотмади. Бир маҳал чап ёнида ўтирган полвон нимагадир узатган қўлини омбурдай қисди, қолганлари шуни кутиб туришган эканми, ташландилар. У чап бериб олдини олди: дастлабки қилган иши — чироқни тепиб синдирди. Қоронғида полвонлар ақлини йиққунча енгидан ханжарини чиқариб сирмайверди. Меҳмонхонанинг деразасидан қандай отилиб чиққанини, ташқарига қандай югуриб борганини ва эгарга ўтириб қандай дарвозага от солганини билмайди. Эртасига эшитса қайнотасиникидан еттита ўлик чиқибди. Афсуски, орасида қайноғаси йўқ экан. Тирик қолганларнинг тили қисқилгидан барини аравакашга тўнкашибди. Марҳумга айб тақаш осон...

Ушандан унга қирғийнинг йўли ҳаром. Дарди ичида, бировга дегулиги йўқ, опаси эшитгудек бўлса борми, олдинга хўб ранжийди, совигач, ўзинг пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичаверасан деб кўз очирмайди. Қилган иши: эпчил йигитлардан юбориб, қайнотасиникида «меҳмон» қилган полвонларнинг қолган-қутганларининг ҳам дамини ўчирди. Қайноғасини қирғийдан тополмади, қизилларнинг ўрдасида экан.

Нисорага одам юбортирмади, «уруғингга ўт тушкур» дея юз ўгирди. Унинг келишининг ҳеч бир маънисини қолмагандай эди. Уни эсламаслик, эски ярани ўрнини тирнамаслик учун уйига бормас, бўш бўлди дегунча айш-ишрат билан андармон, кайфи чоғ бўлса йигитлар ҳам хурсанд. Шу боис унинг кайфини чоғлашнинг пайида бўлдилар. Бироқ Нисоранинг жодуси қутғу солди, ҳеч қайсиси унинг ўрнини босолмади, кўз ўнгида куюқ қошлари, чўлпондек кўзлари суратдек тураверди, кундан-кун ташналиги ортаверди, беихтиёр қирғийнинг йўлига тикилаверди. Унинг эса ҳадеганда дараги йўқ. Умидсизлик ўчга айланди, бўзахонада мулозимлар билан ўтиришганда кайф аралаш Исмоил кўрбошининг сингисига оғиз солди. Одам жўнатса йўқ демади. Бундан опасининг боши кўкда:

— Энди тенгингни топдинг, болам. Келиним бор десам дегудек, қудам бор десам кўрсатгудек одамлар, таги-зоти тоза, куёвнинг қадрига етади, бошига кўтаришади. Уйига борсанг талатмайди...

Тўй тезлашди. Тўйнинг бошида отаси турган эрса-да, опаси иш юритар, нияти Нисоранинг йўқлигидан фойдаланиб тезроқ келини тушириб олиш эди. Юмуши сочининг толасидай мўл, елади, югуради. Ҳаммаси равон, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек ўтаётганди, аммо фотиҳа кунини... юртнинг катталари йиғилганди. Зарварақ қўлдан кетмаганди, ошни солиб, айна тарқатган пайда хотин кишининг фарёди эшитилди. Оғиздаги оғизда, товоқдаги товоқда қолди, меҳмонлар ҳайрон. Йиғи тобора яқинлашарди. Овоз бегонаникидир, бизга алоқаси йўқдир деган, бир оз ичи ачиган, кўчага чиқиб тузукроқ тинглашса: йиғи солган Нисора, катта йўлга бурилганда кўрди, соябон аравада, олди-орқаси очиқ кимнинг хотини эканлигини танисин дебди, кийими қора, араванинг соябони қора, кўлида бола. Арава мисоли тобутдек қишлоққа лопиллаб шўнғиган, айтиб йиғлагани қишлоқни тутган. Олдинга акаси ўлдимики деб ўйлабди, уйда ўлса бу ёққа нега йиғлаб келади, деган хаёл бўлмабди. «Тўрам»лаганидан англади: уйланаётганидан хабар топиб, алам қилган, кимдир қайраган, балки акасидир, балки опасидир, қишлоқда ҳурматини тўкиб, тўйни тўхтатмоқчи бўлган. Уғил устига хотин оладиганининг жазоси шу деган. Бу оиладан ҳамма нарса кутгулик, аммо шунисини кутмаган эди:

**Баланд тоғлар паст бўлдими, вой тўрам,
Ўлганингиз рост бўлдими, вой тўрам.**

«Менинг шайнимни булғамоққа уринибсан-да, баттол акангинг режасими бу, ёки онангинг топган йўлими, пухта ўйлабсизлар. Сенга ошириб баҳо берган эканман. Мен кечиримли эдим, сен кечиролмабсан, сениям тупроғинг қирғийдан экан. Сизларнинг касалинглари томир қуваркан. Қўй, саннама, саннаб ер билан битта қилдинг-ку, энди топтайверма, бол томган тилларинг шунчалар захарлигини, ичинг кўмирдан улги олганлигини олдинроқ билганимда, остонамга пояндоз тўшатармидим?! Ночора, ҳалиям кечмас, ўз оёғинг билан келибсан, ўзингнинг бошингга ўзинг етибсан, кунинг Зарварақда битганга ўхшайди, Нисора!»

Унинг тўхтамини отаси туйибди, югуриб келиб олдига кўндаланг турди.

— Шайтонга ҳай бер, ўғлим. Буниси нимаси? Биз, худого шукр, қирғийданмасмиз, меҳмонни кутиб олишни биламиз, қайноғанг қилган номаъқулчиликни сен қайтарма. Улар айёрлик қилган бўлишса, биз ақллилик қилайлик, ўғлим!

Ҳақиқатан, отасининг билгани билган экан. Нисорани яхшилаб кутиб олишди, меҳмон қилишди. Сўнг кўлидан боласини олиб, жавобини бердириб, юк-тахтини араवासига юклатиб, қайтариб жўнавтворди.

* * *

Ҳавонинг тундлиги ҳамон тарқамаган. Тунука идишда беришган овқати тови чиқиб егандай бўлмади, олмачойи илиқ. Таомнинг мазаси йўқлигидан совуқ эди, икки марта ташқарилади. Зарварақ бошидан ҳеч нарса кўрмагандек тинч уйқуда, лойтомлар, масжид, мезана ўлик, тераклар паранжиги ўралган аёлдек хомуш илғанади. Унда-сонда от кишнайти, тегирмон юряпти. Қизиллар ўрнашган карвонсарой қишлоқдан жонлироқ; қоровуллар алмашяпти. Сайисхонада чироқ ўчмаган, демак, яна сўроққа чақиртиришади, ҳозир маслаҳатлашаётгандир. Маслаҳатлашгандан нима наф, маза-матрасиз саволларга жавоб беришга ҳуши қолмади, отиб ташлашгани минг марта афзал. У ўзини ўлимга ҳозирлаган, ҳеч маҳал ўлимга шунчалик ташналик сезмаган. Яшашдан маъни қолмагач, нима қилсин? Энди на қизилларга қўшилиб кун кечиради, ва на йўлдан урилган одамлар орасида авзум топади. Гўё дунёга знадан қандай келса, шундай кетаётгандай, ҳеч нарса қолдирмаётгандай.

«Биттаси бўлсаям ўнтанинг ўрнини босади,— деб мақтанаркан буваси гўдаклигида.— Икки ойлигида тиши чиққан. Сал каттайганда ўтқизиб қўйсақ бошини кўтаролмай йиқилиб тушарди. Худо умрини берсин, келин. Мен остонани тагини ўяман, сиз шундан ўтқизиб, қўшница садага қиласиз, кейин қўшницдан қайтариб сотиб оламиз, бу болани остонага «боғлаб» қўяйлик, токим остонамизни ташлаб кетмасин. Яна битта исм қўямиз. Остонақул деб. Иримни шунақа. Тилаб олган болада бир фазилат бўлади. Ҳазрат Аюбга атаб кокил қўйинг!»

У эрка ўсди, унинг камолини буваси кўрмади. Тетапоя бўлгач, кўчага чиқиб кетавериб шошираркан. Кўчага чиққани замон отасининг ошналари, айниқса, Садриддин чўлоқ тутиб олиб, чорсисига тугиб, қайроғочнинг шохига осиб қўяркан. Якка ўғил эмасми, у йиғлайвергач, отаси қўй етаклаб чиқиб ажратиб оларкан. «Сен катта бўлгунингча, отангинг жўралари қўй ёғи-қўй гўшти еявериб, сассиқ кекирдак бўлиб кетишган, болам», дерди раҳматли онаси.

Уни безор қилган нарса, одамларга кўриниш, уларнинг отаси ҳақидаги ҳазил-хузул гаплари эди. Кўчага

чиқса-ю, шуларга юзма-юз келмаса, гапларининг мағзини чақолмасаям, отасининг масхаралашаётганини англарди. Эсида қолгани—ёз, тўкин-сочин, коса қилинган қовун, тарвуз пўчоқларини анҳорда оқизоқ қилиб ўйнашарди. Жума номози тугаб, мачитдан гурра-гурра одамлар чойхонага, соя-салқинга ўзларини уришган, вағир-вуғур авжга минган.

Сув бўйидаги сўрида ўтирганлар отасининг улфатлари, бири қўйиб, бири гапиради.

— Устара тегса хотингаям соқол битади дейишади, шу тўғрими, Садриддин?

— Тиғ тегса, наинки хотинга, ҳатто тухумга тук битади, ака! Аммо эркак одамга соқол ўзи чиқади.

— Унда Бойназар кўсага нега чиқмайди. Умр бўйи соқолсиз кўса бўлиб юраверадими?

— Жиндай сабр қилайлик, сабрнинг туби сариқ олтин дейишган. Ҳали олтиш-етмишга борганда мўрмалахдай ўсиб берса. Соқолини силаб кўча-кўйда кўр тўкиб юрса, кўса деганимизга уялиб ўтирмайлик, ака.

— Шу ёшга етиб энди чиқмаса, қачон чиқади?

— Агар соқол чиқмаса, битта қўй сўяди, лақабини ўзгартирамиз.

— Нима деб ўзгартирамиз?

— «Бесоқол» деймиз. Гурра кулги кўтарилди.

— Садриддин, ўзи жуда кўп қўйга тушган, ке, ука, шуни лақабини ўзгартирмайлик.

— Унда ҳаракат қилсин, тўғрими, Соли ака?

— Тўғри-ю, ўзида бўлмагандан кейин қийин-да.

— Йўли бор. Одамларга кўринишга бети чидамаса, тишини суғуртириш баҳонасида устани уйга қақиртириб, қирдиรวради, қирдиรวради.

— Охири чиқади, чиқмай қаерга боради.

— «Қирма соқол» бўлсаям майли эди, қаторимизда юрарди; соқолини селкиллади.

— Ие манавуни қаранглар, Бойназар кўсани ўғли шу экану, бари гапларимизни эшитиб ўтирган экан-а, зан-ғар,— деди Садриддин чўлоқ ажабланиб.

У отасининг улфатларининг найрангини тушунмай, ўзича уларнинг кўрмаганлигидан суюнган.

— Асқаралибек, бу ёққа келинг-чи.

У соғ оёғини йиғиштириб, чўлоғини осилтириб ўтирган Садриддин чўлоққа яқинлашди.

— Бу ўғлим, қоронғидан қўрқасанми, йўқми?

— Йўқ.

— Қоронғида кўзинг кўрадимми?

— Кўради.

— Нимани?

— Юлдузни.

— Қоронғи уйда-чи?

— Ҳеч нарсани.

— Баракалла. Дейлик, кечаси отанг билан опанг ухлаб ётишибди. Икковиниям юзида туки йўқ. Қанақа қилиб ажратиб оласан?

Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди, у изза тортганидан чидаёлмади. Орқага тисарилиб туриб, чўлоқнинг юзи аралаш бурнига бор кучи билан бир калла қўйди. Чўлоқ ногаҳон тушган зарбадан ўзини ўнглаунча у қочиб қолди. (Кейин билса, чўлоқнинг иккита тиши синиб кетган экан. У йигитлари билан қачон қишлоққа кирса ўша воқеа баҳона чўлоқ қарши оларди: «Асқаралибек, сиз ёшлигингиздан паҳлавон йигит эдингиз. Энди йўлга кирган пайтингизда бир калла қўйиб мана шу ердаги иккита тишимни синдириб юборгансиз,— дея сарғиш милкини кўрсатиб, ўзининг унга бегона эмаслигини элга намойиш қиларди).

У ўшанда чўлоқдан қочиб тўғри отасининг дўконига борган:

— Ота-ота, бесоқол дегани нима дегани?

— Соқолсиз дегани, нимаиди?

— Лақаб-чи?

— Одамнинг отига қўшиб айтилади. Лақаб эгасига муносиб тушиши керак. Мисол учун: Раҳматилла лўли, Абдубоқи калла, Олим сариқ, Алимирза туя, Нодир айғир.

Айғир сўзи лоп этиб ривоятдаги байталу дулдулли эслатди. Нақд байталга интизор бўлган кунлари. Отасига улфатлари лақаб топгунча, ўзи лақаб қўйса-чи? «Бойназар байтал!» Дарҳол тасаввур қилди: отаси— байтал депсиниб, типирчилаб турибди, қорни қаппайган. Севинчини ичига сиғдирилмай отасига ёрилди.

— Ота, сизни лақабингизни байтал қўяйлик. Дулдул туғиб берасиз-да.

— Шуниси камлик қиялтувди энди. Байтал бўлмасам ҳам дулдул топиб бераман, ўғлим,— деди отаси кулимсираб.

(Ҳақиқатан, байталга пул йиғадиган паллада ўзини сезмаганга олиб, кўп-кўп пул берган.)

Улфатлари доим отасининг йўғида унга тегажоглик қилишарди. Отасининг ёнида у ҳеч мулзам тортмаган. Лақабни кўса, касби тароқчилигу, тилини бировга тут-қазмаган. Тиш қовлағичдан тортиб соқол тароқча қилади. Узига олса соқол тароқча қарагиси йўқ эди-я, одамлар қўйишмасди.

— Сиздан бошқаси соқолнинг қадрига етмайди. Узингиздан қўймасин, уста. Туманбоғнинг усталариники кўкрагингиздаги жунни чигилини ёзолмайди.

— Бизнинг тароқлар шунақа қўлма-қўлда. Кўрган борки, ҳаваси келади, мана, сизлар ҳам қадрига етиб-сизлар. Хотинингизни сочидан тортиб, ўзингизнинг қошингизгача тарасангиз бўлаверди. Тароқнинг тароқлиги ёнғоқда. Ёнғоқники пишиқ, тиши ўткир бўлади. Мабо-до мўйволларингни тарасанглар, оғзиларингни катта очиб, кейин олиб боринглар, бильякс остки лабинглар қонаб кетади.

У отаси билан дўконда ўтирса, соқол тароқ харид қилишга аксари ёш болалар келарди. «Буларнинг соқол тароққа ўчилиги-ей, сатта ўнта-ўнталаб олишади-я» деб ўйларди. Кейин билса, отасининг ҳазилкашлари чойхонада ўтиришиб, болаларни соқол тароққа юборишиб, шундан кулишар экан. Барибир отаси индамай қўймасди, болаларга тароқни бериб тайинларди:

— Аттанг, аттанг, уй ичингларни жун босиб кетиб-дида-а? Отангга бориб айтгин, ҳадеб тараб, ўриб ўти-равермасин. Кун кўрмагани майин бўлади. Сартарошга қирдириб бирортасига берсанглар, чакмон босиб беради.

Отаси ҳақидаги гаплар жон-жонидан ўтиб кетганда уйга келиб тихирлик қиларди.

— Ҳамманин отасининг соқоли бор. Сиз ҳам ўсти-ринг. Одамларга бир кўрсатиб қўяй.

— Эй ўғлим,— дерди шунда отаси.— кўсалик бизга отамерос, энди ота ўғил бўлсанг, сенга ҳам соқол чиқмай, шу лақабни олиб юраверасан.

Барига чидаш мумкин экану, кўса одамнинг соқол тароқ қилишига чидаш қийин экан, охири отасига дардини айтди:

— Ота, соқол тароқ қилмасак кунимиз ўтмай қоладими? Қўйинг шу касбни, бошқа иш қилайлик.

— Бўлмасам, сартарошлик қилайликми, ўғлим,— дея отаси яна аскияга бурди,— сен ғам ема, ёшсан, бошқа бирор ҳунар ўрган. Биз энди қариямиз. Одамлар кулса, кулар. Бу кўсалик ҳам, тароқчилик ҳам отамерос.

Одамлар отасидан кулишиб зерикишган эканми, унга навбат етганда лақаб ҳам қўйишмади, кулишмадим, гўё у кўсамасдек, ҳадемай соқол чиқадигандек. Тўғриси, бунга биров ботинолмаган. Отасининг айтишича унинг хўйи бор экан, опасининг айтишича орқалик экан. Биров юзга солмагандан кейин кўсагини унутиб, соқоллар қатори юраверган. Аммо тароқчиликка хуши йўқ эди. Дўлта бужурга эргашиб икки марта Росий томонга бориб келди. Отаси унинг ишини хушламади:

— Уғлим, хунар ўрганганинг дуруст. Хунар— хунардан унар дейишган. Биздан савдогар чиқмайди. Пахтафурушлик ишмас. Пахтанинг ўзи оқ бўлгани билан ичи қора. Унга меҳр қўйиб бўлмайди. Иплик нарса, ўзига боғлаб олади.

Отаси унинг бошида шундай савдолар борлигини қаердан билсин. Бўлмасам қаршилик кўрсатармиди... Дўлта бужурнинг ёнида юрарди...

Росийга борганда дурустроқ ижара топилмаганми ёки бужур атайлаб шунисини маъқул кўрганми мусофирхонага жойлашишган. Кечга бориб унинг ўзини якка қолдириб, бужур бир ўртоғиникига кетди. Мусофирхона серҳашам, ҳар юртдан келган одамлар, қиз-жувонлардан тортиб, қари чол-кампирагача бор. Қўшни хонадаги серсоқол, шопмўйлов йигит кечки овқатдан сўнг хонасига таклиф этди. Кирса, сўлимгина, феруза кўзли бир жувон оппоқ оёқларини чалиштириб, оромкурсида ястаниб ўтирибди. Этаги калта экан, тиззаларигача очиқ. Кўйлагининг ёқаси тикилмай қолиб кетганми, атайлаб пастроққача туширганми, тушуниш қийин. Уйладик, жувон бор экан, нега мени чақирди, кўзини куйдирай дедимикан ёки бошқа режаси бормикан? Жувоннинг парвойи палак, унга умуман эттибор бергани йўқ. Унинг кўзлари жувонга тушди дегунча беҳузур бўлиб яна ерга қараб олар ва дастурхон тузаётган йигит келмагунча лом-мим демай ўтираверарди. Шишалар очилиб, бир-икки қадахдан сўнг орадаги қовушимсизлик ҳовурдай кўтарилди. Жувон билан йигит патефон қўйиб, белидан ушлашиб ўйинга тушишди. Йигит кўтаролмас экан, жувоннинг елкасига бошини қўйиб ўхлаб қолди. Жувон бир амаллаб уни ётқизди. Бор умиди пучга чиққач, жувон Асқаралибекка яқинлашди, мушукдай суйқалди...

Бу воқеани бировга айтгулиги йўқ эди. Эслаб кўнглини хушнуд қилиб юрса бўлар эди. Нима бўлди-ю, гапга қизиқиб сирини ошкор қилди. Агар хушёр бўлгандаям оғзидан чиқмасди. Карвонсаройнинг бўзахонасида бузга тўйишганди. Аслида бари ўзининг жўралари, кўнгил яқинлар, булардан яширишга ҳожат йўқ, шуларга дилимни очмай кимга очаман деган. Бўлиб ўтган ҳангомани оқизмай-томизмай бўзанинг кайфида мақтаниб сўзлаб берган. Жиндаккина ёлғон ҳам аралашган, яъниким шопмўйлов йигит ўхлаб қолмасдан, жувонни хушёр пайтидаёқ етаклаб чиқиб кетган бўлган. Ва гапнинг охирида беихтиёр ушбу сўзлар чиқиб кетган:

— Юр десам, индамай орқамдан эрчиб чиқиб келаверди. Серсоқол, шопмўйлов оғзини очиб қолаверди. Гап соқолда эмас экан.

Янглишган экан, сирнинг тилга чиққани элга чиққани экан. Эскиқўрғондаги жангда талофат кўриб, анча ўзига келолмай юрган дамлари, йигитларининг кўпи ҳалок бўлди, қирғийдан қўшилганлари ёғий томонга ўтиб кетди. Унга қўшилиб жанг қиладиган бирдан-бир одам Шомирзабек эди. Бундай бирликни сал аввалроқ Шомирзабек ўзи маслаҳат солган бўлиб, Асқаралибек бунга кўнмаган. Сабаби у пайтада йигити мўл, шашти баланд, бунчалик ёрдамга муҳтож бўлиши тушига ҳам кирмаган. Энди қўшилиб бирга жанг қилишни

ўзи таклиф этмоқчи. Шомирзабекка борадиган девонаваш элчига ҳаммаси гапирилган: камига мактуб битилган. Унда тахминаш шундай сўзлар бор эди:

«...Шомирзабек, сенинг гапинга ўз вақтида қулоқ солмаганимга пушаймонманки, ўрнига келмас. Агар иккимиз бирикканимизда қирғийнинг одамлари ҳам эргашар экан. Кучимиз кўпайиб, ёғийларга юртимизни топтатиб қўймас эдик. «Кейинги пушмон, ўзинга душман» деб тўғри айтишган экан. Начора, бўлар иш бўлди. Мабодо сенда ройишлик бўлса ҳозир ҳам кеч эмасга ўхшайди. Эскиқўрғондаги талофатдан сўнг шул хулосага келибди, десанг янглишасан. Бу ҳозирги вазиятни ўлчаб кўрганымдан кейинги тўхтадим. Бир ёқадан бош чиқариб, душманнинг додини берайлик. Мен бек бўлайин, сен ёнимда маслаҳат бериб юргин. Худо раҳматли Умаралибек ҳам шуни васият қилган эди. Ахир иккимизнинг мурод-мақсудимиз бир-ку! Тезроқ шулардан қутулсак, улусимиз ғанимлар қўлидан халос топиб, бизни бир умр дуойи фотиҳа қилиб юришадди. Шундайин улўғ ният йўлида гина-кудуратга не ҳожат, тўғри эмасми? Олло-тооло дилимизга шуни солган экан, бу йўлдан қайтмайлик, зиммамиздаги вазифамизни уддаламоғимиз лозим. Фақат бирикиб, сўнгги қонимиз қолгунча курашмоғимиз керак. Уйлайманки, бу маслаҳатим сенга-да, маъқул тушар.

Дуои салом билан Асқаралибек» Имзоли муҳр.

Шомирзабек ҳам уни кўп куттирмади, жавобини элчининг ўзидан қайтарди.

«...Аввало шуни айтмоқчиманки, на фақат сен билан мен ўсиб улғайган Зарварақ ёинки Туманбоғ мавзесини, ҳатто бутун бошли Туркистонни сенга ўхшаган қайсар, ақли кейин кирганлар хароб қилди. Сенлар ўзининг роҳат-фароғатинг, айш-ишратинг учун нимани хоҳласанглр ҳеч иккиланмай шунга қўл уравердинглр, улусни ўзларингдан совутдинглр. Оқибатда эл бизга эмас, ёғийлар етовидаги серкаларга эргашмоқдалар. Қизиғи шуки, шунча йигит йўқотиб-да, сенинг ақлинг кирмаганида. Сенга юртнинг тақдирдан кўра, ўзининг бек бўлишинг афзалроқ кўринади. (Мактубингда ҳам шунга ишорат қилибсан.) Мабодо сен айтгандай гина-кудуратни унутиб, бирикканимизда ҳам бир бўлолмаймиз. Навкарларим ўзимга азиз. Уларнинг тушовини сенга тутқазиб, ёғийга гўшт қилдириб бериш ниятим йўқ. Мен буни кейинчалик тушуниб етдим...

Дуои салом билан Шомирзабек.»

Имзоли муҳр.

Шомирзабекнинг жавоб мактуби Асқаралибекдан совуқ тер чиқариб юборган, ўзини босолмаган, жаҳл ус-тида элчини яна изига қайтарган: «Бориб айт, яхшиликча йигитлари билан бизга қўшилсин. Қўшилмаса, бор навкарларини ўзимга оғдириб оламан-да, ўзини эшакка тескари миндириб, Туманбоғ бўйлаб сазойи қилдираман».

Элчи кетгандан кейин уч кун ўтган, номозшомда айтишдики:

— Бек, ташқарига бир чиқинг.

У карвонсаройнинг майдонига чиқса— элчи, эшакка тескари минган, оғзида латта. Жуда ғазаби келди.

— Бу нима қилиқ, туширинглр эшакдан.

Элчи тушди, оғзидан латтаси олиниб, қўллари бўшатилади.

— Гапир, нима гап?

— Бек, маъзур тутасиз, фақат ўзингиз эшитадиган гап.

Бек атрофга қараган эди, бор аёнлар тарқалди. Элчи яқинлашди.

— Борини айтаверайми?

— Айт!

— Шомирзабегингиз тушмагур тутқаноғи тутиб, мени-да гадаблади. Сўнг дедикки, «Бегинга бориб айт, мени эшакка тескари миндирадиган одам ҳали туғилгани йўқ. Йигитларимга келсак, уларнинг ўзига яраша ор-номуси бор. Улар мусофирхонадаги жувон эмас, бесоқолни орқасидан эргашиб кетаверадиган...»

— Етади!— деди у.— Ҳали чучварани ҳам санабди. Мен унинг энасини кўрсатиб қўяман. Бироқ нияти ушалмади...

Иккинчи боб

Энам қишга бориб қаттиқ оғриди. Мулла Турсунбой буванинг ўғлига фотиҳа ўқиб келишга отланаётганди. Дарвозахонага етгач мени чақирди:

— Мулла Жалолиддин, бери кел, болам!

Бостирмада отга ем бераётган жойимдан шошиб ёнига борсам, паранжи-чачвонни қўлимга тутқазди, рангида қон йўқ.

— Жамоатимиз эди, боролмайдиганга ўхшайман, тобим қочиб қолди. Ке, мени уйга олиб кириб ётқиз.

Қўлтиғига кириб, йўлаб, уйга олиб кириб ётқиздим. Сандалга ўт қилиб солдим, чой дамлаб пиёлада тутдим. Пиёладаги иссиқ чойни тишлари какираб зўрға ярмини ичди.

— Чойинг совуқ, болам, чойнакни сандалнинг чўғига қўй, яхшилаб дам есин. Ўзинг отни эгарлаб Чортоққа жўна. Отанга айт, Сожидахон билан Мингойимни олиб келсин. Кўрқитиб юборма, кўргиси келибди, соғинибди экан дегин. Одинахон кеннойингни чақириб қўйиб кейин кет. Қани, отлан болам.

Уйдан чиқаётганимда тикилиб қаради-да:

— Бошинг тошдан бўлсин, болам. Ҳеч кимга сарғайтирмасин,— деди.

Мен отамни, опамни, синглим — Мингойимни етказиб келганимда энамнинг аҳволи анча оғирлашган экан. Бир уй қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари бошида ўтиришибди. Энам отамнинг келганини эшитгач, кўзини очиб бошини кўтарди, кўзига ёш олди.

— Сени кўрмай қоламанмикан дедим, болам. Яхши етиб келибсан. Улар қани?

— Ҳозир киришади.

Опам Мингойимни кўтариб, энамга олиб борди. Энам ҳаммамизни алоҳида-алоҳида дуо қилди. Навбат Мингойимга келганда кулимсиради:

— Қодирқул, қизингни юлдузи ёруғ, ишқилиб умри узун бўлсин, бахтини берсин, омин оллоҳу акбар!— дея қўлини юзига суртди.— Қодирқул, Жалолиддинимнинг тўйини кўролмайдиганга ўхшайман.

— Қўйинг, ундай деманг, опа.

— Йўқ, сен жим тур, ўзимнинг ҳолимни ўзим билан, ўлим ҳақ. Токчадаги қутида икки жуфт билагузук, икки жуфт балдоқ бор. Қиз кўрсам тақар дегандим. Бирини Мингойим тақсин. Энасини эслаб юрар. Бирини Жалолиддинни уйлаганингда келинга кўрмана қилиб олиб кир. Моли тоза, тилладан. Ўзи уч жуфт эди. Бирини Сожидахонга берганман. Сожидахон, қизим, сиз Жалолиддинимни бегоналатманг. Уни энди сизларнинг қўлингларга қолдирыяпман. Ҳа, айтгандай, бари ўлимлигим сандиқда, қутидаги ақчадонда йиғиб-терганларим бор, маъракаларимга ишлатарсизлар. Мени мазорнинг қайрағоч экилган томонига қўйинглар. Бизнинг эски лаҳм жойимиз. Жалолиддинга кўрсатганман, ўзинг ҳам биласан. Болам, қирқим ўтгунча Чортоқдан қўчиб келинлар, қудам ҳам хафа бўлмас, чироқни ёқиб тирмасанг арвоҳлар ранжийди. Яхсиси қудамниям кў-

чириб келаверинглар. Ўзи қолиб нима қилади катта ҳовлида. Сожидахон, сиз кўндириг.

Энам ўлди, васият қилган жойига чиқардик. Отам опам ва Мингойимни олиб кўчиб келишди. Уйимиз тўлди. Отам бўш қолди дегунча томорқамиздаги боғда ишлайди, унамаганига қўймай мачитнинг имомгарчилигини олиб беришган. Имомгарчиликдан ёмон тушмайди, шунга қаноат қилмай эшак аравага мевалардан солиб, Мингойимни олиб Туманбоғнинг бозорига боради. Мен бундан ғашланаман. Сабаби қишлоқлар нотинч, охири айтдим:

— Ота, ҳаммаёқда босмачилар изғиб юрибди, тинч уйда ўтирсангиз бўлмайдими?

— Ўлимни ҳар бир мусулмон ошиқ маъшуқасини қандай кутиб олса, шундай кутиб олиши керак. Алҳамдулиллоҳ, худонинг бандаси, Муҳаммад пайғамбарнинг умматимиз. Қолаверса, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Боғнинг мевалари бекор тўкилиб ачиб кетади. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, Мингойим иккаламиз бориб келамиз-да.

— Тижорат дейсиз, нимангизга етмай қоляпти, ота, қўйинг бозор-ўчарни.

— Нима билан тирикчилик қиламиз. Қора қозон қайнаб турмаса бўлмас. Сен ҳукуматман деб юрганинг билан бир тийин топмасанг...

— Имомгарчиликдан тушгани етмайдими?

Отам кулди.

— Аттанг, аттанг. Ўқигансану ўқмагансан-да, ўғлим. Кўп нарсалардан беҳабар қилибман-да. Айб ўзимда, нима қилайки, айб ўзимда. Ўғлим, имомгарчиликдан тушган маблағ ҳаммаси ҳалол бўлмайди. Одамларнинг кўпи жамоатдан уялганидан назр-ниёз беришади. Сўрасанг «Розиман!» дейди-ю, ичи ғумиллаб туради. Жамғарманинг ўзини закотлари, сарф харажатлари бор. Улардан узиб қозонга ишлатмаганмиз, ўғлим. Бундан ташқари «муҳаббатдан-ибодатдан» нон топиб еб бўлмайди. Негаки, меҳр қўйибсан, таъма аралашмасин. Таъма аралашса меҳр сохта. Ва бировнинг берган нарсаси учун яхши кўрма. Аввало олма, олсанг қайтар, бўлмасам унга қарам бўласан.

— Ота, қачонгача шунақа гапларни кўтариб юрамиз. Замон ўзгарди. Дорилламон кунлар. Ҳамманинг ҳуқуқи тенг. Энди бой-камбағал бўлмайди. Янги мактаблар очилляпти, бу ёғи ҳуррият.

Отам жавоб бермади. Бошини сарак-сарак қилиб, ачинганини билдирди, холос.

Давоми келгуси сонда

Күн эшиги Ғичирламоқда

Чори Аваз



Сўз

Юксаклардан келар ҳамиша
Воҳаларни, қирларни қўмсаб.
Аммо юрак соғинчларига
Доимо ҳам боса олмас лаб.

Шўрлик, гоҳо сайёддан чўчиб,
Сувсаб юрган охулар мисол
Тилнинг ўтмас қирраларида
Кун кечирар жим, афтодаҳол.

Мижигласа шубҳа ва гумон
Юксакликни қўмсаб қолар у.
Гоҳ юракда қўзғар ғалаён
Гоҳо эса салади ғулу.

Лекин ортга қайтганми сира
Бўлса ҳамки азиз макони?..
Сўз — музаффар инсониятнинг
Кўёш янглиғ содиқ имкони.

Бугун ҳақида қўшиқ

Кеча ўтди, ўтиб бормоқда,
Мен бугунга чиқяпман пешвоз.
Кун эшиги ғичирламоқда,
У, бу қандай ёқимли овоз!
Кеча ўтди, ўтиб бормоқда.

Кун кўнглимни беҳуда ёқмас,
Одамлар, у менинг ўз куним.
У кечамдек чорак — тарқоқмас,
Соғинганим, буткул бутуним.
Кун кўнглимни беҳуда ёқмас.

Кечам мени қаттиқ толдирди,
Мени бўлиб-бўлиб харжлади.
Балки энг ягона йўлди у,
Балки шу боисдан чарчадим.
Кечам мени қаттиқ толдирди.

Гарчанд у ҳам менинг ўз умрим,
Гарчанд унга қилмасман таъна.
Бугунимдек туролмас у жим —
У гирдобли ёвуз пўртана.
Гарчанд у ҳам менинг ўз умрим.

У, мен ундан қаттиқ қўрқаман,
У ҳаётим, менинг ёзмишим.
Унга боғлиқ ҳар нарса, зотан,
Охиратим, қанот ёзишим.
У, мен ундан қаттиқ қўрқаман.

1957 йил Қашқадарё вилоятининг
Ғузор ноҳиясида туғилган. ТашДД-
нинг филология факультетини битир-
ган. «Чўлпон» нашриётида муҳаррир.
Илк шеърини тўплами шу йил чоп этила-
ди.

Нечун кулмай, севинмай ахир,
Кун эшиги ғичирламоқда.
Бу шодликнинг умри кунчадир —
Етар бир кун азоб чекмоққа.
Нечун кулмай, севинмай ахир.

Унда менинг бахтим мужассам —
Умримни улашмоқ имкони.
Қондиражак чанқоғини ҳам
Вужуддаги қирқ мингта жоним.
Унда менинг бахтим мужассам...

Юраккинам, алдана кўрма,
Ғар саболар тутса ҳам атир.
Улар баҳор элчиси эмас,
Майсаларнинг маддоҳи ахир.

Мен кўрқаман — сени гоҳида
Алдаб кўяр шудринг томчиси.
У, билсайдинг шунда орзиқиб
Кутганимни ҳаёт қамчисин.

Етар, тинч қўй қизил гулларни,
Ғузал бўлса, айбдорми ахир.
Қизил гуллар шеърингни эмас,
Ёмғирларни кутаётгандир.

Сен маддоҳлик қилмаган, юрак!
Юрак, ўзга йул учун қайғур.
Биласан-ку, яшаш алвонранг
Гуллар учун нақадар оғир...

Қуриётган жилға

Ўз ҳаётини яхшилаб олишга шошилмаган одам дарё бўйида ўтириб сувнинг тугашини кутаётган тентакка ўхшайди.

ГОРАЦИЙ

I

Бу баҳорни ўқидим. Битди.
Гуллар сўлди. Барглар ҳам хазон.
Яшамоқдан зерикиб кетдим
Куз варагин очганим замон.

Ҳаво дилгир, ҳаво туманли,
Қовжираган зангори адир.
Мен кутмаган эдим бу онни,
Бошим гангир, кўзларим оғрир.

II

Эрмаклар тегди-ку жонимга,
Юрагим бўғзимга тиқилган.
Менинг ғамгин кўзларим йироқ
Қўл етмас ерларга тикилган.

Соғиниб яшагим келади
Жамийки одамни, оромни.
Мен ҳазм этолмас одамман
Таъманинг ҳиди бор саломни.

Теграмда ҳаётга ўхшаган
Нимадир туну кун ғимирлар.
Одамлар қайтадан маймунга
Айланмоқ учундай қимирлар.

III

Тирикману яшамаяпман,
Сен йўқдайсан, йиллаб кутганим.
Фақат менинг ўзимга аён
Қачонлардир ўлиб кетганим.

Тирикману яшамаяпман,
Мени боғлаб қўйган қандай куч.
Ёниб қақшаб югурган билан
Уликларга келавердим дуч.

Бақирмоқчи бўламан, аммо
Овозларим ташга чиқмас боз.
Атрофдан ҳам эшитилмайди
«Мен тирикман!»— деган бир овоз.

Одамларга термуламан жим,
Умид, ишонч орзуси сўлган:
Манов одам армонга чўкиб
Овозини чиқармай ўлган.

Анависи тирикчиликнинг
Қучоғида чириган, йитган.
Ҳув, анави новча йигитнинг
Нозиктаъб қиз бошига етган.

Йўл оламан майхона тараф,
(Уликларга термулмоқ нечун?)
Май ичаман ўзимни сўкиб
Тирикларнинг соғлиги учун.

IV

Кўкрак қафасимни силтайди юрак,
Мен-чи, ҳаммасидан ўгирганман юз.
Аммо бу юракни тингламоқ керак,
Унинг қаршисига жим чўкканча тиз.

Эвоҳ, буни бажармоқ оғир,
Борми мадад бергувчи даҳо?
Мен баридан кечганман. Ахир
Севгимга ҳам айтдим алвидо.

Тирикчилик баҳридан кечиб,
Нимани ахтардим беором нуқул?
Келажак елкамга қўл ташлар ичиб,
Ўтмишим кўзимга кўринар бир пул.

Хира туман ортидан элас,
Қачонлардир мен севган пари
Кўринса-да, боқсам-да бир пас,
Кетмоқликни истайман нари.

Аммо қайга? Нечун? Нимага?
Бўлди, етар! Менга барибир.
Ортиқчамаман энди ҳаммага,
Ҳамма менга ортиқча, ахир!..

Яшил япроқлар

I

Ўқилмаган китоб —
Қоронғи зиндон,
Унда уйғоқ сўзлар
Исёнкор фикрлар тамбалангандир.
Дунёда
Бу тамбани
Бузишдан ҳам
Еқимли иш йўқ.

2

Майли, совуқ қаршила,
Қовоғингдан қор ёғдир, майли.
Мен бегуноҳ болага ўхшаб
Юзимга бирон айб чизиб оларман
Бечора севгининг қўллари ила.

3

Оҳ урдим, тақдирнинг ўйинини кўр.
Йиғладим, боисин замонамдан сўр.
Гар бешта одамга дуч келган бўлсам,
Учи соқов эди, иккитаси кўр.


4

Келишиб олайлик
Бирон нарсага,
Амунингми, Сирнинг сувига ўхшаб
Кетавериш яхшимас, ахир.
Келишиб олайлик
Халқнинг бошига
Тушмаслиги учун Оролнинг куни.



НИИГОХ

Абул Ҳасан ал-Кисоий



Лавҳа ва Қалам қиссаси

Ушбу ривоятни Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу¹ (ундан Аллоҳ ҳамиша рози бўлғай) келгуси авлодлар учун ёзиб қолдирди.


Аллоҳ таоло биринчи яратган нимарса Лавҳу-л-махфуз (махфуз — қиёматгача мангу асралувчи) эрди. Лавҳдаги ёзувлар азалдан мавжуд, кейин ҳам, то маҳшар кунига қадар сақланур. Лавҳу-л-махфуз сири ёлғиз Аллоҳ таолога аёнду, Аллоҳ эса буюкдур². Лавҳу-л-махфуз оппоқ марвариддан бино қилинган. Сўнг Худои таоло Қаламни яратди. Қалам бир қимматбаҳо тошдан яралган бўлиб, ул тошнинг ёши беш юз йилга тенгдур. Қаламнинг учи ёриқ бўлиб, ул ёриқдан бу дунёда сиёҳ чиққанидек, у дунёдаги қаламдан эрса ёруғлик чиқар.

Сўнг хитоб эшитилиб, Қаламга:
— Уктуб (ёз)! — деган амр бўлди.

Қалам шул кудратли товушдан қўрқиб кетганидан Аллоҳ таолони улуғладик, акс-садоси тоғлардан эшитилди. Шундан сўнг қалам Аллоҳ таолонинг барча айтганларини Лавҳу-л-махфузга ёза бошлади. Лавҳга қиёматга қадар бўладиган воқеаларнинг ҳаммаси ёзилди*. Шу тариқа Лавҳу-л-махфуз ёзув-

ларга тўлиб кетди. Қалам эса то сиёҳи тугаб қолгунига қадар ёзиш бирла машғул бўлди.

Илоҳо, яхши ишлари бирла саодатга эришганлар саодатли бўлғай, ёмонликлари бирла бахтсизликка учраганлар бахтсиз бўлғай.



Ибн Аббос рози-аллоҳу анҳу келгуси авлодлар учун ёзиб қолдирди.

Шундан сўнг Худои таоло Оқ инжу — марваридни яратди. Унинг катталиги Ер бирла Осмон қадар эрди. Ул инжунинг етмиш минг тили бор эрдик, Аллоҳ таолони етмиш минг тилда мадҳ этар эрди. Каъб-ул-Аҳбор розиаллоҳу анҳу ривоят қилишча, ўшал марвариднинг тешиги — кўзи шу қадар катта эдик, тоғлар бу тешикка кирганида уммонга пашша тушгандай бўлур эрди.

Аллоҳ таоло ўшал марваридга қараб, қалдирсқдай гумбурлаган овоз бирла хитоб қилдики, марварид қўрққанидан эриб, оқар сувга, мавжли тўқинларга айланиб кетди.

Ровийлар таъкидлашича, шу лаҳзаларда борлиқ мавжудот Аллоҳ таолога саловат айтмай, жимиб қолган эди. Аммо сув тинмай тўлқинланиб ва шовқин солиб, Худони улуғлар ва дилини очар эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло барча яратган бошқа мавжудотлардан Сувни афзал кўрур. Худованди карим айтдики: «Ҳар нимарса жонли мавжудотни яратдик, сувдандур». (21-сура, 30-оят)

Сўнг Аллоҳ таоло сувга «Ускут!» (Жим бўл!) деб амр қилди, сув жим бўлди. Сув шу қадар тинчландики, унда бирор тўлқин қолмай, теп-текис бўлди.

¹ Абдуллоҳ Ибн Аббос — Мухаммад алайҳис-салом амәкиси Аббоснинг ўғли (ваф. 688).

² Қуръоннинг 112-сурасида: «Кул хува аллоҳу аҳад, аллоҳус-сомад, лам ялид ва лам ювад ва лам яқун-лаҳу куфуван аҳад», яъни «Бандаларга айт: Аллоҳ яккадур, мангудур, у ҳеч кимдан тугилмаган, ҳеч кимни туғмаган ва унинг тенги ҳам йўқдур», дейилади.

* Ҳадиси-шарифда «Шундан сўнг Аллоҳ таоло ва қиёмат кунига қадар бўладиган воқеаларни жорий қилди», дейилади.

Ер, тоғлар ва денгизларнинг суралиши ақоқини

Казбул-Аҳбор розиаллоҳу анху, авлодларга ёзиб қолдирган ривоятда айтилишича Аллоҳ таоло Ерни бино қилиш учун шамолларга «Сувни мавжлатинглар», деб фармон берди. Шамол фармонни бажарди. Сув тўлқинланиб, кўпириб-тошди. Пўртаналар, долғалар туриб, кўпиклар осмонга сапчиди. Худои таоло денгиз кўпикларига «Қотгин!» деди. Кўпиклар қотди. Аллоҳ таоло қотган кўпикларни ерга айлантириб, сув устига қўйди. Бу иш худонинг иродаси бирла икки кунда содир бўлди. Қуръоннинг 41-сураси, 9-оятда Аллоҳ: «Эй, Муҳаммад, бандаларга айтгил: «Ерни икки кунда яратган Аллоҳни инкор қиласизми?» дейди. Бу иш ҳал бўлгач, Аллоҳ таоло тўлқинларга «Жим бўлинг!» деди. Тўлқинлар тингач, тоғлар ҳосил бўлди. Мазкур тоғлар Ернинг таянчларидир. Аллоҳ таоло айтдики: «Биз Ер жойидан силжиб кетмасин деб, вазмин тоғларни лангар қилиб қўйдик» (Қуръон, 21-сура, 31-оят).

Чиндан ҳам, агар тоғлар бўлмаганида Ер ҳам, ундаги одамлар ҳам раво турмай, чайқалиб кетар эрдилар.

Ривоят қилишларича, Ердаги тоғларнинг илдизлари Қоф тоғига (Кўхи-Қоф) туташган. Қоф тоғи эса Ернинг барча томонларини ўраб туради.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло етти денгизни яратди. Биринчи денгиз Бойтош деб аталади ва у Қоф ортидаги ерларни ювиб туради. Ул денгизнинг ортида Ал-Ассом деган денгиз бор. Ундан кейин эса Ас-Сокин, унинг ҳам ортида Ал-Муғалиб, ундан кейин Ал-Боқий денгизи бор. Еттинчи, Ал-Боқий уммонида яна етти денгиз бор. Иккинчи денгиз биринчисини ўраб туради, учинчи денгиз иккинчисини, ва ҳоказо, еттинчи денгиз барча денгизларни ўраб туради. Денгизларда шу қадар кўп ва турли-туман жонзотлар борки, уларнинг сон-саногии фақат Аллоҳга аёнду.

Тўртинчи кун Аллоҳ таоло денгиз жонзотлари учун озиқ-овқатларни яратди. Қуръони шарифда шу ҳақда бундай дейилади: «Уларга озуқани тўрт кунда тақсим қилдик. Ким нимаики тиласа ўшани бердик». (41-сура, 10-оят)

Ҳазрату Одам суралиши аввалги воқеа

Ровийлар ривоят қилибдурларки, Осмон Ердан баландлиги билан ғурурланиб, унга бундай дебдур:

— Ҳақ таоло мени сендан баланд қилиб яратди, мени фаришталарга макон қилди, Арш-Курси ва Қаламни шу ерга жойлади. Қуёш, Ой ва юлдузларни, ўзининг барча раҳматларини менга тобеъ қилди. Сенга бериладиган барча кароматлар мендан тушиб борадур.

Шу пайт Ер Ҳақ таолога шундай мурожаат қилди:

— Е Раббий! Сен мени тупроқ билан тенг қилиб, устимда гиёҳлар ва дов-дараклар ўстирдинг. Устимни сувга, елкамни тоғларга бостирдинг. Менда ноз-неъматлар ўстиришга фармон қилдинг. Аммо Осмон мендан бениҳоя баланд, унда сени шарафловчи фаришталар яшайди. Менда эса сени шарафлайдиган ҳеч нимарса йўқдур.

Ерга осмондан қудратли хитоб келди:

— Эй, Ер, таскин топгил! Мен шундай бир мавжудотни яратурманки, оламда гўзалликда унга ҳеч ким тенг келолмас ва шул зотни сенинг жисминдан яратурман. Мен ул зотга нутқ ато қилурман, уни ақл-идрок бирла безайдурман. Мен уни доно, донишманд қилурман ва унинг ҳузурига фаришталаримни юборурман. О, Ер, бу сўзларим сенга таскин берсин.

Ер бу сўзларни эшитиб, севинди. Шу суҳбатдан сўнг кўп йиллар ўтди. Сўнг Аллоҳ таоло Жаброил аллайҳис-саломни юборди ва унга Ер юзини, қирлар, водийларни тупроқ билан тўлдиршни буюрди. Аллоҳ таоло ана шу тупроқдан ҳазрат Одамни бунёд этишга қарор қилди.

Абул-Ҳасан ал-Кисоий

Ер юзидаги барча мамлакатларда қадимий юнон мифологияси, Самодаги Олимп тоғида яшовчи ва бандалар тақдирини ҳал этувчи олов ва чақмоқ маъбуди Зевс, илм-фан, донишмандлик маъбудаси Афина, гўзаллик маъбудаси Афродита, баҳодирлик ва санъатлар маъбуди Аполлон, уммонлар маъбуди Посейдон, ерости олами маъбуди Аид қилмишлари ҳақидаги теран маъноли гўзал диний ривоятлар мактабларда ва олий ўқув юртларида ўргатилади. Бу мифлар, асотирларда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва ҳақиқат, сеvgи ва нафрат, гўзаллик идеаллари юксак нафосат билан тасвирланади.

Бу яхши. Аммо Шарқ халқлари маданияти, ислом мифологияси — гўзал ривоятлари ҳам бадний нафосатда, фалсафий теранликда юнон мифологиясидан қолишмайди. Айни вақтда ислом мифологиясида шундай абадий ҳақиқатлар, гўзал ахлоқий фазилатлар,

орзулар борки, инсониятнинг энг илғор вакиллари минг йиллар давомида ўз ҳаётида ана шу идеалларга амал қилиб келадилар. Аммо, афсуски, кўпчилик ёшларимиз ана шу гўзал ва теран манбалардан хабарсиз. Бундан ташқари ислом ривоятлари билан танишув муқаддас китоб — Қуръони карим суралари ва оятларидаги ишораларни чуқур тушунишга ёрдам беради.

Ислом маданиятининг таниқли уламоларидан бири, шоир, файласуф, муҳаддис Абул Ҳасан ал-Кисоий (903 — 1103) Марв (ҳозирги Туркменистоннинг Мари) шаҳрида туғилган. Аввал Сомонийлар, сўнг Ғазнавийлар саройида хизмат қилган. Замонасининг кўпчилиги алломалари каби Рум (Византия, Туркия), Шом (Сурия) вилоятларига сафар қилиб, Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат этган, ўз асарларини форс ва араб тилларида ёзган. Бизнингча, Абул Ҳасан ал-Кисоий мўътабар муҳаддисларнинг фикрларига сўя-

ниб тўплаган ислом ривоятлари кейинчалик, XIII-XIV асрларда Рабғузид қиссаларига манба хизматини ўтаган бўлиши мумкин. Ҳар иккала алломанинг ривоятлари ҳам жаҳон адабиёти дурдоналари қаторига киради.

Абул Ҳасан ал-Кисоий ривоятлари тўплами араб тилидан Европанинг кўпчилиги халқлари тилларига таржима қилинган. Атоқли адабимиз Темур Пўлатов бизга лутфан тақдим этган нәшр — арабчадан чех тилига, ундан сўзма-сўз русчага таржима қилинган нусхадир. Биз таржима жараёнида бу нусхани арабча асл манбаларга, хусусан, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга таққослаб, кўпгина ўринларни ойдинлаштиришга интилдик. Бу хайрли ишда бизга андижонлик ёш мударрислардан Абдурашид муаллим бегараз ёрдам кўрсатди. Сизга шу асардан айрим бобларни ҳавола этмоқдамиз.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний

Одамнинг суваллини "кўчиник ровийларнинг ҳикоятларидан"

Ваҳб ибн Мунаббих розиаллоҳу анҳу бундай ривоятни келтиради:

Аллоҳ таоло Одамни яратар экан, бошини биринчи иқлим, бўйинини иккинчи иқлим, кўрагини учинчи иқлим, қўлларини тўртинчи иқлим, қорни ва умуртқасини бешинчи иқлим, курагини олтинчи иқлим, оёқларини еттинчи иқлим тупроғидан яратди...

Ибн Аббос розиаллоҳу анҳунинг айтишича, Одамнинг яралиши бошқачароқ бўлган. Ҳақ субҳонаху ва таоло Одамнинг бошини Каъба остидаги тупроқдан, кўрагини Ад-Даҳно* ўлкасидаги тупроқдан, қорни ва умуртқасини Ҳиндистон тупроғидан, оёқларини Мағриб ўлкалари тупроғидан яратган.

Ваҳб ибн Мунаббих келтирган ривоятга кўра, Аллоҳ таоло Одамни инсон қиёфасида яратгач, фаришталарга «Одамни жаннатнинг биринчи дарвозаси олдига олиб боринглар!» деб амр қилган. Бу вақтда ҳали Одам жасадига жонруҳ кирмаган эди. Куръони шарифда бу ҳақда: «Одамни бир лаҳзада яратмадикми?» дейилади. (76-сура, 1-оят)

Каъб-ул-Аҳбор розиаллоҳу анҳу ривоятига кўра, фаришталар Одамнинг қиёфасини кўриб, ҳайратда қолишган. Улар илгалар сира бундай мавжудотни кўрмаган эдилар. Ҳатто Иблис алайҳи-л-лаъна ҳам Одамга узоқ тикилиб айтдики:

— Агарки, Аллоҳ бундай мавжудотни яратибдур, оламда гаройиб ишлар бўлғай.

Шундан сўнг Иблис фаришталарга айтди:

— Аллоҳ таоло Одамни биздан юқори кўяётганлигини кўрмайсизларми?

Фаришталар жавоб беришди:

— Аллоҳ таоло нени хоҳласа, шундай бўлғай.

— Биз Одамга сажда қилғаймиз.

— Мен эсам ҳеч қачон Одамга сажда қилмағайман, — деди Иблис. — Пайт пойлаб, уни фалокатга учратгайман!

Одамнинг эҳсонлиги ва эҳсони.

Рус кўрганлиги

оқикояти

Каъб-ул-Аҳбор розиаллоҳу анҳу бундай ҳикоя қилади:

Ҳақ субҳонаху ва таоло амр қилдики, Одам алайҳис-саломнинг руҳи (кўнгли) барча фаришталарнинг ва бошқа мавжудотларнинг руҳидан ўзгача бўлсин. Ҳазрат Одам ана шу руҳига кўра, илгари яралган барча мавжудотлардан аъло бўлур. Сўнгра Аллоҳ таоло айтдики:

— Одамни чинидай жарангдор тупроқдан яратдим. Одамни ясаб бўлгач, унга руҳ киритурман, сиз фаришталар эса, унга сажда қилурсиз! (15-сура, 28—29-оятлар).— Сўнг Аллоҳ таоло яна шундай деди: «Эй, Одам, агар сендан сўрсалар айтгинки, «Худо иродаси билан менга руҳ берилди» (17-сура, 85-оят).

Ривоят қилибдурларки, Одамнинг руҳини (кўнглини) Аллоҳ

* Ад-Даҳно — Ҳижоз саҳроси қумлари қизил рангда, темир моддаси бор (Мунжид-фил-аълам).

* Абу Исҳоқ Каъб ибн Матъ (ваф. х. 32 (м. 652) — яманлик яҳудий уламоларидан, исломни қабул қилган. Умар ибн Хаттоб халифалиги даврида Мадинага келган. Кейинроқ Муовияга яқин бўлган («Мунжид-фил-аълам»)

ўз нурига чайиб олди. Руҳ нурга чайилган ва Худованди қаримни шарафлаган ҳолда Одам жисмига кира бошлади.

Ривоят қилишларича, руҳ одамнинг жисмига қандай киришни билмас эрди, чунки ул вақтда Одамнинг аъзоларидаги барча наъфизалар (дарича) берк эрди. Руҳ Аллоҳдан:

— Е Раббий! Мен одам жисмига қай тариқа кирурман? — деб сўради. Қудратли хитоб келдики:

— Одам жисмига куч бирла киргин!

Шундан сўнг Руҳ Одамнинг кўз ёруғидан кирган эрди, унинг кўзи очилди ва ўзининг лой жисмига қарай бошлади. Аммо у ҳали юролмас ва гапиролмас эрди*.

Шундан сўнг Руҳ Одамнинг қулоқларидан кирди ва унинг қулоқлари эшита бошлади. Сўнг Руҳ Одамнинг мия қатлавларига кириб, у ердан димоғига ўтди, шу пайт одам акса урди ва димоғи очилди. Руҳ Одамнинг бошидан танасига ўтди. Шу заҳоти лой жасад жонланиб, гўшт, қон, суяк ва томирларга айланди. Ниҳоят, руҳ Одамнинг оёқларига ўтгач, оёқларига жон кириб, у ўрнидан турди ва юра бошлади. Айтишларича, Руҳ Одамнинг жисмига беш юз йил давомида кирган. Жаъфар ибн Муҳаммад шу ҳақда бундай дейди:

— Руҳ ҳазрати Одамнинг бошига юз йилда, кўрагига юз йилда, курагига юз йилда, оёғи ва товонларига юз йилда кирган. (Эҳтимол, тўрт юз йил Аллоҳ таоло учун бир лаҳзага тенгдир. — М. М.) Ҳақ субҳонаху ва таоло ҳазрати Одамни жума куни қуёш ботгунича яратиб бўлди.

Фаришталарнинг
ҳазрати Одамга сажда
қилиши. Иблис
алайҳи-л-
лаъна воқеаси

Ваҳб ибн Мунаббих ривоят қилибдурларки, ҳазрати Одам оёққа тургач, фаришталар уни кўриб, ёқтириб қолишди. Ҳазрати Одамнинг бадани кумушдай тиниқ эди. Алқисса, Аллоҳ таоло фаришталарга амр қилдики, Одамга сажда қилинлар. Ҳазрати Одамга биринчи бўлиб Жаброил алайҳис-салом, сўнг Мекоил алайҳис-салом, сўнг Исрофил алайҳис-салом, сўнг Азроил алайҳис-салом ва қолган барча фаришталар бирма-бир сажда қилдилар.

Ибн Аббос нақл қилибдурки, фаришталар ҳазрати Одамга жума куни чошгоҳда сажда қилганлари туфайли Аллоҳ таоло шу кунни ҳазрати Одам ва унинг авлодлари учун байрам куни деб тайин қилди. Аммо Иблис алайҳи-л-лаъна ҳазрати Одамга сажда қилишдан бош тортди, чунки унинг Одамга бахиллиги ва ҳасади келди.

— Эй, Иблис, мен бунёд этган Одамга нечун сажда қилмайдурсен? — деб сўради Аллоҳ таоло.

Иблис бундай жавоб қилди:

— Мен Одамдан аълодурман. Мени шуъладан, Одамни эса лойдан яратдинг. (Куръон, 38-сура, 75-77-оятлар)

Ва яна Иблис айтдики:

— Лекин мен сенинг Аршинг ва Курсийингни қўриқловчи барча фаришталару малоикалар қатори Сенга тоат-ибодатдадурман, самовотнинг ҳамма жойларида Сенга маъху сано айтадурман.

Шунда Аллоҳ таоло айтдики:

— Фаришталару малоикалар менинг амр-фармонимни бажо келтирдилар, сен эрса бефармолик қилдинг, эмди сенинг тоат-ибодатларинг ва маъху саноларинг наф келтирмайдир,

* Қиссан Рабғузидда айтилишича, Руҳ аввал Одамнинг ички оламидаги зинистон зулмат, кўрқинчи чангалзорлар, ваҳшай жонзотларни кўриб, «Киришга кўрқаман» дейди.

Сени раҳм-шафқатимдан маҳрум этурман ва абадул-абадга лаънатлайман! Эмди сен лаин бўлдуңг, Аршдан қуладинг ва Шайтонур-р Рожийим бўлдинг ва эмди ҳеч қаерда таскин топмассен!

Шу заҳоти Иблис сўхтаси совуқ бир шайтонга айланди. Фаришталар Иблисининг бадбашара бир махлуққа айланиб қолганини кўрдилар ва унинг танасидан бадбўй ҳид тарқалганини сездилар. Улар Иблисга ҳамла қилишиб, найзалари бирла уни уриб, ҳайдадилар ва Айюҳа-ар-Рожийим, Айюҳа-ал-Маълун, Аюҳа-ал-Мағбун, яъни: — Эй, Қувғинди! Эй, Лаъин! Эй, Зараркунанда! — деб қичқирдилар.

Алқисса Иблис чекинди ва фаришталар ҳузуридан қочиб кетди. Улар Иблисини олис денгизнинг пучмоқларига ҳайдаб юбордилар. Аммо у ерда ҳам денгиз фаришталари Иблисини оловли найзалари билан уриб ҳайдадилар. Улар Иблисини уриб-суриб, Ифрот дарёсига тиқиб юбордилар. Иблис ана шу дарё сувида яшириниб, ғойиб бўлди... Самовотдаги барча мавжудотлар Иблис-лаиннинг Аллоҳ таолога қарши исёнидан ғазабландилар, барча фаришталар ғалаёнга келдилар.

Оллоҳ таолонинг одамга қарши ғазабига қайтмиш — сўз юзатишнинг воқеаси.

Ривоят қилибдурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳазрати Одамга сувда ва қуруқликда яшовчи барча мавжудотларнинг тилида гапиришни ўргатди. Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу, авлодларга ёзиб қолдирибдурки, ҳазрати Одам етмиш тилда гапиришни билар экан. Ана шу тиллар орасида тотли араб забони ҳам бор эрди. Алқисса, фаришталар ўз елкаларига ҳазрати Одамни ўтқазиб, Арши-аълога олиб бордилар ва у ерда уни олқишладилар:

— Азизу мукаррам бўл! Бизлар сенга тобеъдурмиз. Фаришталар унинг атрофини ўраб олдилар. Ҳазрати Одам ҳам давра айланиб, фаришталарнинг ҳар бирига:

— Ассалому-алайкум! — Сизларга омонлик тилайдурман! — деб хитоб қилди. Фаришталар ҳам унга жавобан:

— Ва-алайкум-ас-салом, ва раҳматуллоҳи ва баракотуху! — деб хитоб қилдилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис-саломга амр қилди:

— Барча фаришталарнинг гуруҳларини чорлагил, барчалари Одамнинг атрофида саф тортсин! Одам алар билан сўзлашсун.

Алқисса, самовотдаги барча фаришталар гуруҳ-гуруҳ бўлиб учиб келдилар, барчалари ўн икки гуруҳ бўлдилар. Ҳар бир гуруҳдаги фаришталар ўзга бир либосда эрдилар. Шу заҳоти ҳазрат Одам олдида сўз айтадурган минбар пайдо бўлдики, ул минбарга етти зина бирла чиқилур эрди.

Ҳазрати Одам нафис, ҳулла либослар кийган, этак ва енглари шамолда ҳилпирар эрди. Сочига мушк-анбар сепилган, кокилларига лаъл-жавоҳирлар қадалган эрди. Бошларида чорқирра тож бўлиб, ҳар қиррасидаги катта-катта марваридлар нуридан Қуёш ва Ой нури хиралашур эрди. Қўлларида ниғини қудс (муқаддаслик узуги), белларида ҳиммат белбоғи бўлиб, уларнинг ярақлаши само даргоҳларини ёритиб турар эрди. Ҳазрати Одам қўлида оловли чўқмор тутган ҳолда минбарал-каромага (мукаррамлик минбарига) кўтарилди ва хутба ўқилди:

— Ал-ҳамду-лиллоҳ! (Аллоҳга шарафлар бўлсин), — деб хитоб қилди ва шул сўзларни кейинчалик унинг барча авлодлари такрорладилар. Сўнг ҳазрати Одам фаришталар замини осмондаги барча мавжудотлар ва арзу самодаги юзларча фаришталарнинг исми-шарифларини Аллоҳ ўргатганидек бирма-бир айтди.

Ҳазрати Одам хутбани тугатиб, янада соҳибжамол ва баркамол бўлиб, минбардан тушди.

Шундан сўнг Одам узум еди, узум ҳазрати Одам тановул қилган биринчи таом эрди. Сўнг Одам ухлагиси келди ва ухлаб қолди, чунки инсон танаси уйқудагина яхши дам оладур.

Момо Ҳаввонинг яралиши

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳазрат Одам ухлаб ётганида унинг чап қовурғасида Момо Ҳавво яратди. Ҳавво деб аталганлигининг сабаби унинг тирик яралганидур. Бу ҳақда Қуръони шарифда бундай дейилган: «Эй, инсонлар! Раббингиз ғазабдан сақланинг! Зеро у сизни ягона Одамдан яратди. Уша бир инсоннинг ўзидин унинг жуфтини (Ҳавво) яратиб, бу иккисининг вужудидан жуда кўп эркак ва аёлларга ҳаёт бахш этган!» (Қуръон 4-Нисо сураси, 1-оят)

Ривоят қилибдурларки, Ҳаввонинг қадди-бўйи Одам билан тенг бўлса-да, ундан нозикроқ, бадани тиникроқ, овози ингичкароқ, кўзлари қорароқ, тишлари садафдек эрди.

Оллоҳ таоло Ҳаввони яратиб бўлиб, уни Одамнинг бош томонига ўтқазиб қўйди. Ухлаётган Одам тушида гўзал Ҳаввони кўриб, унга иштиёқи кўзғолди ва уйғониб кетди ва Аллоҳ таолодан сўради:

— Е Раббий, бу нимарсадур?

Ҳақ таоло жавоб берди:

— Бу — менинг Ҳавво отлиғ бандамдур.

— Уни ким учун яратдинг? — сўради Одам.

— Кимки дину имон юкини у билан бирга зиммасига олса ва бунинг учун шукрона айтса, ул ўшаникидур.

— Е Раббий! Мен у билан бирга дину имон юкини устимга олғайман, бизни никоҳлаб қўйгил! — хитоб қилди Одам.

Алқисса Аллоҳ таоло Одам бирла Ҳаввони никоҳлаб, эрхотин қилди, сўнг улар жаннатга кирдилар*.

Шу хусусда Абдуллоҳ ибн Аббос розиаллоҳу анҳу бундай дебдур:

— Эй, одамлар! Билингларки, сизларнинг бобокалонингиз Одам оила қурган эрди. Одамларнинг уйланиши Аллоҳга манзур келур, уларнинг ажралиши эса манфурдур.

Одам ва Ҳаввонинг одамнинг қиринлари

Ҳазрат Одам от миниб, Ҳавво тева (туя) миниб, жаннатга равона бўлдилар. Уларни ўнгу сўлида, олдида ва ортида фаришталар кузатиб бордилар. Малонкалар ва самовотнинг бошқа ғаройиб мавжудотлари жаннат дарвозасига элтувчи йўлда ҳар икки тарафда найзалар ва туғлар тутган ҳолда саф тортиб турдилар. Шулай пайт қудратли овоз келди. Аллоҳ таоло Одамга бундай сўзлар айтди:

— Эй, Одам! Қаршингда самовотнинг барча мавжудотларини кўриб турибсан. Шулар орасида чиройда сенга тенг бирор кимса борми?

— Е Раббий! — жавоб берди Одам. — Чиндан ҳам бунда ўзимдай бирор мавжудотни кўрмадим. Саховатингдан менга берганчалик чиройни ҳеч кимарсага бермабдурсан. Яратганингга шукр!

— Эй, Одам! — деди Аллоҳ таоло. — Сен мен учун азизу мукаррамдурсан, чунки сен менинг фармонимни бажо келтирдинг ва дину имон юкини ўз зимманга олдинг.

Алқисса, Одам ва Ҳавво жаннатга кирдилар, уларни осмондаги барча мавжудотлар, дов-дарахтлару қушлар олқишлаб, қутладилар. Сўнг Одам ва Ҳавво пайғамбарлар ҳамда бошқа азиз-авлиёлар маконларига бориб, уларни зиёрат қилдилар. Улар жаннатда сайр қилиб юриб, Жаннату-л-Адин (Эрам)

* Қиссаи Рабғузий»да фаришта Жаброил Аллоҳ таолонинг фармони билан ўқиган хутбаи никоҳ мазмуни (матни) келтирилади.

боғига келиб қолдилар. Боғ ўртасида етти юз пояли тахт-оромгоҳ бор эрди. Ҳар бир пояси ўзгача жавоҳирдан ясалмиш эрди. Оромгоҳнинг четлари музайян нақшлар бирла безатилган эрди. Тўшак ва чойшаблар ипак ва бахмалдан бўлиб, улар орасига мушк-анбарлар сепилган эрди. Оромгоҳ тахтнинг тўрт гумбази бор эрдик, бири Роҳат-фароғат, иккинчиси Мулоимлик, учинчиси — Абодият ва тўртинчиси — Улвият (юксаклик) гумбази эрди.

Шул пайт тахт-оромгоҳ тилга кириб, Одамга овоз қилди: — Эй, Одам, Аллоҳ таоло мени сен учун яратди ва сен учун безатди.

Одам ва Ҳавво жаннат боғларини сайр этиб, дам олиш учун тахт-оромгоҳга келиб ўтирдилар. Шул заҳоти улар олдида жаннат мевалари пайдо бўлди, иккаласи ул мевалардан тотиб, тановул қилдилар. Шундан сўнг улар юксаклик куббасини томоша қилдилар — куббалар ичида энг чиройлиси шул эрди. Тахт-оромгоҳнинг ўнг тарафида мушк, сўл тарафида анбар уюмлари бор эрди. Тахт-оромгоҳ узра Тубо дарахти соя солиб, шох-шаббарли бирла уларни ёпиб турар эрди.

Шул пайт Одамнинг Ҳаввога иштиёқи кўзғолди ва унга яқинлашди. Кубба пардалари тушиб, уларни яширди. Оромгоҳ эшиклари ёпилди. Одам ва Ҳавво шул оромгоҳда шод-хуррамлик, бахту саодат ва айшу ишрат бирла беш юз йилни ўтказдилар. Сўнг Одам тахт-оромгоҳдан тушиб, боғни сайр этишга равона бўлди. Ҳавво ҳам ипак чойшабларга ўралиб, унинг ортидан ёнди (жўнади). Улар қай ерга яқинлашсалар, ўшандаги фаришталар четлашиб, хилват бурчакларга яширнар эрдилар.

Одам ва Ҳаввонинг ғумбаси оралида

Ҳолоки, Иблис самоларда дайди, фаришталардан яширнур эрди. Ногоҳ қудратли бир садо оламга таралди:

— Эй, аҳли жаннат! Мен дину имон юқини зиммаларига олиб, мусулмон бўлишга аҳд қилган Одам ва Ҳаввога сиз фаришталарнинг орасидан жой бердим. Аларга жаннатдаги барча ноз-неъматлардан баҳра олишга рухсат этадурман, фақат Мангулик дарахти меваларидан тотишни ман қиладурман. Агарчи таъқиқланган мевалардан тотсалар, аларга қаҳру ғазаб этиб, жаннатдан бадарга қилурман.

Иблис бу сўзларни эшитиб, қувонди ва ўзича ўйлади:

— Эмди жаннатда таъқиқланган мева ёрдамида мен Одам ва Ҳаввонинг дину имонларини барбод этурман.

Алқисса Иблис само кунжларида яшириниб юриб, охири жаннат эшиги олдида келди. Худди шу пайт жаннат боғидан Товус ташқарига чиқиб қолди. Товуснинг икки қаноти ёйилганида еттинчи осмонда ўсадурган нилуфар дарахти — сидрат-ул-мунтаҳога етур эрди. Қанотларининг патларидаги жавоҳиротлари қуёш, нурларида шуълаланар эрди. Думида зумуррад, кўзларида қора марварид нурланар эрди.

Товус жаннатдаги барча кушлардан сайроқироқ эрди, ул ширин гуфтори бирла Аллоҳ таолони тинимсиз шарафлар эрди. Алқисса, товус еттинчи осмонда хиром этиб юрар экан, Иблис уни кўриб яқинлашди ва мулоим товус бирла унга муурожаат этди:

— Не ажаб куш эурсанки, юришинг виқорли ва товусинг болдан ширин?

— Мен жаннат товусидурман, — жавоб берди ул куш ва; — ўзинг кимарсадурсан ва бу ерларда не қилурсан? — деб Иблисдан сўради.

— Не истак-иштиёқда юурсан ва ёхуд сени таъқиб этувчилардан қочурмисан?

— Мен осмон остида Ҳақ таолони тинмай шарафловчи фаришталардандурман. Билгилки, мен жаннатни соғиниб, уни кўргим келадур. Аллоҳ таоло жумла башарга яна қандай ажойиботлар яратибдур, билгим келадур. Агар сен мени жаннатга олиб кирсанг, сенга сеҳрли уч сўз ўргатурман.

Ушал сўзларни билган кимарса ҳеч қачон касал бўлмайдур, ҳеч қачон қаримайдур ва ҳеч қачон ўлмайдур.

— Куфр сўзларни сўзларсен! — жавоб берди Товус унга. — Ахир жаннат аҳли шундоғ ҳам ҳеч қачон бетоб бўлмайдур, қаримайдур ва ўлмайдурлар.

— Уладурлар, касал бўладурлар, ҳамда қарийдурлар, — деди Иблис. — Фақат сеҳрли уч сўзни билганлар бундан мустанодурлар.

Алқисса, Иблис узоқ гапириб, Товусни ўз сўзларига ишонтирди. Товус ҳам унга ишонди, кимарса Аллоҳ ҳузурда ёлгон гапириши мумкинлигини хаёлига келтирмади. Товус бир оз тарадудланиб, Иблисга деди:

— Ҳар ҳолда ўшал уч сўзни билиб қўйиш фойдадин ҳоли бўлмас, фақат мен жаннатнинг посбони Ризвондан кўрқадурман. Кимни олиб кирясан, деб мени тергайдур. Яхшиси, мен сенга жаннатдаги барча ҳайвонларнинг сарвари Йилонни юборай, ул сени жаннатга олиб кирур.

Шундай деб Товус жаннатга кириб кетди, у ерда Йилонни топди ва Иблис билан суҳбатини гапириб берди.

— Ушал уч сўзни билиб олиш фойдали бўлур эди, — деди Йилон ҳам.

Товус айтдики:

— Жаннат эшикларига боргил, у ерда сени ўшал сўзларни билган кимарса кутиб турадур.

Алқисса, Йилон номаълум кимарсени излаб кетди.

Ривоят қилибдурларки, ўшал чоғда Иблис тева (туя) қиёфасига кирибдур. Оёқлари теваникидай узун, думлари қизил, сариг, қора, оқ рангли гиламдай, ёллари марварид билан зийнатланган, юнларида забаржадлар ярақлар, кўзлари эрса Нохид (Зухро) ва Саъди Акбар (Юпитер) юлдузларидай чарақлар эрди.

Йилон жаннат боғларида, хавзи Кавсар қирғоқларида сайр қилиб юрур эрди. Кавсар суйидан ичиб, новвод-бол тотар эрди. Ва ҳар лаҳзада барча олам сарвари Аллоҳ таолони шарафлар ва улуғлар эрди. Ҳақ таоло Йилонни Одамдан икки минг йил аввал яратиб эрди.

Ривоят қилибдурларки, Йилон жаннат дарвозасидан ташқарига чиққанида Иблис уни Товус айтганидек тик туриб кутаётган экан. Иблис Йилонга яқинлашиб, унга ҳам мулоим, шакаргуфторлик бирла Товусга айтган гапларини такрорлади.

— Айтганларинг бари ҳақиқат эканлигига қасам ичгил, — амр қилди унга Йилон.

Алқисса, Иблис Аллоҳ таоло номи бирла онт ичди.

— Ҳўб, яхши, мен сенга ишондим, — деди Йилон. — Аммо сени қай йўсунда жаннатга олиб кирурман?

— Тумшугинг ичида, тишларинг орасида мен учун етарли кавак бор экан, — деди Иблис, — ўшал кавакка жойлашиб олурман. Уша ердан туриб, сенга уч сўзни айтурман.

— Бул кавакка эрканингни Ризвон кўриб қолса не қилурман? — шубҳаланди Йилон.

— Кўрқмагил, ул мени кўрмайдур.

— Баногоҳ Ризвон мендан бирор нарсани сўраб қолса қандай жавоб қилурман? — сўради яна Йилон.

— Кўрқма, — деди Иблис. — Сен учун Ризвонга мен жавоб қилурман ул эътибор бермайдур ва ҳеч нимарсени сезмайдур.

Алқисса, Йилон оғзини очди, Иблис бир сакраб, унинг оғзига кириб, тишлари орасига жойлашиб олди. Филҳол, иккаласи жаннатга кирдилар.

Тақдир тақозоси бирла Ризвон улар кираётганида Йилонни сўроққа тутмади. Шундай қилиб, Иблис яширин равишда жаннатга кириб олди. Улар жаннатнинг ўртасига етганларида Йилон Иблисга:

— Оғзимдан тушгил, — деб амр қилди.

— Шошмай тур, аввал мени Одам ва Ҳавво ҳазурларига бошлаб боргил, — жавоб берди Иблис. — Сенга уч сўз айтурдан илгари уларга айтадурган сўзим бор.

Алқисса, Йилон Иблисни Одам ва Ҳавво яшайдурган гумбаз олдига олиб келди. Сўнг Иблисга:

— Энди оғзимдан тушгил ва аларга ўзинг гапиргил, — деди.

— Э, йўқ, — деди Иблис. — Мен сенинг оғзингда туриб сўйлашни истаймаман. Менга Ҳаввони кўрсатгил. Акс ҳолда сенга сеҳрли уч сўзни айтмайман!

Алқисса, Йилон Ҳаввонинг куббасига яқин борди. Шул аснода, Иблис Йилон оғзида туриб гапира бошлади.

— Эй, жаннат зийнати Ҳавво! Мени танидингму? Сенга

жаннатдаги бор мавжудотлар ҳақида гапириб, ҳақиқатни танитган мендурман.

— Танидим,— дедим Ҳавво.— Сен Йилондурсан ва сенинг оғзингдан ҳамisha ҳақ гаплар чиқаду.

Иблис эрса Йилон оғзида туриб, сўзлашда давом этди:

— Эй, Ҳавво, менга тўғриси айтгил, Аллоҳ таоло сенга нимарсаларни ҳалол айлади ва нимарсаларни таъқиқлади? Ҳавво унга ҳамма гапларни айтгач, Йилон оғзидаги Иблис яна сўради:

— Эй, Ҳавво! Аллоҳ таоло не учун сенга Мангулик дарахти мевасини ейишни ман этганлигини билурмисан?

— Билмасман,— жавоб берди Ҳавво.

— Мен эсам билурман,— деди Иблис.— Аллоҳ таоло Мангулик дарахти меваларидан еган жонзотларни мангу яшайдурган қилиб қўядур. Агар бу сўзимга ишонмасанг ўшал дарахт остида турган бир махлуқни кўргил.

Ҳавво бу сўзларни эшитиб, ўрнидан турди ва оромгоҳидан чиқиб, Мангулик дарахти остида ким бор экан деб, ўшал жойга равона бўлди. Шул пайтда Иблис Йилоннинг оғзидан яшиндай отилиб тушиб, хушсурат бир фаришта қиёфасида ўшал дарахт остига бориб турди. Ҳавво уни кўриб, узоқроқда тўхтади ва сўради:

— Сен кимрасадурсан ва ё қандай махлуқдурсан?

Иблис бундай жавоб айлади:

— Мен худонинг бандасидурман. Аллоҳ таоло мени бундан 2 минг йил илгари шуъладан яратган эрди. Ул менга руҳ берди ва фаришталарга бунга сажда қилинглар деб буюрди. Аллоҳ таоло мени беҳиштга олиб кирди ва Мангулик дарахти меваларидан емагил, деб амр қилди. Кейинчалик фаришталар менга «Мангулик дарахти меваларидан есанг мангу яшайдурган бўлурсан» дедилар. Мен аларнинг сўзларинга инондим ва маслаҳатларига кулоқ солдим. Кўриб турибсанки, мен ханузгача беҳиштдадурман ва ўлимдан кўрқмайдурман.

Бир дақиқа ўтгач, Иблис яна Ҳаввога деди:

— Эй, Ҳавво, бул мевалардан егил, бул мевалар беҳиштдаги энг яхши, энг ширин мевалардур. Агар сен ўртоғинг Одамдан аввал бул мевалардан есанг, ундан устунроқ бўлурсан. Шул замон Ҳавво ёнида турган Йилонга қараб деди:

— Эй, Йилон, сен мени беҳиштга кирган пайтимдан буён ёнимда юрурсан, жаннатда бундоғ дарахт борлигини ва анинг сир-асрорини нечун менга айтмадинг?

Аммо Йилон жаннат посбони Ризвондан кўрққанидан ва ҳам Иблис унга ваъда қилган уч сўзни билишни хоҳлаганидан индамади. Ҳавво Мангулик дарахти сирини билганлигидан қувониб, Одам хузурига борди ва унга Йилон ва дарахт остидаги махлуқ ҳақидаги ҳамма гапларни айтди.

Иблис эрса аларга: «Мен сизларга яхши ва одил маслаҳат-чидурман», деб уқтирди. (Қуръон, 7-сура, 20-оят).

Алқисса, даҳшатли дақиқалар яқинлашди.

Ҳавво каттақон ва сершоҳ Мангулик дарахти олдида келди. Дарахтнинг шоҳлари шул қадар кўп эрдикки, аларни санаб саноғига етиб бўлмас эрди. Дарахт шоҳларида эрса ҳар бири туяқушнинг тухумидай келадурган ажойиб дон бошоқлари бор эрди. Ҳар бир бошоқ судай оппоқ, болдай ширин, мушқдай хушбўй эрди. Ҳавво ана шундай бошоқлардан етти донасини териб олди. Бирини ўзи еб, бошоқларини беркитиб қўйди. Шундан сўнг Ҳавво бошоқларни Одамга кўрсатди. Одам эрса аларни олди ва Ҳақ таолога берган ваъдасини унутиб, таъқиқ мевасини еди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло шул ҳақда бундай деган: «Биз Одам бирла аҳдлашган эрдик, аммо ул аҳдини унутди. Одам иймонига хиёнат қилди ва собитлигини исботлаёлмади». (Қуръон, 20-сура, 114-оят).

Яна шул ҳақда Қуръонда бундай ёзилган: «Одам ва Ҳавво Мангулик дарахтининг меваларини тотишгач, устиларидан либослари йўқолиб, яп-яланғоч бўлиб қолдилар». (Қуръон, 7-сура, 21-оят) Ибн Аббос эрса бундай тафсир қилур: «Одам бир бошоқни еб улгурмасидан бошидаги тожи думалаб тушди, қўлларидан узуклар йўқ бўлди. Баданидаги либослар ва безаклар тўкилиб тушди. Ҳавво ҳам шундай ҳолга тушди. Жаннат аҳли Одам ва Ҳаввони бул ҳолатда кўриб, шовқин-сурон кўтардилар:

— О, Одам! О, Ҳавво! Сизлар энди бебахт бўлибдурсиз ва сизлар рўзи маҳшар — қиёматга қадар даҳшатли ғам-кулфатларга йўлиқурсиз.

Одам ва Ҳавво ўзларини яланғоч ҳолда кўргач, қаттиқ саросимага тушдилар. Иблис эрса Тангри таолонинг жазосидан

кўрқиб, чексиз самовот кунжларига чекилди. Беҳиштдаги барча мавжудотлар Одамни қорала!

— Сен осий! Сен хоин! — деб қичқирдилар.

Шундан сўнг жаннат аҳли Одамдан юзларини ўгириб, Ҳаввога қарадилар ва ундан ҳам юз ўгирдилар. Сўнгра барчаси Тангри таолога:

— Ё, Раббий! Бу осийларни беҳиштдан ҳайдагил! — деб хитоб қилдилар.

Одам ва Ҳаввонинг ерга тушишлари оқиёси

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло:

— Мендан узоқлашинглар! — деди (Қуръон, 2-сура, 36-оят). Сизлар энди бир-бирларингизга ёв бўлурсиз! Сизларга Ерни вақтинча бошлана қилиб берурман. Ундан фойдаланинглар! (Қуръон, 2-сура, 34-оят)

Одам беҳиштининг Раҳм эшигидан Ерга тушди. Ҳавво — Шафқат эшигидан чиқди. Иблис даънат эшигидан, Товус — Жаҳолат эшигидан, Йилон — Нафрат эшигидан чиқариб юборилди. Шу воқеанинг бари чошгоҳда юз берди.

Ибн Аббос айтибдурки, бул эшиклар шундай аталишининг боиси шулдирки, улар орқали Раҳм, Шафқат, Лаънат ва Нафрат ер юзига тушди.

Ҳазрат Одам Ҳиндистон заминига, Сарандиб тоғидаги қоялардан бирига тушди. Ҳавво эрса дашту саҳрога тушди. Иблис Мишон деган жойга, Йилон эрса Исфаҳонга тушди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло алар бир-бирларини кўрмасинлар, деб айрим-айрим жойларга юборди. Ҳазрат Одам ер юзига тушган пайтда у яланғоч бўлиб, авротини фақат анжир барги билан ёпиб олган эди. Ана шу баргини ҳам Ҳиндистон шамоллари учуриб кетдилар. Ушал баргдан ҳар тарафга мислсиз хуш бўй таралди. Яланғоч қолган Одам бу аҳволига йиғлаб юборди. Шул кўйи Одам минг йилгача кечано кундуз йиғлади. Ул бошини кўйи солганича минг йил осмонга қарашга журъат қилолмади. Унинг кўз ёшларидан шира-шарбатли сабур (алоэ), хушбўй анбар, қаттиқ сандал, кафур (камфора) ва бошқа хушбўй ўсимликлар униб чиқди. Ер юзидаги водийлар ўсимликлар билан бурканди.

Ҳавво ҳам (шунча йиллар) йиғлади ва унинг кўз ёшларидан ҳам хушбўй қора чиннигуллар ўсиб чиқди.

Шамоллар Одамнинг фарёдини Ҳаввога, Аёлнинг фарёдини эса Одамга етказдилар. Иккаласи (бир-бирларининг товушларини эшитиб) ораллиқдаги масофани яқин деб ўйладилар. Аммо уларнинг ораллиғидаги масофа гоят олис, ўртада нечача тоғлар, чўллар бор эди.

Ваҳб ибн Мунаббих ривоя қилибдурки, ҳазрат Одамнинг Ерга тушганлигини биринчи бўлиб Бургут билди. Айтишларича, Бургут узоқ йиллар Ерда ёлғиз яшаган. Бир кўни Бургут денгиз бўйига келиб, думи билан сувни тўлқинлантираётган Балиқни кўрди. Шунда Бургут уни гапга тутди. Балиқ унга жавоб берди. Шу аснода иккаласи дўстлашдилар.

Бургут ҳазрат Одамни кўргач, шошиб Балиқ қошига борди ва унга ғаройиб мавжудотни кўрганлигини, ўшал махлуқнинг юриш-туришини, ўтиришини ва югуришини айтиб берди.

Балиқ бу сўзларни эшитиб хафа бўлди.

— Агар ўшал махлуқни кўрганинг рост эрса, ул Одамдур ва ул мени сувдан, сени ердан қувиб, ҳайдаб юборгай ва ул бизнинг дўстлигимизга раҳна солгай,— деди.

Иккаласи Одамнинг келганидан кўрқиб кетишди.

Одам эрса йиғлашдан тўхтамас ва нотавон қисматидан нолир ва унинг кўз ёшларидан паррандаю даррандалар ташналигини қондирар эдилар. Одам кўз ёшлари билра довадарахтларни сугорар, ўсимликлар ерга томир отиб, куча қираар эдилар. Қазб-ул-Аҳбор ривоят қилибдурки, Одам бошини ердан кўтармай, уч юз йил йиғлади ва дедикки:

— Арши аълодан яп-яланғоч аҳволда ва надомат бирла кетганимдан сўнг қай юз бирла бошимни кўтариб, самога қарашга журъат этурман?

Одам ва Ҳаввонинг Маккаи Муқаррамага Борганини

Жаброил алайҳис-салом ҳазрат Одамга айтдики, «Саодатли бир муддатда Маккадаги мушарраф бир масканда Ҳавво бирла топишгайсан. Яна бир хуш пайғом борки, Ҳақ таоло сенга Маккада бир эҳром қуришни амр қилди. Ул муқаддас эҳром — Каъбадир. Сўнг Жаброил алайҳис-салом Одамга яна айтдики:

— Эй, Одам, фаришталар самода энг муқаддас маъвони тавоб қилиб айланганларидай, сен ҳам ўшал Каъба атрофида умр кечиргайсан. Мабодо қаршингда Иблис пайдо бўлиб қолса, фаришталар уни тош бирла уриб ҳайдаганларидай, сен ҳам они тош бирла уриб, ҳайдагайсан.

Ҳазрат Одам бу сўзларни эшитиб, ўрнидан турди, севинганидан боши осмонга етди. Шундан сўнг Ҳақ таоло фаришталар ва барча махлуқларга амр қилдики, Одам ҳузурига яқинлашинг ва уни қўлланг, зеро мен уни авф этдим. Улар худованди карим айтганидай қилишди.


Алқисса, Жаброил алайҳис-салом бирла ҳазрат Одам Маккаи муқаррамага* бордилар. Кейинроқ ҳазрат Одам қадами етган ҳамма жойлар ҳосилдор ерларга, яшил ўтлоқларга айланди. У ташлаб кетган жойлар эса дашту саҳроларга айланди. Жаброил алайҳис-салом бирла ҳазрат Одам Маккаи муқаррамага етганларида Аллоҳ таолодан овоз келди:

— Эй, Одам, муқаддас эҳром бунёд этгани шу жойни танлаган эрдим. Фаришталарга фармон бердимки, улар сенга мадад бердилар. Иморатни қуриб битирганингдан сўнг унинг атрофини айланиб, «ЛА-ИЛАҲА-ИЛЛАЛ-ЛОҲ!» деб калима келтиргил ва баралла ташаҳхуд ҳамда салават айтгил! Умр йўлдошинг Ҳавво бирла ҳижронинг поёнига етгай, мен шул эҳром атрофида табаррук бир жойда сизларни яна қовуштиргайман! Мазкур харам-масжид кейинчалик менинг расулим Муҳаммадга қиблагаҳ бўлгусидир.

РЕДАКЦИЯДАН:

Азиз журналхонлар! Абул Ҳасан ал-Кисойнинг «Оламининг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар ҳусусида» рисоласининг давомини келгуси йилнинг январь сонидан бошлаб ўқийсиз.

Абдувоҳид Ҳайит



1967 йилда Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ ноҳияси, Чойдори қишлоғида туғилган. ТошДД журналистика факультетининг III курс толиби.

Куз

Куз. Беҳол бандидан барглар узилар,
Бутоқдан бутоққа мезон чўзилар,
Булутлар тизилар, ҳаво бузилар,
Бўғотнинг бўғзида бир қуш эзилар —
Менга сезилар.

Бир қушча эзилар, ғамим қўзилар,
Зил-замбил дардлардан байтлар тизилар.
Бахтсиз кунларимдан ёдгор — кўксимга
Бир қушча суварати чизилар...

Азалий қўшиқ

Бунёд этилдингу
Жамолингдан ёғду ёға бошлади,
Гулзорлар зарланди усруқларингдан.
Гуллар хижил бўлиб сиймин ташлади,
Оҳулар ҳуркдилар киприқларингдан.
Бунёд этилдим.

Уйғониб кетдингу
Томоша айладинг: қайслар рақсини,
Дардингдай дунёга бегоналарни,
Холингга талашган мушқлар баҳсию
Зулфингда жон берган парвоналарни,
Уйғониб кетдим.

Кунинг тийра бўлди,
Сен-да юз ўғирдинг девоналардан,
Кўмсадинг қавмингни, ризвонларингни.
Оҳиста чиқдингу паймоналардан,
Кўйдинг ул жомларга ҳижронларингни,
Куним тийра бўлди...

* Кисойда — «Маккаи машаррафа» дейилган.



Орадан канча йиллар ўтди. Канча дарёлар оқиб, канча фасллар эврилди. Ўқиган шеърларимнинг кудрати эса ўз кучини йўқотмади. Ўзим шеър машқ қила бошлаганимда, Абдулла ака, Эркин ака, Омон акаларга хавас қилиб — Халима опанинг ижодидан ҳам нималарнидир ўзлаштирдим. Хўш, нимани ўзлаштирган эканман?! Аввало, аёл дардини, унинг буюклигини... Халима опанинг шеърлари турғунлик йилларида ўзбек аёлига ҳамдардлик билан бокқан, аммо, аёллик шаънини химоя қилиб туғ кўтарган, мавжуд ижтимоий ҳаётдан коникмаслик руҳида шаклланган шеърят эди.

**Ўз дунём ичида боғларни яратдим,
Сўниб битдилар.
Тафаккур кучидан тоғларни яратдим,
Нураб кетдилар.**

Бу ўзбек аёлининг дарди эди. «Оқ олтинни олтин қўллар яратади» деб олтин қўлларни дағал, чайир, шудгор қиладиган, штурвални бошқарадиган қўлларга айлантирдик.

**Дўстларим, қолмайлик армон доғида,
У қўлларга ҳали кўмагимиз оз.
Елкамизда турган таянч тоғидай,
Шу дағал қўлларга кўяйлик ихлос...**

Мана шу дағал қўллар халқни бокди, кийинтирди. Ўзи оёқ босолмас саройларни беади. Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлади. Сиёсатни билмаган ўзбек аёли даладан чиқмади. Далада болалаб, далада бола ўстирди. Ўмид билан алла айтди:

**...Мен кўрмаган сенга насиб,
Янги олам бўлурсан,
Болақайим, болақай...**

Болақай эса касалманд. Онаси чорасиз... Чорасиз аёл қор босган далада пахта терар экан юрак қони билан ёзди:

**Туғилиш бир, ўлим мингдир десам бўлмагин
хайрон,
Бир туғилиб, қайта-қайта ўлаётиман-ку мен...**

Ҳали баланд минбарлардан баландпарвоз гаплар тушмаган эди. «Яна кўшимча мажбурият оламиз!» деган шнорлар шоира қалбида «Яна кўшимча азоб тортишга

розимиз!» дегандек акс-садо берарди. Халима опанинг овози — ўзбек аёлининг овози бўлиб янгради. Жон жунбушга келди, нола бўғизга... Эркаклар курашдан чўчиб турганда Исён бўлиб майдонга аёл чикди:

**...Алп бобомдан мадад сўраб
Кирмоқдаман майдонга.
Оқ йўл тиланг ёру журам
Гулу туташар жонга.**

У курашда ёлғизланиб қолишни истамади. Аёл дарди — олам дарди... Кўй оғзидан чўп ололмайдиган, ўзининг ор-номуси учун курашга отланмаган, ҳамма нарсага сабуру қаноат билан, мўмин-қобилгина итоат қиладиган, қониди Алп боболарнинг шони сўнганларга қарата, йигитлик ғурури кўзғолсин, етмиш икки томири жунбушга келиб, уйғонсин дея хайкирди:

**Сени кўргунча мағлуб, хор
Кўр қилгум мен кўзимни.
Ясаб чилвир сочимдан дор,
Осиб кўйгум ўзимни!**

Ҳа, мана шу сатрларни ўқиган ҳар бир ўқувчининг юраги дардга тўлиб, кўз олдидан ўзига ўт қўйган ўзбек аёллари саф тортиб ўтса ажабмас. «Бу ярадор бошим менинг кўп ишга қодир» — дейди шоира бир шеърда, ўзбек аёлининг нималарга қодирлигини бутун жаҳон кўриб таъзим қилиб турибди, қайта куришнинг хур шабадаси аёлларимизнинг куйган кўксига ором берса-да, хали биз уларни мавжуд «кишан»лардан бутунлай озоқ қилолганимиз йўқ. «Дориломон кунлар келди, шафақлари олиб» — шундай куннинг келари чин бўлсин... Шундай қилиб Халима Худойбердиеваннинг исёнкор шеърляти ҳам тарихга кирди. «Тош ёғса-да пахта териб оламиз», дея хайкирган лирик қаҳрамон «Назир отанинг ғазабидан фарқли ўларок, пахта дея ўзлигини унутган халқнинг ўзлигини англаувчи хайкирик билан тарихга кирди. Шоира ишонч билан башорат қилиб айтганидек:

**Албат етажакман порлоқ кунга мен
Етарман манглайи яркирок бахтга.**

Бугун ҳаммамиз «манглайи яркирок бахтга» эришиш учун умид қилаёямиз. Бу йўлда бизга Халима опанинг шеърляти мададкор. Ҳар қандай ижодкорнинг вояга етиши, камол топиши муҳитга боғлиқ. Халима опа шеърлятидаги исёнкорликнинг илдизлари ҳам муҳит қаърига бориб такалади.

Бу шеърлятни бугунги кун шеърляти билан таққослаганимизда, ўзининг Барчин келбати, исёнкор руҳияти билан ажралиб туради. Бу авлод шеърлятида тағдор гаплар, пичинглар, зўраки образларга берилишлар, бир-ёкламалик, кундалик эҳтиёж дарди — яъни публицистикадан холироқ, инсонга хос бўлган мангу яшовчан муҳаббат ва нафрат туйғуси, ижтимоий ҳаётдан кўркўрона норозилик эмас, аксинча шундай ҳаётни юзага келтирган, шунга қаноат қилиб яшаётган ИНСОН — шу Инсонни қомилликка қорловчи, моҳиятни кенг фалсафий идрок этувчи мангу ДАЪВАТ мавжуд!

Шекспир шогирдларидан бирига «Мен шеърингда ўзимни кўрмадим», деган экан. Халима опанинг ижодида эса ҳар ким ўзини кўришига мен ишонаман. «Манов шеърда айнан менинг изтиробларим баён этилган экан» дея кимдир ёд олса, ишонаманки, ибо гулларига ўралган Исён ўша ўқувчининг қалбида яшай бошлайди!..

ШУКУР СОДИК



Сийсий мустақиллик — миллий ўзлигини таниш, миллий тозарини демакдир. Бу — асл миллий руҳ, миллий нуқтаи назар, ўз миллий тафаккурига эга бўлишдир. Аёнки, биз ўтган етмиш йил давомида ҳамма қардош элатлардан юз ўгириб, бутун назаримизни марказга — Оврўпога қаратган эдик. Оврўпо маданияти, урф-одати, тафаккур тарзини ҳамма нарсадан афзал, деб билиш сийсати тарғибот ва ташвиқот орқали, шунингдек, хуфъё зўрлик йўли билан қатъий равишда сингдирилди. Ўзоқ йиллар давом этган, пухта ўйланган бу изчил сийсат миллий маданиятдан йироқлаштириш, миллий ўзига хосликни барбод этиш, миллий руҳ ва ифтихор туйғуларини сўндиришга қаратилган эди. Маълумки, муайян меҳнат маҳсулоти, тарихий ёдгорлик ёки буюк аждодлар фахрланиш туйғуси кишига кучли маънавий рағбат бахш этади. Бир вақтлар биноларимиз пештоқида «Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихоридир!» деган шиор осиглиқ турар эди. Сўнг бу шиор «Пахта — совет халқининг ифтихоридир» деб силлиққина ўзгартирилди. «Совет халқи» деган ибора мавҳум гап.

қилинган эдики, мутелик фалсафаси ҳатто расмий гоя шаклида мужассамлаштирилган бўлиб, Ўзбекистон давлат мадҳияси мазмунига бош гоя сифатида сингдирилган эди. «Биз ўтмишда хор эдик, номсиз, гадо», деган сўзлар гўё халқнинг ўз тилидан изҳор этишга мажбур қилинган эди. Ифтихори йўқ халқ маънавий мажруҳ, муте халқдир. Сийсат, қўрқув, ваҳима воситаси орқали халқ табиатида сингдирилган мутелик руҳияти сақланиб қолар экан, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги ширин хаёл бўлиб қолаверади.

Тарихий маданий аждод ва арбобларимиз, миллий маданият обидалари кўп ҳолларда ўзга миллат кишилари томонидан тадқиқ этилиб баҳоланди. Халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши ўзга миллат тарихчилари томонидан хаспўшлаб, ҳатто бузиб кўрсатилди. Жадидчилик, босмачилик ҳаракати воқеалари халққа қарши руҳда талқин этилди. Хуллас, миллий тарихимиз ўзга миллат хоҳиш-истағига мослаштириб сохталаштирилди. Рус халқи Улуғ Петр ёки Иван Грознийни украин ёки ўзбек нуқтаи назари билан баҳолар

Очил Тоғаев

Мустақиллик — миллий эркинлик демак

СССРда муайян халқлар мавжуд, бироқ, уларнинг сунъий бирлигидан янги умумий халқ вужудга келтириб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг етиштираётган асосий меҳнат маҳсулоти фақат унинг ўз ифтихори бўлиши мумкин. Бепоян моддий бойлик ва табиий гўзаллик тимсоли бўлган рус ўрмони асл маънода фақат рус халқи ифтихоридир. Ёки грузин чойи, қозоқ чорваси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Рус ўрмонидан, ўзбек пахтасидан, грузин чойидан бошқа халқлар мамнун бўлишлари мумкин, лекин бу тушунчалар ўзга халқларда воқеликка кучли таъсир кўрсата оладиган чинакам маънавий рағбат уйғота олмайдди. Пахтани совет халқи ифтихори, деб эълон қилишдан кузатилган мақсад битта эди. У ҳам бўлса ўзбек халқини ўз меҳнат маҳсулотидан фахрланиш туйғусидан маҳрум этишдир. «Ўзбекистон — менинг жумҳуриятим!» «Амир Темур ёки Бобур менинг тарихий аждодим!» «Алпомиш менинг қаҳрамоним!» деган туйғу ва тушунчалар ҳам таъқиб ва тазийққа учраган эди. Шундай атамалар зикр этилган назм ва наср муаллифлари, олимлар расмий партиявий қарорлар билан ёмонотлиқ қилинган, маданият ва ижод майдонидан четга суриб қўйилган эди.

Халқ ифтихори, орзу-умидлари шу қадар оёқости

олармиди ёки шундай баҳога рози бўлармиди? Ваҳоланки, бизнинг тарихий аждодларимиз ўзга миллат кишилари, олимлари ва сийсатдонлари нуқтаи назари билан баҳоланиб, тайёр концепциялар бизга ҳавола қилинди. Тарафкашликдан иборат бу бирёқлама камситувчи ўзга баҳо, фикр-мулоҳазалар тафаккуримизда кўникмага айланиб, ҳамон сақланиб келмоқда. Ўзбекистон халқ депутати шоир Муҳаммад Солиҳ журналист А. Жўрабоев билан қилган суҳбатида хориждаги ўзбек олими Боймирза Ҳайит ҳақида шу вақтгача ҳукм суриб келган, қотма кўникмага айланган расмий фикрга фавқулодда зид янги фикр баён қилган эди. М. Шаропов деган кимса бу фикрга қарши мақола эълон қилди. Мақола муаллифи сталинчилик даврида амал қилган қонли қатагон усулларидан фойдаланиб, Боймирза Ҳайитни сийсий душман, деб қоралайди. Муаллиф ўз фикрини давлат хавфсизлиги қўмитаси тўплаган материаллардан мисоллар келтириб исботламоқчи бўлади. Ҳолбуки, бу ҳаммага машҳур ва маълум қўмитанинг қатагон йўлларидаги фаолияти воқеликни ва инсон шахсини гаразли ниятда қалбакилаштиришдан иборат бўлганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Марҳум адиб Комил Икромовнинг «Отам ҳақида» деган рома-

нида бу фикр тўла тасдиқланади. Суднинг айрим мажлисларида Акмал Икромов ўрнида унга қиёфадош шахс сўроқ қилинганлиги ишонarli кўрсатилган. Ежов, Бериялар кўрсатмаси билан иш кўрган бу қўмита сохта ҳужжатлар асосида миллионларнинг тақдирини барбод этганлиги тобора чуқурроқ очилмоқда. Қўмита ходимлари махсус кўрсатма асосида ҳужжатлар тўплар ва уларни шу кўрсатма асосида бирёқлама баҳолаб хулоса чиқарар ва шахснинг тақдирини ноҳақ ҳал этар эдилар. Мабодо буюртма асосида қораланувчи шахсга оид тўпланган материаллар орасида бирорта ижобий далил ёки фикр учра қолса, қўмитанинг мазкур ходими фаолиятига ишонсизлик пайдо бўлар ва у тез орада бундай масъул вазифадан четлаштирилар эди. Хуллас, шахсни буюртма асосида қалбакилаштириш, тарафкашлик ва бирёқламалик берияча қўмитанинг асосий дастуруламали эди.

Боймирза Хайит юқоридаги мақолада қайд этилган ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга йўл қўя оладиган анейи шахс эмас. «Мен совет халқиға эмас, Сталин режимиға қарши курашдим», дейди у. Халқдан умиди бўлган, уни ўзига таянч деб билган халқ фарзанди ҳеч қачон халққа қарши курашмайди. Халқ зиёли учун оқ сут берган она билан баробардир. Зиёлини ўз халқининг душмани, деб эълон қилиш ҳеч бир ахлоққа тўғри келмайди. Ҳар ҳолда, мен бу тушунчани ҳеч сингдира олмайман. Хуллас, халқ душмани, деган тушунча қатағон йилларининг сохта кашфиётидир. Ҳатто, катта Армия билан гитлерчиларга таслим бўлган генерал Власов шахсини янгидан тадқиқ этиш, унинг бу жиддий хатти-ҳаракатларининг туб сабабларини ҳолисона аниқлаш давом этмоқда. Биз эса, миллий ўзликимизни англашда ҳамон эски қотма ақидалар тушовидан чиқа олмаяпмиз.

Сиёсий мустақиллик ҳар тарафлама етук миллий туйғу ва истеъдодга эга миллий кадрлар демакдир. Кадрнинг ҳаётга таъсири унинг халқ билан мустаҳкам алоқасига боғлиқдир. Халқ ҳаёти, руҳиятини чуқур тушунган ақл, қалб, руҳан халқ билан бир бутунликка эга бўлган кадр воқеликни халқ ҳаёти, орзу-умидларига айни мувофиқ тарзда ўзгартиришга кучли таъсир кўрсата олади. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш халқнинг миллий, жўрофий таркибига айни мувофиқ келиши лозим. Халқимиз таркибида ўзга миллат кишилари ўн фоизни ташкил этса, улардан бўлган кадрлар ҳам шунча фоизни ташкил этиши лозим. Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг уй-жойдан фойдаланиш, квартира тақсимоти бўйимларида ишловчи ходимларнинг 87 фоизини ўзга миллат кишилари ташкил этади. Улар давлат тилида ёзилган ҳужжатларнинг мазмунини тушунмаганликларини ҳатто очик айтолмайдилар ва бу ҳужжатларни рус тилида тақдим этишни талаб ҳам қила олмайдилар. Маъмурий сансоларликка тил билмаслик оқибатида келиб чиққан сансоларлик қўйилиб, қанчадан-қанча меҳнаткашлар идора даргоҳларида овора бўлиб, қимматли вақтларини беҳуда йўқотмоқдалар.

Шу вақтгача бизда кадрлар масаласида сохта интернационализм кўникмаси амал қилиб келди. Масалан, маҳаллий аҳоли меҳнат қилаётган ўн минг кишилик корхонага томондан тараша тушгандай ўзга миллат кишини бошлиқ этиб тайинлайдилар. Корхона таркибида бошлиқ мансуб бўлган миллат кишидан бир-икки киши бор ёки йўқ. Халқимиз сабр-тоқатли халқ. У ўз норозиликни ичга ютиб хизмат қилаверади. Аммо бу ички норозилик меҳнат самарасига, энг муҳими халқ миллий руҳига, унинг адолат ва ҳақиқат ҳақидаги тушунчаларига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Масалан, жумҳуриятимизда бешинчи олий лавозим —

жумҳурият бош ҳакамлигига сайланган ўртоқ Ҳачатуровни биз шу соҳанинг ўта мутахассиси, деб халққа тасалли беришимиз мумкин. Бироқ бу тушунчани халқ миллий руҳиятига сингдириш қийин. Кавказорти ўлкасидан белига катта сафар туғунини боғлаб, Ўзбекистонга қанот боғлаб учиб келаётганлар сони кейинги вақтда анча кўпайди. Улар жуда силлиқлик билан масъул, ширали вазифаларга ўтиб олмақдалар. Мансабини сотиш халқни сотиш, ватанни, элни сотиш демакдир. Чунки мансабга эга бўлган ўзга миллат кишиси ўша юртни, элни бошқаради, унинг қўлига катта ҳуқуқ ва ҳокимият жамланган бўлади. Бу ҳокимият орқали у халқнинг, ҳеч бўлмаганда, муайян қисмини ўзига тобе этиб, измига юргизади. Ундаги миллий руҳият ва нуқтаи назарларни ҳам тескари ўзгартириши мумкин.

Миллий мустақиллик Ўрта Осиё регионидаги қардош халқлар билан мустаҳкам ҳамжиҳатлик, хорижий турклар, шунингдек, ислом оламидаги халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш демакдир. Қайта қуриш душманларининг Кавказорти ва Ўрта Осиё регионида ҳар хил миллий можаролар келтириб чиқараётганлиги бежиз эмас. Халқлар ҳамжиҳатлиги мустақиллик жараёнини жадаллаштиришга, мутеликдан тезроқ холос бўлишга олиб келади. Олмаота, Тоғли Қорабоғ, Душанбе, Фарғона, Ўйқа, Паркент ва ниҳоят, Уш вилоятидаги миллий тўқнашувлар мазкур ўлка халқларини ларзага келтирди. Қатағон, турғунлик йилларида юз бермаган бу хил можаролар нега энди пайдо бўляпти? Ёки бундай тўқнашувлар мамлакатимизнинг Оврўпо қисмида, Украина ёки Молдавияда, ё бўлмаса, Болтиқбўйи жумҳуриятларида эмас, нега асосан Ўрта Осиёда юз беряпти?

Миллий тўқнашув ва можароларни синчиклаб тадқиқ этилса, уларнинг моҳияти, келиб чиқши сабаблари, услуби, давом этиш жараёни бир эканлигига амин бўламиз. Марказий мутасаддилар тўқнашган томонларни келиштириш ўрнига уларни бир-биридан узоқлаштириш, бирини қочқин эълон қилиб, узоқ элга кўчириш билан фаол шугулланадилар. Қочқинларнинг сарсонсаргардонлиги икки ўртадаги нафратни кучайтиришга хизмат қилади. Уш воқеасида қон тўкиш билан бирга ошқора номусга тегиш усули ҳам қўлланилганлиги икки қардош халқни бир умр разил душманга айлантиришни кўзда тутади.

Уш воқеасида ҳар икки томонда ҳам етарли даражада қурол-яроғ, милтиқлар бўлганлигини айтишди. Маълумки, бизда қурол-яроғ давлат мулки ҳисобланади. Оддий халқ бунча ҳажмдаги қуролни қаердан олган? Демак, уларга бу буюмларни етказиб берувчи махсус тўйнуқлар очилган. Иккинчидан, деҳқончилик учун ер талаб қилиб майдонга чиққан ўзбек қирғизнинг кўрагига ўқ отиш билан ўз муддаосига эришиб бўлмаслигини тушуниб етмасмиди? Қон тўкилган ерда деҳқончилик қилиб, фаровон турмуш кечира олармиди? Хуллас, ўз қонуний ҳуқуқларини тинч йўл билан талаб қилиб майдонга чиққан халқнинг пок руҳини қонга ботирганлар кимлар? Бунинг илдизи жуда чуқур бўлиб, ҳатто марказгача бориб етганлиги эндиликда элга сир эмас. Можаронинг эртасигаёқ марказдан 150 та тайёр турган терговчи қирғиз пойтахти томон қанот боғлаб учганлиги воқеасини қандай изоҳлаш мумкин? Можарони тафтиш этишни Ўрта Осиёдаги терговчиларга ишониб топшириб бўлмасмиди? Ёки маҳаллий терговчилар бирор муҳим сирни дафъатан ошқор этиб қўйишлари мумкин эдими? Иккинчидан, маҳаллий тилларни билмаган марказ терговчилари ўтган асрдаги рус мустамлакачилари сингари тилмоч орқали иш кўрадиларми? Хуллас, миллий можароларнинг ташкилотчилари қайта қуриш ва

демократиянинг, халқлар мустақиллигининг ашаддий душманларидир. Биз ана шу душманнинг қиёфаси, хатти-ҳаракатлари, барча кирдикорларини аниқ билиб олишимиз, унинг қонли қўлини синдириб ташлашимиз лозим.

Сиёсий мустақиллик халқнинг партиёга бўлган ишончининг қайта тикланиши демакдир, партиё фаолиятининг янгилиниши демакдир. Халқ ишончи шу қадар қудратли кучки, унга фақат конкрет амалий фаолият билангина эришиш мумкин. Бир мисол, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг махсус комиссияси Каттақўрғон шаҳар партиё қўмитаси биринчи котиби Эшбековнинг мансабини ўз шахсий манфаати учун суиистеъмом қилганлиги, қариндош уруғчиликка йўл қўйганлиги, ҳақиқатгўйларни таъқиб этганлиги, жабр-зулм ўтказганлигини исботлаб қарор қабул қилган. Эшбековнинг тавба-тазаруси ҳисобга олиниб, у қаттиқ партиёвий ҳайфсан билан вазифасидан четлаштирилган. Бундан мен партиё фаолиятидаги яхшилик аломати, деб суюндим.

Чунки, турғунлик йилларида партиё-совет раҳбарлари, умуман амалдорлар ҳақидаги ҳар қандай қораловчи хат, шикоят, рўзнома материали ёки бошқа бирон ҳужжатнинг ўндан тўққиз фоизи галат топилар, бошиқларга қўйилган айблар бўҳтон, деб инкор этилар эди. Шикоят муаллифлари қаттиқ қоралана, оқибатда тавба-тазарру қилдирилиб, бундан кейин бу хил номтаъқулчиликка асло қўл урмасликка сўз бериб жазодан қутулиб қолар эдилар. Дарҳақиқат, маъмурий буйруқ-бозлик амалдорлари тўдасини ҳар тарафлама муҳофаза этувчи қонуний ТЕМИР қалқон вужудга келтирилган эди. Давлат хавфсизлиги қўмитасининг собиқ масъул ходими Калугиннинг далолат беришича, мансабдорлар ҳақида салбий материаллар йиғиш қатъиян ман этилган бўлиб, сиёсий муҳит уларни Оллоҳ даражасидаги бенуқсон зотларга айлантирган эди. Хуллас, якка бошиқчиликка кенг имконият яратилган муҳитда мустабид ҳокимлар вужудга келган эди.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги аввало мавжуд федерация доирасидагина воқе бўлиши мумкин, деб ўйлайман. Марказнинг зўр бериб талқин этаётган сиёсий концепцияси жумҳуриятларни шу доира ичида тутиб туришни кўзда тутлади. Ҳозирги сиёсий уюшма доирасида, яъни СССР ҳудудида муайян даражада иқтисодий мустақилликка эришиш балки мумкин бўлар. Уз иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жумҳуриятларнинг ўзларида ҳавола этилиши ҳам нисбатан ижобий ҳодисадир. Чунки аввалги СССР Конституциясида жумҳуриятлар сиёсий мустақил, деб қайд этилган, бироқ, ер, сув, ерости ва ерусти бойликлари умумдават, яъни иттифоқ мулки, деб белгиланган эди. Мурувватни қаранги, бизга ерсиз, сувсиз, бойликларсиз мустақиллик ҳадя этилган эди. Бу иқтисодий-сиёсий қарамлик ҳозиргача давом этиб келмоқда. Жумҳуриятимиз ер остидан ҳар йили тонналаб олтин қазиб олинади. Жумҳуриятимизнинг катта газ бойлиги ҳам Иттифоқ тасарруфидадир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай қарамлик сиёсати ҳукм сурган бир шароитда бизнинг меҳнат маҳсулотларимиз ўзгалар томонидан таҳқирловчи даражада сув текин баҳоланди. «Социалистик» деб баландпарвоз сифатланган меҳнат асида қуллик меҳнатидан иборат эканлиги аён бўлди. Мабодо биз ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эриша олсак, фақат пахтадан келадиган даромад билан жумҳуриятимизнинг барча иқтисодий муаммоларини тўла ҳал этиш мумкин бўлар эди. Ҳар йили етиштирилаётган беш миллион тонна пахтадан 1 миллион 700 минг тонна тола, 1 миллион 200 минг тонна кунжара,

500 минг тонна ёғ, 700 минг тонна пўст-чиқинди (шелуха), яна 900 минг тонна икки юз хил маҳсулот олиш мумкин. Пахта толасининг ўзидан Иттифоқ хазинасига 50 миллиард долларгача фойда тушмоқда. Ҳатто, жумҳуриятимизда гўшт танқислиги ҳукм сураётган бир вазиятда пахтанинг кунжара ва пўст чиқиндисини ҳам ташқарига ташиб кетилмоқда. Бу маҳсулотларни етиштирган халққа эса, бир миллиард атрофида ҳақ беришмоқда. Бу ҳадянинг кетидан яна «боқиманда» деган сўз эшитамиз.

Қувайт мамлакати ҳар йили нефтдан 10 миллиард доллар фойда кўради. Шундан бир миллиард маблағ келажак авлод деб аталган фондга ажратилади. Биргина нефтдан тушган даромад билан Қувайт халқи жаннатмисол ҳаёт кечирмоқда. Бунинг сабаби шундаки, Қувайт ўз бойлиги ўз ихтиёрида бўлган тўла мустақил давлатдир.

СССРда мўлжалланаётган федерация айниқса, Урта Осиё жумҳуриятларига тўла сиёсий-иқтисодий мустақилликни барқарор эта-оладими? Марҳум академик А. Сахаров ҳақиқий эркин федерация вужудга келтирмоқ учун ССР Иттифоқини аввал тарқатиб юбориш керак. Сўнг ҳақиқий эркин федерация биносини тузиб, эшигини жумҳуриятларга очиқ қолдириш лозим. Шу тарзда ўз ихтиёри билан эркин бирлашган федерация ҳақиқий мустақам давлат бирлашмаси бўлади, деган эди.

Мўлжалланаётган федерациянинг бир қанча қалтис жиҳатлари мени ҳамиша безовта қилади. Марказнинг сиёсий мустақилликка интилган Болтиқбўйи жумҳуриятларига, жумладан, Литва жумҳуриятига бўлган қаҳрли муносабати кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Уз ихтиёри билан иш кўрмоқчи бўлган бир зиғирча давлатнинг қаттиқ иқтисодий исканжага олиниши ҳозирги қайта қуриш ва демократия принципларига тўғри келадими? Жумҳуриятлардан ўз-ўзидан тайёр ҳолда сув текин оқиб келаётган катта бойликлардан маҳрум бўлган марказдаги тескари кучлар жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақиллигига таҳдид солмайдилар, деб ким кафолат бераолади. Суверен давлат Афғонистон сарҳадини ўзбошимчалик билан бузиб ўтиб қўшин киритиш қайси халқро ахлоқий қоидага тўғри келади? Академик А. Сахаров махсус очиқ хатида бу воқеани босқинчилик ҳаракати, деб қаттиқ қоралади. («Октябрь» журналы, 1990, 1-сон) Ўзидан беқиёс даражада қудратли давлат ҳамласига бардош берган, унга қарши узоқ вақт матонатли кураш олиб борган ва голиб чиққан афғон халқи жасорати мутелик сиртмоғидаги мазлумларда ҳавас уйғотишга ҳақлидир. Мустақил Афғонистонга қўшин киритишга журғат этган кучлар ҳеч қайтма қетгани йўқ. Улар воқелигимизда биз билан баҳамжиҳат яшамоқдалар. Хуллас, маъмурий буйруқ-бозлик системасининг етмиш йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституцияда муҳрланган қонуний ҳуқуқлар, тантанавор декларациялар зарур бўлганда тез орада оёқости қилиниб, барбод этилиши ҳеч гап эмас. Хуллас, бош жиллов марказнинг қўлида бўлган мустақилликни мен омонат мустақиллик деб ҳисоблайман.

Жумҳуриятимизнинг сиёсий мустақиллиги ҳақида гап кетганда мен уни анча мураккаб деб ўйлайман. Турғунлик даврида таъқибга учраган, аммо чуқур тафаккурли тарихчи олим Андрей Амальриқнинг бундан 20 йил муқаддам ёзилган «Совет Иттифоқи 1984 йилгача мавжуд бўладими?» деган тадиқотида Иттифоқ жумҳуриятларида, «социалистик» деб аталган мамлакатларда ҳозирги вақтда юз берган ва юз бераётган сиёсий ўзгаришларни қарийб ҳаққоний башорат қилади. «Бироқ,— деб ёзади у,— ўзини СССРнинг вориси деб бил-

ган, анъанавий коммунистик мафкура, қуруқ дабдабали сафсатабозлик ва удумларни замонавийлашган ўзига хос Шарқ истибдоби хусусиятлари билан бирга қўшиб мужассамлаштирган давлат Урта Осиёда анча узоқ вақт сақланиб қолади». («Огонёк», 1990 йил, 9-сон, 22-бет).

Халққа дабдабали қизил сўзлар билан сифатланган, аммо қашшоқлик мутеликка маҳкум этувчи жамият эмас, инсонга иқтисодий фаровонлик ва маънавий эркинлик бахш эта оладиган жамият керак. Мен Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини қўшни қардош давлат Туркия мисолида тасаввур этаман. Жумҳуриятимизнинг номи, туги, тамғаси, мадҳиясини ўз тарихий давлатларимиз ҳамда қардош туркий ва ислом мамлакатлари тарихий тажрибаси асосида қайта яратиш лозим. Ўзбекистон тамғасидаги «Бутун дунё йўқсуллари, бирлашингиз!» шиори жумҳуриятимиз давлат тамғаси асл мақсадига тўғри келмайди. Жаҳон йўқсуллари ни бирлаштириш эмас, балки мақсад жумҳуриятимиз ички ҳаётида озодлик, адолат, ҳақиқат ва ҳалолликни барқарор этишидир. Шунинг учун улуг бобомиз Амир Темур муҳридаги «Озодлик ва адолат» сўзларига ҳозирги замон маъносини сингдириб, тамғада зикр этиш айти мудоао бўлур эди. Тамғадаги «совет», «социалистик» сўзлари ҳам халққа эриш туюла бошлади. Бу сўзлар халқ ёдида маънавий таъқиб, ноҳақлик, қашшоқлик, камситиш, тобелик рамзи бўлиб муҳрланиб қолган. Жумҳуриятимизни ҳеч бир дабдабали бўёқсиз ўз номи билан аташ лозим.

Мустақил жумҳуриятга яккахоқимликнинг келиб чиқиши даҳшатли хавфдир. Шарқ кишилари табиати, руҳониятида азалдан илдиз отган якка ҳокимиятчиликка интилиш иллатининг олдини олмақ учун мамлакатда кўп партиялик системасини қонуний жорий этмоқ лозим. Масалан, Туркияда ўнта партия фаолият кўрсатмоқда. Бу партиялар орасида халқ ишончини қозониш учун ўзаро мусобақа давом этади.

Хуллас, сиёсий-иқтисодий мустақиллик йўли оғир ва машаққатли йўл. Ўзбекистон ҳукуматининг мустақиллик ҳақидаги декларациясини баъзи тезкор журналистлар тайёр битим, қонун тарзида талқин этиб, бундан кейин ҳамма нарса яхшиланиб, мўл-кўлчилик ва шодиёналик бошланади, деб офаринлар бағишладилар. Ваҳоланки, декларация мустақиллик ҳақидаги бош ғоянинг тантанали равишда эълон қилинишидир. Декларация қонун, битим шаклида мужассамлашгандан кейин моддий кучга айланади. Шундан кейин уни сиёсий-иқтисодий воқеликка айлантириш босқичи бошланади.

Таъкидлаганимдек, сиёсий-иқтисодий мустақиллик йўли оғир ва машаққатли бўлиб, кўп меҳнат-матонат, жасурлик талаб этади. Бу оғир машаққатли юкни халқ билан бирга ўз елкасига оладиган жасур, матонатли йўлбошчилар, даҳолар керак.

Тил сандиғи



Наманган вилояти, Чортоқ ноҳиясидаги Пешқўрғон қишлоғи шевасидан намуналар:

- Параш — юпқа.
 Чўғалоқ — маккажўхори сўтасининг ўзаги.
 Чевати — кўпинча нон йўқлигида пиширилади, тез тайёр бўлади.
 Муқамоқ — қийналиб кетмоқ.
 Юшан — катта қайчи. Қўй-эчкиларнинг юнги олинади.
 Тиржа — эгатларга сув тақсимланадиган ариқча.
 Алимсинмай — менсимай, қониқмай.
 Шўра тумшўқ — лапашанг.
 Равай-равай — секин-секин.
 Чикилдак — ингичка новда.
 Ова — амаки.
 Қомғоқ — тиканакли ўсимлик. Адирда ўсади.
 Курмак — 1. Ўт тури; 2. Боғлаш усули.
 Олвали — меваси қизил рангли, майда ва нордон. Кўпинча, олча ва гилос билан алмаштирилади.
 Хутум — тиниб-тинчимайдиган бола.
 Витирамоқ — тўполон қилмоқ.
 Килдиратмоқ — айлантирмоқ.
 Келтирмиш (қилиб) — мисол қилиб.
 Чирта — қоп.
 Мамажияк — маймунжон.
 Қозивоқ — боғлаш усули.
 Седана — ниначи.
 Кашанак — кичик сой.
 Юпқа — овқат тури.
 Мингтомир — отқулоқ.
 Камалдак — камон.
 Уйма — овқат тури.
 Чирмов — зарпечак.
 Чоч — кўп.
 Ирвади — ориқ.
 Басалламоқ — тартибга солмоқ.
 Қалдирмоқ — овқат тури.

Тўпловчи: Одилбек Маматвалиев

- Чубуқ — чигал, ишқал.
 Парит — бўғот.
 Гал — эс-ҳуш.
 Жул — эшакка, отга ёпиладиган абзал.
 Чугўлчи — қақимчи.
 Шиққа — бузилган, эскирган.
 Чобит — молга йиртқич ҳужум қиладиган қулай томон.
 Уғуқ — уй чамбарагини тутиб турадиган ёғоч мосламалар.
 Қийир — шағал.
 Илтинг — дармон.

Сурхондарё вилояти, Бойсун ноҳиясидаги
 Мачай қишлоғи шевасидан тўпловчи:
 Абдумурод Раҳмонов

- Гартак — оз.
 Гитмилдик — кичкина.
 Гурри — чапани.
 Давдик — қуруқроқ, ўта ҳўл эмас.
 Жийда — болалар киядиган устки кийим.
 Сулмир — оғир, босиқ.
 Чирик (сомон) — бир йиллик сомон.
 Чирк — йиринг.
 Чийин — тугун.
 Қури — фақат.
 Жули (бўлди) — хурсанд бўлди.
 Жикиринма — кўполлик қилма.
 Тати — менга деса.
 Толпиш — фаросатсиз, андишасиз.

Гулнора Эргашева
 Қашқадарё вилояти, Ғузор ноҳияси.



„Широнмағзин Сәйетшынға...“

Махмуд Бўронов

Икки ўртоқ ҳаётдан қувноқ қисса*

Мирсодиқнинг уйқудалигига у шубҳа қилмасди.

Йигит ташқарига чиқиб, ҳовлининг нариги томонидаги гилос дарахти тагига борган пайт Мирсодиқ кўзини очди. Урнидан туриб эмаклаганча дераза ёнига борди, тўрпарда орасидан ташқарини кузата бошлади. Бояги булутлар ўтиб кетган, шекилли, ой ёхти эди. Осмонда юлдузлар жовдирарди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Орадан беш минутлар чамаси вақт ўтди. Бир пайт қиз турадиган уй эшиги секин очилиб, ичкаридан олдин қизнинг яланг оёқлари, сўнг оқ кўйлак сириб турган бўлиққина қомати кўринди. Қиз шарпасиз юриб гилос дарахти олдига борди. У ерда бир қора шарпа пайдо бўлиб, қизнинг истиқболига икки қадам ташлади. Бу — Қўчқорбек эди.

Мирсодиқнинг юраги ҳаприкиб кетди. Наҳотки! У ўз кўзларига ишонмасди. Қиз билан йигит қўл ушлаганча дарахт остида ғира-шира кўриниб туришарди. Қиз ўзини хиёл ортга тортар, йигит эса ниҳоятда бахтиёр, сархуш ҳолда, унинг бармоқларидан тутганча нима қиларини билмай турарди.

«Ҳа, мана гап нимада!», дея ўйларди Мирсодиқ. У секин эмаклаб жойига қайтди. Бироз ётгач, жаҳли чиқди. Қўчқорбекни ноинсофликда айблай бошлади: «Бировнинг ҳовлисида тур, сени ўз ўғлидек кўрсин-у, сен у бечоранинг яккаю ягона қизига кўз олайтир! Э, ярамас!»

Унинг, тайинки, уйқуси келмади. Мирсодиқ яна дераза олдига эмаклаб борди. Йигит билан қиз ҳамон ўша кўйи туришар, чамаси, гаплашишмас, фақат бир-бирларига термулишарди.

Мирсодиқ келиб ўрнига кирди. Қучоқламаяпти-ку! Наҳот севишиб қолишган бўлишса?..

Мирсодиқ ҳеч ухлай олмади. Қанча вақт ўтганини на ошиқ-маъшуқлар ва на Мирсодиқ биларди.

Бир пайт шарпа товуши эшитилди. Хонага Қўчқорбек кириб келган эди. У сас чиқармай каравоти ёнига келиб, Мирсодиқ томонга тикилганча пича турди. Буни кўзи юмуқ бўлса-да, Мирсодиқ сезди, ўхшатиб хуррак тортиб, бурни билан ҳуштак чалди-да: «Ул-э! Теп! Менга ошир!.. Хе, ўле!», деб қўйди. Қўчқорбек кўрпага

кираркан, бахтиёр жилмайди-да, сал овоз чиқариб, деди: «Иккинчи тайм ҳам тугай деб қопти, демак, анча вақт ўтган».

Севги ҳангомаси ана шундай бошланиб, буни қарангки, хайрли ниҳоя топди. Орадан етти-саккиз ой ўтгач Қўчқорбек ўз Қоракўлига бориб, ҳар мўйлови пичоқдай келадиган отасини бошлаб келди. Ота ниҳоятда танти экан. У бир белбоғ пул ва икки чамадон совға билан келди-да, ойини рози қилиб, ресторанда икки ёшнинг катта тўйини қилиб берди.

Албатта, оқ туфлича билан қора патинканинг кейинги учрашувларига узун кўнжли сариқ патинка онгли равишда халақит бермади. Фақат тўй кечаси бир ғалати ҳаракат кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Сал кайф қилиб олган Мирсодиқ рақс тушаркан, бор овози билан қичқириб: «Яшасин, сеvgи учун курашган оқ туфличаю акамнинг қоравой патинкалари!», деяверди. Тўрт-беш марта шундай қичқиргач, у қуйидаги «телеграмма»ни олди.

«Эс-эс сайёраси, буйруқ номер 991 Мистер Мирхира, ўч! Йўқса эртагаёқ ҳовлимдан бадарға қилинасан!!! Сайёра танти куёви ҳазрати Қўчқорбек!»

Шундан сўнг Мирсодиқ анчагача жимиб кетди, бир пайт тўсатдан куёвтўранинг олдида пайдо бўлиб, унга кичкинагина қоғозчани тутқазди-да, жўнаб қолди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Эс-эс сайёраси, жаноби ҳоқон, танти куёв, қора патинкага! Уйлангунимча ҳовлингиздан, яъни ҳовлимдан бир қадам ҳам чекинмайман! Сизга кучук куёвлик саодатини тилашни бурчим деб биламан. Ҳозирча хўп, ака-така!»

Куёвтўра бу хатни ўқиб, Мирсодиққа ўғринча мушт ўқталиб қўйди.

V. Велосипед

Йигит боши омон бўлса молли бўлар, деган ҳикматга шак келтирмоқчи эмасмиз. Фақат унга озгина тузатиш қилсак соз бўлур эди. Чунки ҳаётда аксарият йигитлар моллик бўлишмасаям, албатта хотинлик бўли-

*Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

шади. Ана шу ҳақиқат Мирсодиқни ҳам бахтиёр қилди. Қўчқорбекнинг тўйдан роса бир йил ўтгач, Мирсодиқнинг ота-онаси ҳам ўғилларининг бошини икки қилиш ташвишига тушиб қолишди. Энди ўн тўққизга тўлай деб турган Мирсодиқ негадир бу воқеадан чўчимади. Балки бунга Қўчқорбекнинг бу борада кўрсатган «жасорати» ўрнатилганми? Хуллас, келаси баҳор унинг баҳори, ёз эса унинг ёзи бўлди.

Тўйдан сўнг унинг ҳадеб нос кетидан нос отадиган сермулозамат ва сермулоҳаза тракторчи отаси шаҳри азимга келиб, икки ёшга жажжигина ҳовлича олиб берди. Бу жой Қўчқорбекнинг қароргоҳига яқин эди. Шундай бўлгач, уларнинг оилавий дўстлашувларига ҳам яхши замин яралди. Борди-келди, ҳазил-ҳузул билан талабаликнинг олтин лаҳзалари зув этдию ўтдикетди.

Соғлиқни сақлаш нозирлиги тантилик қилиб, эндигина диплом олган, билимидан иштиёқи жўшқинроқ бу ёшларни она юртларининг тарихий пойтахти бўлмиш шаҳри шарифга жўнатди.

Шаҳри шарифга келиб ишлаб, дастлабки маош олишган кун, тушдан сўнг, Қўчқорбек ўз ҳамкасблари Бахтиёр ва Толибжонлар билан учовлон уч велосипедда ўзлари ишлайдиган поликлиника олдида «катайса» қилиб юришар, Бухоро қуёши уларнинг елкаларини ёқимли эркаларди. Йигитлар миниб олган велосипедлар худди эгизакдек, яп-янги бўлиб, ёғли қоғозлари ҳам олинмаган эди. Йигитлар бу гал ҳам анча жойга бориб қайтишди-да, яна поликлиника томон кела бошлашди. Шу пайт ишхона эшигидан чиққан Мирсодиқ уларни кўриб қолди. Йигитларнинг яп-янги, эгизаклардай уч велосипедда юриши Мирсодиқни қизиқтирмаслиги мумкинмиди, ахир? Мирсодиқ ўз одатича — доим бир нарсага ҳайрон бўлгандаги каби оғзини ярим очганча тўхтаб қолди. Дўстлари эса яп-янги велосипедларда мақтанганча унинг атрофида айлана бошлашди.

— Оғзингни яна пича оч, — деди Қўчқорбек тантана билан.

— Эс-эс сайёраси. Буйруқ номер бир минг тўққиз, — деди Бахтиёр Қўчқорбекка тақлидан. — Оғизлар ёпилсин! Шундоғам Бухорода пашшалар учун меҳмонхона етарли!

Ана шу буйруқдан кейингина Мирсодиқ оғзини ёпиб, сўнг саволга ўтди:

— Э, жўралар, бу валасапитни қаёқдан олдинглар?

— Ие?! Сен ҳали олганинг йўқми? — деди Қўчқорбек ҳайрон бўлиб.

Мирсодиқнинг яна оғзи очилди:

— Бўлган-турганинг шу бўлган, сенга айтиб ҳам ўтиришмаган-да. Ахир бутун поликлиникадаги мутахассислар аллақачон валасапит олиб бўлди-ку!

— Қандай, ким беряпти? — деди шошиб Мирсодиқ.

— Ким бўларди, Ойша холанг! — дея қулди Толиб. — Ким берарди, облздрав-да! Рўйхат билан ҳамма ёш мутахассисларга валасапит беряпти, ҳовлима-ҳовли обход учун.

— Йўғ-э, — деди Мирсодиқ ишонқирамай.

— «Йўғ-э» эмиш, яна пича вақт: «йўғ-э»лаб турсанг, манавини оласан! — деб Қўчқорбек ўнг қўлини руддан олиб, зукко ўкувчи пайкаган нарсани кўрсатди.

Мирсодиқ типирчилаб қолди. Қўчқорбек Мирсодиқ яхшироқ ишонсин учун сўнгги тадбирни амалга ошира бошлади:

— Ҳозир тўғри горздравга борасан.

— Ахир боя облздрав девдиларинг-ку!.. — дея бирдан тўхтади Мирсодиқ.

Йигитлар бир-бирларига ўғринча қараб олишди. Вазиятни қўлдан бермай, Қўчқорбек гапни илиб кетди:

— Оббо, буйруқни минздрав берган. Рўйхатни эса облздрав тайёрлаб, горздравга берган. Бахтимизни қараки, шаҳримизда вабо тарқалибди. Буям бир омад-да! Шунинг учун минздрав бизга халқ керакми ё пул, дебди, шунда биттаси халқ-да, дебди. Жуда катта пул ажратилиб, ҳамма ёш врачларни валасапит билан таъминлашга қарор қилишипти.

— Вақтни ўтказманг, Мирвой, — деди Бахтиёр, — ҳали биз борганимизда бу «гонщик»ларнинг устида урхо-ур бўлиб ётган эди. Сизга қолдимиз-қолмадимиз...

— Лекин сен бўш келма, — деб ўргата бошлади Қўчқорбек, — «кўзайнақхон»нинг олдига қарсиллаб кириб боргин-у, «бермай кўринг-чи, облздравга арз қиламан, шахсан нозирнинг ўзига ёзаман», дегин. «Ҳа, чап қиладиган вақтларингиз ўтиб кетган, опаси», дегин. Дадил бўл!

Улар Мирсодиққа бир неча шунақа кишини курашчан қилиб юборувчи «маслаҳат»ларни бериб, велосипедларини ёзиллатганча жўнаб қолишди. Мирсодиқ уларнинг ордидан ҳавас билан қараб қўйди-да, қадамини тезлатди. Йўлга қайрилиб, бекатни чамалади, бир хаёли автобусга ўтирмоқчи ҳам бўлди. Аммо одатига кўра бу муҳим янгиликдан хотинини ҳам хабардор қилиш ва ҳар эҳтимолга қарши ундан ҳам маслаҳат олиш кераклигини эслаб қолди. Хушxabарни зудлик билан хотинга етказиши керак. «Раз рўйхат билан берса, — деб ўйлади у олий маълумотли йигитларга хос анқовлик билан, — барибир беради, бермай қаёққа борарди.»

У оиласи яшайдиган ижара уй шу яқин орада эди. Ўн беш дақиқа ўтмай уйга шошганча кириб келди. Овқатга уннаётган хотини унга пешвоз юрди:

— Ҳа, тинчликми, Мирсодиқ ака?

— Э-э-э, сўрама, хотин, ишлар зўр!

— Тинчликми?

— «Тинчликми» эмиш. Биз — яъни ёш мутахассисларга текинга валасапит бераётган эмиш! Яна қанақа дегин, гончик!

— Гончигиз нимаси?

— Хех, содда-я! Гончик — бу испортсменларни валасапити-да! Шуниям билмайсанми? Ҳўп, овқат тайёрми?

Хотини ҳам шунақа севиндики!.. У овқатни косаларга сузар экан, Мирсодиқ завқ билан дерди:

— Минздрав қарор чиқарибди. Ахир шаҳримизда вабо тарқалибди-да, — дерди у севиниб, — шундай воқеадан беҳабар юрибмиз-а.

— Барака топсин ўша Минздрав, — деди хотини.

Овқатга ўтиришди. Мирсодиқ оғзи куйганига ҳам қарамай овқатни ҳўплаб ича бошлади. Хотини бўлса одатича «бўш-баёв» эрига маслаҳат беришга тушиб кетди.

— Ҳой, дадаси, шошманг, — деб юборди у бир пайт, — валасапитни-ку олишга оларсиз, лекин ўзийз биласиз, бу шаҳарни баччалари чатоқ, яп-янги гоншигизни магазин-пагазинга кирганингизда биронта ер ютгур ўмариб кетмасин тагин?!.

Мирсодиқнинг овқати оғзида қолди. Чиндан ҳам яп-янги валасапитини эртагаёқ бирон зумраша ҳушт қилиб кетса-я!!

— Ҳа, тўғри, жон бор гапингда, хотин, ҳушёр бўлиш керак. Ҳовлима-ҳовли юрганда гоншигимни дарвозахонага қўйиб, кириб кетсам-у...

— Ҳа, — дея илиб кетди хотини, — шунинг учун қулф олиш керак, ичкарига киряпти занжирини қулфлайсиз-қўясиз!

— Тўғри, — деди Мирсодиқ нонни шошилич чайнарган, — ҳозир ўзимизни хозтоварга кириб, битта қулфча олволаман.

Мирсодиқ апил-тапил овқатланиб, лапанлаганча кў-

чага югурди. Хайрият, хўжалик моллари дўкони очик экан. Эллик тийинга жажжигина қулфча сотиб олди-да, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими томон лўкиллаганча югуриб кетди. Бекатлардан бирига яқинлашганда автобус келиб қолди-ю, ўзини унга урди.

Соғлиқни сақлаш бўлими биноси ёнида тушиб, ичкарига югурмоқчи эди, олдидан бояги уч оғайниси чиқиб қолди.

— Э, ҳалиям юрибсанми?— деди Қўчқорбек.

Мирсодиқ олдинига нима деярини билмай дудуқлаиб қолди, кейин:

— Ақаси, олдин қулфни оливолиш керак-да!— деди.— Сизлар олдинларми?.. Йўқ? Эртага биттаси гоншигларни илиб кетса, додларингни кимга айта-сизлар?!

— Ие, ростданам!— деб юборди Бахтиёр.

— Буни калласи бигиз,— деди Толибжон,— хўп, биз кетдик. Айт-чи, қулфни қаердан олдинг?

Мирсодиқ қулфни қаердан олганини яхшилаб тушунтирди. Йигитлар ўша ёққа йўл олишаркан, Қўчқорбек охири марта уқтирди:

— Кирасолиб талаб қил, сенинг бу шумшайшингни кўриб, бу пиёда обход қилсам бўлаверадиган хилидан экан, деб ўйлашлари мумкин. Боевой бўл!

Мирсодиқ унинг гапларига бош ирғаганча ичкарига югурди. Иккинчи қаватда бир аёлга дуч келиб, сўради:

— Бу ерни начальниги қаерда ўтиради?

Аёл Мирсодиққа бошдан-оёқ назар ташлади-да, лабини буриб:

— Бу ерда начальник нима қилсин, бу ер горздравку!— деди.

— Йўқса директордир, раисдир. Хўш, хонаси қаерда? Нотаниш аёл кулиб деди:

— Директор ҳам, раис ҳам эмас, заведующий!

— Хўп, ана, заведующий,— деди Мирсодиқ бетоқат бўлиб.

Аёл даҳлиз охиридаги эшикни кўрсатди. Мирсодиқ туфлиси билан полни «тўқ-тўқ»латиб, эшигига «О. О. Орфияева» деб ёзиб қўйилган хонага ўзини урди. Тақиллатиб ҳам ўтирмади. Хона тўрида сочига оқ оралаган, қўзойнакли аёл столи устидаги қоғозларни титкилаб ўтирарди. Шовқиндан бошини кўтариб хонага кирган йигитга қаради. Мирсодиқ кира солиб бидиллай кетди:

— Опажон, ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг. Гоншик бермасангиз, оттириб юборсангиз ҳам дворовой обходга бормайман!

Мудира, тайинки, ҳайратини яшира олмади:

— Нима гап ўзи, укажон?

— «Нима гап» эмиш! Ҳаммага валасапит тарқатиб-сизлар-у, Ортиқовга келганда гулдур-гуп экан-да? Мен ёш мутахассисман! Мен билан принципиал муносабатда бўлишингизни талаб қиламан.

Мудира ўзини стол суянчиғига ташлаб, йигитга синчков назар ташлади:

— Ортиқов? Қаерда ишлайсиз?

— Учинчи стоматологияда.

— Яхши, яхши, ёш мутахассисман денг. Хўш, ётиғи билан тушунтиринг-чи, қанақа гоншик?

— Бугун барча ёш врачларга горздрав валасапит тарқатибди, ҳалиги... вабо тарқалиши муносабати билан... дворовой обходга. Хўш, менга-чи?! Кимга учрашим керак? Ким тарқатяпти? Бундан сизнинг хабарингиз бўлиши керак, албатта.

Мудира ҳайрон елка учирди, бироз ўйлаб туриб, деди:

— Менга қаранг, укажон, сиз билан биров ҳазиллашганга ўхшайди. Биз ҳеч кимга ҳеч қанақа гоншик берганимиз йўқ.

Мирсодиқ Қўчқорбекнинг гапини эслади. «Бу туришинга қараб, пиёда обход қилса ҳам бўлаверадиганлардан деб ўйлашлари мумкин»... Дарвоқе, бу аёл унга бекорга бунчалик зеҳн солиб қарамаяпти.

— Йўқ-йўқ, опажон, бу найранг кетмайди! Ҳаммага бир кўз билан қаранг!

Ниҳоят, опа телефон аппаратини олдига суришга мажбур бўлди:

— Яхши, ҳозир аниқлаймиз,— деди у фириллатиб номер тераркан. Фурсат ўтмай трубкага гапира кетди:— Алло, Ғиёсов, сизмисиз? Ҳа, ҳа, менман. Менга қаранг, поликлиникангизда Ортиқов деган йигит ишлайдими? Ҳа-а, шунақа денг. Шу йигит олдимга келибди. Мана, ҳозир ҳам шу ерда. Бу ҳаммага гоншик — велосипед берибсизлар-у, нега бу йигитчага бермадинглар-а? Ҳали сизнинг ҳам хабарингиз йўқми? Тавба! Бизникидан бошқа яна бир шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бор эмиш-у, ҳаммага велосипед улашиб ётганмиш. Бунинг устига, янгилик — шаҳримизда вабо тарқалган эмиш! Менга қаранг, Ғиёсов, бу йигит ростдан ҳам сизларда ишлайдими, ё... Ҳалиги жойдан чиққан бўлмасин тагин?! Шундай денг, хўп, хўп, унда ҳозир олдингизга юбораман.

Опа мийиғида кулиб, трубкани жойига қўйди.

— Уртоқ Ортиқов,— деди у дона-дона қилиб,— мен беҳабар қолибман. Ҳозир тўғри бош врачингизнинг олдига борасиз, у сизга ҳали ҳеч ким минмаган гоншик топиб беради!

— Раҳмат, опа, бу бошқа гап,— деди Мирсодиқ миннатдорона ва қувонгандан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, чиқиб кетди.

У ташқарига чиқаркан, яна ўша уч оғайнига дуч келди.

— Ҳа, қалай?— деб сўради Қўчқорбек.

— Опа қаттиқ туриб олдимми?— дея луқма ташлади Бахтиёр.

— Узиям ёмон хасис-да!— деди Толибжон.

— Лекин манавинақа принципиал одам, албатта, ўз улушини олади,— деди кулиб Қўчқорбек. Уч йигит бирданга: «Ва-ҳо-ҳо»лаб, велосипедларидан тушиб, қоринларини ушлаганча кула бошлашди. Шундагина Мирсодиқ бошлаб лақиллатишганини тушунди. Икки қўллаб бошини чангаллади:

— Эҳ-ҳ!.. Расво қилдинглар-ку! Шунақаям ярамас ҳазил қиладими одам?!

Йигитлар ҳамон ичаклари узилиб кулишарди. Мирсодиқ ялинишга ўтди:

— Жўражонлар, илтимос, мендан битта зиёфат, ҳеч кимга айтманглар. Вой, лаънатилар-э! Бу гоншикларни қаердан олдинглар ўзи?

— Қаердан бўларди, галварс,— деди Қўчқорбек,— магазиндан-да. Бахти биринчи маошдан велосипед оламиз деб қолди. Олсак-олдик-да, дедик.

Мирсодиқ чув тушганига ҳалиям ишонмай, бош чайқар, дам-бадам:


— Шунақаям қалтис ҳазил қиладими?!— деб қўярди.

Эртаси куни Мирсодиқ биринчи маошдан ўн чоғли кишига зиёфат берди. Утириш пайтида ширакайф Қўчқорбек янги фармон чиқариб, унга «Валасапит» лақабини тақди.

Охири 12-сонда.



Шукрулло



Хотира-қисса

Дўзахнинг иккинчи қопқаси

Саратоннинг авжи жазирама иссиғида қизиб ётган қизил вагонларда Тошкентдан жўнаб, Красноярский пересильный пунктига боргунимча бир ҳафтами, ўн кун йўл юрдикми, билмадим, бунинг орасида яна қайси пересильный пунктларга тушдик, кимлар билан учрашиб, кимлар билан хайрлашдим, бирортаси эсимда қолмади.* Негаки, поезд жилиши билан дунё кўзимга қоронғу деганларидек, кўзим кўр, қулоғим қар бўлиб кўнгилга Тошкентда қолганлару келажак тақдиримни ўйлашдан ўзга ҳеч нарса сиғмай қолганди. Энди қачон яна она юртим, бола-чақам, қариндош-уруғларим билан дийдор кўришаман. Қайта кўришиш насиб бўладими, йўқми, бутун хаёлим ўшанда эди. Ҳаттоки қизил вагонга уриб тиқилган одамларнинг саратон иссиғида сасиб-бижғиб кетишлари, сувсизлик, оёқ узатадиган жой йўқлиги, истаган вақтингда ҳожатга чиқиш имконидан маҳрумликлар ҳам бу айрилиқ азоби олдида ҳеч гапдек туюлиб қолган эди.

Тахминан Тошкентдан чиққаннинг иккинчи ҳафтаси бўлса керак, Красноярский пересильный пунктига олиб келишди. Бу ерга келганимда йўл-йўлакай бошдан кечирган азоб-уқубатлариму ҳатто Тошкент пересильный пунктида кўрган фожиаларим ҳам ҳаммаси унутилиб кетди. У кунларга ҳам шукр қилиб қолдим.

Красноярский пересильный пунктида кўрганим қиргин-урушлар, куппа-кундуз куни бир-бирларини кўз олдинда ўлдиришлари, айниқса, ундан кейинги Шимолий муз денгизига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка портига боргунимча, ўн-ўн беш кун ичида баржада бошдан кечирганим ваҳшийликларни асло ақлга сиғдириб бўлмасди.

* Охири. Бошланishi ўтган сонларда.

Красноярский пересильный пунктини КГБ ички қамоқхонасидан кейинги дўзахнинг иккинчи, ҳақиқий қопқаси деса бўлади. Худо қарғаган бандаларгина бу ерга келади. Ажалингдан беш кун илгари ўлиб кетишинг ҳеч гапмас!

КГБ қамоқхонасида терговчилар қийнасалар ҳам, назоратчилар хўрлаб, бир нафас кўзингни юмишга қўймасалар ҳам, аммо ҳукм қилингунигча ўзини-ўзи ўлдириб қўймасин деб ҳаётингни кўриқлаб, ҳар дақиқа назорат қилишарди. Бордию ўлим жазосига ҳукм қилинишингни билганларида ҳам, сени отишга ўзлари ҳумордек эҳтиёт қилардилар. Ҳатто сен ўзинг ҳам ҳар ҳолда ҳукм қилгунларига қадар қандайдир умид билан ўлмаслигинга ишониб яшардинг. Энди-чи? Пересильный пункт ё баржада битта кийиминг ёки ўғриларга ёққан бирор нарсанг учун улар сени таласалар, ўлдирсалар, ҳеч ким финг демайди, жавоб ҳам бермайди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир-бирига бегона. Ҳатто ўғрилар ҳам бир неча тоифага бўлинадилар, улар ҳам ўзаро бир-бирларига ёв, бир-бирларига қўшилмайдилар. Пайти келганда фақат сен билан эмас, бир-бирлари билан ҳам пичоқлашадилар.

1952 йил июль ойининг бошларида мени Красноярска олиб келишди. Бу ерга тушда етиб келишимизга қарамай, кун иссиғида вагонлардан не учундир туширишмай, овқат ҳам, сув ҳам бермай кечгача қамаб ўтирдилар. Пересильный пунктига олиб келганларида ярим кечага яқин эди. Шунда ҳам ичкарига киритиш олдида ҳаммамизни одат бўйича мол санагандек бирма-бир санаб, кимлигимиз, жиноят моддаларни сўрашарди. Урнимиздан туриб, юришга ижозат бериб, зонага кириш олдида бир-биримиз билан гаплашмаслик, шовқинлашмаслигимизни тайинлаб, бугунча ҳаммом биносида ётишимизни, ўғрилар нарсаларимизни талашликлари мумкинлигини очик айтиб ўтишди. Бизларни ҳаммом биносига жойлаб, устимиздан қулфлаб кетишларига қарамасдан, орадани кўп ўтмай, айтганларидек, эшикларни

очиб кириш, туйнуқлардан тушишга уринишлар бўла бошлади. Йўл азоби, чала-чулла уйқу, минг хил қийноқ хаёллар билан тонг оттирдик. Эртаси кунни бўлиб-бўлиб баракларга киргизишди. Ҳали юкларимни жойлаштиришга улгурмасимданоқ, атрофимда Тошкент пересилкасидаги каби «меҳрибонлар» пайдо бўлиб, нимага қамалганим, этап бўлиб қаердан келганимни сўраи бошладилар. Албатта, бу табиий бир ҳол. Кимдир ўз танишбилишини, кимдир бирор янгиликлар борлигини билишга қизиқади. Аммо менинг атрофимдагиларнинг мақсади нима эканлиги, кейинги вақтларда бирмунча тажриба орттириб қолганим учун, менга маълум эди. Гарчанд улар қаердан келганимни сўрасалар ҳам, бежо кўзлари нарсаларимда бўлиб, асл ниятлари менда нима борлиги, пулларим бўлса қаердалигини билиш, уни бошқалар шилиб кетмасдан олдинроқ ўзлари ўмариш эди.

Мен Мамад исмли қўлига тасбеҳ ушлаган хушбичим, мўйлов қўйган, кийим-боши дурустгина кавказлик билан кўшни бўлиб қолдим. Узимнинг кимлигимни айтдим. Менга яхши муомалада бўлди.

Мен унинг кимлиги билан ортиқча қизиққанам йўқ. Бундай қилиш хатарли эди. Чунки «стукач» (маҳбуслар орасидаги гап ўғирловчи жосуслар)ликда сендан шубҳаланиб қолсалар ёки унинг рақиблари сени у билан дўст деб ўйласалар, бу ҳам ҳаётинг учун хатарли бўлиши мумкин эди. Ўғрилар, бизлар ўйлаганча, тасаввур қилганча бўлмай, бир неча тоифадан иборат бўлиб, бир-бирларига доимо рақиб, бир-бирларини имкон бор жойда аямасдан йўқ қилишга тайёр эдилар. Шунинг учун уларни битта вагон ёки битта каютага ҳам бирга қўймасдилар.

Мамаднинг кимлиги, нимага қамалганлигини суриштирмаган бўлсам ҳам, атрофдаги маҳбусларнинг унга муносабати, менга эса: «Хотиржам бўл, қардош», дейишдан унча-мунча бунга яқинлаша олмаслиги сезилиб турарди. Аммо яхши гапириб, унинг ўзи ҳам нарсангни қоқиб олиши ҳеч гапмас. Чунки ўғриларнинг бир тоифаси яшириб эмас, олдинга келиб мана шу нарсангни бер ёки арзимаган бир нарсага алмашайлик, деб очиқчасига сўраб олади. Бермай иложинг ҳам йўқ. Зўр бўлсанг, кучинг етса, олишсан, бўлмаса...

Мамаднинг важоҳатидан сиёсий маҳбус эмаслиги аниқ эди. Демак... Бу шароитда энг тўғри йўл— муомаласига қараб муомала қилмоқ. Эҳтиёт бўлмоқ.

Красноярск пересилкаси Иттифоқдаги энг йирик пересилкалардан. Бунда минглаб одам жойлашадиган ўнлаб бараклар бор. Бутун лагерларга — Абакан, Норилск, Қолима, Воркута, Тайшет — ҳаммасига шимолдан тортиб Узоқ Шарққача маҳбуслар шу ердан жўнатилади.

Мен, бирор танишни учратармиканман деган ниятда, икки-уч кундан кейин баракларга назар солмоқчи бўлдим. Ахир мен билан судланган Шухрат, Мирзакалон, Ҳамид Сулаймон ва бошқаларнинг биронтасини суддан сўнг қайтиб кўрганим йўқ эди. Уларни кўрармиканман деган ниятда бир барак ичига қадам қўйган эдим, инсон боласининг хаёлига келиши мумкин бўлмаган ваҳшийлик устидан чиқиб қолдим... Ваҳимадан орқага қайтмоқчи бўлиб қадам қўйишим билан эшик олдида турган иккитаси йўлимни тўсиб тўхтатди. Бўлаётган бу воқеага қараб чидаб туриб бўлмасди. Додлашининг эса иложи йўқ эди. Ҳаттоки мен эмас, каттакон баракда, қанча одам бор эди, билмадим, бирортаси садо чиқармасди.

Баракнинг ўртасида икки-уч одам бировнинг қўлоғидан ушлаб, кўтариб тепага отарди. Ерга тушгандан кейин, типирчилашига қарамай, яна кўтариб отишарди.

Типирчиларди-ю, аммо овози чиқмасди. Оғзига нимадир текилган эди. Бу аҳвол бир неча бор такрорланиб, унинг чала ўлик бўлганига ишонганларидан кейин, улар баракдан чиқиб кетдилар.

Мен умримда хаёлимга келмаган бу даҳшатдан бир нафас эс-хушимни йўқотганча, наҳотки, йигирма беш йил шулар билан яшайман, деб ўйлардим. Наҳотки? Уил берса мумкин, аммо бу шароитда чала ўлик бўлиб ётган бу бечора одамнинг гуноҳи нима эди? Қиморга ютқазганми ёки шерикларини сотганми? Ёинки ўғрилар билан олишмоқчи бўлган қайсарроқ сиёсий маҳбусми? Бу сир эди.

Ўғриларнинг ўз қонунлари бор. Гарчанд жабрланган тирик қолганда ҳам, эси-хушидан ажралиши ё майиб бўлиб қолиши аниқ эди. Соғ қолиб шикоят қилган тақдирда ҳам қандай шикаст етганини исботлаб бўлмасди, чунки бирор жойдан ўзи йиқилгандир деган баҳона билан қутулиш мумкин бўларди.

Ҳозир кўрганим бу фожиани Мамадга ҳам айтиб бўлмасди, ким билади, балки бунинг шерикларидир. Маҳбуслик азобларидан яна бири шуки, дардлашишга ишонарли дардқаш тополмайсан. Кўнглингдаги гапни айттолмайсан. Қамоқда ҳам сени кузатадилар. Маҳбуслар орасида ҳам гапингни махсус бўлимга етказувчилар бўлади.

Йигирма беш йил бериб қўйибди, бундан ортиқ нима бўларди, демоқчи бўлсанг, хато қилсан. Советларга қарши гапларинг учун яна ҳам оғирроқ ишларга қўйишлари, омон қолишинг гумон бўлган лагерларга юборишлари, бола-чақангга хат ёзишдан ҳам маҳрум қилишлари мумкин. Бир кунни уч кунга ҳисоблайдиган лагерлар ҳам бор деган гап агар рост бўлса, демак, 25 йилга ҳукм қилинганлар 7—8 йилда қутулиб чиқиши мумкин. Озодликка чиқиб, ўлмай, дийдор кўришга бирдан-бир умид қилса бўладиган нарса, чин бўлса, шу! Эшитишимча, бу имтиёз ҳам ҳамма лагерларда, ҳамма маҳбусларга берилвермас экан.

Хўш, мени қаерга, қандай лагерга олиб боришади? Бир кунлик меҳнатингни уч кунга ҳисоблайдиганигами, ёки катержнийсигами? Бордию бир кунлик меҳнатимни уч кунга ҳисоблаганларида ҳам қўлимда бирор хунарим йўқ, хўш, мен нима иш қила оламан? Пересилкада қолган кунларим бу азоблардан қандай қилиб қутулиш ҳақида хаёл сурарканман, Олмаотадан менинг вагонимга чиқиб, бир неча кун мен билан бирга бўлган қозоқ ёзувчиси Мухаммадхонов Қаюмнинг асослими, асосизми таскин берувчи гапларигина далда берарди. Чўкаётган одам сомон парчасига ҳам тирмашади деганларидек унга ишонгим келаверарди. Бошқа на илож? Бу безорилик, хунрезликлардан умидсизликка тушмай, бир нафас бўлса ҳам сенга дармон бўладиган нарса ростми-ёлғонми, мана шундай тўкилган гаплар эди, холос. Лекин бундай олди-қочди гапларни айрим маҳбуслар шу қадар асослаб, худди ўзлари бош-қош бўлгандек гапирардиларки, бир дам бўлса ҳам ишонмай иложинг қолмасди. Айниқса, мендек 25 йилга ҳукм қилинган Мухаммадхоновнинг гапларига ҳозирги ҳолатда ишонмай иложим йўқ эди. Чунки у ўз гапларини шундай ишонч билан, дадил айтардики, ҳатто ҳар бир хатти-ҳаракати, бутун кўриниши ҳам бунинг асосли эканини тасдиқларди. Кўринишдан басавлат, оқ юзли бу одам менинг назаримда қамоқдан чиққанга ўхшамасди. Ҳатто у кўрпа-ёстигини орқалаб, бизнинг вагонга чиққанда ҳам қиёфасида қамалган одамнинг ташвиши акс этмагандек кўринди. Ҳатто у ўзинигина эмас, бошқаларни ҳам, шу жумладан, мени ҳам душманлигим, йигирма беш йил қамоқда ётишим мумкинлигига ишонмасди. У:

— Йигирма беш йил! Бўлмагур гап! Йигирма беш йилда ё эшак ўлади, ёки подшо, деганларидек, ҳаёт ҳам, сиёсат ҳам бир хилда турмайди-ку, оқсоқол? Айниқса, бизда нима кўп — раҳбарларнинг алмашуви кўп. Бугун Ягода раҳбар бўлса, эртага у душман, ўрнига Ежов бўлади. Мана, Ежов, душман бўлиб фош этилгандан кейин, у қамаган одамлар оқланиб, ўрнига Берия бўлди. Ким билади, бунинг ўрнига бошқаси келса, олдингисининг ўзини қамаб, сиз билан бизни нотўғри айбланган деб чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Сиз билан мен шоирлармиз. Мен Қозоғистон республика гимнининг муаллифиман. Сиз билан менинг совет ҳукуматига қарши асаримиз йўқ! Нимамиз душман?!

Бундан ташқари, яқинда мен эшитдим, кодекс ҳам ўзгараркан, амнистия бўларкан, жуда бўлмаганда қамоқдан бир кунни уч кунга ҳисоблаб чиқариши аниқ, — дерди. Мени нимага қамаганларини суриштириб, билгач, худди қонуншуносдек:

— Булар ҳаммаси бўлмагур гаплар, лагерга етиб олгач, Москвага, Бош прокурор, СССР Олий Суди, Олий Советга шикоят ёзсак, ўшаларга етиб борса, бўлди, ишимизни қайтадан кўриб, чиқариб юборишади, — деб мени ишонтирарди.

Бу гапларни у менга таскин бериш учунми, ёки ўзи ишонгани учун айтармиди, билолмадим-у, яхши ишланган, қамоқ режимини бузмасанг бир кунни уч кунга ҳисоблашлари мумкин деганига, бошқалардан ҳам бу ҳақда эшитганим учун, ишонгим келса ҳам, аммо Москвага, Бош прокурор, Олий судга ёзсак, шикоятимиз етиб борса бас, чиқариб юборади ёки қамоқ муддатини қисқартиради деган гапига мутлақо ишониб бўлмасди. Булар бари таги пуч, ўйланмай айтилган гаплар эди.

Чунки қамалганимнинг дастлабки кунларида мен ҳам худди шундай умидда, шундай фикрда эдим. Терговчилар қонунни бузса бузаверсин, ахир Москва бор-ку деб ўйлаган эдим. Аммо суддан кейин, айниқса, юзлаб, минглаб қайта-қайта қамалганлар билан учрашиб, улардан эшитган гаплардан кейин бу фикримни бутунлай хато эканини англай бошладим. Ахир, битта бизлар эмас, шунча-шунча ноҳақ қамалиб, отилиб, йигирма беш йилга қамалиб кетаётганларни наҳотки, Москвадагилар билмаётган бўлса, беҳабар бўлса? Наҳотки, республикадагилар Москвадагилардан бемаслаҳат, ўз эрklarича одамларни қамаётган, бу ишларни қилаётган бўлсалар?

Муҳаммадхонов билан бир неча кун йўлда бирга бўлган кунларимиздаги гапларни эслаб, ўйларимни охирига етказмасимданоқ, бирданига пересильный пунктнинг ҳовлисидан ўнлаб одамларнинг бақир-чақирлари, ур-сур, тўполон овози эшитилиб қолди. Мен ёнимдаги Мамадга бу нима гап, эшитяпсанми, дегандек қарадим. У эса эшитган бўлса ҳам ҳеч нарса бўлмаётгандек, тўполонлар, қирғинлар бундай шароитда табиий бир ҳол дегандек ёстиғига ёнбошлаб, тасбеҳини бепарво ўгираверди.

Аммо мен аҳволни билмоқ бўлиб аста ташқарига чиқдим. Ташқарида ўттиз-қирққа яқин одам ўзаро қирғин қиларди. Бир томонда яхши кийинган, оёқларида хиром этик, устларига ҳарбий кийим кийган 10—15 поляк офицерлари, иккинчи томонда уларни таламоқчи бўлган бир тўда ўғрилар, қўлларига тушган нарса билан, таёқми, тошми, ҳовлидаги витриналар, ҳатто баракдаги нарсалар борми (каравотларни) бузиб, бир-бирларини урардилар. Бировларнинг кўзи чиққан, бировларнинг боши ёрилган. Йиқилганларни аямай ҳолдан кетгунча тепкилардилар.

Поляк офицерлари, аламзадалик ҳамда ҳарбий кишилар бўлганлариданми, ўғрилар билан жон аччиғида олишардилар. Офицерларда яхши уст-бош, ортиқча кийим-кечак, соат борлигини билган ўғрилар уларни таламоқчи бўлганлар. Албатта, ўз ватанидан айрилиш алами, аламзадалик, унинг устига, жангда чиниққан одамлар булардан кўрқиб, ўз молларини бир тўда безориларга индамай бериб қўярмиди? Бир-бирларини қувиб урардилар. Бир-бирларига беғона бўлган маҳбуслар икки томонга ҳам аралашмасди. Айримлари ҳатто бу тўполонлардан хабардор бўлсалар ҳам, бир-бирини гўштини есин дегандек баракларидан чиқишни истамасдилар. Бундай пайтда фақат маҳбуслар эмас, қамоқ назоратчиларининг ўзлари оломонни бостириш учун ўртага тушмасди. Зонага кириб аралашигча кўрқарди. Ур-йиқитни бостириш учун пересилка ҳовлисининг тўрт бурчагидаги мезонларда турган соқчилар автоматлардан юқорига огоҳлантирувчи бир неча маротаба ўт очдилар. Поляк офицерлари яраланган шерикларини судраганча, ўзларига ажратилган махсус баракка кириб, эшикларини ёпиб олдилар.

Ўғрилар кечаси ҳам уларнинг баракларига босиб киришмоқчи бўлди. Анча вақтгача ғалва тинчимади. Эртасига офицерларни қаергадир олиб кетишди. Улар кетишди-ю, барибир бу ер тинчигани йўқ, ўғрилар, муттаҳамлар ҳукмрон эди. Чумолига озор бермаган, бир умр халқимга илм-маърифат берай деб бошини китобдан кўтармаган профессорлар, кўзойнақда йўлини зўрға топадиган кексалар, умр бўйи одоб ва ахлоқдан дарс берган толиби илмлар учун безориларнинг бу қилмишларини кўриш, бунга бардош бериш ўлимдан афзал азобмасмиди? Инсон хаёлига келтиролмайдиган бундай хўрликларга чидаш!.. Мўътабар инсонларни бу қадар хўрлаш, оёқ ости қилиш!.. Илм-фан, бу табаррук сиймоларнинг уволи, қарғишлари бир кун ёқаларидан тутмасмикан, деб ўйлардим.

Аммо ёнимдаги одам бефойда ўйларимдан афсуслангандек хуррак отарди. Ким билади, балки бу кечаси кимнидир талаш учун кундуз уйқусини олмоқчи бўлган ўғридир? Ҳаммасига чидайсан. Хурракларга ҳам, қирғинларга ҳам, тувакнинг тундаги сассиғига ҳам... Чунки кечаси баракларнинг эшиги қўлфлаб қўйилади. Ҳожатга тунда шу ерда чиқилади. Ҳаммасига чидайсан... Чой қаёқда! Ичишга вақтида сув топилмайди. Юз қўлингни ювмасликка ҳам чидайсан, ўрганасан...

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин юқларимиз билан йўлга тайёрланишни айтишди; энди қаерга ҳайдашади? Энди олиб борадиган жойлари қандай, балки бундан минг баттардир, лекин ҳозирча бу ердан қутулганимга шукр қиласан. Қимирласанг ташланиб, ғажийман деган итлар, автомат тутган соқчилар кўриғида Энасой дарёси портдан баржага чиқариш учун ҳайдаб боришди. Баржага чиқиш олдида ўғрилар билан бирга бўлиш азобидан жони ҳалқумига келган сиёсий маҳбуслар, ўзларини алоҳида каюталарга қўйишни, ўғриларга қўшмасликларини талаб қила бошладилар. Кўпчилик бўлиб норозилик билдирдилар. Этап бошлиқлари аввалига бунга розилик билдирган бўлсалар ҳам, кемага чиқар олдида жон етишмаслигини баҳона қилиб, ўғриларнинг яхши тоифаси, уларнинг назарларида шикаст етказмайдиган тоифаси билан бирга бўлишимизни айтдилар.

Жаллоднинг яхшиси қайси-ю, ёмони қандай бўлади, нима қилганда ҳам жаллод — жаллод! Ўғриларнинг қандайлиги, уларнинг феълларини этапма-этап бир неча маротаба бирга бўлиб, жуда яхши билиб қолган сиёсий маҳбусларнинг бу норозиликлари фойда бермади. Соқчилар автомат ва итлар билан қушхонага келган

молдек ҳаммамизни ҳайдаб, каюталарга тиқа бошлашди. Қаерга қочасан? Сенда на ихтиёр?

Бизларни кеманинг пастки хонасига тиқишди. Бошлиқлар ўғри бўлса ҳам безарар, сизларга зарар етказмайди деганлар биринчи кунданоқ ўзларини кўрсата бошладилар. Кўнгиллари хушлаган жойни эгалладилар. Ҳожатга чиқиш учун қўйилган бочканинг ёнидаги жойларга, иссиқдан нафас олиб бўлмайдиган бурчакларга сиёсийларни сиқиб бордилар. Тепадан ёғоч челақларда узатилган овқатларни тақсимлаш ҳам уларнинг қўлларига ўтди. Қамоқнинг овқати маълум. Аммо шуни ҳам хоҳлаганча тақсим қилиш ўшаларнинг ихтиёрида, кераклигича ўзига олади, қолса — сенга. Қаршилиқ қилиш бефойда. Кеманинг пастки, қоронғи қаватида сени бўғиб, молларингни талашлари ҳеч гап эмас. Улар билан сен тенг бўлолмайсан, ўрганмагансан, бундан ташқари, сиёсийлар 30—40 киши бўлса, улар кўпчилик эди. Йигирма беш йил шулар билан бирга умр кечирадиган бўлганидан кейин, қайси бири билан олишасан? Ахир булар тасодифан жиноятга қўл уриб қамалган одамлар эмас, аксинча, озодликда ҳам, қамолда ҳам меҳнат қилмай, карта, қимор ўйнаб, бировларни ҳам, ўзларини ҳам талаб яшашни эътиқод қилиб олган одамлар эдилар. Эркинликда одам ўлдириш, ўғрилиқ қилиш хавфлироқ, қўлга тушсанг қамашади. Аммо бу ерда-чи, ким-кимни ўлдирганини суриштиришмайди. Одам ўлдириш, бир-бирини талаш бу ерда эркинроқ. Савдо, хўжалик соҳасида ишлаган бойваччароқ одамлар ёки сиёсий маҳбуслар уйларида кийим-кечак, емиш олишлари мумкин. Аммо булар-чи? Йўқ, булар учун шу одамларда бори етади. Унга қандай қилиб эга бўлишни ўзлари билардилар.

Қамоқ деган шундай бир жойки, бу ерда бир-икки йил умр кечирган, айниқса, узоқ муддатга ҳукм қилинган сиёсий маҳбусларнинг кўнгилга на кийим-кечак, на яхши ейиш-ичиш сиғарди! Бу дўзахдан, бу шайтонлардан қутулиб омон қолишни ўйларди.

Биринчи кечамиз тинч ўтди. Бошлиқлар айтгандек, бирортаси бизларга тегмади. Бу тинчликнинг сабаби эртасига маълум бўлди. Бунинг сабаби — кечаси билан шилишни кимдан, қандай бошлаш режаси тузилган экан.

Булар кун-уззукун ухлашарди, кечаси, ҳамма уйкуга кетгандан кейин, тунда мўлжалга олганлари, кимнингдир қопини, кимнингдир чамадонини титишни бошлашарди. Ҳатто эҳтиёт қилиб шимол совуғида асқотар деб тагинга солиб ётганинг пўстин нимчангни торта бошлашарди. Албатта, сен бунни сезасан, лекин шу билан қутулсам, бош-кўзимдан садақа, деб ёнингга ағдарилиб бир ишора ҳам қиласан, барибир у олмай қўймайди. Агарда журъатинг етиб, кўзингни очиб, нима қиляпсан, деган тақдирингда ҳам, «махнём» (ўғриларнинг шевасида алмашамиз) деб, қонуний қилиб ўзини бирор увадасини сенга ечиб бериб, сеникини олиб кетаверади. Бу билан қутулмайсан, эртасига келиб туғунингни титади. Албатта, бир неча пересилкаларда бўлиб, ундаги фожжаларни кўрган одам, қаршилиқ кўрсатишнинг бефойда эканини билиб, бор нарсасини беришга рози бўлади. Чунки булар битта иккита бўлса бошқа гап эди. Каятанинг ярмидан кўпини шулар эгаллаган. Буларнинг дастидан на махорканг, ўраб чекишга на қоғозинг қоларди. Албатта, сенга қамоқда махорка ўраш учун қоғоз берилмайди.

КГБ қамоқхонасидан олиб кетишларидан олдин уйдан олган етти сўм пулимга квитанция беришган эди. Махорка ўрашга қоғозим қолмагач, оз-моз бўлса ҳам хумордан чиқиш учун, ўша квитанция қоғозини бўлиб-бўлиб бир неча мартаба чекишга етказдим.

Шуни ҳам икки-уч чекимлигини ўғрилар олиб қўйди.

Энасой бўйлаб Турханский, Игарка орқали Дудинкага етгунимизча қанча кун ўтди, ёдимда йўқ, бу орада бошлиқлар айтган «безарар» дўстларимиз, уйдагилар бериб юборган бошдан-оёқ янги этик, телогрейка, ички кийим, бош кийимгача ҳаммасини битта-битта олиб, ўзлари куёвлардек кийиниб, эски чорик, увада кийимларини бизларга қолдириб бўлгандилар. Бу одамларнинг даҳшатли жиҳати яна шунда эдики, булар фақат сенинг нарсангни талаб қилмасдан, ўзаро талашиб бир-бирларини ўлдиришга ҳам тайёр махлуқлардан фарқ қилмасдилар. Мана, неча кунки, улар кеманинг узун-узун михларини суғуриб, тун бўйи сопол товоқларга чархлаб, найзадек қулиб қўшни каютада кетаётган бошқа тоифадаги ўғриларга ҳужум қилиш учун кема деворини тешиб ўтмоқчи бўлардилар.

Буларда бизлардек на бола-чақа ташвиши, на орзу-ҳавас, на ноҳақ қамалдим деган афсусу армон бор эди. Яна жиноят қилсам қамоқда умрим ўтади-ку деган фикр ҳам йўқ эди.

Нега шундай?! Қаердан пайдо бўлган бу одамлар? Булар кимлар? Буларни шу кўйга солган, бунчалик ваҳшийликлар сабаби нимада? Узимча шулар ҳақида ўйларканман, буларга нисбатан бўлган чексиз қаҳру ғазаб, нафратим юмшаб, унинг ўрнига ҳатто қандайдир ачиниш, бу шўрликларда нима айб, дегандек ҳис пайдо бўла бошлади. Ҳақиқатан ҳам, буларнинг инсон қиёфасини йўқотиб, ҳаёт, меҳнат, бола-чақа, орзу-ҳавас завқидан маҳрум бўлишлари, жазодан ҳам қўрқмай, қамоқ билан эркинликка бефарқ қарашларининг сабаби нима, деб ўзимча ўйлайман.

Бизлар шу чоққача бунга асосий сабаб Ватан уруши давридаги очлик, яланғочлик, болаларнинг ота-онасиз, қаровсиз қолиши деб келдик. Тагини ўйлаб кўрсанг, бундай фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Бу бутунлай асоссиз. Ахир уруш фақат бизнинг мамлакатда бўлди-ми? Хитойда бўлмади-ми? Япония, Америка, Фарбий Германия, Польша, Чехословакияда уруш бўлмади-ми? Ҳаммасида бўлди. Очлик-яланғочлик, ота-онасиз етим қолганлар буларда ҳам бўлмади, дейсизми? Бўлган! Агар ўғрилиқ, авлодларнинг бузилиши урушга боғлиқ бўладиган бўлса, бу давлатларнинг биронтасида, ҳатто бир миллиардга яқин аҳолиси бўлган Хитойда ҳам бизлардагидек ўғрилиқ, одам ўлдириш, авж олиб кетгани йўқ-ку? Агарда ахлоқ бузилиши чиндан фақат урушга боғлиқ бўлса, иккинчи жаҳон уруши даврида унга қатнашмаган давлатлар деярли кам қолган эди. Ахир бутун жаҳонни бизлардагидек ўғри, муттаҳам босиб кетмади-ку. Нега жамиятимизнинг ҳамма бурчагини қамоқ лагерлари босиб кетди? Ўғрилиқ, муттаҳамгарчиликларнинг авж олишига уруш сабаб бўлган бўлса, миллионлаб илм аҳли, давлат арбоблари, 1937 йилги тинчлик йиллари, ҳозирги ғалабадан кейинги 1950 йилларда қамалишларига сабаб нима? Буларни ҳам уруш буздими? Уруш даврида давлатга зиён етказмай, қўпоровчилик қилмай, очлик, яланғочликка чидаб келган муаллим борми, ёзувчи, диндор борми — ҳаммасининг қамалишига сабаб нима?

Бизнинг мамлакатда ўғрилиқнинг авж олишига, энг яхши одамларнинг ноҳақ халқ душмани деб қамалишига сабаб битта, у ҳам бўлса, инқилобдан кейинги сиёсатимизда йўл қўйилган хатолар! Халқни бой-камбалга ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйдик. Бировни бой деб, бировни диндор деб молмулкни, уй-жойини чирқиратиб тортиб олиб, қулоқ қилиб бошқаларга бердик. Бировларнинг ҳақидан қўрқмаслик, қулоқ қилиниб бегона юртларга сургун қилинганларнинг кўз ёшлари, нолаларига раҳм қилмас-

ликка ўргатдик. Мана шу сиёсат меҳр-шафқатнинг орадан кўтарилиши, йўқолишига сабаб бўлмадимикан? Хоҳлаган одамни хоҳлаган пайтда қамаш, сургун қилиш, мол-мулкни тортиб олиш каби адолатсизликлар, суд, органлардаги қонунбузишлар ёшлар ўртасида келажакка ишончсизлик уйғотиб, бузилишларига сабаб бўлмадимикан? Ноҳақ қамалганларнинг оилалари, дўст-яқинлари, қариндош-уруғларида давлат сиёсатига нисбатан меҳр ва ишончнинг сусайишига, ҳалол бўлиб жон кўйдирганингнинг фойдаси йўқ... ҳалол бўлганлар нима бўляпти, ўзингни ўйла, бир амаллаб кунингни кўрсанг бўлди, дейишга сабаб бўлмадимикан?

Баржада хаёлга толганча ёш-ёш одамларнинг шу аҳволга тушганлари, қамоқларда ўтаётган умрларига ачинардим. Ҳатто айримларига яқинлашиб суҳбатлашим ҳам келарди. Ахир улар ҳам одам-ку!

Бизнинг жамиятимизда ўғриларнинг бунчалик кўпайиб кетишига балки қонунимиз, унинг бўшлиғи сабабдир? Ахир икки оғиз тўғри гапни айтганлар халқ душмани саналиб, 25—30 йил озодликдан маҳрум қилинади, аммо ўғрилик, ҳатто одам ўлдирганларга эса бунчалик жазо йўқ. Уларга муносабат, қамоқ шароити ҳам бошқача.

Лагерларда ўғрилар сиёсий маҳбусларни «халқ душманлари, фашистлар» деса, сиёсийлар эса ўғрилик, одам ўлдириб, қамалганларни кесатиб «халқ дўстлари» деб аташарди. Диндорлар, ёзувчиларнинг ҳукумат олдида безориларча ҳам қадрли йўқ эди. Улар лагерларда сиёсий маҳбуслардек 12—15 соатлаб 50 даража иссиқ ёки совуқда ишлашмайди. Уларнинг бир кунлик ишини уч кунга ҳисоблаш имкони бор. Мана шундай муносабат ўғриларнинг кўпайишига олиб келмаганмикан? Ахир бизларда қадимда ўғриларни ушлашса қўларини кесишарди, бозордами, маҳалладами ўғриларни оломон қилишарди. Ҳозир бу йўқ.

Ваҳоланки, жиноятчиликка қарши жамоатчилик қатнашининг деймиш-у, амалда бирор ўғри ёки безорига жамоатчилик талаби билан чора кўрилмайди. Ахир яқин-яқингача ҳам Хитойда ўғрилик қилганларни халқ ўртасида майдонларга олиб чиқиб осийди. Балки шунинг учун уларда ўғрилик йўқдир. Нега бизлар шундай қилмаймиз?

Ўғрилик, безориликнинг дунё бўйича бизларда бунчалик кўплигига сабаб балки диннинг йўқ қилингани ёки одамларнинг худодан кўрқмай, бандадан уялмаслигимиз?

Бундай хаёллардан ташқари мени кечадан бери ёнимда қайт қилиб, ухламай инграб ётган одамнинг бугун яна иситмаси кўтарилиб, қорнидаги оғриқ зўрайиб, тортган азоби, унинг қилган арзи-додига соқчиларнинг бизлар врач эмас, деган бепарво жавоби, ўғриларча ҳам қадрли-қийматимизнинг йўқлиги қийнардир.

Шу орада баржамиз тўхтаб, кимдири Турханскийга келдик деса, бошқаси бу ер Игарка деди. Қаерлиги ҳаммамизни кемадан туширишгандан кейин маълум бўлди. Бизларнинг баржамиз тўхтаган бу ер Шимолий муз океанига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка деган жойи бўлиб, буни порт деб ҳам атаб бўлмасди, бир-икки ёғоч бутка қаққайиб турарди. Чунки атрофда на бир инсон шарпаси ва на бир одам яшайдиган хонадон. Бу ерларда йилнинг ўн ойи қаҳратон қиш бўлиб, бир ой, бир ярим ойлик олиқ-иссиқ кунларда юк кемалари конлардан маҳбуслар қазиган маъданларни олиб кетиб, унга керакли нарсаларни етказиб бераркан. Август ойининг ўн бешларида тундрада қор бўронлари бошланди, дарё музлаб, қатнов ҳам тўхтарди. Бироз кечиккан кемалар келаси йилгача музлаб қолиб кетарди.

Мен келган пайт июль ойининг охири, августнинг бошлари бўлиб, қоп-қора булутлар орасидан кўёш гоҳо кўриниб қолишига қарамасдан, шимолдан эсган изғирин баданларни жунжиктирарди, қишдагидек юзларни ўймаларди. Шимол ботқоқларида беш-ўн кунлик иссиқда тирилган оч чивинлар очик жойга ёпирилиб таларди. Атрофда одам зоти йўқ. Ҳамма ёқ жимжит, бир томон пастак-пастак дарахтлардан иборат беповён тундра. Бир томон океанга туташган дарё, бутун атроф дунёдан ажралган моховзордек ваҳимаси. Наҳот мени кимсасиз ерга олиб келишган бўлишми?

Биз — сиёсий маҳбусларни каютадан туширгач, яна фамилиямиз, жиной моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимизни сўраб, санай бошлаган назоратчилар, қандайдир шубҳа билан ҳар биримизга тикилиб, ўзаро нималарнидир гаплашишди. Уларнинг шубҳали қарашларида жон бор эди. Чунки биз — сиёсий маҳбуслар, таниб бўлмас даражада ўзгариб қолган эдик. Кемадан тушгач, бизларни фақат бошқалар эмас, ҳатто ўларимиз ҳам бир-бирларимизни танимай қолган эдик. Чунки бизларнинг ҳамма яхши кийимларимизни ўғрилар эгаллаб, кийиб олиб, ўғриларнинг бутун увода, эски кийимлари — ботинка, телогрейкалари, йиртиқ кепкалари борми, бизларга ўтиб қолганди. Обком секретарининг қишда кийиш учун уйдан мўлжаллаб олган янги этиги ўрнида эскириб кетган туфли, иссиқ қалпоқ ўрнида жиягидаги картони чипир қайнатишга ёқилган йиртиқ кепка, айримлари эса кўйлаксиз майка устидан телогрейка кийиб олган эди.

Сиёсий маҳбусларнинг ўғриларга таланиб, бу аҳволга чидаб, индамай туришлари кўрққанликданмиди? Йўқ. Уларнинг бунга бефарқ қарашлари бесабаб эмас эди.

Йигирма беш йилми, ўн беш йилми, шулар билан бирга яшаш, бундан буёнги ҳаёти шулар билан бўлишини ўйлаган одам шикоят қилишни ўзига лозим кўрмасди.

Бундан ташқари, хўш, қайтариб олдинг дейлик, тутқунликда, хору зорликда ўтган умрингда беш кун яхши кийиндинг-у, кийинмадинг нима? Шуни ўйлаб кўпчилик қайтариб олишни талаб қилмади. Бизларнинг бу ҳаёлимизни сезгандек, этап соқчиларнинг инсофлиларидан бири:

— Кимки нималарингни олган бўлса, кўрқмасдан айтаверинглар, олиб берамиз, улар билан икки дунёда ҳам бирга бўлмайсиз, кўришмайсизлар, — деган гапни айтиб, бизлар билан бирга бўлган ўғриларнинг ҳаммасини каютадан олиб чиқиб, бирма-бир олдимиздан ўтказди. Биров ана менинг этигим деса, бири ановининг бошидаги қалпоқ меники, деб унга эски кепкасини қайтарарди. Хуллас, ўғриларнинг қўлларига кишан солиб, бир томонга ҳайдаб, бизларни эса, елкада қопларимиз билан, яёв, қизил вагонлар олдига олиб келишди.

Ёмғир ёға бошлади. «Ўтирларинг» деб буйруқ берганларича, челақлаб қуя бошлаган ёмғир бадан-баданнимизга сингиб, ўғрилардан қайтариб олган кийимларимизга жиққа хўл бўлишига қарамай, очик ерда соатлаб тутиб турдилар. На шулар ҳам инсон фарзандларини деб ачиниб, на раҳм-шафқат! Бирор панароқ жойга олишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Мен уларнинг қиёфаларига тикилиб, бундай бағритошликларига ҳайрон қолардим. Тасаввур қилолмасдим. Улар, ўласанми-қоласанми, сендан ўтган азобни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Чунки улар сенга ҳар қандай қийноққа лойиқ, халқнинг ашадий душманлари деб қарардилар.

Эртаси кун бизларни лагерга олиб келдилар. Кечадан бери ёғаётган ёмғир июлнинг охири бўлишига

қарамай бирданига қорға айланди. Совуқ. Кийимларимиз жиққа ҳўл. Мен келган лагерни бу ердагилар «Тириклар қабристон» деб аташаркан. Бу ваҳимали, хунук номнинг тарихи менга кейин маълум бўлди.

Тириклар қабристон

Мен келган қамоқ лагерини, бу ерлик маҳбуслар тириклар қабристон деб, менга ўхшаш йигирма, йигирма беш йилга ҳукм қилинганларни эса отилмай ёки осилмай қолган тирик мурдалар дейишаркан. Албатта, менга ўхшаш янги келганлар учун бундай гапларни эшитиш қанчалик оғир бўлмасин, бунда ҳақиқат ҳам йўқ эмас эди. Мен бу гапни қаердан келиб чиққани, нега шундай дейишлари сабабини суриштирганимда, бир йилгина бу ерда яшаб кўр, нега эканини ўзинг биласан-кўясан, деган жавобни қилишди. Бундай жавобни қилганда улар нимани назарда тутган — билмадим-у, ҳақиқатан ҳам улар айтгандек, бир йил эмас, бир-икки ой эмас, келган кунимданоқ бу гапларнинг нега айтилгани сабаби аён бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу лагер улар айтгандек тириклар қабристонидан фарқ қилмас эди.

Красноярск пересильный пунктдан бизларни қўриқлаб келган соқчилар одатдагидек мол санагандек бир-бир санаб, лагер бошлиқлари ихтиёрига топширишлари биланоқ, уларни суриштирган ва қизиқтирган биринчи нарса кимнинг қандай ҳунар қўлидан келиши бўлди. Чунки лагер эшигига қадам қўйган шу соат, шу дақиқамиздан бошлаб, ёзувчи — ёзувчи эмас, министр — министр, профессор — профессор эмас, ишчи кучига, қўлга айланган эдик. Энди сен касбинга, кучинг етганига қараб эмас, лагер бошлиқлари нимаки ишни буюрса, шуни қиласан. Умри илм билан кечган 60 ёшли профессор нима иш қилиши мумкин? Масалан, мен ўзим-чи? Бу ерда ҳунарнинг бўлиши шарт эмас, кимлигинга қараб иш беришмайди. Бу ерда кучинг бўлса бас, фақат кучинг керак. Энди хоҳишинг билан эмас, буюрилган ишни қилишга мажбурсан. Эшакнинг гўшти ҳаром, меҳнати ҳалол деганларидек, бу ерда фақат меҳнатинг керак. Кимлигингни ҳам ҳеч ким бу ерда суриштирмайди. Кимлигинг, одамлигинг лагердан ташқарида, суддан кейиноқ тамом бўлган. Ер қазिश, юк ташиш ёки бетон қуйиш учун ҳунарнинг бўлиши шарт эмас, тирик бўлсанг, нафас олиб турган бўлсанг бас, ўлгунингча ишлайверасан. Меҳнатга бардош беролмай, қамоқ муддати тугамай, ўлсанг, бунинг учун ҳеч ким жавобгар эмас, чунки сен ҳукм қилинган одамсан. Бу ернинг тириклар қабристон дейилишининг сабаби ҳам балки шундандир?

Лагерга келган биринчи кунимданоқ, одатдагидек, ерга ўтқизиб, энг аввал орамизда бетончи, юк ташувчи, сантехмонтажчи, ғишт терувчи, темирчилар борлигини суриштиришди. Орамизда мен деган бирон одам топилмади. Сиёсий маҳбусларнинг кўпчилиги маъмурий, илмий ишлар билан шуғулланган зиёли одамлар, менга ўхшаш қўлларидан ёзув-чизувдан бошқа иш келмаса керак деб ўйлагандим. Йўқ, мен ўйлаганча бўлиб чиқмади, аксинча, ошпаз, тикувчи, сартарош, нонвой, ямоқчилар борми деб сўраганда, мендан бошқа деярли кўпчилик «мен!», «мен!» деб баробарига қўл кўтара бошлади. Ҳатто Қарағанда лагеридан келаётган ленинградлик тарихчи олим ҳам нонвой борми деса ҳам, кейин тикувчи борми деса ҳам қўл кўтараверди.

Бунча ҳунарни қачон ўрганиб улгургансиз деб сўрасам, беш-ўн йил лагерма-лагерь юриб, унинг тузини тотиб, шароитига тушуниб қолган одам бўлгани учун:

— Қўл кўтарганларнинг ҳаммаси ҳам шу ҳунарларни билади деб ўйлайсанми? Бирортаси ҳам билмайди, мақсад — етмиш даражали қаҳратон совуқ, бўронли, қишқировли кунларда усти ёпиқ, иссиқроқ жойга бир амаллаб кириб олиб, жон сақлаш, — деди.

Лагерь бошлиқлари керакли касб эгаларини танлаб, бир томонга ўтқизиб, қолганларга навбат етганда, айниқса, менинг номимни «Юсупов ким?» деб алоҳида урғу билан ажратиб айтиб:

— Сен шоир экансан-а? Бу ерда қалам билан қоғоз йўқ. Фақат бел билан чўкич бор, меҳнат шарафимиз, бахтимиз деб кўйлаб келгансан, мана энди ўзинг амалда кўрасан, — деб ер қазувчилар бригадасига қўшиб қўйди. Эртасига ишга чиқдим. Қўлимга ер қазиси учун чўкич, шағал ташиш учун ғалтак арава тутқишишди.

Мен бу лагерга келган вақтим бир ярим йилдан ортиқ қамоқда ётиб, терговчиларнинг қаҳрат, зуғумлари, пересильный пунктдаги фожиаларнинг руҳий қийноқлари, бир неча ойлик йўл азоблари, уйқусизлик, очликдан кейин озиб-тўзиб, вазним ҳам болаларникидек 40—50 килога келиб қолган эди. Унинг устига, қон босимим бош айланар даражада пасайиб кетган эди. Бу ерларда ўн бир ой қиш, ерлар абадий музликдан иборат бўлгани учун чўкич билан музликларни қазиб бир ғалтак аравани тўлатиш ҳам менинг аҳволимда осон эмас эди. Бир амаллаб, шеригим ёрдамида тўлатиб, уни ердан узиб кўтарганимда ҳам тахта йўлдан икки қадам юрмасимданоқ қўлим қалтираб, мувозанатимни сақлолмасдан ағдариб юборардим. Атрофдагилар аввалига кулсалар ҳам, орадан кўп ўтмай бригадир менга: «Керуха, сан менинг бригадамда ишлашга ярамайсан, ишимни орқага суряпсан, фақат менинг бригадамга эмас, умуман лагерга тўғри келмайсан, сени қамоқда олиб қолишлари керак экан. Қамоқбоп экансан», деган гап қилди.

Унинг гапини эшитган атрофдагилардан баъзилари:

— Шоир экан, уни меҳнат лаззатидан маҳрум қилма! Шу вақтгача меҳнат бахт, меҳнат шараф-шон келтиради деб ёзиб келган, лекин яхшироқ меҳнат қилмаганми, бечора, бахтга эришолмапти. Эришолмаган бахтга эришаман деб умид билан бу ерга келибди, ноумид қилма, меҳнат қилсин, излаган бахтини шу ердан топар, бундай шарафдан маҳрум қилиш инсофдан эмас, — деди.

Албатта, бу алам билан айтилган гап эди. Бунинг тагида: «Мана, сен шоир, шунча меҳнат қилиб охири нима бўлдинг, мана бу ерга келиб, шу аҳволга тушиб ўтирибсан-ку, меҳнатингнинг қадрига етишдимми? Меҳнатинг совет кишиларига келтирган шон-шарафи, бахти шуми?»...», деган адолатсизликка қарши нафрат, инсон меҳнатининг қадри-қиймати ифодаси ётарди.

Фақат бригадирга эмас, шеригимга ҳам баробар ишлаша оладиган одам керак эди. Берилган иш бажарилмаса, сен унинг насибасига зомин бўлиб, маҳорка пули ишлашдан ҳам маҳрум қиласан. Ғалтак аравани юргизолмай бир марта, икки марта йиқилганимдан кейин шеригимнинг раҳми келдими, шағал ортишни менга қолдириб, ўзи ғалтак аравани олди. Бу мен учун ундан ҳам оғир эди. Чунки менда ҳадеганда аравани тўлатадиган даражада куч, чўкич билан ер қазिशга етарли мадор қолмаганди. Менинг ҳолдан тойганимни, ҳеч нарса қилолмаслигимни сезган шеригим, Юра, қўлимдан чўкични олиб, ер ковлашни ҳам, ғалтак аравага ортишни ҳам, ташишни ҳам ўзи қила бошлади. У ҳали ёш, энди йигирмага кирган эди.

У мендан чекиш-чекисмаслигимни сўраб, бу баҳона иккаламиз бир дақиқа нафас ростлаб суҳбатлашиб қолдик. Қачондан бери бу ердасан, деган саволимга, Юра:

— Қамалганимга олти йил бўлди, — деган жавобни қилди.

Юранинг бу жавобига ҳайрон бўлдим, ишонмадим. Узи энди йигирмага тулган бўлса, қандай қилиб олти йил ўтирган? Ҳа, Юра ёлғон гапирмаган экан. У ғарбий украиналик бўлиб, немислар қуршовида қолгани учун ота-онасини қаергадир лагерга жўнатиб, уни эса 14 ёшида балоғатга етмаганлар колониясига, кейин ватан хоини сифатида бу ерга юборилганини мендан олган махоркасини ўраб айтиб берди.

Бу ерда ишлаб топган пули махоркага ҳам зўрға етарди. Мен билан шерик бўлиб ишласа бу пулдан ҳам махрум бўлиши аниқ эди. Мен буни истамадим. Бегуноҳ, ёшликдаёқ ота-онадан махрум бўлган бу шўрликка раҳмим келди. Қўлим қабарадим, бошим айланиб йиқиламанми, ўзим учун бўлмаса ҳам шеригимнинг насибасини қирқмаслик учун ишлай бошладим.

Бошқа на чора?

Қўлимда бирор касб-кор бўлмагандан кейин, ер қазихдан бошқа бу ерда нима ҳам қилиш мумкин? Аммо бошқалардек ишлашга ярарли куч-қувват бўлмаса, хўш, унда нима қиласан? Ишламасанг, сени бу ерда ҳеч ким сўқимга боқмайди. Ишлашга мажбурсан, аммо бу ердаги қурилиш ишларига ярамасанг-чи?

Терговчи менга қўйган айбларнинг деярли ҳаммаси тўқиб чиқарилган бўлса ҳам, аммо тергов вақтида унга ўз ватаним, халқимга бўлган садоқатимни, тирик эканман, қаламим билан, ижодим билан исботлайман деганимда, у заҳарханда билан:

— Ижодим-а! Қаламим билан эмиш!.. Ижод деган нарсани энди хаёлингга ҳам келтирма, ҳа! Бу ҳақда ўйлашни ёдингдан чиқар! Энди бундан буён сенга қаламни эмас, белкуракни ҳам ишонмаймиз, — деган эди, шу гапи тўғри чиқди.

Киши меҳнатдан ўлмайди. Меҳнат беадад эмас, бир нафаслик уйқу, бир нафаслик дам олиш сенга мадад бўлади, меҳнат юкидан холи қилади. Аммо қалбинга ортилган ҳақорат юкидан қочиб қутулмоқ амри маҳол! У сени бир дақиқа ҳоли қўймайди. Уйқунгда ҳам, ўнгингда ҳам, ҳордиқ чофингда ҳам сени тарк этмай кемиради, адо қилади! Қўлни хаёл ўлдиради деганлари шу эмасми?

Гуноҳи бор одам, виждони бўлса, меҳнати билан эмас, ўлими билан гуноҳини оқлашга рози бўлади. Ҳар қандай машаққат, меҳнатга чидайди, бардош беради. Бунинг ҳузури бор. Машаққат чеккан саринг, гуноҳинг ювилгандек, енгил тортасан, бардамлашасан. Аммо бу ерда-чи, қилмаган қайси гуноҳингни меҳнатинг билан ювишинг керак? Сенга қилган тухматлари, номингни айтишдан жирканиб қилган маломатлари учунми? Пешонаю елкаларингга босилган тамғалар бадалигами?

Лагерга келганимнинг биринчи кунлариданоқ инсоний қиёфадан, ота-онам умид билан қўйган исмимдан махрум қилишиб, маҳбуслик тамғаси босишди. Маҳбуслик либосларини беришди. Оёқ кийими сифатида ўликми, тирикдан қолган, тешиқларидан сим ўтказилган, эскириб бужмайиб кетган ботинка, минг ямоқ пахталик шим, телогрейка, ўзимга мутлақо лойиқ бўлмаган (бу вақтда вазним 50 кило атрофида эди), ҳалпиллаган, почалари узун жомакор, бош кийим сифатида лагерь тикувчилари тиккан қалпоқ, унинг устидан кийиш учун бошлик (буни биринчи эшитишим), брезентдан қилинган қўлқоп беришди. Бу ернинг қоида-си шу, сенинг ихтиёрингда ҳеч нарса йўқ, берганини

киясан, берганини ейсан. Қор-ёмғир жонингдан ўтса, ямаб-ясқаб олиш — сенинг ўзингга боғлиқ.

Кийимларни олганингдан кейин, қор-ёмғирда ҳам кетмайдиган бўёқ билан ички кийимингдан тортиб, устки кийимингча, ҳатто бош кийим, шимингнинг кўринадиган олд қисмига, елкаларингга номинг ўрнига ўзингга берилган рақамни ёзишади. Шу бугундан бошлаб ота-онанг қўйган ном билан хайрлашасан. Номинг шу бугундан бошлаб елкангга ёзилган рақам билан юритилади. Бу сени инсон номи билан аташга ҳам муносиб кўрмаслик, одам қаторидан чиқарилганингга ишора. Кийим-кечак ямоғига чидаш мумкин, чидайсан, аммо сенинг инсонлигинг, қалбингга босилган ҳақорат тамғасини кўтариш, унга чидаш!.. Қайси гуноҳимга, қайси қилмишимга ахир бу ҳақоратлар?..

Сен ҳар қандай жисмоний машаққат, ҳар қандай руҳий ҳақоратларга чидашга маҳкумсан!

Отилмай қолган тирик мурдалар дейилиши ҳам шундан эмасми?! Бу лагердаги маҳбуслар посилка олиш, уйдагилар билан кўришиш у ёқда турсин, бир энлик хат ёзиш нима деган нарсаси, шундан ҳам маҳрум қилинган-ку! Улик-тириклигинг, қаерда эканингни биров билмаса, шунинг ўзи тирик мурдалик эмасми? Тириклар қабристонини дейилишининг сабаби ҳам шундан эмасми?

Борди-ю, ноҳақ қамаганларидан бирор юқори ташкилотга шикоят ёзгудек бўлсанг, оиланг, ёр-биродарларинг, қариндош-уруғларингга хат ёзишдан маҳрум бўласан. Чунки сенга бир йил, икки йилда бир марта хат ёзиш ҳуқуқи берилган. Нега? Мақсад нима? Бу қийноқ нега? Қариндош-уруғ, бола-чақанг сендан умидини узсин учунми? Жисмоний азоб етмагандек, руҳий азобланиш учунми?

Бу ерда августнинг ўрталаридан кунлар совуб, қор ёғиб, қиш бошланади. Кишини учириб кетадиган шимол буронлари бош кўтаради. Бир неча ойдан бери ботмасдан уфқда айланиб юрган қуёш, энди бутунлай кўринмай, олти ойлик кўтб туни бошланади. Гарчанд ҳозирча қуёш қор буронлари орасида милтиллаб кўриниб қўйса ҳам, аммо бутун зулумот, бутун қоронғулик менинг қалбимга, менинг ўйларимга чўкканди. Бир мен эмас, менга ўхшаш баракларда ётган мингмиглаб тутқунларнинг қалбини қоплаб ётарди. Кишининг қаҳратон буронлари, саратон жазирамаларига киши чора топади, бардоши етади, аммо ҳақорат, хўрликлар, руҳий азоблар сени кемириб боради, беилож қоласан.

Юра билан бирга ишлаш ҳам ортиқ насиб этмади. Қорнимдан пастроқда оғриқ пайдо бўлиб, санитария бўлими бор лагерга олиб кетишди. Шу сабаб бир икки кун лагерда қолдим. Врачлар бирор жиддий касал тополмади. Қориндаги оғриқ ёғсизлик, яъни ичак, ошқозонни тутиб турадиган ёғ йўқлигидан, қувватсизликдан бўлиб, бунинг бирдан-бир чораси ёғлик нарса емак ёки бандаж тақиб ишлаш эди. Йўқ ёғни қаердан топасан? Бир ойда берган пуллари махорка, ярим кило мол ёғи, ярим кило қанд олишга базўр етади. Икки чақмоқ қандни алюмин кружкага солиб, қотиб кетган мол ёғини сарёғ ўрнида, шунинг ҳам топилганига шукр қилиб, бир маҳал ер эдим.

Сўқимга сўйиладиган мол керак бўлгани учун парварш қилинганидек, менинг ҳам меҳнат қилишим зарур бўлгани учун бандажни ўзлари топиб беришди. Бандаж билан ҳам фалтак аравани кўтарганимда ичак, ошқозоним пастга сирғалиб тушиб, қорнимда қадалиб оғриқ берарди.

Ишга чиққанимда шеригим Юра йўқ эди. Унинг иситмаси баланд бўлиб, қайт қилишига қарамасдан,

сен ёшсан, ўлмайсан деб ишга чиқаришган. Кўричаги ёрилиб, ўзидан кетгач, ишнинг охиригача бир чеккага ётқизиб қўйганларича ўзига келмаган. Врачлар чопиб келади дейсанми, лагерга ўлигини олиб келишган.

Лагерда ўлганлар нега ўлган — касал бўлибми, шикастланибми; ҳеч ким суриштирмайди. Билган билади, билмаган йўқ, оёғига номер боғлаб, яланғоч, кафан қаёқда, кийимларигача ечиб олиб қаергадир олиб бориб кўмиб келадилар. Бу ерда ўлган бебахтлар икки газ кафанлик докадан ҳам бенасиб бўлади. Кафансиз кўмилади. Бу ердаги маҳбусларга ўлимга маҳкум одамлар деб қаралгани учун, операция қилинганда тузалгунча ойлаб ётиши керак бўлса ҳам, бир ҳафта ҳам ётқизмай, ўлса ишда ўлсин деб ишга ҳайдашарди. Айниқса, ёвгон овқат, 10-12 соатлик оғир меҳнат сабабли чурраси тушганлар кўп бўларди. Вақтидан илгари ишга чиқарилиб, операция қилинган жойи сўкилиб, очилиб кетиб, то ўлгунча қайта-қайта очиб, тикилаверарди. Аммо ишдан қолмаслиги керак.

Мен бундай бевақт, хор-зор, кафансиз кўмилганларни ўйлар эканман, хаёлимдан тинчлик бермай қамалиб йўқ бўлиб кетган Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Усмон Носир каби қатор-қатор ўзбек халқининг азиз, буюк фарзандлари ўтаверади. Уларнинг ҳақсизликдан ўлим олдида қилган оҳ-нолалари, қарғишлари эшитилаверарди. Узимнинг аламларим ҳам унутилиб кетарди. Дунё шу экан, инсоф кутиб бўлмайди, деган фикрга ҳам келиб қолардим. Шундай чоқда бандаж тақиб юришим ҳам, ўз аҳволим ҳам бир дам унутиларди. Бу ерда эрта нима бўлишини билмай, омонатдек яшайсан. Ҳар куни, ҳар соатда кутилмаган бир фожиа, бахтсизлик устига бир бахтсизлик. Отилмай, осилмай қолган тирик қолганлар бу ерда конвойлар томонидан отилиб кетардилар.

Эрталаб соат олтида турганча кеч соат саккизгача тик оёқда ишлаймиз. Эрталаб нонуштага бир чўмич ёғсиз сўк ёки сули бўтқа егач, дарбозадан чиқиш олдида минглаб маҳбусларни қор, ёмғир остида қайта-қайта бригадаси билан бирма-бир санаб, дарбозадан чиқиш олдида: гапни тўхтатларинг, қатордан бир қадам орқада қолиш ёки четга чиқиш қочиш ҳисобланиб, огоҳлантирилмасдан ўт очилади, қани юрларинг, деган, ҳар кўни икки уч марта айтиб, қулоқларни безор қиладиган кўнгилсиз буйруқни такрорлашарди. Булар ҳаммаси асабингни бузиб, маҳбуслигингни эслатиб туриш учун қилинади. Биз ишлайдиган қурилиш майдони лагердан икки-уч қақирим нарида бўлиб, ёмғирли кунларда ивиб, сасиб, у ерга етгунча чалажон, кекса, менга ўхшаш бандаж тақиб ишлайдиган одамлар ҳолдан тоярди. Ўз нафсини ўйлаган бригадирлар сен билан ҳисоблашмасдилар.

Биз ишлайдиган жойдан сал нарида аёл маҳбуслар ишлашарди. Гарчанд бизлар уларни, — улар бизларни кўрмасалар ҳам, лекин вақти-вақти билан нола тўла, фарёддан иборат, худого ёлбориб:

Бизларни ким айирди,
Ким қилди бизни жудо.
Жазосини ўзинг бер,
Меҳрибон, қодир худо!..

деб айтган ашулалари эшитиларди. Аммо бу охирига етмасдан соқчилар уларнинг нафасларини ўчирардилар.

Худого ёлбориб фарёд чекаётган бу мунис аёллар кимлар? Булар уруш даврида немисларнинг қуршовида қолгани учун ватан хоини ёки жосусликда айбонлиб, бири эридан, бири акасида, бири синглиси, севикли

ёридан айрилиб, уй-жойлари мусодара қилиниб ҳаммаси ҳар ёққа — бири Сибирга, бири Қарағандага, қаерда лагерь бўлса, ўша ёқларга жўнатилганлар эди. Деярли кўпчиликлари Украина, Белоруссия, болтиқбўйлик шўрлик хотин-қизлар эдилар. Булар бир-бирларидан битта сим девор орқасида яшасалар ҳам, аммо дийдор кўришишдан маҳрум шўрликлар эди. Яқиндагина ўз туғишган синглисини шу лагерда дарагини топиб, жуда бўлмаса эшитиб, ҳол-аҳвол сўраш ниятида девор ёнига яқинлашганда уни соқчи отиб ташлаган. Машинасининг устига чиқиб онаси билан сўзлашмоқчи бўлган шофернинг отилиб ўлганига ҳали бир ойча ҳам бўлгани йўқ. Синглимни кўраман, хотинимни бир марта кўрсам армоним йўқ деб отилиб ўлганлар бир йилда бир неча марта бўлиб турарди. Аммо шунга қарамай, хўрлик, ҳижрон жонидан бездирган висолга ташналар таваккал қилишдан тоймасди.

Тириклар қабристонини дейилишининг сабабларидан бири яна шу эмасмикан?

Афсуски, битта бу эмас! Бу ерда ажалинган беш кун олдин ўлиб кетадиган воқеаларни ҳар куни кутса бўлади. Биров отилиб, биров юк кўтарадиган крандан йиқилиб, кимдир 70 даражали совуқда ўпкаси, нозик жойиними совуққа олдириб ўлиб кетаверди. Бу ерда ўлибди деган овозни эшитасан-у, нега деган гапни, қаерга, қачон дафн қилинганини билмайсан. Бу ерда ўлдинг — тамом. Бу ерда сен тиригингда ҳам ўлганингда ҳам лагерь бошлиқларининг ихтиёридасан. Худо умр берса, бир мўъжиза юз бериб, қутулиб чиқарман деб умид қиласан, менинг бошимга ҳам мана шундай бевақт офатлар, ўлимлар ташвиш солган дамлар тез-тез бўларди.

Ёр қазиш, ғалтак арава ташиш ишларига ярамаганимдан кейин энгилроқ, қор-ёмғирдан панароқ деб сантехмонтажчилар бригадасига ўтиб олдим. Маҳбуслар учун энгил иш бўладими? Энгилиги шуки, ишлайсан-у, фақат ўлмайсан. Мен қиладиган ишим янги қурилаётган биноларга радиаторлар ўрнатиш учун жой тайёрлаш. Бир қўлимда шиламбург (ғишт деворларни ўйиш учун трубадан қилинган уч томони тишли асбоб), бир қўлимда 10—15 килоли болға (кичкина, энгил болға билан шиламбургни уриб, деворни тешиб бўлмайди) билан ғишт деворларни ўйиб, аввал унга ёғоч қозиқ, кейин кронштейн қоқиб чиқаман. Албатта, ўн соат болға билан ғиштни ўйиб, мўлжалдаги ишни бажариш учун ҳам ҳамма қатори куч бўлиши керак. Бўлмаса маҳорка пули ҳам ололмайсан. Кўнинг лагернинг бир чўмич бўтқасига қолади. Ё шу билан яшашга, ё меҳнатга чидашинг керак.

Лекин 45—50 даража совуқ, ҳали эшик-деризалари қурилмаган, ҳаммаёғидан шамол ғувиллаб турган бинода 10—12 соат давомида оч-наҳор 15 килоли болғани кўтариб уриш бандаж тақиб юрган одам учун оғирлик қиларди.

Ниҳоятда оғир жисмоний меҳнатда қолганлигимдан хабардор бўлган, 7—8 йилдан бери шу лагерда маҳбусликда умр ўтказётган тошкентлик врач Турғун Алимухаммедовнинг раҳм-шафқати сабаби бўлиб, энгилроқ ишга ўтдим. Навбатчи сантехмонтажчи бўлиб ишлай бошладим. Аммо энгил саналган бу юмушнинг ҳатто ўлимга ҳам рози қиладиган азоб-уқубатлари бўлишини билмаган эканман.

Гарчанд менга бегона бу ҳунар жисмоний жиҳатдан асрий музликни чўкич билан қовлашдан кўра энгил бўлса ҳам, аммо тутқунлик, лагерь ҳаётидаги кутилмаган азоблар, даҳшатли ҳодисалар бўлардики, баъзан 25 йил қамоқда ўтиришга ҳам рози бўлиб кетардим.

Мен навбатчилик қиладиган устакхона лагердан 1—2

километр нарида эди. Совуқ 45—50 даражага етиб, қор бўронлари бошланган кунлари маҳбуслар баъзан ишга чиқарилмасди. Бўрон вақтида совуқ 50—60 даражадан ошарди. Аммо менга ўхшаган тунги навбатчилар, темирчилик каби касб эгалари қурилишга эртанги зарур нарсаларни тайёрлаш учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишга чиқишга мажбур эдилар.

Шундай кезларда автомат ва ит билан қуролланган назоратчилар бизни сафга тизишарди-да, ҳар доимгидек: «Бир қадам сафдан ташқарига чиқиш ёки орқада қолиш қочиш ҳисобланиб, огоҳлантирилмасдан ўт очилади», деб юришга буйруқ беришарди.

Атроф теп-текис. Тун. Зулмат. Даҳшатли қор бўрони оч бўридек увиллар, устимизда лагерь берган пахталик телогрейка ёки жун пўстин, пахталик шим, унинг устидан брезентга ўхшаш матодан жомакор шим, ямоқ-ямоқ кигиз этик, қўлқоп. Булардан ташқари, ўзимиз орттирган ёки уйдан юборилган иссиқ кийимларга ўралиб олганимизга қарамай, бўроннинг зўрлигидан қор ичимизга кириб қолганини билмай қолардик.

Икки кўздан бошқа ҳаммаёқ ўралган бўлиб, очик қолган ерни бир дамда совуқ уриб кетарди. Даҳшатли бўрон эса кўз очирмасди. Совуқдан ёшланган кўзларда киприклар ёнғоқнинг ярим палласидек музлаб қоларди. Бир қадам олдини кўриш ҳам оғир эди. Шундай вақтларда янглишиб, сафдан салгина ташқарига чиқдингми, тамом, қочган ҳисоблаб, огоҳлантирилмасдан отиб ташлайдилар. Улиб кетиш ҳеч гап эмас. Сен учун ҳеч ким жавоб бермайди. Мени мана шу бевақт ўлим хавфи ташвишга соларди. Умр бўлса, 25 йилда ҳам қамоқдан қутилсан. Аммо, бундай тасо-дифлардан ўлиб кетишни ҳар дақиқа кутиш мумкин эди.

Менин жуذا қувватим кетиб қолганди. Кучим борича қорбўрон ва совуқ билан олишиб, сафдагиларга етиб юришга ҳаракат қилардим. Бир куни совуқдан икки кўзим юмилиб, музлаб қолди. Музни олсам, киприкларим узилиб чиқади. Ноилождан ёнимдаги шеригимга «мени ушлаб бор» дедим. Бизнинг ўзаро гаплашганимизга кўзи тушган колонна бошлиғи нимадандир шубҳаланиб, тиконли сим дарвоза олдига яқинлашганимизда тўхтатиб: «Ҳамманг ўтир, турсанг отиласан», деди. Начора, ҳамма ўтирди. Кимларнинг оёқлари, баъзиларнинг юзларини совуқ олди. Мен эсам устаконга эсон-омон, ўлмай тирик келганимга шукр қилардим. Чунки қамоқ муддати тугаб, энди озодликка чиқиш пайтида бекордан-бекор қанча маҳбуслар ўлиб кетганининг гувоҳи бўлганман.

Улар кимлар эди! Улар 10—15 йил лагерь меҳнатини қилиб, ҳолдан тойиб йиқилган кекса армия генераллари. Булар бутун Красноярск ўлкасига шаҳарлар, катта-катта қурилишларнинг лойиҳаларини тайёрлаб берувчи йигирма беш йилга ҳукм қилиниб, лагерь бўтқасини еб яшовчи машҳур меъморлар, инженер шўрликлар эди. Норильск посёлкаси деб аталувчи шаҳарни пойдеворидан тортиб то томигача битириб берадиганлар ҳам, хўрлик ва азобларда яшайдиганлар ҳам шулар. Булар табиатан меҳнат азобини биров зўрламаса ҳам ўзларига ўзлари сотиб оладиган одамлар. Булар чала-чўлпа, қўл учида, хўжакўрсинга иш қилишга ўрганмаган одамлар. Ҳатто булар хом-хатала ишга кўнгиллари тўлмай, бўлганича-бўлар, менга нима дейиш хаёлларига келмайдиган, иш вақтида маҳбус эканликларини ҳам эсдан чиқариб, ўзаро жанжаллашишга ҳам борадиган кишилар эди. Чунки улар ҳалолликка ўрганган одамлар. Шундай одамларни қўшни лагерьдаги ишласа ишлаб, ишламаса бир-бирини ўғрилаб, қимор

ўйнаб яшайдиган муттаҳамлар халқ душманлари, фашистлар деб девор орқасидан ҳақорат қилиб, ўзларини эса, бизлар ўғри бўлсак ҳам халқнинг дўстимиз, дейишарди.

Бу ўғри муттаҳамларнинг ҳақоратлари етмагандек, сиёсий маҳбуслар қурган шаҳарларни радио, марказий газеталарда шармандаларча комсомоллар отряди муддатидан илгарии шараф билан топширди деб ҳаммаёққа жар ҳам солишарди. Беҳабар одамлар бунга ишонсалар ҳам, аммо бу ишларни ким қилганини ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳи бўлган шу ерлик аҳоли, комсомолларнинг ўзлари газета, радиодаги бу ахборотларни ўқиб нима деб ўйлашарди? Гарчи маҳбусларнинг хизматлари айтишга муносиб кўрилмади, сир тутилса-да, комсомоллар қилмаган ишни улар қилди, деб ёлгон ишлатишнинг нима зарурати бор эди? Бу ёшларни ёлғонга ўргатиб, ростгўй одамларни ғазаблантирмайдими? Тавба, йўқ!.. Булар бу ёлғонларга табиий бир ҳол деб қараганлариданми, табиатан пишиқ иш қилиш қонларига сингиб кетганиданми, ҳатто иш вақтида бир-бирлари билан бундай қилма, бундай қил, деб ёқа бўғишгудек бўлардилар. Чунки душман саналган бу одамлар аслида ҳалол виждонли, эътиқоди бутун одамлар эдилар.

Қорбўронларида юролмаи, беихтиёр сафдан четга чиқиб, конвойлар отиб ташлаганлар ҳам шундай ҳалол, виждонли одамлар эдилар.

Уша олтмиш даражали совуқ, қор бўронли тунда икки кўзим ёшдан ёнғоқдек-ёнғоқдек музлаб, қаловланиб юролмай қолганимда, устаконга мени етаклаб борган навбатчи темирчилар — молдавиялик Миша билан полякми, украинми Перитулалар ҳалол, виждонли бўлганлари учун қамалганлардан эдилар. Буларни тунги овқат вақтидаги бир-бирининг ғажиғудек жанжаллашгани ҳали эсимда. Нега? Жанжал нимадан? Иккаласи маҳбус, иккаласи бир-бирига бегона, бошқа-бошқа миллат, нима, ота-бобосининг молини талашадими лагерьда?

Ҳа, ҳалолликка ўрганган, виждон амри билан тўғри иш қилишга одатланган ва шундан ором оладиган одам, ҳеч маҳал ўз ихтиёри билан қийшиқ иш қилмайди. Ҳаромга қўл урмайди. Бу икки темирчининг жанжали ҳам мана шундан. Бирини бундай қилса, яхши бўлади деса, буниси бундай қилса... Буни қаранг, иккиси ҳам маҳбус, иккаласи ҳам қилмаган гуноҳлари учун 10—15 йилга ҳукм қилинган, таажжуби шундаки, беғуноҳдан-беғуноҳ ўзларини қамаган давлатнинг иши учун шунчалик жон куйдириб, яна бир-бирлари билан — сан-манга борсалар, бундай холис, бундай беғараз одамларни қамаш эмас, ахир, қадрлаб бошга кўтариш керак эмасми? Наҳот шулар ўз ватанларига ёмонликни раво кўрган бўлсалар?

Ўзим қамалганимга қадар кўплар қатори мен ҳам халқ душмани бўлиб қамалганларга баъзан иккиланиб, бирор айби бўлса керак деб қарардим. Ҳатто ҳибсга олинганимнинг дастлабки пайтлари ўзимдан бошқа КГБ қамоқхонасидагиларга ҳам, айниқса, ватан уруши даврида хоинликда айбаниб қамалганларга Совет давлатининг ашаддий душманлари, деб жирканиб қарардим.

Душман ким? Ҳар қадамда Ватаннинг заволини ўйлаганми ёки унинг манфаати учун қамаб қўйганда ҳам шу ер, шу замин менинг ватаним деб жон куйдирганларми? Ким?! Ахир ким халқ душмани?!

Бу саволларга ўзимча жавоб ўйлаб, 50—60 даражали совуқдан қирқ ямоқ увадаларга ўралиб, жир-жирдони йўқ, қуруқ сувда қайнатилган сулини пачақ-пачақ алюмин мискадан қошиқсиз хўплаб ўтирган бу одамларга

тикилиб, ҳалоллик, этиқод, кишилардаги яхши фазилатларнинг нақадар оёқости, хор қилинганидан дод солишимни ҳам билмасдим.

Мен Перитуладан қамалганига қанча бўлгани, шундай меҳнаткаш, ҳалол одам бўла туриб шикоят ёзганми, ёзмаганини сўраганимда, у заҳархандалик билан:

— Кимга, нима деб ёзаман? Мени ноҳақ қамадиларинг дебми? Ноҳақ қамаганларини ўзлари билишмайди? Ёки мўйловига арз қилсамми, а? (Сталинни лагердагилар номини айтмай, мўйлов деган лақаб билан атардик), — деди-да, нима учундир қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади, — Мана, мўйловга арз ёзганларнинг биттаси шуми? — деб, ёнидаги баланд бўйли молдавиялик Мишани кўрсатди.

Мен бу ҳақда оғиз очганимга минг афсус қиламан. Мишанинг унутилган дардларини янгиладим. Эскирган ярасини тирнадим. Фақат унга эмас, ўзимга ҳам ортиқча дилисиёҳлик орттирдим.

— Бизларга арз-дод қилиш, ҳукм хато деб шикоят ёзиш мумкин эмас. Бизлар умрбод қамоққа маҳкум одамлармиз, шуни биласанми? Бизларни ҳукумат душман деб қамагандан кейин, душманинг гапига, минг ҳақ бўлсанг ҳам, минг дод десанг ҳам, ишонадими? Ишонмайди! Ишонмайди!... Бу гапларни у шундай ғазаб билан айтдики, назаримда бу гапни кўзгаганим учун қўлидаги миска билан мени ургудек эди. Чунки Миша қамалгандан кейинги ҳаётидаги бахтсизликларга Москвага, юқори ташкилотларга ёзган шикояти сабаб бўлган экан.

Бизга шикоят ёзиш мумкин эмас, деганинг сабаби одатда, 8—10 йил муддатга қамалганларнинг деярли ҳаммаси ҳақми, ноҳақми норозилик билдириб шикоят ёзмас экан. Чунки ёзганинг билан ҳеч маҳал бирор ижобий натижа чиқмаган. Ҳатто шикоят ёзиш учун ҳавфли саналаркан. Негаки, ёзган шикоятнинг раҳбарларнинг нафсониятига тегиб, сенга янада нафрат кўзгатаркан. Сенинг шикоятингни улар душманларни Совет қонунига бўлган ишончсизлигининг яна бир белгиси деб қабул қилиб, қамоқ муддатини камайтириш ўрнига устига-устак қўшиб қўйилган фақат. Мана шундай инсофсизлик Мишанинг бошидан ҳам кечган.

Миша лагерда 6 йил ўтиргандан кейин, ўзининг ҳалол меҳнаткашлиги, аввало бегуноҳлигига ишониб, қолган 4 йилини олиб ташлашни сўраб, давлат инсофга келиб қолгандир деган ниятда СССР Бош прокурорига шикоят ёзди. Шикоятини олгач, қайтадан тергов бошлаб, шикоят ёзадиган ҳали сенми деб, йўқ гуноҳларини зўрлаб бўйнига илиб, лагерда ўтказган олти йилини бекор қилиб, ёзган шикоятга қайтадан 10 йил қамоққа ҳукм қилинди деб жавоб беришди. Мана сенга арз қилишнинг оқибати. Мана адолат!

Катта умид билан, марҳамат кутиб ариза ёзган Миша бу жавобни олгандан кейин, дунёда ҳақиқат борлигидан умид узиб, бундан буён дийдор кўриш йўқ, дийдор кўриш йўқ деб, ўша кундан бошлаб оиласи билан алоқасини бутунлай узган экан. Қандай даҳшат! Ахир бу ўзини ўзи тирик кўмиш-ку! Тириклар қабристонини дейилишининг сабабларидан яна бири балки шумикан?

Менинг ўзимга тепган чексиз қайғу ва умидсизликни сезган Перитула:

— Сен Мишанинг гапидан чўчима, сенинг муддатинг 25 йил экан, арз-дод ёзасанми, шикоят қиласанми, инсоф бериб камайтирсан, камайтиради-ю, устига қўшиб қўймайди, нимани кўшади. Ёзсанг, ҳеч нарса йўқотмайсан, — дегандек таскин бериб, лагерда ясалган қўлбола кастрюлкадаги овқатнинг қолганини мискага солиб ича бошлади. Уруш йиллари лагердаги очарчиликни бошдан кечирган бундайлар учун бу овқат ҳам тансиқ ҳисобланарди.

Бу гапларни эшитиб мен ўзимча, ўн йилга ҳукм қилинганлар қайта дийдор кўришдан умид узиб, ўзларини ўлдига чиқарсалар, 25 йилга ҳукм қилинган менинг хотиним, бола-чақаларим билан қайта кўришдан умидвор бўлишим!... — дея ўйладим.

Менинг дунёим бу — тўрт томони тиконли сим билан ўралган девор, увада кийим, емишим — арпаю сўк. Ҳаёлимда бирдан-бир нарса хотин, болаларим, эркинлик. Аммо озодликда, еб-ичиб, тўю томошаларга безаниб юрганларнинг ўй-хаёллари-чи?.. Хонанда-созандаларнинг дилни қитиқловчи куйлари чалиниб, дастурхон тўла нозу неъматлар, рақсларга торт-торт қийқириқ ойнарида, наҳот бизлар эсга келсак?

25 йил!!

Ноумид шайтон! Перитула айтгандек, карнайчидан пуф, шикоят ёзсам, нима йўқотаман? Бордию шикоятимга гуноҳи йўқ, озод қилинсин ёки қамоқ муддати қисқартирилсин, жуда бўлмаганда сургун билан алмаштирилсин деган жавоб келиб қолса-чи? Ахир ҳаётда не не мўъжизалар рўй бермайди?! Шикоят ёзишдан ўзга нима чора? 25 йил қаёқда-ю, 10 йил қаёқда! Ох, банда, нималарга кўникмади-я!

Ноумид шайтон!

Мўъжиза

Фотиҳага қўл очиб дуо қилинганда: «Худоё худовондо, қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан ҳамиша ўзинг асра, дўзах азобларини ҳеч банданга кўрсатма», деб ният қиларди. Гуноҳқору осий бандаларни у дунёда муз дўзахдан олов дўзахга, гоҳ олов дўзахдан муз дўзахга ташлаб, ёлгончию тухмат қилганларнинг тилини илончаёнларга чақтириб, вужудини каналарга талатаркансан, парвардигор, аммо мен яшаётган бу лагернинг ундан фарқи борми?! Мен сенга нима гуноҳ қилақолувдим, парвардигор!?

Қирқ, эллик даражада кун иссиғида ёниб ётган темир вагонда 100—150 одам тиқилиб, унинг устига ўзи ўтирган тувакнинг сассиғида, ҳафталаб қултум сувга зор бўлиб яшасанг, бу қайси дўзах азобидан кам! Бунга ношукрчилик қилсанг, дунёнинг бир чеккасидаги ўн бир ой қиш, 50—60 даражали совуқ, бўрон бўладиган, олти ой тун, қуёш кўрмайдиган жойга ташлашса, йил бўйи канаю қандала, бургалар уйқу бермай таласа, бундан бошқа яна қандай дўзах бўлади?! Дўзах азобининг ўзи шу эмасми?

Ўзинг қилмаган ишларни қилдинг деб, ростини ёлгон деб тухмат қилган терговчи, судларнинг тилларини каналар сўрмай, уларни жазоламай, нега бегуноҳ, ҳақиқатни айтган меҳнаткаш, ҳалол бандаларингни бу кунга солдинг, парвардигор!

КГБ қамоқхонасидаги қандала, бургалар чақишидан қутулдим десам, мана энди ундан баттарига мубтало бўлдим.. У ерда қайноқ сув қуйиб қандалаларни йўқотардик, бу ерда уч қаватли нарларга сув қуйиб бўлади-ми? Бу ерда кана, қандалаларга қарши курашининг бирдан бир чораси фақатгина дераза, эшикларнинг тешикларини суваб, бир кеча-кундуз олтингугурт тутатиш. Аммо, унинг кўрпа-ёстиқларнинг мағзи-мағзига сингиб кетган, димоқларни ачитувчи сассиғидан ухлаб бўлмасди. Ҳафталаб сассиғи кўрпалардан аримасди. Деразаларни эса очиб, шамоллатишнинг иложи йўқ, чунки ташқари 50—60 даража совуқ, бўрон. Умуман, бу ерда йил бўйи деразалар очилмайди. Қиш бўйи қонингни кана сўрса бир неча ҳафталак илиқ кунларда эса торф ботқоқзорининг чивинлари талаб, кўзингни очирмайди. Бир томондан кечагина тутатилган олтингугуртнинг сассиғи, бир ёқда хаёл азоблари... Туни бўйи ухламай, тонг-

га яқин эндигина кўзим илинганда, ниҳоятда ваҳимали туш кўриб уйғондим.

Уйғонганда ҳам кўз ёшларим билан йиғлаб, қуръон ўқиб уйғондим.

Тушимда Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси эмиш. Куппа-кундуз куни. Бирданига қибла томондан қоп-қора булут ёпирилиб, бутун атрофни бир нафасда қоронғулик босиб кетганмиш. Булут билан бирга шундай бир бўрон турганмишки, оёғимни ердан узиб мени учуриб кетибди. Агар бир жойга олиб бориб ургудек ёки ташлаб юборгудек бўлса борми, парча-парча бўлишим турган гап. Мен бор кучим билан тепаликдаги «Тиконли мазор» деган қабристоннинг бир бурчагидаги Аваз девонанинг ғорига кириб жон сақлаб қолиш учун унинг ёнидаги толни ушлаб олишга интилармишман. Бўрон эса ўз ҳолимга қўймай, осмонга учуриб кетармиш. Ғор ёнидаги толга зўрға яқинлашиб, ҳали унга ёпишиб олгунимча ҳам бўлмади, булутлар орасидан худди танаси бузоқдек, ҳар битта қаноти бир қулоч келадиган қоп-қора қуш пайдо бўлиб, чангалларини ёйиб мен томон ташланмоқчи бўлиб кела бошлади. Уни кўрдиму энди куним битибди, ўлимим муқаррар экан деб, бу офатдан асрашни сўраб эмас, фақатгина билиб-билмас ота-онамга қилган гуноҳларим, берган озорларим бўлса керак деб, шунга худой таолодан узр сўраб, кўз ёшларим билан калима келтира бошладим, чунки менинг ота-онам олдида қилган бирор гуноҳим бўлмаса, ундан бошқа на бирор одам, на халқим олдида узр сўрайдиган гуноҳим йўқ эди. Бундан ташқари, мен учун энг муқаддас нарса бу ота-онамнинг ризолиги эди, холос! Тушимда кўз ёшларим билан худода ёлвориб, калима келтиришим биланоқ, ҳозиргина бутун осмонни зимзиё қилиб қоплаб турган қопқора булут ҳам, қанотини ёйиб менга ташланмоқчи бўлиб келаётган баҳайбат ёввойи қора қуш ҳам бирданига қаёққадир ғойиб бўлибди. Мен эса пешин пайтида қуёш чиқиб, ҳовлисига терилган фишлари топ-тоза, ярқираб турган Лайлак масчитда пайдо бўлиб қолибман. Ҳаммаёқ нур, мен ўзим озода кийимларда! Тушимнинг давоми нима билан тугади, эслолмайману, шу вақтда баланд овоз билан қилган тиловатимни эшитиб, уйғониб кетган, ёнимда ётган қўшим — «ҳай, нега бақирасан, уйқисирама, йиғлама...» деб туртиб мени уйғотиб юборди; кўзимда шашқатор ёш билан, калимамни давомини ўқиб уйғондим. Уқиган дуойим ҳамон қулоғимда жаранглаб турарди. Уйғондим шу заҳоти хаёлимга келган нарса: «Оҳим энди худога етибди, менга ёпирилган балолар даф бўлиб, фалокатларим арибди. Энди уйга кетарканман», — деган фикр бўлди. Бундай ўйлашимга ишонарли сабаб ҳам бор эди. Масчит муқаддас, гуноҳлар арийдиган жой, қуёш ёруғлик, булут билан қора қушнинг ғойиб бўлиши булар бошимдан фалокатларни ариши эди. Бундан ташқари орада бир мўъжиза рўй бериши, яхшилик бўлиши ҳақидаги гаплар кейинги вақтларда маҳбуслар оғзидан тушмай қолган эди. Бу бежиз эмас эди, жон бор эди. Бир неча кун хаёлим туш қувончи билан банд бўлди. Бу тушимнинг таъбирини Москвага ёзган шикоятимнинг ижобий жавобига йўйдим. Фақатгина бу эмас, бу туш менда қандайдир янгидан куч пайдо қилди. Менинг руҳимни кўтарган нарса яна шунда эдики, бу туш ўзимнинг кимлигимни ўзимга танитди. Этиқодимнинг синови бўлди. Ҳар қандай даҳшат, ҳаттоки ўлим олдида ҳам ўз жонимни ўйламай, қўрқув билмай агар гуноҳ қилган бўлсам, уни дадил тан олишга етишганимнинг тимсоли эди. Бу пешонага нима ёзган бўлса, шуни кўриш, фақат имону ҳақиқатга суяниб қолганим, покланганимнинг нишонаси эди.

Озодликка чиққунимча бу тушимни ҳеч кимга айтмайман деб ирим қилдим. Тушимнинг таъбири тўғри чиқди,

яхшиликка бўлди. Орадан кўп ўтмай, яна бир кўрган тушим бунга тасдиқлади.

Тушимда лагернинг темир дарбозалари очилиб кетганмиш, мен бўлсам қизил от минганимча ёп-ёруғ, бепоён кенгликка чиқиб қолганмишман. Лекин тахминан юз-икки юз қадам юрмасимдан жунли қўлқопимнинг бир пойи лагерда қолгани эсимга тушиб, ортга қайтайми, қайтмайми деб ўйлашиб, отимни тўхтатганча уйғониб қолдим.

Уйғондим у ниҳоятда қувонч билан ўйлана бошладим. Чунки бу тушим таъбири олдингисидан ҳам хайрли эди. Бу олдинги кўрган тушимни тасдиқларди.

Ахир, от тушда кўринса мурод дейилган. Демак, от миниб, тиконли сим деворлардан ташқарига чиқиб кетишим — бу қамоқдан қутилиб, муродимга етишимнинг белгиси эди! Аммо қўлқопнинг қолишига қандай таъбир бериш мумкин? Бу ниманинг аломати? Бу кўнглимни бироз ғаш қилди. Бундан қатъи назар, яқин орада қандайдир мўъжиза рўй бериб, озодликка чиқиб кетишимга заррача шубҳам қолмаган эди. Шундай ишонч билан яшай бошладим. Тутқунликда яхши тушдан бошқа қувонтирадиган, умид қиладиган ниманг бор!

Кўрган тушларимнинг таъбирини бирор одам нотўғри йўйиб, таъбимни хира қилиб, бирдан-бир умид, бирдан бир шодлигимдан ҳам маҳрум қилмасин деган ўй билан қамоқдан қутилиб чиққунимга қадар ҳеч кимга айтмай, ичимда сақладим. Бундан ташқари, лагердагиларнинг деярли кўпчилигида шундай эътиқод, шундай бир хусусият шаклланиб қолган эдики, бу шўрликлар ҳаётларида ёлғон-яшиқ, алдовларни бошдан кечиравериб, эшитавериб, фақат туш эмас, ҳатто унча-мунча гапларга ҳам, ўқиганларни, ёзилганларга ҳам ишончлари қолмаганди.

Менинг ўзимда-чи?!

Лагердаги қай бир маҳбуздан, қайси қилган гуноҳингга, неча йилга қамалгансан? — деб сўрасанг, ҳаммасидан бир хилда — ўғрилиқ қилибманми, одам ўлдирибманми? — деган жавобни эшитасан. Фақат улар эмас, мендан сўрасалар ҳам, мен ҳам шу жавобни қилган бўлардим. Лекин улардан менинг фарқим шу эдики, уларнинг кўпчилиги бу тузоқдан эсон-омон қутилиб чиқишга, адолат борлигига ишонмай қўйганди. Уларнинг биран-бир айтадиган гаплари, умидлари қамоқ муддатларини тугатганимиздан кейин, яна қандайдир ясама гуноҳ топмай уйларимизга қайтарса бўлгани, дейиш эди. Улар қонунга ишончларини йўқотган эдилар. Адолат, ҳақиқат ҳақида гап очилгудек бўлса, фақат заҳарханда, кулгу, кесатиқ билан гапирардилар. Адолат сўзини киноясиз, асабийлашмасдан айтмасдилар. Ҳақиқат ҳақида гапирсанг, портлагудек бўлардилар. Бу одамлар ноҳақликларни кўравериб тўлиб кетишганди. Лекин чора йўқ. Қамоқнинг азобларидан бери ҳам мана шу чорасизлик! Масалан, мен ўзим қайси қилган гуноҳимга бола-чақаларимдан, севиқли хотинимдан жудо бўлдим? Қайси жиноятимга!? Қайси қилган бўҳтонларим учун шеърларим куйдирилиши керак! Менинг ному нишонимни йўқотиб қайси баттолликларимга, ахир!

Наҳот, шундай бир мамлакатда додинга етгучи, ҳақни ҳақ қилгучи инсон, бирор раҳбар топилмаса! Наҳот!!! Наҳот, айримлар айтгандек қилинган шикоятлар Сталинга етиб бормади, йўлларда тутиб қолинса! Наҳотки халқнинг охи-зори, минг-минг тирик етим бўлиб қолган гўдакларнинг кўзёшлари, ёшлигида бева қолган келинларнинг нолишларию ёлғиз фарзандларидан тирик айрилган оналарнинг фарёдларидан Сталин беҳабар бўлса! Судларда, прокурорларда инсоф қани?

Қамалибманки, эртадан-кечгача хаёлимда шу савол. 25 йил! Наҳотки, мен қилган гуноҳ ватан хоини, жосусликда айбланганларникидан ҳам оғирроқ ҳисобланган

бўлса! Уйлаб-уйлаб, хаёллару саволларнинг охирига етиб бўлмасди.

Дунёда беш кўл баробар бўлмагандек, ҳаммага қўйилган гуноҳ ҳам бир хил эмас-ку! Баъзан шундай хаёллар билан шикоят ёзмоқчи бўламан-да, бутунлай гуноҳсиз деб оқламасалар ҳам, ҳар ҳолда ўн йилга туширсалар, дийдор кўриш мумкин деб қувонаман. Бир дам тирик одамга ўхшайман.

Юқорида кўрган тушларимнинг ҳақиқатга айланишига, ўнг келишига мен билан битта бригадада ишлайдиган, 50 ёшлар чамасидаги чеченнинг гаплари яна-да кучли ишонч ҳосил қилди. Бугун унинг ёзган шикоятига катта ердан (бизлар яшайдиган лагерь Шимолий муз уммонига туташган ярим орол бўлгани учун ундан ташқарини — Москвами, Тошкентми, шундай деб аталади) жавоб келди. Айтишича, бутунлай оқлаб юборишармиш. Бунга унинг ишончи шу қадар комил эдики, айрим нарсаларини яқин кўрганларига, ҳатто юз граммча пиширилмаган сур думбасини менга қолдирди.

Икки йилнинг ичида оғзимга биринчи мазали нарса тегиши. Хайрлашар олдиман, яқин орада бирор яхши ўзгариш бўлишини, аниқ одамдан эшитганига мени ҳам ишонтириб, албатта, ноумидликка тушмай, Москвага шикоят устига шикоят ёзишимни тайинлади.

У бу гапларни айтганда нимани назарда тутган эди, билмадим, аммо орадан кўп ўтмай, айримларнинг эшитгани бўйича, яқин орада давлат раҳбарлари орасида ўзгариш бўлармиш деган миш-миш, параша гаплар оғиздан-оғизга ўтиб қолди. Яқин орада «мўйловдан» (қамоқдагилар Сталиннинг номини айтмай, «ус», «мўйлов» деб аташарди) қутиламиз деган гап ҳам чиқиб қолди. Бу ҳам тушимнинг ўнг келишидан дарак эди.

Сталин ҳақида бундай гапларни, ҳатто лагерь шароитида айтиш ҳам қанчалик хавфли бўлмасин, аммо кўпчиликка қандайдир яхшиликка умид уйғотгандек эди. Одамларга бу гап қаердан келган, уни қаердан билганлар, буниси номаълум, лекин миш-мишлар бежиз бўлиб чиқмади. Орадан уч-тўрт ой ўтмай, гўё маҳбуслар бу гапларни қаромат қилгандек, радиодан Сталиннинг касали ҳақидаги ахборотни эшитиб қолдик. Бутун лагерьлардаги маҳбуслар орасида ички бир ғалаён бошланди. Бутун адолат, бутун эркинлик, бутун ўзгаришлар Сталин номи билан алоқадор бўлгандек, одамлар орасида қутилмаган бир ҳолат пайдо бўлди. Очиқ айтмасалар ҳам, яхшиликка, бўлажак ўзгаришга умид уйғонган эди. Гўё йўловчилар учун хатарли, аммо қачондир қулаши лозим бўлиб қолган қоя қулагандек, атрофдаги аҳоли хатардан энди қутилгандек кайфиятда эди.

Сталиннинг беморлиги ҳақидаги ахборот радио орқали бир неча кун давомида соатма-соат бериб борилди. Эшитганларнинг ташвишу безовталиклари Сталиннинг ўлиш ёки қолиши эмас, йўқ, асло, бирдан-бир нарса, унинг ўлиmidан кейинги ўзгариш, раҳбарликнинг инсофли бўлиши, ноҳақ жабрланган миллион-миллионларнинг тақдирига бўладиган адолатли муносабатида эди. Буларнинг кўпчиликлари фақат ўз тақдирлари ҳақидагина эмас, балки жамиятда бўладиган ўзгаришлар ҳақида ҳам баҳс қилардилар.

Сталин ўлди.

Гўё каттакон муз тоғи аста-аста уммон қаърига жимжит чўкиб кетгандек, бир неча кунлар давомида одамлар орасида шундай бир саросима, ўйчанлик ҳукм сурди. Чўкаётган муз тоғи чўкиб, гоҳ қалқиб кўтарилгандек, бўрон олдиан чанг, тўзон кўтариб келган шамол, бирдан бўронга айлангандек, маҳбуслар орасидаги жим-жит ўйчанлик, пичир-пичирлар ҳам кўп ўтмасдан ҳайқирикча айлана бошлади.

Сталин ўлиmidан кейин, ёдимда йўқ, қанча вақт ўтди, мен турган Норильск ярим оролидаги қаттиқ режимли барча сиёсий лагерларда бир кунда, бир соатда исён кўтарилди. Фақат Сталин ҳамманинг кўлига кишан бўлиб, овозларини бўғиб ётгандек, Сулаймон ўлиб, дўлар қутилгандек, маҳбусларнинг иш ташлаб, ишга чиқмасликлари бир неча кун давом этди. Ўз талабларини лагерлар бошқармаси бошлиқлари олдига моддама-модда ёзма (манифест) тариқасида кўтариб чиқдилар. Унда:

1. Иш соатлари қисқартирилсин.
2. Бир йилда бир марта хат ёзиш бекор қилинсин!
3. Оиласи, яқинлари билан кўришишни истаганларга рухсат этилсин.
4. Вафот қилган маҳбусларни бекафан, фақат кўлларига тахта бойлаб ит қатори кўмилмасин.
5. Ноҳақ қамалганларнинг ишлари қайта кўриб, озод қилинсин.
6. Меҳнатларига нон ва чекишга етарли ҳақ тўлансин.
7. Лагерь ходимлари томонидан маҳбусларнинг инсон ҳуқуқларини истаганча поймол қилишлари бас қилинсин. Инсон деб қаралсин...

8..
ва шунга ўхшаш бир неча моддадан иборат қатъий талаблар қўйилган эди.

Булардан ташқари, ўз талабларини айтиш учун Москвадан давлат раҳбарлари, Маленковнинг, айримлари Ворошиловнинг келишини талаб қилиб, унга қадар лагерьни ўз қўлларида тутиб, ишга чиқмасликларини билдирдилар. Уша исён кунлари лагерьдаги исёнчилар лагерь қамоқхонасидаги маҳбусларни чиқардилар. Ошхонадан тортиб, лагерьнинг ичидаги касалхона, шифоналаргача исён раҳбарлари ўз назоратларига бўйсундирдилар. Лагерь раҳбарлари, назоратчилар лагерь дарвозасига яқинлашолмас, исёнчилар билан карнайлар орқали гаплашишга мажбур эдилар. Лагерь ичкарисида фожиалар бошланди. Ўзи маҳбусликда ётиб, маҳбуслар ҳақида лагерь раҳбарига маълумотлар бериб турган стукачлар (бошлиқларнинг эшигини қоқувчи, гап ташувчилар) жазоландилар. Лагерь ҳовлисида осиб қўйилдилар.

Лагерь атрофини танклар билан ўраб, исён кўтарганлар, ўз талабларидан қайтмасалар ўққа тутажаклари ҳақида тиконли сим деворларнинг тўрт томондаги минораларда автомат тутган соқчилар эълон қилиб турсалар ҳам, ҳақсизлик жонларидан тўйдирган маҳбуслар ё ўлим, ё адолат дегандек қатъий туриб олдилар. Ялпи очлик эълон қилажакларини билдирдилар.

Лекин улар расмий очлик эълон қилмаслариданоқ лагерьнинг ичида очлик бўла бошлади. Лагерьнинг ичидаги нонвойхона ёпилди. Чунки ташқаридан ун келмай қолди. Фақат ун эмас, лагерь ичидаги иссиқ овқат учун керакли дон-дунлар ҳам бори тамом бўла бошлади. Оз-моз бор овқатларга ҳам исёнчилар билан лагердаги зўравонлар эга чиқдилар. Лагерьдаги кўпчилик шуларга қарам бўлиб, бир бурда нон топилса, еб, бўлмаса оч қола бошладилар.

Исёнчилар ўз олдиларига, ўн йиллаб лагерьларда яшаб, охири хор-зор бўлиб ўлгандан кўра, ҳамонки ўлиш бўладиган бўлса, ё озодлик, ё очликда бўлса ҳам курашиб ўлган яхши, деган ниятни қатъий қилиб қўйган эдилар. Бир неча кунга чўзилган исён бекор кетмади. Ростми-ёлгонми ўзларини марказдан келган вакиллар деб танитган бир неча кишилар маҳбуслар билан учрашув қилдилар. Яқин орада кўпчилик талаблари қондирилиши, муддатлар қисқартирилиши, ноҳақ қамалганларнинг ишлари қайта кўрилиб, озодликка

чиқарилиши, бироз сабр қилиш лозимлиги айtilди, хуллас, ўз келажаги, адолат, совет қонунига ишонч йўқотган шўрликларда озми-кўпми рўшноликка умид уйғотилди.

Улар қилган ваъдалар дарҳол амалга ошмас ва Сталиннинг ўлиmidан кейин муносабатларда ўзгариш сезила бошлади.

Бир йилда бир марта ёзиш мумкин бўлган хат ўрнига энди икки, уч марта ёзишга, оила аъзолари билан учрашиш, уйдан нарса олишга ижозат бўлди.

Аммо булар йиллаб қамоқда ётган маҳбуслар учун аҳамиятсиз нарсасидек эди. Чунки, бир йилда бир марта эмас, ўн марта хат ёзишга рухсат этганлариди, кимларга нима деб хат ёзасан? Борди-ю сенинг ҳам опа-сингил, ота-она ёки қариндош-уруғларинг Болтиқбўйи республикалари, ғарбий украиналик маҳбусларникидек қамоқ ёки сургунда бўлсалар, уларга ёзсанг, хат орқали алоқа қилсанг, албатта, бу имкон ҳам бир марҳамат ҳисобланарди! Аммо сен, қайси меҳрибон қариндошинга, қайси қадрдон дўстинга, нима деб ёзасан? «Азиз дўстим ёки севиқли жигарим, мен сени жуда-жуда соғиндим, сен билан қадрдон эдик, сен менинг кимлигини билардинг, мени заррача гуноҳим йўқ, тақдир экан... кўришгунча хат ёзиб тур!» дейсанми?..

Бундай деб хат ёзиш энг яқин дўстинг, ёки яқин кишингни ўз ёнинга тортиш, гуноҳларингга шерик қилиш билан баробар эди. Бундай мактубларни ёзиш, энг яқин одамларингни сенга ҳамфиқрликда айблаб, қўлга тушириб қамашлари учун баҳона бўларди, холос. Бундай бўлишини маҳбуслар ҳам, озодликда қолганлар ҳам албатта яхши билишарди. Шунинг учун сен ёзган хатингни олган тақдирлариди ҳам ваҳимага тушиб, ўша заҳоти йиртиб ташлаб, ҳеч нарса бўлмагандек жавоб ҳам бермасликлари, ҳатто айримлари, ўзларини кутилмаган офатдан қутқариш учун ваҳима билан, «Маҳбус Шукрулло, сен менга ҳеч маҳал қадрдон, мен сенга меҳрибон, сирдош бўлмаганман. Мени яхши билардинг деб, хато қилибсиз! Бундан кейин менга хат ёзманг! Мен сиздек халқ душманини танимайман», деган жавобни қилиши ҳам мумкин.

Ахир, мен ўзим хотиним, бола-чақамдан бошқа қайси бир дўстим, қайси қариндош-уруғларимга хат ёзганман! Ёки қайси бирларидан, қаердасан, ҳолинг қалай, нима бўлди, деган бир энлик хат олганман? Гарчанд бундай муносабат инсоний бўлмаса ҳам, ниҳоятда оғир ботса ҳам, ранжиш, гина қилиш ўринсиз эди.

Замоннинг зайли деб гина қилмайсан, айбни сиёсатга қўясан. Аммо инсонийлик, одамийлик нуқтаи назардан ўйлаб кўрсанг-чи, ниҳоятда аламли! Ниҳоятда даҳшат! Ахир, кечагина сен билан оғиз-бурун ўпишиб, сендан бошқа менинг дўстим йўқ, деган бу гапларга сен ишониб, яна улар билан кўришармиканман деб соғинган одамларинг бугун «мен сени танимайман, менинг номимни тилга олма, олчоқ», деб жавоб қилсалар!.. Инсонларнинг виждони чидаб шу даражага етиш сени қийнамайдими? Қадр-қиммат қаёқда қолди?

Исёндан кейинги қувончли ўзгаришлардан яна бири — баракларга қўлф солинмайдиган бўлди, кечаси бемалол ҳожатга чиқиш имкони туғилди.

Гарчанд номи лагеръ дейилса ҳам, аслида тартиб жиҳатдан қамоқдан камдан-кам фарқ қиларди. Юзлаб маҳбуслар ётадиган бу жой кеч соат ўн бирдан кейин қўлфлар солиниб, тоза ҳавога чиқишдан маҳрум этиларди. Юзлаб одамларнинг туни бўйи тувакка ўтирган шиптирларига чидашга мажбур эдик.

Исёнчиларга қилинган ҳамма ваъдалар дарҳол амалга ошмаган бўлса ҳам, Сталин ўлиmidан кейин қамоқ муддати оз қолганларнинг «жиноий» ишларини қайта

кўриш учун комиссия ишга тушди деган гаплар эшитила бошлади. Ҳақиқатан ҳам, 10—15 йилга кесилиб озодликка чиқишга бир-икки йил қолган айримларни 1954 йилда муддатидан олдинроқ чиқара бошладилар. Албатта, Совет қамоқхоналарига бир тушдингми, тамом, адоий тамом бўлмасдан бу сиртмоқдан қутулиб бўлмайди, деб ўйлаганлар учун бу янгилик ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Аммо мендек 25 йилга ҳукм қилинганларнинг тақдирини ҳақида турли миш-мишлардан ташқари аниқ бир гап ҳозирча йўқ эди. Аммо ўлмайдир озодликка чиқишга озми-кўпми умид уйғонган эди.

Сталиннинг ўлими, бир-икки йил қамоқ муддати қолганларни озодликка чиқарилиши ва ўзим кўрган тушлар ҳамма-ҳаммаси менда энди озодликка муқаррар чиқишимга ишонч, сўна бошлаган ижодий тафаккурга қайтадан жон ато бўлишига туртки бўлган эди. Ижод иштиёқи, теваракка ижод назари билан қараш уйғонгандек бўлди. Аммо бир муаммо қийнарди.

Хўш, нима ижод қиласан? Нима ҳақида ёзасан? Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! Яна бахтиёрлик ҳақида, бахтиёрман, деб ёзасанми? Бахтиёрлик ҳақида ёзиб, бахт топдингми? Топган бахтинг мана шу лагеръ бўлдими? Шу вақтгача ўз халқинга манфаати тегадиган нима ёздинг? Шоир сифатида нима яратдинг? Хўш, дарҳақиқат, жавоб берарлик нима қилдинг? Ҳақиқий ижод ўзи нима?

Шу ҳақда ўз-ўзимга савол бериб, ўйлар эканман, кутилмаган бир тасодиф фикримга ёрқинлик киритди.

Лагерларда, биз ўрта осиеликларни ўзларини илғор маданиятли ҳисоблаб келган айрим овруполлар «орқаси қоралар», деб чақириб, маданият, санъатдан беҳабар, илм-маърифатдан узоқ халқлар деб қарашарди. Ҳатто миллатини аниқ айтолмайману болтиқбўйиликми, полякми, русми, билмадим, Пантелеев деган инженер, мен ўзбекман деганимда, қозоқ, тожикдан фарқ қилолмай, ўзбеклар ёнида доим пичоқ тақиб юрадиган, саводсиз, ваҳший деган тушунчада эканини айтган эди.

Кунлардан бир кун шу одамнинг қўлида китоб кўтариб юрганини кўриб, қандай китоб, деб сўрасам, кутилмаганда, Ойбекнинг русчага таржима қилинган «Навоий» романи бўлиб чиқди. Бу тасодифдан қалбимда қувонч ва ғурур пайдо бўлиб, таассуротини билмоқчи бўлган эдим у:

— Бу роман менга жуда ёқди. Қадимий маданий халқлар тарихи ҳақида, Алишер Навоий деган буюк ёзувчи ҳақида. Ҳақиқатан ҳам у жуда ибратли, буюк шоир бўлган экан, — деган фикрни айтди.

Кечагина ўзбекларни кимлигини билмаган, қоқоқ, «орқаси қора» бир халқ деб ўйлагани учун, ундан:

— Мени миллатим ким, Навоийнинг миллати нима экан, — деб сўрасам:

— Навоий?.. Навоий самарқандлик ўзбек, — деган жавобни қилди.

Мен унга, кечагина мени сен, «қоравой, бадавий» деб санаган эдинг, ўша Навоийнинг авлоди, ўзбек мен бўламан деганимда, мени кечир, Ўрта Осие халқларини билмас эканман, билсам ҳам нотўғри тасаввурда эканман деб, ўзбек халқи ҳақиқатан ҳам жуда қадимий маданиятли, буюк халқ эканини тан олиб, узрини айтди.

Мана шу тасодиф ва Ойбекнинг ижоди ҳақидаги гаплар ҳақиқий асар қандай бўлиши, ўз халқига хизмат нимадан иборатлиги ҳақида жиддийроқ ўйлашимга сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Ойбекнинг бу асари ўз халқига хизматининг ёрқин намунаси эди. Хўш, мен ўзим ҳам бир ижодкор сифатида халқимга шундай хизмат қилаоли-

шим, унинг номини улуғлашим учун нима қилишим керак? Тарихий асар ёзишим керакми, ҳўш? Йўқ! Ахир, тарихий ҳақиқатни озми кўпми тўғри ёзган бу асари учун Ойбек ҳам ўтмишни илоҳийлаштиргансан, ўтмиш маданияти олдида сажда қилгансан, ўзбек халқини қашшоқ, оми-саводсиз, жоҳил, гадо қилиб кўрсатиш ўрнига тарихий бой, юксак санъат, адабиётга эга демоқчи бўлгансан, деб уни ҳам космополитизм, миллатчиликда айблашмадим! Шуларни ўйладим-у, бизлардан кейин Ойбек акани омон қўйишганимкин, қамашмаганмикан деган ташвишга ҳам тушиб қолдим. Чунки ўзимиз қамалганимиздан кейин Ўзбекистонда, ёзувчилар орасида нима гаплар, нима ўзгаришлар бўлди, ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Ташқи дунёдан бутунлай маҳрум эдим, ахир!

Ташқи дунёдан баҳра олишга ҳаққим бўлган бирдан-бир нарсалар, у ҳам бўлса, учиб ўтган қушларга қараш, кўкдаги ою юлдузларга тикилиб ўй суриш, қору ёмғирлар борлигини сезиш эди, холос! Аммо, минг-минг фарёдлар бўлсинки, бу бепоён ери заминга инстаганча оёқ босиш ҳам менинг эркимда эмас эди.

Аммо инсон боласи тирик экан, табиат яратган гўзалликлардан баҳра олишдан, унга боқмоқдан ҳеч ким уни бенасиб қилолмайди. У бедахл!

Табиат яратган мўъжизаларга боқиб дардларим бир нафас бўлса ҳам тарқарди. Кўкрагимга шамол теккенига ҳам минг-минг шукрлар қилардим. Бир дамгина лагердалигимни унутиб, гўё уйимизнинг томида доғлар очилган фаслда варрак учиргандек оромга чўмардим. Лагерь шароитида табиатдан ўзга бир дақиқа бўлса ҳам хаёлингни азобдан ҳоли қиладиган нима бор, қандай дардкаш бор?!

Мана бир неча кунки, устахона бўғотидан ҳали учирма бўлмаган чумчуқ палапонларнинг чирқ-чирқлашлари умримдаги энг бахтиёр наларим — болалигимни хотирамда тиклаб, қалбимни эркаламоқда. Унга қулоқ солиб бир дам бўлса ҳам тутқунликда эканимни унутаман. Ўзимни қамоқ лагеридан эмас, ота-онам бағрида, ёнғоқ, ошиқ ўйнаб ўсган кўчам бағрида бўлгандек ҳис қиламан. Бир дамгина ўзимни лагер ўстахонасининг бўғоти эмас, ҳовлимиз ортидан каттакон ҳовуз атрофидаги қатор тераклар устига ин қўйиб, тинмай чирқираб оғизларини очётган қарқуноқ боласини ушлаётгандек сезаман. Ва шу дақиқа беихтиёр кўзларим тиконли сим деворларга тушарди-ю назаримда қарқуноғу чумчуқ палапонлари теракдаги инида эмас, каттакон тиконли симлардан ясалган қафас ичида тутқунликда қолиб, онасидан, ўз эркинлигидан айрилиб нола чекиб, чирқираётгандек туюларди.

Уша фурсатда, бордию кимдир менга яна ижод қилиш насиб этса, энди нима ҳақида ёзасан, деб сўрагудек бўлса, нимаики ёзмай, бутун умримни зулмга қарши, инсонларда меҳр-шафқат, яхшилик, меҳрибонлик ҳиссини уйғотишга бахш этардим, деб жавоб қилган бўлардим.

Шулардан ўзга муқаддасроқ дунёда нима бор! Фақат инсон эмас, меҳр-шафқатга тутқунликдаги парранда ҳам зор эмасми?! Ҳўш, шу бир чумчуқнинг уясини бузиш, ҳали учирма қанот бўлмаган палапоннинг чирқиратиб онасидан ажратиш яхшими ёки уни ҳимоя қилиб, меҳр-шафқат қилиш, эркинликдаги севинчини кўриш лаззатлироқми? Бир парранда, бир дарранда эмас, лак-лак тутқунлар инсон меҳр-шафқатига зор эмасми?! Ҳаётда меҳр-шафқатли, меҳрибон инсонларни учратиш ўзи одамлар учун қувонч, бахт эмасми? Мен учун-чи? Мен ўзим меҳр-шафқатга зор эмасманми? Зулм, адолатсизлик, қаҳри қаттиқлик менда нафрат уйғотмадики? Ёки жабрдийда, ўз бола-чақаси, севикили

кишиларидан бевақт жудо бўлганларга қайта дийдор кўришмоқ насиб этган бир дақиқа қалбларга севинч бағишламайдими?

Менга мабодо қайта ижод қилиш, кўлга қалам олиш насиб этса, фақат яхшилик, фақат меҳрибонлик, фақат инсонга вафодорликни куйлардим.

Бағринга теккан бир нафаслик шамол, ўрмонларнинг шовуллаши, ирмоқларнинг чулдираши кимга ором бағишламайди? Худо ярлақаб, менга қайтадан ижод қилиш насиб этгудек бўлса фақат, фақат гўзалликларни мадҳ этардим. Аммо, висолсиз, муҳаббатсиз гўзаллик бўладими? Ҳаётда висол, муҳаббатдан ўзга муқаддасроқ, оромбахшроқ нима ҳам бор? Муҳаббатга етмоқ эмас, муҳаббат ҳақида ўйлашнинг ўзида қанчалик қувонч бор, эркинликка эришмоқ эмас, ҳатто ўзини озод ҳис қилмоқда ҳам қанчалар ҳузур бор?

Меҳр-шафқат, висол, табиат гўзаллиги — буларсиз на қаҳрамонлик, на ободлик, на ҳаётда ривож бор!

Шу фикрлар хаёлимдан ўтаркан, ҳаётимда кўрган-кечирган яхшиликлар, қалбимга ором бахш этган гўзалликлар, айниқса, кейинги пайтларда рўшноликка талпинган умид ғалаёнида аста-аста ижодга ҳавас уйғонди. Қоғозга туша бошлашига далда бўлган яна бир нарса эртанги кунга бўлган умид, яъни тушларим ўнг келиб, эртага озодликка чиқсам, икки қўлимни бурнимга тикиб чиқаманми деган ният бўлди. Бордию ҳозирги мишмишлар миш-мишлигича қолиб, яқин йилларда озодликка чиқармаган тақдирларида ҳам хаёлимга келган нарсаларни бир умид билан қоғозга туширсам, бемаъни, бўлар-бўлмас ўйларни ўйлаб, ўзимни қийнаганимдан нимадир ёзилиб қолгани фойдаларда рўшноликку! Ижод завқи билан яшаш, шу билан овуниб кун ўтказиш афзалроқку, — деган қарорга келдим.

Албатта, ғам-аламлару соғинчли кўнгилдан ситиб чиқариб, тутқунликда эканингни унутиб, ижод қилишни хаёлга келтириш энгил эмас. Аммо мен ўзимни шунга тайёрлай бошладим.

Ижод билан банд бўлиш лагердаги худбинликлардан, ўз инсоний қадр-қимматингни оёқости бўлишини ўйлаш азобидан ҳеч бўлмаганда бир оз бўлса ҳам холи қилади-ку.

Қамоқ!.. Лагерь!.. Маҳбуслик!..

Ҳаётда бундан даҳшатлироқ, бундан ҳам инсон учун кўнгилсизроқ сўзлар борми?!

Мен лагерга келганимга кўп йил бўлгани йўқ. Ахир бу дўзах азобидан бир йил, икки йил эмас, ҳатто ўн йиллаб ётган аламзадалар бор-ку! Ҳа, аламзадалар! Ҳа, асабий, дарғазаб шўрликлар! Булардаги ички ғазаб шу даражага етган эдики, киши иззат-ҳурматини ифодаловчи, киши қалбига қувонч бағишловчи «жоним билан», «марҳамат», «азиз дўстим», «зиефат» деган сўзлар бегона бўлиб кетган эди. Уларнинг сен билан иш вақтида «онангнинг палон қилай», нега қараб турибсан, ҳатто меҳрибонлик қилиб, хафа бўлма дейиш ўрнига, уларга «палонимни қўйдим» дейишларига одатий ҳолат деб чидайсан! Чидаманганимда нима? Мен олимман, мен министр, мен генералман, мен билан ўйлашиб, одоб билан гаплаш дейсанми!.. Шундай десанг, бунга ҳам, «сени ундайлигинга қўйдим» деган жавобни олсан!

Буларга парво қилиб, ўйлаб азоблангандан кўра, энг тўғри йўл — ҳаммасига ижод кўзи билан қараб, ўзингча таскин топганинг, овунганинг маъқул бўлмайдики?

Илҳом бу — атрофинга ижод кўзи билан қараш, ғайрат!

Мен ўзимни маҳбус эмас, гўё маҳбуслар ҳаётини ўрганишга командировкага келган ёзувчи деб фарз қила бошладим. Худо ҳеч бандга насиб этмасин-у ростини айтганда, бу ердаги хилма-хил феълли одамлар, инсон

қадр-қимматининг хўрланиши, инсон зотининг азоб-уқубату машаққатларга бунчалик бардошлилигини кўриш ҳаммага ҳам, ҳамма вақт ҳам насиб қилавермайди. Эркинликдаги ёзувчи бу ердаги ҳаётни хаёлига ҳам келтирмайди. Аммо бу ерда кўрган ва эшитганларининг замон ва ўзининг кимлигининг унутиб, айнан ўзича ёки фақат ўз нуқтаи назарингдан ёзишинг ҳам қийин эди. Фақат қийингина эмас, ҳатто анча хавфли. Бунинг иложи ҳам йўқ.

Оддий бир мисол:

Менинг лагерга келганимга мана бир йилдан ошяпти, ҳали битта хат ҳам олганим йўқ. Юрак ютиб, менга хат ёзадиган яқинларим ҳам кимлар? Хотиним, опаларим! Буларнинг биронтасидан ҳалигача дарак йўқ. Наҳотки, қаердалигимни билишмаса?!

Мен турган ерга кемалар бир йилда бир марта Энасой дарёсида музлар эригандагина келади. Келадию дарҳол ортига қайтади! Бўлмаса, совуқ тушиши билан дарёлар тош қотиб, келаси йилгача қолиб кетади. Катта ердан хат-хабарлар ҳам кемалар орқали бир йилда бир марта келади. Бу ерга самолётлар деярли қатнамайди. Унда-мунда келганлари ҳам шу ердаги қурилишга зарур нарсаларни ташийди. Зарур бўлгани учун ҳатто уйларни иситиш учун ўрнатиладиган батареяларни маҳбусларнинг иши тўхтаб қолмаслиги учун самолётларда, бир неча баробар қимматга тушишига қарамай, олиб келишади-ю, аммо маҳбусларга юборилган тўрт энлик хат ёки уйдан юборилган нарсаларни келтиришмайди. Бир йилда бир марта кема юрганда хатларни олиб келиб, бир йилда бир марта олиб кетади.

Хат-хабар йўқлигидан диққат бўлган кезларда шуларни ўйлаб ўзимни шайтоний хаёллардан бир дам тиярдим. Минг ўзимни қанчалик тиймай, баъзан турли хил ўйлар, васвасалар уйку бермасди. Ахир, хотиним ёш, кўзга яқин жувон эди. Шайтон йўлдан урган бўлса!.. Худо асрасин! Бунинг ўйлашдан ҳам оғир азоб борми? Ҳам рашк, ҳам соғинч юракларни ўртарди. Баъзан қаерга қарамай, хотинимнинг қиёфаси кўз олдидан кетмай қоларди. Шу алам-ҳасратларининг хатга ёки шеърга тушириб хумордан чиқмоқчи бўлганимда ҳам ҳақиқатни ёзишга ўйланиб қоласан. Шеър қилиб мутлақо ёзолмайсан. Қўрқасан.

Бизларни бу ҳуқумат одам санамайди, бизларни бир-биримиздан ноҳақ жудо қилган бу давлатга лаънат, дейсанми? Авваламбор бундай хатни ўтказмайди. Шеър бўлса, унинг учун яна жазоласа жазолайди-ю, ҳеч қаерда босмайди. Хатинг эгасига тегиши ёки сени гуноҳкор қилмасликлари учун борди-ю худонинг раҳми келиб, озодликка чиққудек бўлиб, асарларинг босилишини истасанг, ҳақиқий кўрганларинг, кечирган азоб-уқубатларининг аксини ёзасан.

Масалан, уйимга лагердаги аҳвол ва соғинчимни баён қилиб хат ёзгудек бўлсам, аҳволимни сўрама, бу ерларнинг табиати ҳам, яшаш шароити ҳам дўзахнинг азоби, соғинганимни бўлса чегараси йўқ. Бир дақиқа хаёлимдан нари кетмайсан.

**Ўрмонга боқсам оғади эсим,
Ниҳоллар қаддининг солар ёдимга.
Еллар эслатади сочинининг исин,
Ойга боқсам, ҳуснинг келар олдимга.
Олча, гилосларга кўзим тушса ҳам
Ўхшашлик кўраман лабинг, кўзингга.
Аммо тополмадим мукамал, кўркам
Биронта тенгдошни сенинг ўзингга...**

деб ёзаман, албатта! Аммо бу мисраларнинг матбуотда эълон қилинишини ўйлаб, унинг олдига:

**Янгилик жуда кўп, ишдан хурсандман,
Бир хатга сўғмайди мукамал ёзсам,
Хатингни ўқидим, «соғиндим» дебсан,
Менинг соғинишим эмас ундан кам.**

.....
**Мен келгандан бери уйлар тикланди,
Уйларнинг олдида бўлди, боғ, гулзор,
Ҳар нарса муҳайё... фақат етмайди,
Бу гулзорлар аро сенинг ҳуснинг, ёр!**

каби Совет шоирига мос оптимистик мисралар кўшмай иложи йўқ.

Маҳбус бечораларнинг меҳнатидан юртлар обод қилинганлиги тўғри. Аммо бу мисраларда маҳбуснинг дарди қани? Шу гаплар маҳбус айтадиган гапларми?

Тўтқунликда бўладими, эркинликда бўладими, Совет шоири бундан ўзгача фикр қилиши, ёзиши ҳам мумкин эмас. Совет матбуотида ҳаётдан нолиган, пессимистик шоирлар босилмайди.

Ижод қилган нарсаларим китобхонга етсин, нашр қилинсин десанг, ўз кўрган-билганларинг, ўз кўнглингданги гапларни эмас, партия қарорларига мос келади деган қилиб, ҳаётнинг нуқсонларини эмас, ижобий томонларини ёзишинг керак.

Ҳали коммунизмга етганимиз йўқ-ку! Ҳаётимизда камчиликлар, ҳақсизлик, адолатсизликлар, порахўрлик, ўғриликлар, ахир, йўқми, десанг, бу типик ҳолат эмас, бизнинг жамиятга хос эмас, деб сени айбдор қилишади. Типик ҳолат эмасмиш! Мен турган лагерда эркинликда учрашиб сўзлашиш хаёлигача келмаган одамларни учратасан. Бу лагерда кимлар йўқ дейсан. Немис армиясига асир тушган оддий солдатдан Ленин мақтаган генерал Тадорскийгача, шоирдан тортиб файласуфларгача ҳаммасини шу ерда кўриб, шу ерда учратиш мумкин. Булар орасида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гапларни эшитасан.

Мен турган лагернинг ўн икки ойида фақат беш ёки олти кунгина баданимга офтоб тегадиган 16-18 даражали илмилик, қуёшли кунлар бўлади. Шундай пайтларда абадий музлаб ётган ернинг устки торф қатламидан бироз юмшаб, бош кўтарган кўкатлар бир ой, ярим ой умр кечиради. Ҳаёт уйғонади. Музликларда кун кечирадиган қурт қумирсқалар қайта тирилади. Айниқса, ботқоқзор ва кўлмақлардан иборат тундранинг чивинлар босиб кетади. Кўз очирмайди. Кечалари билан баракларга тўлиб, талаб чиқади.

Худо урамдан деса, кўш қўллаб уради деганларидек, нимаики азоб, неки машаққат бўлса, ҳаммаси маҳбусларнинг пешонасига ёзилган. Лагернинг одам чидаб бўлмас хўрлик, азобларидан ташқари, сени шундай бир ерга олиб келиб ташлашгани, ҳатто, табиатдан ором олиш имконларидан маҳрумсан. Табиат ҳам сендан шафқатини аяйди. Ўн бир ойлик қаҳратон ҳам, йил бўйи зулмат ҳам, кўз очирмас бўронлар ҳам, баданинг офтоб тегишига қўймайдиган чивинлар ҳам шу даргоҳда. Аммо, етти-саккиз йиллаб нур тушмаган қамоқларда, шимол лагерларида умр кечирганлар учун беш-олти кунлик илиқ-иссиқ кунларда баданига офтоб тегиши ҳам байрам эди. Шундай кунларда айрим маҳбуслар яланғоч бўлиб офтобда ётардилар. Қанақа офтоб!? Бизлар ўйлагандек қўйлагининг ечишинг билан жазза оладиган офтоб қаёқда! Соатлаб ётсанг, баданингга иссиқ ўтмайди. Тагингга муз уради. Бу ерларда ерга иссиқ ўтмайди. Асрий музлик. Офтобда ётмоқчи бўлганлар стадиондаги тахталарга чўзилишади. Шимолдан салгина ғир этиб эсган шамол, баданингни ўймалаб, жунжитади. Бу ерларда ёз дегани шундайки, устингдан пахталик тушмайди, ёзлиги шуки, фақат қор ёғмайди. Шамол салгина

тиндими, бўлди, ботқоқзорнинг оч чивинлари устингга дув ёпирилади.

Мен ҳам атрофдагиларга ҳавас қилиб ечина бошладим-у, жуда заифлашиб қолган эканманми, чивинлар талмасиданоқ, ғир этган шамолнинг совуғига бардош беролмадим. Чивинлар таласа ҳам парво қилмай ётган шеригимдан:

— Баданингга чивин чақмайдиган бирор нарса сурганмисан. Қандай чидаяпсан? — десам, у:

— Ҳеч нарсадан ҳадик билмас, қўрқмас одамни чивин эмас, ўқ ҳам, ҳатто ўлим ҳам ололмайди, — дедида, нималардир эсига тушиб, ғазаб билан:

— Жангда бўлдим, немисга асир тушдим, концлагерда бўлиб ўлмаган чивин чақишидан қўрқаманми? Заҳ қамоқхонада ёки қамоқ бошлиғининг тепкисини еб ўлгандан кўра чивин эмас, илон чақса ҳам, чаён чақса ҳам бир нафас ёруғликда офтоб кўриб ўлганим яхшику, оғайни!, — деди.

Шу гапни эшитдим ундан кейин нималар деди, қулоғимга киргани йўқ. Бутун хаёлим ярқираб қуёш чиқиб, қовун, узумлар фарқ пишиб ётган она юртимга кетди. Бу ердаги одамларга бизларда, ёзда бодрингни ҳеч ким емайди, молга берилади, десам афсона, деб ишонмасди. Чунки улар менинг юртимда ёзда етиладиган қовун, тарвуз, анжир, шофтолини еб кўриш у ёқда турсин, нималигини тасаввур ҳам қилолмасдилар.

Унинг гапларини эшитиб хаёлим она юртимга, қуёш чиқиб, ғир-ғир шамол эсган боғларга кетган эди.

Менинг ўйларимни унинг ёнида ётганинг:

— Сен қачон асирга тушгансан, Германиянинг қайси шаҳрида бўлгансан? — деган сўровига, фалон шаҳарнинг фалон лагерида, кейинчалик, фалон ерида бўлганман, — деган жавоби бўлиб юборди-да, иккови бир ерда бўлгани, бир-бири билан учрашмагани, Германияда асирларга муносабат, немис қамоқхона, лагерларида тортмаган азоб-уқубатларини бизда кўрганларини, яна бири КГБнинг Тошкент қамоқхонасида бўлган вақтида қамоқ бошлиғи Красноғоловов уриб қулоғини қар қилиб қўйганларини ўзаро гаплаша бошлади.

Красноғолововни мен ҳам танирдим. У бир оёғини урушда олдириб, ҳассада юарди. Ниҳоятда қаҳри қаттиқ, золим табиат эди. Немисга асир тушгани учун қамалганлардан жиндай бўлса ҳам қамоқ қоидасини буздинг, деб айб топиб, мен оёғимни ватан учун берганман, сенлар эса мени оёқсиз қилган фашистга асир тушган хонларсан деб карсерга ташлаб, тўғри келган жойига таёғи билан уриб хумордан чиқадиган жаллод эканини айтиб бердим. Улардан бири Красноғолововни қаердан билишимни суриштиргандан кейин, нега қамалганимни сўради. Мен ҳарбий иш билан эмас, советларга қарши тарғиботда айбланганимни билгач, негадир миллатимни сўради. Ўзбек эканимни айтишим биланоқ, гапимни охиригача эшитар эшитмас:

— У ёғини айтмасанг ҳам нега қамалганинг маълум, албатта, миллатчилик! Чунки ўрисдан бошқа миллатни, албатта, миллатчиликда айблашади.

Унинг бу гапи аввалига мени ғазаблантирди. Лекин ҳолатимни сезгач, мени тинчлантириш учун:

— Менинг гапимни тўғри тушун! Мен сени миллатчи демоқчи эмасман. Миллатчи сўзи қачон чиқди, биласанми? Масалан, мен кавказликман, бу сўз аслини суриштирсанг, интернационалист бўлайлик дейила бошлагандан кейин пайдо бўлди. Руслар Урта Осиёни ёки Кавказни босиб олгунча, интернационалист бўлайлик деган сўз ишлатилганми? Ёки қадимларда миллатчи деб ҳеч кимни қамаганми? Йўқ! Интернационалист бўлайлик деган гап инқилобдан кейин, яъни рус халқи ёмон, босқинчи, демасин, унга қарши курашмасин деган мақсадда,

агар шундай десанг, миллатчиликда айбланасан деб қўрқитиш учун пайдо бўлган назария, — деган фикрни айтди.

Мен унинг бу гапларига муносабатимни билдирганимча ҳам бўлмай, бирданига муздек шамол бўрони кўтарилиб, жалага айланди.

Мен бу одамларнинг немисга асир тушгандаги ҳаётлари, фашистлар билан бизнинг давлатни маҳбусларга бўлган муносабатларидаги тафовутларни эшитиб, наҳотки шу гаплар тўғри бўлса деб ўйлардим.

Унинг гаплари беғараз, тўғри эди. У ўзи кўрганларини айтди. Лекин буни халққа айтиб бўладими? Бўлади! Унинг бирдан-бир йўли бундай гапларни насрий ёки драматик асарда салбий образлар орқалигина, уларнинг тилидан айтдириш мумкин. Бошқа илож йўқ. Совет киши бизнинг адабиётимизда нуқсонлар ҳақида гапириши мумкинмас, гапирса, душман саналади.

Терговчилар сенга ҳаётимизни ижобий томонлари, ютуқларини эмас, фақат нуқсонларини кўрасан, деган айбни кўяди. Тавба, дейсан! Ваҳоланки, одамларда фақат нуқсонларни кўриш, киши меҳнатини қадр-қимматини қилмайдиганлар, ахир, булар мана шу совет терговчиларининг ўзлари-ку!

Ўлимлардан қўрқмай, жонини жабборга бериб, фашистлар билан олишган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган одамлар, ватанинг содиқ фарзандлари нега қамоқда? Бу ижобий жиҳатларни кўришми?

Совет фанининг тараққиётига чексиз ҳисса қўшган, меҳнати тан олинми юксак унвон, мукофотлар билан тақдирланган академиклар нега бугун душман деб лагерларда ётибди? Нега?

Совет адабиётини ўз таланти билан бойитган Абдулла Қодирий, Чўлпон каби буюк ёзувчилар нега отилди?

Ютуқларни, яхшиликларни кўролмаган бизларми ёки КГБ терговчиларими? Яхшиликдан, киши меҳнатидан кўз юмиб, жиндек нуқсонни кўрувчилар, гўё қуёш олдидаги ўткинчи парча булутга қараб олам зимистон, қуёшни тўсдиларинг деб жар солганлар кимлар? Совет терговчилари эмасми?

Шулар хаёлимдан кечаркан, ўз ичимда, (албатта, тилга чиқариб бўлмади) наҳотки, ўзинг кўриб турган ҳақиқатни ҳақ деб айтолмай, ясама йўллар изласанг, бу қандай замон, деб ўйлардим. Ғазабимни ичимга ютардим. Ахир, одамларни ёлғонга ўргатиш-ку! Бу одамларни ҳам, жамиятни ҳам бузиш-ку! Лекин бу шундай деб айт оласанми? Айтиб кўр-чи, тухматчи деб қарашади. Нима чора?..

Бугунги тасодиф сабаб бўлиб, лекин нима ҳақида ўйламай, адолат, дунё ташвишларими, барибир севги, рашк, вафо бир нафас менинг хаёлимни тарк этмас эди. Драматургия ҳақида, драматик асар ёзиш ҳақида жиддий ўйлай бошладим. Чунки фақат драмада, салбий, ижобий қаҳрамонлар орқалигина ўз дардларимни айтиб, юракни бўшатиб олиш имкони бўларди.

Драма ҳақида ўйлаш бир неча вақт икир-чикир хаёллар азобидан мени холи қилиб, худди айтадиган гапларимни айтиб, хуморим тарқагандек, дардим енгиллашгандек бўларди.

Ахир, инсон учун севги-муҳаббат, меҳр-шафқат, висол, эркинлик, ҳаёт гўзаллиги ҳақида ўйлашдан муқаддасроқ нима бор!? Инсон қалбига, айниқса, мендек тутқинликдаги одам учун соғиниш, висол, севги азобидан ўртанишдан яқинроқ дард бўлармиди! Севгисиз эркинлик нима керак!

**Кўрмаганман не гўзалларни
Қадди расо, ҳуснда бекам.**

Бўлмаганман не гўзалларнинг
Куйин тинглаб, суҳбатда ҳам.
Учратмадим не гўзалларни
Нозик бадан, келишган кўз, қош,
Безак қилган бриллиант, зарни,
У, не гўзал — бўлмаса оташ!
У не гўзал, жозиба, илиқ,
Ёқимлилиқ бўлмаса агар!
Гўзаллар бор нозик ва силлиқ,
Туюлади совуқ бир ҳайкал!..

Ҳақиқат, висол қадрни нималигини жудоликдаги инсонгина тўла ҳис қилади. Жудолик азоби!.. Висол шодлиги!.. Бунинг бири дўзах, бири жаннат демакдир!

Қамалганимнинг, мана, бешинчи йили. Сталин ўлгач, 1954 йилдан бошлаб юзлаб маҳбусларнинг ишлари қайта кўрилиб, озодликка чиқарилди. Албатта давтавал, қамоқ муддатини тугатишга бир-икки йил қолганлар, қисқа муддатлилар чиқарилди. Мендек 25 йилга ҳукм қилинганлар ҳақида ҳали аниқ гап бўлмаса ҳам, лекин ҳатто ватан хоини деб айбланганлар энди бегуноҳ қамалган деб озодликка чиқарилди. Албатта, бу менда ҳам эркинликка чиқишимга ишонч, ғазаб ва аламлардан тугилган муштга яна қалам ушлаб, ижод хаёли билан яшашга куч, қувват бағишлаганди.

Қандай куч-қувват?

Одатда маҳбуслар 10 соат ишлаб толиқиб келадилар-да, таппа ташлаб тошдек қотиб ухлайдилар. Аммо келажакка умид ва эндигина эса бошлаган эркинлик нафаси менда ҳамма уйқуга кетганда, уйқуни тарк этиб, ҳатто баъзан тонготаргача ижод дарди билан яшашга бардош пайдо қилди. Ижодхонам сантехмонтажнинг стадиондек келадиган устахонаси. Тун бўйи битта менинг ихтиёримда.

Одатда мен тунда навбатчиликка чиқаман. Қиладиган ишим сантехмонтажчиларнинг эртанги ишлари учун керакли айрим нарсаларни тайёрлаш. Нима иш қилишимни кундузги сменадаги бошлиқ ёзиб қолдиради. Энг энгил иш салкам стадиондек устахонани супуриб йиғиштириш, 200-300 тунукани алифлаб, қуритишга қўйиш, темирчилар ясаган айрим асбобларни бўяш, ҳатто қоғозларни қисшига қисқичлар ясаш ҳисобланарди. Қўлим ишда, хаёлим ижодда бўларди. Имкон борича топширқини тезроқ тугатиб, ёзишга вақт қолдиришга ҳаракат қилардим. Баъзан келган фикрларни қочиб кетмаслиги учун бўёқли қўлларим билан қоғозга туширардим ва ўша замоноқ назоратчилар ногоҳ кириб қолмасликлари ва эшикдан кирганлари билиниши учун эшикнинг орқасига ерга тушганда овоз берадиган темир суянчиқ (лом) тираб, сал шарпа сезсам ёзганларимни улар кўзи тушмайдиган ерга яширардим. Улар сезгудек бўлса жазоланишим аниқ эди.

Сталин ўлимидан кейин, гарчанд маҳбусларга муносабат бирмунча ўзгарган бўлса ҳам, илмий иш ёки ўзингча нимадир ижод қилишга мутлақо йўл қўйилмасди, ҳатто қалам, қоғоз топши имкони ҳам йўқ эди. Мен бутун бошли дostonлар, шеърларимни идорадагилар фойдаланиб, бир томони оқ қолган қоғозларга ёзиб, шубҳа бўлмаслиги учун, махорка ўрашга қилингандек буклаб кўкрак чўнтагимда асрардим.

Ойлар, кунлар ўтятти, менинг шикоятимни на олдик, на олмадик деган бирор хабар йўқ.

Одатда кўпинча шикоят ёзганларга шикоят қиладиган ҳали сенмисан деб, арз-додига етиш ўрнига, муддатига муддат қўшиб қўйилган. Меники 25 йил! Яна нима қўшади! Хўш, бўлмаса, олти-етти ой вақт ўтиб, нега жавоб йўқ?! Ёзган жойимга етганмикан? Ёки ўзбек тили-

да ёзилган асарларимга тушунмай ташлаб юборган бўлса-чи?!

Шикоятимнинг натижасини суриштиринглар деб уйимдагиларга хат ёздим. Улардан ҳам бирор садо йўқ! Наҳотки улар мени яқин орада чиқишдан умидвор бўлмай, 25 йилга кесилган деб умидларини узиб қўйган бўлса!

Мана, яна куз яқинлашяпти. Бу ерларни Катта ер билан боғлайдиган темир йўллар солинмаган. Бунинг иложи ҳам йўқ. Абадий музлик, ботқоқзорлар. Самолётлар қатнамайди. Кузда озод бўлган маҳбус шўрликлар баъзан бир неча ойлаб уйларига кетолмай қолиб қутадилар.

Йиллар бўйи бегуноҳдан-бегуноҳ қамоқда ётган одам, қутилмаганда озод бўлдинг, хоҳлаган ерингга кетишинг мумкин, деган хабарни эшитса-да, кетолмаса, унинг ҳолатини ҳамма тасаввур қилавермаса керак. Унинг шодлигини ҳам, интизорлик азобини ҳам фақатгина ўз бошидан кечирган одамгина ҳис этиши мумкин. Мен бу ҳолатни ҳам ўз бошимдан кечирдим.

Баъзан маҳбуслар, қамоқ азоби суякка етган чоғларда бир-бирларига, ҳозир сенга уйингга кетишга жавоб берамиз, лекин мана шу 50 даража совуқ, қор бўронида яёв кетасанми? деганда, айримлар «Кетаман», деса, баъзи бирлар, уйингга ҳозир жавоб бериб, 25 йил бола-чақанг билан бирга яшайсан, аммо фақат сув билан нондан бошқа нарса емайсан, шунга рози бўлармидинг? — деса, — жоним билан, деганлар ҳам топиларди. Озодлик, эркинлик учун одамлар нималарга рози бўлмайди! Менга шундай савол берсалар мен нима жавоб қилган бўлардим?

1954 йил, аниқ эсимда йўқ, тахминан сентябрнинг охирилари бўлса керак, лагернинг бошлиғи чақириб, кимлигимни сўради. Отам билан ўз исмиمنى айтдим. Москвага ёзув-чизувларингни юборганмидинг? Яъни асарларингни демоқчи эди. Ҳа, деган жавобни қилдим. Шундан кейин олдимга бир қоғозни қўйиб, қўл қўйишим кераклигини айтди. Унда:

«СССР Олий суди коллегиясининг қарорига биноан жиноий ишинг бекор қилинди» деб ёзилган эди. Мен бунинг ўқидим-у «бекор қилинди» сўзини кўриб, одатда ҳаммага қилинадиган жавоб, миямга сингиб қолган фикр бўйича, «шикоятинг бекор» қилинди, яъни эътиборга олинмади, деган маънода тушуниб, ичимдан падарига лъзнат, қачон адолат бўлади, деб қўл қўйишга ҳам ҳолим келмай, хаёлга толганимни кўрган лагеръ бошлиғи:

— Нега қаққайиб турибсан, қўл қўймайсанми, юкларингни тайёрла, Тошкентга кетасан, — деган гапни айтди.

Юкларингни тайёрла!.. Тошкентга кетасан!.. Ё тавба!.. Жиноий ишинг бекор қилинди!.. Гуноҳсизсан!..

Бу сўзларни эшитган замони, унга қўл қўйдимми, қўй-мадимми, билмайман, телбалардек, гўё мени поезд кутиб тургандек, ортимга чопдим. Аммо яна дарров, қачон кетаман, ҳамда қачонга тайёрланишимни билиш учун орқага қайтдим. Тайёргарлик!?

Қандай тайёргарлик? Тайёрлайдиган нима бор? Тайёргарлигим шуки, ямоқ-ямоқ ички кийимларимни эски бўлса ҳам йиртиғи йўғига, (лагерда ёқалик қўйлак деган нарса бўлмайди, фақат ички қўйлак) устимда қават-қават киядиган ички-ташқи пахталикларни, эскириб тағларга ямоқ тушган кигиз этигимни иркити чиқиб кетмаганроқларига алмаштириш эди. Бундан бўлак йўлга оладиган, еядиган, ичадиган ҳам, қиладиган ҳам бирор нарсам йўқ. Бор кўтарадиган бисоти, уйдан олинган, адёлга ўралган битта ёстиқ, тагин ёзган қўлёмаларим, холос! Ёзган нарсаларимнинг бир нусха-

сини кўрпамнинг ямоқли жойига яшириб қўйдим.

Тайёргарлигим ҳам, йўлга оладиган бор бисотим ҳам шу! Бўронли қиш куни йўлга чиқдим...

Кўрган тушларимда қандай ҳикмат бор, билмадим, бу ҳар бир кишининг сезгиси, ихлосига алоқадорми, ҳар ҳолда умид қилганимдек тўғри бўлиб чиқди.

Тўғри бўлиб чиққани шуки, лагердан чиққанимдан кейин уйимга эмас, қўлимда кишан билан яна Тошкент КГБсининг ички қамоқхонасига олиб келишди.

СССР Олий судидан оқланганим ҳақидаги жавоб олганимдан кейин ҳам ноҳақ шунча йил ётганим етмагандек яна бир-икки ой КГБ қамоқхонасида тутиб туришди. Бу — тушимда қизил от миниб лагернинг темир дарвозасидан эркинликка чиқиб кетганимдан кейинги қўлқопимнинг биттаси қолибди деб ярим йўлда отимни тўхтатишим эди!

Эркинликка чиққанимдан кейин ҳам бир нарса ҳамон

тушимга киради. Тушимда уйимнинг олдига яқинлашганмишману, аммо ортимда тиконли сим деворлар пайдо бўлиб елкамдаги қопимга илашмоқчи бўлармиш. Мен қадамимни тезлатиб уйғонаман.

Мана ўшандан бери неча йиллар ўтди, аммо қаерга бормаи, Москвагами, Фарғонагами ёки дам олгани Сочидаги, ҳамон, ҳали-ҳали тушларимга этагимга илашмоқчи бўлган ўша тиконли сим деворлар, худди ўт тушиб, деразалари синиб, томларни тундра бўронлари учуриб, фақат деворлари қорайиб қолган бинолар киради.

Ҳамиша мен қадамимни тезлатиб, олдинга югурганимча қуёш чиқиб турган бепоён яшил ўтлоқларда пайдо бўламану табиатим равшан тортиб уйғонаман.

Йўлларимизнинг нурли бўлгани ҳаммиша рост бўлсин, илоҳа омин!

Карло-Вари — Тошкент

1989 йил 21 октябрь — 1990 йил 23 июль.



ҒШЛИК

Мухтарам курултойнинг ишларига маъзур ваҳждар билан бўлиб, яқиндан аралашаолмаганим учун таассуф қиламан ва сиз мухтарам хайъатдан ўтинаманим, менинг қуйидаги аризамни мухтарам курултойга етказсангиз экан.

Улуғ Октябрнинг аввалларидан бери ишчи-деҳқонларнинг инқилобий ҳукуматлари томонида бўлиб маориф ва маданият соҳаларида қўлимдан келган қадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир. Ватандошлар урушининг энг қизғин давларида, шонли қизил аскарнинг «Перекоп» музаффарияти давларида коммунистлар фирқаси томонидан ишлатилган бир газетанинг (ўша вақтнинг энг сўл газетаси «Роста»нинг) бошида туриб, қўлдан келган қадар инқилобга ва унинг энгишига хизмат қилганман. Бу Тошкентнинг ҳамма шўро ва фирқа ишчиларига маълумдир. Ундан сўнг бошқа газета, журналлар ва ниҳоят театр ишларида ҳам, шу ишларнинг раҳбари бўлган сиёсий идоралар назоратида, ўшаларнинг кўрсатган йўллари билан ишлаб келганман. Булар ҳам ҳар қайсиси ўз кишиларига маълум.

Сўнгги икки-уч йил орасида

Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳуриятининг иккинчи маданиятчилар курултойи мухтарам риёсат хайъатига Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон) томонидан

ЭЪТИРОЗ

шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарастлик руҳида шеърлар ва нарсалар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди. Сўнг вақтда, айниқса, Москвада ўқиган вақтларимнинг сўнггида ўз хатоларимга ўзим ҳам тушундим. У

ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим, камбағал ва йўқсуллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим. Башариятнинг умумий саодати, эзганлар ва бойларга қарши эзилганлар ва йўқсулларни курашда эканини англадим. Дунёда асосан икки қарама-қарши жабҳага бўлинган бойлар билан камбағалларнинг курашида, ҳақ ва ҳақиқатнинг камбағал ва йўқсуллар томонидан эканига қаноат қилдим. Мундан сўнгги ишимда шу қаноат ва ишончимни асос қилиб тутмакка қарор бердим.

Мундан сўнг шу йўлдаги азимини иш билан кўрсатиб, иш орқасида ҳалиги хатоларни ишчи-деҳқоннинг кўнглидан кетказишга ҳаракат қиламан.

Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театр соҳасини олиб, унда, яқинда (шу йил) РКП(б) Марказий Комитети ташвиқот-тарғибот шўъбаси ёнида бўлган театр маслаҳат мажлисининг қарори асосида, ўшани дастур қилиб иш қилишимни арз қиламан.

**Чўлпон
(АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН)**

Самарқанд, «Маориф ва ўқитувчи», 1927, 12-сон, 88-бет.

Таниқли адабиётшуносларимиз Чўлпон меросини тарғиб ва тадқиқ қилиш ишларини қизғин олиб бормокдалар. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Чўлпоннинг бир жилдлик асарлар тўпламини нашр қилиш арафасида. Биз қуйида улуғ адибнинг 1927 йил охирида «Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳуриятининг иккинчи маданиятчилар курултойи мухтарам риёсат хайъат номига ёзган «Эътироз»ни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Шерали Турдиев,
филология фанлари номзоди, ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

УМИДВОРЛИК

1989 йил ҳикоялари хусусида

Адабиёт — ҳаётнинг инъикоси. Бу қўхна ҳақиқат, мутлақ талаб ҳам давр тақозоси билан худди мунофиқ кимсадек минг кўйга тушар, замона зайли туфайли турлар экан. Етмиш йиллик адабий тажрибамизга бир назар ташласак, қанчадан қанча ёлгон-яшиқлар, сохта шиор ва давр талабига мослаб ёзилган тутуриқсиз нарсалар уюмига кўзимиз тушади. Замонасозлик шу даражага бориб етганки, қорнимиз нонга тўймай, эгнимизда тузукроқ ёпинчигимиз бўлмагани ҳолда «Нима бизга Америка?», дея кўкракка урганмиз, уни қувиб етамиз, эртагаёқ ўзиб кетамиз, дея ўзимизни алдаганмиз, чунки бизнинг назаримизда юртимиз гуллаб-яшнаган «бахтлар водийси» эди. Ваҳоланки, гуллаб-яшнаган бу бахтлар водийсидаги меҳнатқаш одамлар ҳамон молига емиш тополмай ёзи билан турли заҳарли ва минерал дориларга тўйинган пахта чаноғи билан мол боқишга мажбур. Бирок, бригадир билан совхоз директори шуни ҳам одамларга раво кўришмайди, яна бир қарра машинадан ўтказиб, пахтанинг юқини ҳам шилиб олишни талаб қилишади. Давлатга пишмаган, бир қарич ҳам тола чиқмайдиган бўлса-да, барибир, пахта бериш керак. Охириги чигитгача, сўнгги мисқолгача элиб топшириш лозим. Давлат деганлари бамисоли юҳо — ҳар қанча бермагин, барибир, ўпқондек оғзини ланг очиб тураверади, сира тўйдим демайди, ўзингни ҳам ўйла, қилган меҳнатингга яраша ўзингга ҳам бирон нарса қолсин, демайди, очингдан ўлиб қолма, мол-ҳолинг қирилиб битса ҳолинг не кечади, соғлигиндан айрилиб, куч-қувватдан қолиб адои тамом бўласан, бевақт қирчинингдан қийиласан, бу дунёда рўшнолик кўрмайсан, дея ташвишланмайди. Холбой акага ўхшаган меҳнатқаш одамлар эса шунисига ҳам шукр қилаверади, давлат номидан иш кўрувчи давлат вакиллари ҳатто ташлаб юбориладиган чиқитни тортиб олишса ҳам тақдирга тан бериб кетаверади, лоқал бригада бошлиғига: ҳой, сенларда инсоф борми, мол-ҳолим оч қолса бола-чақамга жавр бўлади-ку, деёлмайди, юз-хотир қилади. Улар учун андишанинг оти қўроқ. Уларнинг инсофи ғовлаб, хорлик, қуллик даражасига бориб етган. Холбой аканинг кампири билиб айтади: «Ёғочнинг бўшини кўрт ейди». Бизнинг халқимиз керагидан ортиқча инсофли, ювош, қулмижоз бўлгани учун соғлиғидан кечиби, ит азобида етиштирган пахтасининг тоннасига атиги 700 сўм ҳақ тўланади. Ваҳоланки, жашон бозорида шунча пахтанинг нархи 30 минг сўм. Лекин давлат хазинасини зарга тўлдирётган деҳқоннинг ейишга тузукроқ овқати, молига берадиган бир боғ хашаги йўқ. Шунда ҳам Холбой акалар кўрган кунига шукр қилаверади. Мана шундай қулмижозлиги учун ҳам бу халқнинг номи ўғри, порахўр, босмачи. Эргашга ўхшаб бирознинг боласига бир боғ беда ўриб бергани учун уни давлат мулкига кўз олайтирганликда айблаб милиция олиб кетади. Сабаби, у давлат номидан иш кўрадиган юҳоларнинг нафсини қондириши, уларникига беда ташиб бериши керак. Майли, молхонасида ем-хашаги уюлиб ётган бўлса-да, элиб ташийвериши лозим. Ишнинг йўриғи шундай. Замоннинг таомили шундай, бу таомилни бил-

маган кимса беда қоровули Эргашнинг кунига тушади — борар жойи қамок.

Зулфия Қурбонова ҳаётнинг икир-чикирларини яхши биладиган, одамларнинг кундалиқ эҳтиёжларини, орзуларидек кичкинагина дардини ҳис этадиган қаламкаш экан. У ҳамқишлоқларининг — тупроқ титиб, пахта экиб, мол боқиб, қўл учида кун кўраётган меҳнатқаш одамларнинг ҳаётини, аччиқ қисматларини ўзига хос тарзда тасвирлайди. Бу нарса «Бу ёғи...», «Қоровул», айниқса, «Аёл қалби» ҳикояларида рўй-рост кўринади.

Ҳозир Сталин репрессиясини фош этиш, унинг халқ бошига солган жабру жафоси ҳақида оғиз тўлдириб гапириш расм бўлди. Уша даҳшатли кунлар тақрорланмаслиги учун ҳам бу жинойт илдишларини очиб ташлаш керак. Бирок Сталиндан кейин ҳоқимият тепасига келганларнинг қилмишлари қачон фош этилади. Бу даврда, айниқса, ўзбек халқи беадад жавр кўрди, 70-йилларнинг бошларида қишлоқ хўжалигида ишлатилётган заҳарли дорилар таъсирида эркакларимиз бепушт, аёлларимиз камқон, камдармон, туғилаётган болаларимиз жигар, ўпка касаллигига ярбатололиги ҳақида ёзила бошлаганда туппа-тузук ёзувчиларимиз бу нарсаларни майда-чуйда гаплар, деб бурун жийиришган эди. Мана энди ҳамма баробарига шу мавзуга ружу қўйди. Бирок ҳамон масаланинг туб моҳияти, ижтимоий илдизлари ва улардан келиб чиқадиган фожеалар ҳаққоний ифодасини топгани йўқ. Биз пахта туфайли бошимизга қандай офатлар ёғилаётганини ҳамон етарлича ҳис этмаяпмиз. Ҳозир ҳамма зўр бериб пахтанинг нархини ошириш, оилавий пудратни жорий этиш ташвиши билан овра. Ахир пахтанинг нархи оширилса, қорин тўйса, одамлар жон-жаҳди билан бу экинга ёпишиб олишади-ку, ўзларини пахта сиртмоғига тутиб беришади-ку, «оқ олтин» деган офат яна бошимизга битган бало бўлади-ку. Деҳқонга энгиллик яратиб беришни пахтанинг нархини ошириш билан бирга, эртапишар навларни яратолмаётган танбал олимларимизнинг ёқасидан олишдан, қишлоқ хўжалигида биологик кураш усулини хўжакурсинга жорий этаётган виждонсиз хўжалик раҳбарларини жинойий жавобгарликка тортишдан ва ниҳоят, пахта майдонларини тенг ярмига камайтиришдан бошлашимиз керак. Акс ҳолда Азизадек бахтиқаро қари қизлар, аъзойи бадани қаримсиқ тус олиб, пестдек оқариб кетадиган навниҳол қизларимиз кўпаяверади. Умуман, аёлларни далага чиқариб ишлатишни тақозо этадиган давлат қонунини муҳокама қиладиган пайт келмадимикан? Социалистик тузум эски замонни, исломни сўка-сўка аёлларимизга берган хуррияти зилдек оғир кетмону заҳар анқиб турган дала-тузим?

Зулфия Қурбонованинг қаҳрамони пахтада ишлай-ишлай қари қизга айланган бахтиқаро, кўнгил берган йигити гўшангада ундан жирканиб талоғини беради. Заҳарли дори сепилган далада гўза қолиб жигари қурий бошлаган, энди унга бироз қайрилиб қарамайди, бир пайтлари севган йигитнинг узилган ришталарни қайтадан улашга уриниши беҳудалигини билса-да, юрак қурғур тирноқча бахтга, инсоний фароғатга

ризкини, бировнинг яхши кунларга мўлжаллаб йўғатган пулини, бировнинг ўлимлигини ўғирлайди. Одамлар жажманнинг ўзи нималиги, қаердан келиб қолгани билан қизиқмай, уни йўқотиш пайига тушадилар. Бироқ уларнинг ҳаракати беҳуда. Токи инсон «тобланмас ва покланмас» экан, жажман, йўқолмайди, ўрнига ундан кўра каттарок, ундан кўра баднафсроқ, ундан кўра жони қаттиқроқ бошқалари пайдо бўлаверади. Бўй-баси бир қарич келадиган маҳлуқни кўриб Зардушт ота: «Одамдан тарқаганмикан-а?!» деб ўйлайди.

Ёзувчи Зардушт бобо орқали бизни ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи, хиёнат, беҳуда ҳою ҳавас исканжасидан қутқармоқчи. Унинг чакиригига қулоқ солайлик.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларининг санъатга дахлдор томонлари алоҳида ўқиб ўрганмишга, тадқиқ қилишга арзи гулик. Шу пайтгача баъзиларимиз оғзимиздан бол томиб, баъзиларимиз ижирганиб тилга олаётган Лотин Америкаси адабиётининг, рус классик адабиётининг илғор анъаналари Хуршид Дўстмуҳаммад асарларида ўз ифодасини топган. У руҳий олам билан моддий оламни бир-бирига уйғун ҳолда тасвирлайди ва шу билан китобхонни фикрлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Хуршиднинг ҳикоялари шу пайтгача бизда расм бўлган воқеабанд, айтиладиган гапи ҳам, чиқариладиган хулосаси ҳам олдиндан аниқлаб қўйилган ҳикояларга ўхшамайди. Бу ҳикояларни ўқиб чиққач китобхон ўйга толиши, руҳида қандайдир ўзгариш юз бериши турган гап. Зеро, ёзувчининг мурдаоси ҳам шу.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос бир жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ёзувчининг тили. У хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, тилга атай замона никобини кийгизмайди, қаҳрамонларни зўрлаб бугунги китобхонга тушунуқсиз йўсинда гапиртирмайди. Воқеа қайси даврда юз бераётгани асарнинг руҳидан яққол сезилиб туради. Мозийдан ҳикоятлар битаётган айрим ёзувчиларимиз бў хусусда ўйлаб кўришса фойдадан холи бўлмасди.

Бултур эълон қилинган Раҳимжон Отаев, Мамадали Маҳмуд, Тоҳир Малик қиссаларининг айрим қаҳрамонлари бемалол ўрисча гапираверишади. Агар ҳар бир қаҳрамон ўзи мансуб ёки ихлос қўйган миллат тилида гапирадиган бўлса, бизнинг китобларимизни чулчут ҳам тушунмайди. Бир пайтлари Носир Фозилов қаҳрамонларини ҳадеб қозоқча гапиртиргани учун танқид қилинган эди. Энди ялписига ярми ўрисча асарлар пайдо бўляпти. Борди-ю, афғон, немис, ҳинд, хитой образлари асарларга киритилса, улар ҳам ўз тилларида гапириши керакми?

Кейинги пайтларда фаҳшлик, ношаръий ювиқсизликлар ҳақида кўп ёзиладиган бўлиб қолди. Утган йилги йиллик муҳокамада ёзувчи Олим Отахон бу хусусда сўз очганда бир гуруҳ аҳли қалам уни ҳаётни билмасликда, меҳмонхоналарни тўлдириб юрган бузуқларни, ишхоналарда бировларга кўз сузиб юрган оймчаларни, пушти қуриган мулоийм эридан айрилиб қолмаслик учун бегонадан бола орттираётган нопок аёлларни кўрмаганликда айблашади. Ҳар қадамда бузуқлигу ҳаром-ҳаришни кўрган ўша бир гуруҳ ёзувчининг далласидан кейин адабиётимизда кўлини ушламасданок иштонбоғи ечилиб кетадиган қизлар, нопокликни шиор қилиб олган бойваччалар, ювиқсизлик кўчасидан ўтиб, мансаб пиллапояларига қадам қўядиган виждонсизлар кўпайиб кетди. «Қора дўлана»да кўнгил учун биронта покиза одам йўқ, «Алвидо, болалик»даги Қамариддиннинг онаси бузуқ, Ҳайридин Султоновнинг «Кўнгил озодадур» қиссасидаги Кундузнинг номусини кимдир поймол этади, Шодидёрнинг уйига алданган ва танини сотишни касб қилиб олган хонимчалар келиб кетишаверади, Фариди Қорақуловнинг «Қора гуруҳ»идаги Фотима бутунлай нопок, Абулқосим Мамарасуловнинг «Мен сени севаман, Бувиражаб» ҳикоясидаги Бувиражабнинг онаси Эшқобилнинг баландпарвоз гапларига ишониб, ихтиёрини топшириб қўяди, Шодидуқул Ҳамроевнинг «Ажрим» ҳикоясидаги аёллар тирикчилик қаттиқлигидан номусини барбод этишган, Зоҳир Аъламнинг «Бегона ҳид» ҳикоясидаги кенжа ўғилнинг кўзга яқин хотини тунги сменада ишлашни орзу қилади, Жўрақул Ажибнинг «Қасос» ҳикоясидаги Носир чолнинг қизи бошлигининг бағрида эриб кетади, Ҳабибуллонинг «Муҳаббат» ҳикоясининг қаҳрамони ўйинчи қизга ит теккан.

Бу санокни яна давом эттиришга сабрим чидамай нафасим қайтиб кетди ва беихтиёр: «Ҳой, барака топгурлар, адабиётни жуда ҳам наҳс бостириб юборяпсизлар-ку», дегим келди. Бугунги насримизни яхшилаб гусл қилдириб олиш зарур бўлиб қолди.

Мен ювиқсизлик ҳақида ёзилмасин, деган фикрдан йироқман. Ифлос муҳитни, нажосат ҳиди бурқисиб турган чиркин ҳаётни, тарбияси бузуқ ёшларнинг юриш-туришини, албатта, фош этиш керак. Бироқ бу нарсаларни шунчаки кўрсатиб ўтаверган билан бирон нарса ўзгарадими? Аксинча, ювиқсизликка ишқибозлик баттар ортмайдими? Адабиётнинг вазифаси бу нарсаларни келтириб чиқараётган ижтимоий сабаб — имонсизлик, адабсизлик илдизларини очиб бериш эмасми?

Адабий журналларимиз, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси насримизнинг мана шундай оғриқ масалалари ҳақида чуқур илмий мақолалар бердимми? Ҳар бир қисса, янгича руҳдаги ҳикоялар хусусида тадқиқотлар, сўхбатлар эълон қилинми? Бугунги насримиз сўз санъатидан кўра вайсақиликка айланиб кетаётгани, ёзувчиларимиз сўзнинг таъсир кучини, оҳорини ҳис этмай қўйишгани ҳақида ҳеч ким лом-ним демаяпти. Бирон адабиётшунос, бирон ёзувчи насримиздаги на услубий, на руҳий, на тилга оид изланишлар ҳақида дўппини олиб қўйиб ўйлаб кўрадиган гап айтгани йўқ.

Бироқ бугунги ҳикоячилигимизда кишини умидвор қиладиган ўзгаришлар ҳам бор. Хуршид Дўстмуҳаммад, Абулқосим Мамарасулов, Назар Эшонқул, Дилфуза Қўзиёвнинг асарлари 89 йилнинг кашфиёти бўлди. Келгуси йили бундай кашфиётлар кўпроқ бўлсин. Адабиётимиз покланиб чинакам руҳий ва бадий баркамоллик касб этсин.



Ўзбекистон Республикаси



Темур ҳақидаги хабарларга мақбул афсона доғдалар

Ҳирот Султони Ғиёсуддинга Темур йўллаган мактуб баёни

Темур Ҳирот султони Малик Ғиёсуддинга — ўз ҳалоскорига, гўё пайғамбарнинг «Тангри ҳар бир кимса ёмонлигини уни ўзига ёзиб қўйгандир»¹ деган сўзларига амал қилиб мактуб юборди. Темур Ғиёсуддиндан ўз итоат ҳалқасига киришини ва ҳоли-қудратига яраша мулозимлару ҳадылар келтиришни талаб қилиб акс ҳолда унинг юртига боришини ва унга ҳалокат келтиришини билдирди.

Малик Ғиёсуддин Темурга ўз элчиси билан мактуб юбориб унда: сен менинг хизматкорим эмасмидинг ва мен сенга яхшилик қилмабмидим?! Ўз хайру эҳсоним ва неъматим этагини устингга ёпмаганмидим?! Сен бўлсанг мақр-ҳийла ишлатиб фитна қилдинг, (одамларни) ўлдириб тирақайлаб қочдинг ва «қилғилигингни қилдинг»². Бу, мен сени зарбадан ва чормих этишдан қутқарганимдан кейин-а? Агар сен эҳсонни билгувчи инсон бўлмасанг, унда (ҳеч бўлмаганда) яхшиликни билгувчи ит каби бўл», деб ёзди.

Натижада Темур Жайхуни кесиб ўтиб, Ғиёсуддин томонга қараб равона бўлди. Ғиёсуддиннинг Темурга қарши тура-оладиган куч-қуввати йўқ эди. У уруғлари ва қишлоқдагиларига хабар юборгач, улар ўз уловлари билан Ҳирот атрофида жам бўлдилар. Ғиёсуддин бўстонлар атрофида ҳандақ қаздириб, бу билан ногирон ва заиф мискинларни ҳимояга олди ва ўзи эса қалъага³ бекиниб, шу тариқа Темурдан сақланиб қоламан, деб ҳисоблади. Бу, Ғиёсуддиннинг аввали ҳам, охири ҳам фаҳммулоҳазаси заифлигидан, қобилияти ночорлигидан, ақл фаросати камлигидан, фикр ва давлатининг инъикосидан (далил) эди. Мен (бу тўғрида) шеър айтдим:

Кимки бахти (унинг) тақдирига мувофиқ эрмас,
тадбири (унинг) ўзига ҳалокат келтирур.

Темур Ғиёсуддин билан жанг қилишга ва унинг муҳосарасига қизиқмади, лекин (Темур) аскарлари султон қаерга бормасин уни доира тартибда ўраб турдилар. Темур осойишта ва роҳатда турар, (унинг) душмани эса кенгликдан тор жойга тушиб қолган эди. (Султоннинг) бошлиқлари ва ҳошиялари саросимага тушдилар, ҳайвонлар ва моллар эгасиз, қаровсиз қолди, шаҳар издиҳомга тўлиб тошди. Уларни ноҳушлик ҳолдан тойдириб, очлик тинқасини қуритди, хосу авомлар ҳалок бўлиб, (уларни) дод-фарёд ва фиғон қамраб олди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

Натижада султон омонлик тилаб Темурга мактуб юборди. У фақатгина унинг сабабидан тангликда қолганини англади ва унга бошда ҳомийлик кўрсатиб, (энди) ундан азоб чекаётганини тушунди. У Темурга бир пайтлар ўзи унга кўрсатган эҳсон-раҳмларини эслати ҳамда Темурдан ўзига бериладиган омонликни иймон келтириб таъкидлашни талаб қилди. Темур (унинг) илгари кўрсатган яхшилигини (қалбида) сақлашни билдириб, унинг қонини тўкмасликкаю терисини тилка-пора қилмасликка қасамёд қилди. Шунда султон чиқиб, Темур ҳузурига кирди ва унинг олдида қўл қовуштириб турди. Темур шаҳарга кирди ҳамда Ҳирот қўшинлари ва ўз ёрдамчилари томонидан ўраб олинган султон ҳамроҳлигида шаҳардаги муस्ताҳкам қалъага кўтарилди. Шу пайт Ҳирот соҳибининг ботирларидан бири султонга: Темурни ўлдириб, ўзини (бу йўлда) фидо этишни ишорат қилиб унга қуйидаги мазмунда гал қилди:— Мен ўзимни ва молимни мусулмонлар учун фидо қилиб бу чўлоқни ўлдираман, нима бўлса бўлар». Султон унинг маслаҳатига рози бўлмай тангри-таолонинг ҳукмию иродасига таслим бўлиб, деди:— Дарҳақиқат, тангри-таоло ўз бандалари тақдирда ўзи тасарруф юритади. Албатта, у ўз муроди ўқини қандай бўлмасин (ўз) бандаларига тегизади. Қисматдан қочиб бўлмайди, тангри-таоло бўлиши муқаррар деб ҳукм қилган нарсадан ҳеч бир киши қутилолмайди. Мисра:

Агар сенга тақдир қилинган бирор иш келсаю сен ундан қочсанг билиб қўйки, сен ўша томонга қараб юрасан.

Бу бир сирки у зоҳир бўлмоғи керак ва уни (Темур) ишларининг ҳақиқатини суриштирмай қўяқол. Агар кимки қисматдан ғолиб келмоқчи бўлса, у мағлуб бўлган, кимки замонини таламоқчи бўлса, ўзи шилинган, кимки тақдир оқимидан кучли келмоқчи бўлса, ўзи ғарқ бўлган, кимки ғафлатда бўлиб айшу ишрат шаробига мойил бўлса, унинг томоғига тиқилган».

Шу дамда Ғиёсуддин отасининг (унга) айтган сўзларини эслади ва унинг айтганлари ҳақиқат эканини фаҳмлади. Лекин камон ўқи отилган бўлиб, энди уни камалак ипига қайтаришнинг иложи йўқ эди.

Темурнинг шайх Зайнуддин Абу Бакр Ал-Хавофий билан учрашуви баёни

Хўросонга қилган юришларининг бирида Темур Хавоф¹ қасабасида тангри-таоло ўз зулфлари билан тақдирлаган, бағоят эзгуликлар эгаси, Аллоҳ билан муомалалари сидқидил бир киши борлигини эшитган эди. У Шайх Зайнуддин Абу Бакр² деб аталиб, унинг ижтиҳод қуши учун Қудс боғида энг олий гўша (бордир).

Темур шу шайх руиятини ният қилиб, ўз жамоаси билан унинг ҳузурига юзланди. Шайхга, «Темур сени дийдорингни кўриш ва баракангни тилаш учун ҳузурингга келаётир»,— дедилар. Лекин шайх бир сўз ҳам айтишга улгурмасданоқ Темур етиб келди ва отидан тушиб шайхнинг ҳузурига кирди. Шайх эса ўз одатича гиламчаси устида (чуқур) фикрга чўмган ҳолда ўтирар эди. Темур унинг олдига яқин келганида шайх (ўрнидан) турди. Темур эмаклар бориб шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурнинг елкасига икки қўлини қўйди. Темур (кейинчалик) деди: Агар шайх елкамдан тезлик билан қўлини олмаганда чиндан ҳам мени босиб қолади, деб ўйлаган эдим. Мен гўё осмон ерга узулиб тушгану мен ўзимни еру осмон ўртасида майда-майда бўлиб кетгандек тасаввур қилдим». Кейин бу мумтоз киши ҳузурда одоб билан тиз чўқди ва ўз суҳбатини мунозара тарзида эмас, балки савол тариқасида тузиб, лутф билан унга: Э, менинг саййидим, шайх! Нега сиз ўз подшоҳларингизга жабр ва қаҳру ғазабга мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутишларини амр қилмайсиз?— деди.

— Биз уларга шу (нарс)ани амр қилиб, бундан муқаддам шуни изҳор этган эдик,— деди шайх — лекин улар бу амрга қулоқ тутмадилар, шу туфайли улар устидан ҳукми сизга топширдик. Уша он Темур шайхнинг ҳузуридан чиқди — энди унинг букирлиги тўғри бўлиб қолган эди ва деди:— Қаъба эгаси номи билан қасам ичаманки, энди мен (бутун) дунёга эгалик қилдим.

Сўнгра Темур Ҳирот подшоҳини қўлга олиб унинг ҳукмидаги барча нарсаларга эгалик қилди. Кейин Ҳирот вилоятларини бирин-кетин забт этиб, ҳар бир вилоятга ўз ноибини қўйди. Ўзи эса имкони қадрича бойликларни олиб, орқага, Самарқандга қайтди.

Темур Султонни шаҳар ҳибсига солиб, (устидан ҳибс) эшигини ёпди ҳамда шаҳар соҳибларига уни қўриқлашни топшириб, уларга ўзининг пойлоқчи шерларини, қўпол ва бағритош миршабларини қўшди. Бу Темурнинг майли, бошининг кесмайман, деб имон келтирган ваъдасига мувофиқ эди. Чиндан ҳам Темур унинг қонини оқизмади, лекин ҳибсда очлик ва ташналикдан ўлдирди.

Темурнинг Сабзавор ерларига юриши баёни

Темур Сажистонда мўлжалдаги ишларини адо қилгач, ўз аскарлари билан Сабзавор шаҳрига томон юзланди. Унинг ҳокими Ҳасан Журий деб аталиб, ўзи рофизий бўлса ҳам ҳокимиятда мустақил эди. Унинг итоат қилишдан ва имкони етгунча унга ҳада ва хизматкорлар тақдим қилиб пешвоз чиқишдан бошқа иложи йўқ эди. Темур уни ўз вилоятида қарор топтириб, ҳомийлик кўрсатди.

Темурнинг одати ва макридан (бири) шу эдики, агар у меҳмон тариқасида бирорта (киши) никига қўнса, энг аввал у уй эгасининг авлод-аждодини сурциштирар ва унинг исмининг ҳамда насл-насабининг эсида сақлаб қолиб, унга:— Агар сен менинг (мутлақ) ҳоким бўлиб, мамоликларга мустақил ҳукм юритишим хабарини эшитсанг, унда ҳузуримга фалон белги билан келгин. Ушанда сени мукофотга сазовор қиламан,— дерди. Натижада унинг номи тилларда достон бўлиб, (қилган) ишлари чор тарафга ёйилгач, доврўғи ва хабари дунёга тарқалгач, (ўша) кишилар (шарглашилган) белгилар билан «ҳар тарафдан» унинг ҳузурига шошилдилар. Темур улардан ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, мартабасига лойиқ жой топарди.

Сабзаворда Темур ва Фирибгарлар гуруҳининг бошлиғи Шариф Муҳаммад ўртасидаги можаро баёни

Сабзавор шаҳрида шутторлардан бўлган бир шариф киши бўлиб, у Саййид Муҳаммад ас-Сарбадол деб аталарди. У билан бир жамоа одамлари бор эдики, ҳаммаси фирибгар-

лар бўлиб, улар «сарбадолия»⁷ яъни шутторлар деб аталардилар. Бу саййид машҳур одам бўлиб, (ўз) фазилати ва ҳиммати саховатлари билан тилга олинадиган (маълум) киши эди. Шу туфайли ҳам Темур: Уни менинг ҳузуримга келтиринглар, чунки мен фақат уни деб келдим. Унинг дийдорига иштиёқманд бўлиб, ундаги (бор) илмни билмоққа илҳақман,— деди.

Натижада Саййидни Темур ҳузурига чорладилар. У киргач, Темур ўрнидан туриб бориб уни кучоқлади ҳамда очик чехра билан кутиб олди, унга иззат-икром кўрсатиб ўзига яқин тутди ва гап орасида (унга шундай) деди:— Э, мавлоно саййид! Сен менга айт-чи, нима қилсам Ҳуросон ерларини батамом эгаллайман ва ўзимга бўйин эгдириб, унинг узоғу яқин (жойлар)ини ўз ихтиёримга оламан? Бу ҳолат менга насиб бўлиши ва қинғир-қийшиқ, машаққатли йўлдан юқори кўтарилмоқ учун мен нима қилай?

Саййид унга деди: Э мавлоно амир! Мен пайгамбар бандаларидан бўлиб, бир фақир ва муҳтож кишиман. Бундай юқори фазилат қаерда-ю, мен қаерда. Гарчи (мени) шариф деб атасалар ҳам, мен ожиз ва заиф (бир) кимсаман. Ҳалоқат чашмаларидан сув ичишга менда тоқат йўқ. Мен ким бўлибманки, подшоҳлик ишларига аралашиб, бирор йўл кўрсатай? Агар кимда-ким подшоҳлар (ишлари)га дахл қилиб, (уларнинг) ишларига аралашса ёки уларга эътироз билдириб, монеълик кўрсатса, у икки денгиз бирикадиган жойда сузган ва сузишаётган икки қўчқор орасида (қотиб) турган кишига ўхшайди.

Темур унга деди:— Сен менга бу ниятга эришиш йўлини албатта кўрсатмоғинг ва ушбу ҳақиқатга етишиш (йўли)ни хабар қилмоғинг даркор. Агар мен сенда ушбу хислатлар борлигини пайқамангизда ва одамларни сени мулоҳазанг кўрсатган (тўғри) йўллардан жавлон урушларини қаромат қилмаганимда-ю, сен ушбу маърифатга эга бўлмаганингда, мен сенга бир сўз ҳам демаган бўлардим ва бечора (киши) бойдан ҳожат сўрагандек, мен сендан буни сўрамасдим. Чунки менинг фаросатим Ийасий⁸ барча мулоҳазаларим қиёсийдир». Шунда ушбу йўл кўрсатувчи Темурга:— Эй амир, бу масалада сен менинг гапимга қулоқ тутиб, кўрсатган йўл-йўриғимга амал қиласанми?— деди. Темур унга:— Фақат сен кўрсатган йўлдан бораман, деб мен сендан маслаҳат сўраб сен билан ҳамқадам юраман деб ҳузурингга чопиб келдим,— деди. Саййид Темурга:— Агар (сен) бу иш ўзини соф бўлишини хоҳлаб, ҳеч бир машаққатсиз ушбу мамоликларни эгаллашни истасанг, унда сен зинҳор бу ерлар фалақининг қутби-ю, бу йўллар доирасининг маркази Ҳожа Али ибн Муайяд ат-Тусийга⁹ бормоғинг лозим. Башарти у сенга ўзини зоҳиран яқин тутса, унда албатта ботинан ҳам сен билан бирга бўлади. Агар у сендан юз ўғирса, у вақтда ундан бошқа бирор кимса сенга фойда бермайди ва (ҳеч кимнинг) нафи тегмайди. Унинг қалбини ўзингга ром қилишга интилиб, ҳузурингга келтиришга жидду жаҳд кўрсатгин. У қатъий киши бўлиб, зоҳирию ботини бир (хил)-дир. Дарҳақиқат, одамларнинг итоат (қилиш)лари унинг итоатига боғлиқ бўлиб, барчанинг ҳаракати унинг ишоратига биноандир. У нима қилса одамлар ҳам шуни қиладилар, агар у тўхтаса-тўхтайдилар, юрса-юрадилар. Бу киши, яъни зикр қилган Ҳожа Али-шийъа (маъабидан) бўлиб, Алининг тарафдорларидан эди. У ўн икки имом номи билан пул зарб этиб, улар исмининг тутиб ҳутба ўқитарди. У қўрқмас ва ботир (киши) эди.

Кейин Саййид давом қилиб:— Эй амир! Сен Ҳожа Алини чақиргин. Агар у даъватингга «лаббай» деб жавоб қилиб, ҳузурингга ҳозир бўлса, сен унга ҳурмат-эътиром кўрсатгин ҳамда иззат-икромни зиёда этиб, ҳеч ким унга етказмаган тавқир-такбирларни етказгин. Чунки у сенга нисбатан бу нарсаларни ёдида сақлаб, хотирида қолдиради. Ҳурматлаш, улуглаш ва эъзозлаш борасида уни гўё улуг подшоҳлар мақомида кўргин. Унга нисбатан юқори мартабанга лойиқ бўлган биронта ҳам нарса хотирандан кўтарилмасин. Буларнинг ҳаммаси, ҳурматинг ва улугворлигининг ошишига оиддир,— деди.

Кейин Саййид Темур ҳузуридан чиқди ва зикр қилинган Ҳожи Алига — ўзи унинг учун бир қадар (муҳим) ишлар тайёрлаганини, агар Темурдан унга чопар келса ўйлаб-нетмасдан итоат қилишини ва ҳеч пайсалга солмасдан унинг ҳузурига жўнашини ҳамда Темурнинг қудратидан ўз холию молига (ҳеч қандай зиён етмаслигига) амин бўлиб, қалби равшан бўлишини тайинлаб,— ўз чопарини жўнатди.

Ҳожа Али бирталай хизматкорлар, туҳфалар ва тортиқлар тайёрлаб чопарнинг (кириб) келишини кута бошлади. ва Темурнинг ҳамда ўз ҳомийсининг исми билан тангаю тиллолар

зарб этиб, шаҳарлар жомеъиларда улар иккисининг номи билан хутба ўқитди. Хожа Али бу ишларини тугатиб, ўзининг тез орада қақрилувиға ҳозирланиб турган пайтда бирдан Темурдан чопар келиб, унга мактубни тутди. Мактубда энг латофатли калималар ва ёқимли хитоблар бўлиб, Темур сидқидиллик, ҳурмату эътибор ва меҳру муҳаббат билан шайхни ўз ҳузурига чорлаган эди. Шайх ўз итоати лисони билан ўша заҳотиёқ «лаббай», дея ўрнидан кўзғолди. Вақтини фақат йўлдан ўзга нарсага кетказмай, чексиз орзу-умидлар ва ишончли аҳду-паймонлар билан етиб келди. Шайх етиб келгач, Темур унга қимматбахо ҳадялар, чексиз тухфалар, ажойиб ва фаройиб шоҳона ва ҳусравона буюмлар, подшоҳларга муносиб тенги йўқ сарпоҳлар тақдим қилиб, уни таъзим-тавозеъ билан эъозлади ва (унинг) устига беназир инъом-эҳсонларни ёғдирди. Темур шайхнинг орзу-умиди қоматиға ўз иззат-икроми хилъатларининг кенг этакларини тушириб, уни ўз (вилояти) волийлигида давом эттирди ва унга бўлган мурувватию кароматини зиёда этди. Натижада, Хуросонда Темур ҳузурига келмаган ва унга мурожаат қилмаган на бирор шаҳар амири, на бирор мустақкам қалъа ноибни ёки бирорта машҳур одам қолди. Уларнинг энг улўғлари Бовард ҳокими амир Муҳаммад ва ва Сарахс ҳокими амир Абдуллодир. Темурнинг ҳайбати (барча) уфқларга ёйилиб, қудрати сояси. Мозандарон, Кийлон (Гилон), Рай¹⁰ ерлари ва Ироққача бориб етди. Одамларнинг қалбларини, қулоқларини унинг хабари билан тўлиб-тошди, узоқ-яқиндагилар, айниқса, Шоҳ Шужоъ¹¹ ундан хавфланди. Бу (иш)лар ҳаммаси қисқа муддатда, оз кунлар ичида, Темур султон Ҳусайнни қатл этгандан кейин икки йил чамаси ўтгач содир бўлди.

Ушбу довуракнинг Ажам Ироқи¹² султони Абулфаворис шоҳ Шужога йўллаган мактуби баёни

Хуросон ерлари холис ўзиники бўлиб, ҳар бир узоғу-яқиндагилар унинг итоатига бўйин эгач, Темур Шероз ва Ажам Ироқи султони Шоҳ Шужога мактуб юбориб, ундан (ўзига) бўйсуниб, итоат қилишни ва мол-дунё ҳамда хизматкорлар юборишини талаб қилди. Ўз мактуби жумласию хитоби маъносида у:— Дарҳақиқат, тангри-таоло сиздек золим ҳокимлар ва (одамларга) жабр қилувчи подшоҳлар устидан салтанатни менга берди. Ким менга қаршилиқ қилган бўлса, тангри ундан мени баланд тутди, ҳамда мен билан муҳолафага бориб, адоват қилганларга қарши (мени) қўллаб-қувватлади. Сен буни кўрдинг ва эшитдинг. Агар (сен) шунга рози бўлиб, итоат қилсанг, дуруст иш қилган бўласан. Акс ҳолда билиб қўйгинки, менинг қадамим (келишда уч нарса: харобалик, қаҳатчилик ва вабо мавжуддир. Мана шулар ҳаммаси сенинг бошингга тушади ва сенга мансубдир,— деди.

Шоҳ Шужоънинг тинчлик тўғрисида битим тузиб, совға бериб, совға олишидан, у билан қудалашиб, апоқ-чапоқ бўлишидан бошқа иложи қолмади. У ўз қизини Темурнинг ўғлига унаштирди. Лекин содир бўлган қабиҳ ишлар бу суруратни тамомига етказмади. Воситачининг фасоди, совчининг ҳақорати, пардозчи (аёл)нинг зиёни туфайли ушбу шод-хуррамлик гамгинликка айланди.

Мен бу ҳақда бадиҳан ушбу шеърни айтдим:

Бирор зарур иш учун воситачи танласанг,
Унинг даҳосидан эҳтиёт бўлиб, (ундан)
Хавотир бўл.
(Шуни) билгинки, инсонлар табиятан макр,
Жафо, даҳл (қилишдан) яратилган.
Воситачига ҳеч вақт ишонма ва ҳеч кимга
ишонмасдан ўз ишингни ўзинг қил.
Дунёдаги энг ҳақиқий ва тенги йўқ эр киши,
(бу) дунёда бошқа кишига таянмайдиган кишидир.

Бу ўринда сўз жиловининг чўзилиши (бизни) мақсуддан хориж тутур. Лекин (улар ораларида) муҳаббат бўстонлари

гуллаб-яшнади, дўстлик гунчалари ривож топаверди. Икки тараф ўртасида садоқат ва мактублар карвонлари (тўхтовсиз) сэйр қилиб, улар шу зайлда ҳеч бир низоосиз то Шоҳ Шужоъ вафот этгунга қадар давом этдилар.

Темурнинг учинчи марта Хоразмга отланиши баёни

Сўнгра Темур қатъий азму қарор ва журъат билан яна Хоразм устига юриш қилишга бел боғлади ва Астрообд йўли орқали Хуросондан (чикиб), ўша мамлакатга томон юзданди.

Хоразм султони ҳамон ғойиб эди. Темур хоразмликлар устига ўзи томонидан ноиб тайин қилмоқчи бўлди, лекин унинг истиқболиға (аввал) зикр этилган Ҳасан пешвоз чиқиб, Темур билан сулҳ тузди ва ундаги ёмонлиғу қабоҳатни (мол-дунё ва пул эвазига) сотиб олди ва унга: Эй, мавлоно Амир! Биз ҳаммамиз (сенинг) асирингиз, лекин (бизнинг) султониғиз ғойибдир. Башарти сен (бизнинг) устимизга ўз тарафингдан ноиб қўйсанг, султон томонидан менинг бошимга ҳам кулфат келиши эҳтимол. Натижада бу нарса адоват кучайишиға сабаб бўлади. ҳамда иккинги ўртангизда жабру жафо ва қасоват зиёда бўлади. Қаҳринг мусулмонлар устига қўйилиб фасод вақеъ бўладики, ҳолбуки «тангри фасодчиларни хуш кўрмайди».¹³ Фараз қилайлик Ҳусайн Сўфи сенинг ноибинг бўлсин, барча халқ хизматингга риоя қилиб, сенинг томонингни олиб иш тутсин: фикринг энг олий фикр ва фармонингга амал қилиш энг авло (иш) бўлсин — деди. Темур Ҳасаннинг гапини тинглаб айтганларини қабул қилди ва жўнаб кетиш учун ўз чодирларини буздирди.

Зикр қилинган Ҳасаннинг бемаъни қилиқлари билан танилган бир бевурд ўғли бор эди. Гўёки у султон¹⁴ жорияларидан бири билан зино қилган. Бу ҳамма ёққа ёйилиб, у (хабар)нинг сассиқ ҳиди султонга етиб борди. Лекин Ҳасан бу жирканч ишдан хайрли ибрат чиқариб олмай: Султон наздида хизматларим — яна қандай хизматларки — бор! Мен унинг шаҳрини ҳар қандай золим кофирлардан ҳимоя қилдим ва бу йўлда мол-дунёминию иззат-эътиборимни уч мартагача фидо қилдим. (Темур билан) сулҳ тузганим бадалига султон албатта ўғлимнинг гуноҳидан ўтиб, уни кечиради,— деди.

Султон сафаридан қайтиб, юз берган ишнинг ҳақиқатлигидан воқиф бўлгач, Ҳасаннинг ва унинг ўғлини тутиб (келтириб) қатлга тортиди ва уларни ўз қаҳри шери олдиға ташладики, у (уларни) ютиб юборди. Султон улар диёрларини хароб этиб, бутун мол-дунёларини ўз хазинасига келтирди. Кейин, кўп ўтмай Ҳусайн Сўфи вафот этди ва ундан кейин ҳокимиятга унинг ўғли — Юсуф Сўфи эғалик қилди. Бундан олдинроқ Темур улар билан қудалашиб, муҳолифларига қарши (уларга) ёрдам бериб, (уларни) қўллаб-қувватлаган эди ва Жаҳонгир деб аталадиган ўз ўғлини улардан ниҳоятда қадр-қимматли, шарафли аслзода, юзидан нур сочилган, Шириндан кўра ҳам ҳусндор, Валлодадан¹⁵ кўра зарофатли бир қизга уйлантирган эди. Хон(лар) қизларидан бўлганидан уни Хонзода деб атадилар. Хонзода (Жаҳонгирга) Муҳаммад Султонни тортиқ этди. Муҳаммад Султоннинг зийраклиги ва истиқболи порлоқлигиға очик-ойдин далиллар бор эди. Темур унинг хислатларида бахту-саодат нишонларини мушоҳида этгач,— зотан у зийракликда Темур фарзандлари ва набираларидан (батамом) устун эди,— уни(уларнинг) барчасидан афзал кўрди. Аммо замон Темурга инодлик кўрсатди. Муҳаммад Султон бобосидан олдин Рум ерларидаги Оқшаҳарда вафот қилди. Ушбу (воқеа)нинг зикри кейинроқ келади.

Темурнинг тўртинчи марта Хоразмга таважжуҳи баёни

Ҳасаннинг бошиға тушган кулфатни эшитгач, Темур қаҳрланди. У ўз азму қарорини дадил қилиб ғазаб жиловини Хоразмга томон бурди¹⁶. У Хоразмни эғаллаб, (унинг) султони

ўлдирди. Шаҳар руқунларини вайрон қилиб, биноларини хароб этди ва (Хоразмдан) боқий қисми устига ўз томонидан ноиб тайинлади. Хоразмдан кўчириб олиб кетиш мумкин бўлган жамъий нарсаларни Самарқанд ерларига олиб кетди.

Темурнинг Мозандарон¹⁷ ерлари амири шоҳ Валига юборган мактуби баёни

Шунингдек, Темур Хуросонга йўл олган вақтида Мозандарон ерларининг амири Шоҳ Валига мактуб юборди ҳамда ўша жойдаги мустақил амирлардан Искандар ал-Жаллобий Аршиванд ва Иброҳим ал-Қуммийга ҳам хабар етказиб, одати бўйича уларни ўз хузурига (келишга) даъват этди. Иброҳим, Аршиванд ва Искандар заруратдан (бунга) рози бўлдилар, аммо Шоҳ Вали — бу шер эса — рад жавобини берди¹⁸. У Темурнинг хитобига (ҳеч) эътибор бермай, унга (ёзган) жаво-бида кўрслик (билан муомала) қилди.

Шоҳ Валининг Ироқ султонларига мактуби ва бу борада низо ва ноиттифоқликдан нималар воқеъ бўлгани баёни

Кейин Шоҳ Вали Ажам Ироқи ва Кермон султони Шоҳ Шужоъга, Араб Ироқи ва Озарбайжон мутаваллиси Султон Аҳмад ибн Шайх Увайсга хат юбориб, «Темурдан ўзига мактуб келганидан, ўзидан унга қандай жавоб содир бўлганлигидан уларни воқиф қилди. У ўз хатида деди: Мен сизларнинг ҳам-соянғиз бўлиб, (менинг) ишларим яхши бўлса, сизларнинг ишларингиз ҳам тартибда бўлади. Агар Темурдан менга бирор кулфат келса, унда у (кулфат) сизларнинг ерларингизга ҳам етиб боради. Агар (сиз) менга ёрдам қилиб, мадад берсангиз, мен сизни (ҳам) бу машаққатдан ҳалос қиламан. Акс ҳолда, сизлар (ушбу) шеърда айтилганидек бўлиб қоласизлар!»

(Агар) кимнинг кўшнисини соқоли олинса,
Ўз соқолига ҳам сув қўйиб ивтаверсин.

Аммо Шоҳ Шужоъ эса унинг гапларига эътибор бермай ташлаб қўйди ва зикр қилиб ўтилганидек, Темур билан сулҳ тузиб, совға бериб, совға олди. Султон Аҳмад эса (Шоҳ Валига) назар-писанд қилмаслик (билан) жавоб бериб, деди: «Бу чиғатойлик шол, чўлоқ нима ҳам қиларди? Қаердан? Қандай қилиб бу чўлоқ чиғатойлик иккала Ироққа (Ажам ва Араб Ироқларига) кира олади? У билан бу мамлакатлар ўртасида «тиконли дарахтнинг пўстини қўл билан сидиришдек машаққатлар»¹⁹ бор. Жой билан жой орасида қанча катта фарқ бордир. Темур Ироқни Хуросон мисоли ҳаёл қилмасин. Агар у бизнинг юртимизга келишни ният қилган бўлса, албатта ўзи билан (бирга) ўлими ҳам келади ва унинг (бутун) орзу-умидлари пучга чиқиши муқаррардир. Бизлар шундай қавмдирмики, бизда ҳам куч-қувват, ҳам шиддат, қурол-яроғу қўшин, мол-дунё ҳам шавкат мавжуддир. Фақат бизгагина баланд парвозлик ярашади. Ҳатто гўё ал-Мутаннабий²⁰ шу байтни бизлар ҳақимизда айтгандек:

Биз одамлар қиёфасидаги жинлар, йўқ, туя қиёфасидаги қушлармиз.

Шоҳ Вали улар (икковлари)дан ушбу (жавобни) билиб, улар ёлғиз ўзини ғам-кулфати билан ташлаганига қаноат ҳосил қилган: Аммо, худо ҳақи, мен бўлсам ҳеч қачон Темур билан чин сидқидилдан ва «беозор қалб (нафс)»²¹ билан мувофиқликка кирмайман! Агар мен уни (Темурни) енгсам, бутун шаҳарларда сиз иккалангизни огоҳ тариқасида намоийш этман

ва «басират эгаларига»²² сиз (иккинги)ни ибрат қиламан. Агар у мендан ғолиб келса, унда сизлар устингизга келади-ган (бало)да мени ҳеч бир айбим бўлмайди. Илоҳим, сизлар (устингизга) тамомий қазо-ю, умумий бало келсин!— деди.

Кейин Шоҳ Вали тангри таолонинг қазою қадрига таслим бўлиб, Темур билан мулоқатга тайёрланди. Икки томон бир-бирга рўпара келиб, ўқ отиш, қилч зарбаси ва найза таънаси билан қўшилиб кетгач, Шоҳ Вали бир муддат Темурдан келган офату кулфатга чидаш берди, кейин Темурнинг (қандай) ҳужум қилиши ва ҳамласини кўргач, орқасини ўгириб олди ва «Мажол етмайдиган (нарс)дан қочиш суннатига амал қилди»²³. Ироққа боришнинг имкони бўлмаганидан у Райга томон юзланди. Райда Муҳаммад Чавқар деб аталадиган мустақил амир бўлиб, ўша қишлоқ ва шаҳарлар устида истаганича ҳукм юртарди. У олийжаноб ва шижоатли, барча итоат қиладиган ҳукмдор эди. Шунга қарамасдан, у Темурга хушмад қилиб, унинг баъзи ишларидан чўчиди. Натижада Муҳаммад Чавқар Темурнинг шавкати-ю шиддатидан кўрқиб, Шоҳ Валини ўлдир-иб, калласини Темурга жўнатди.

Абу Бакр Шосбоний ва Темур ўртасида содир бўлган воқеалар баёни

Мозандарон вилоятларининг бирида Шосбон²⁴ деб аталади-ган қишлоқда Абу Бакр²⁵ исмли бир киши бор эди. Жангларда у гўё дарғазаб шердек бўлиб, тотор аскарларидан кўпини қириб, нобуд қилган эди. Агар у курашга бел боғласа, ҳеч бир кимса унга бардош бера олмас, (агар) у салласини ўраса одамлар ўртасига қиёмат қойим соларди. У доим тепалигу тоғлар орасида яшириниб, қўшинни ва ботирларни шу даражада ерга ёпиштирворардики, ҳатто (одамлар) унинг ҳақида масал тўқиб, мабодо тушларида кўрсалар ҳам ундан кўрқиб, титрайдиган бўлдилар. Агар бирор кимса отига (тўрвада) ем илса ёки уни суғорса, от сувдан тисарилиб ёки тўрвадан ҳайиқиб ҳуркса, у (киши) отига: Нима (бало), сувда ёки тўрвадаги арпада Абу Бакр Шосбонийни кўрдингми?— дер экан.

Айтишларича, кўпдан-кўп урушлар, жанглар ва офатларга қарамасдан, Темур истилоси вақтида унинг аскарлари фақатгина уч кишидан зарар кўрганки, улар Темурнинг ўзига ва аскарига ниҳоятда қаттиқ талофат етказиб, уларнинг кўпини жаҳаннам қаърига улоқтирганлар. Улардан бири Абу Бакр Шосбоний, иккинчиси Сайди Али Курдий ва учинчиси Умнат Туркманийдир. Айтишларича, Мозандарон дарбандларидан бирида Абу Бакрни ҳар томондан ўраб олиб, унинг нажот йўлларини тўсиб, тўр арқонларини мустаҳкам қилган. Улар уни бир қоя рўпарасидаги иккинчи бир қояга қисиб олишдики, бу икки қоя орасидаги масофа саккиз қулоч эди. Унинг қаъри тик қазилган қудуқдек ёки жаҳаннам тубидаги водий каби (чуқур) эди. Абу Бакр ўргатилган отдан тушиб, устидаги аслаҳа ва қалқон билан бир қоядан иккинчисига қараб сакради ва ҳеч бир талофат кўрмай, гўё Таабата Шарра²⁶ қутилгандек жангилди. Кейин у ўз одамларига қўшилиб, душманларни ҳалок этди ва улардан ўлганларини фано тегирмонига олиб бориб янчди. Кейин унинг иши нима бўлгани ва ҳоли не кечганини билмайман.

Аммо Сайди Али Курдий бўлса, кўрдлар ерларида амир бўлиб, (ўзининг) соқол-мўйлови чиқмаган бир гуруҳ одамларию бенуқсон отлари билан яқин йўллаб бўлмайдиган тоғларда ва йўли узоқ ҳамда машаққатли жойларда яшарди. У ўз жамоаси ва (ўз) итоатига кирган кишилар билан чиқиб, тора йўллар оқсизга ўзининг ишонган одамларидан кўяр, кейин эса Темур аскар устига ғоратлар қилди муслмонлар учун улардан қасос олар, уларнинг одамлари-ю чорваларидан имкон борича ажратиб олиб, кўзлаган мақсадига эришганидан кейин ўз инига (қараб) қайтиб кетарди. Бу ҳол Темур ҳаётлик вақтида ва у вафот этгандан кейин ҳам, яъни унинг (ўзини) ўлим келиб босгунча давом этиб тугади. Умнат Туркманий бўлса, Қорабоғ туркманларидан эди. Унинг икки ўғли бўлиб,

улардан ҳар бири Темур қалбида ўчмас доғ қолдирган эди. Туркманлар билан Амираншоҳ²⁷ ва Чигатой аскарлари ўртасида тўхтовсиз тўқнашув ва урушлар давом этиб турарди. Туркманлар рақиблари жамоаларидан ҳисобидан адашадиган даражада сонсиз-саноксиз аскарларини нобуд қилдиларки, ниҳоят ўзларига мансуб кишилардан бири хонлик қилиб, чигатойликлар томонига ўтди. У Амираншоҳ аскарларини туркманлар устига бошлаб келди. Улар кечаси туркманлар устига ташланиб, қонларини сел қилиб оқиздилар.

Натижада уларнинг уювлари ҳам, — тангри уларга раҳм қилсин, — худо йўлида шаҳид бўлдилар. Мен шеър айтдим.

Энг оғир кулфат ғанимлар ичиқоралигидир,
Лекин ундан ҳам оғир (офат) дўстлар хиёнатидир.
Яна айтилган:
Дўст кишидан келган озор эр киши учун
Ҳинд қиличининг зарбасидан ҳам кучлироқдир.
Яна айтилган:
Яқин (киши)ларга қиладиган ишингиз шу бўлса,
беғоналарга нима қолдирдингиз?

Темурнинг Ажам Ироқига юриши ва Шоҳ Мансурнинг ушбу серсув денгиз (Темур қўшини) гирдобига шўнғиши баёни

Шоҳ Шужоё вафот этиб, аввал зикр қилганимиздек, унинг аҳли ўртасида низо воқеъ бўлгач, Ажам Ироқининг ҳукми Шоҳ Мансурда қарор топди. Мозандарон ерлари Темур учун холи бўлди. Зикр қилиб ўтилганидек, Шоҳ Шужоё ўз ўғли Зайн ал-Обидинга (ҳомийликни) Темурга васият қилиб, (ўғли) ишини унга топширган эди. Натижада амакиваччаси Зайн ал-Обидинга нисбатан қилган ишини писанда қилиб Темур Шоҳ Мансурга қарши юришга йўл топди. Шунда Шоҳ Мансур ўз яқин (киши)ларидан мадад сўради. Лекин улар ҳаммаси унга қарши бўлиб четландилар, ундан ўзларини узоқ тутиб ҳар қайсиси ўз томонини муҳофаза қилиш билан машғул бўлдилар. Натижада Шоҳ Мансур шаҳар атрофини маҳкам истеҳком билан ўрагандан кейин, мукамал қуролланган икки мингга яқин суворий билан якка ўзи Темур билан жангга тайёргарлик кўра бошлади. У шаҳардаги отлару одамларни тартиб билан қўйди ва (шаҳар) аҳлини сабр-тоқату хушёрликка ундади. Шаҳар аёнларининг ақибларини ва аҳоли бошлиқлари унга дедилар:— Уруш девори қўзғалиб ҳаракатга келгач, биз сен билан жанг майдонида шўнғилик. Темурнинг (бизга) етиб келишига тўсқинлик қилиб, (устимизга) ҳужум қилишдан ўзимизни ҳимоя қилиб, ҳатто унинг талай одамларини ерга ёпиштириб, бир қанча ботирларини нобуд қилдик ҳам (дейлик). Кейин сен икки минг суворинг билан қуюқ булутдек қўшинларга қарши нима ҳам қиласан? Эҳтимол сенинг бандинг ечилиб, қўшининг мағлуб бўлиши мумкин. Шунда сен бу қизғин жангдан қочиб халос бўлишингдан ва нажот ахтаришингдан бўлак нарса топмайсан. Душман билан уришиб ҳолдан тойганимиздан кейин бизларни гўё қассоб канорасидаги гўштга ўхшатиб ташлаб кетарсан. Адоват кучайгандан кейин надомат (бизга) фойда бермайди. У пайтда биздаги ушбу дэрз фақат қатл, наҳбу форат ва асир бўлиш йўли билангина тузатилади. Шунда Шоҳ Мансур қўлини чўқморига қўйиб:— Мана бу «алиф» Темурдан қочган ҳар бир кимса онасининг андомида²⁸ бўлади, — деди, — мен бўлсам (ўз) қўшиним билан бирга жанг қиламан. Агар қўшиним мени ташлаб кетса, унда ёлғиз ўзим урушман ва жангда (ўз) жидду-жаҳдимни аямайман. Темурга қарши бутун ғайрат-шижоатимни сарфлайман. Агар (мен) ғолиб чиқсам, муродимга эришаман, агар ҳалок бўлсам, мендан кейин ўлганлар учун мен гуноҳкор эмасман. Гўё, шоир ушбу байтни айтганда мен унинг хотирасида ҳозир бўлганман:

Агар у бир ишга азм қилса, кўз олдига ўз мақсадини қўйиб, унинг оқибатини зикр қилишдан четланади.

Айтишларича, Шоҳ Мансур ўз одамларини қалъаларга тарқатиб, шу (йўл) билан ўз шаҳарларини муҳофаза қилишни хоҳладию, қишлоқларда талофат кўрди. Кейин у Шероз бошлиқлари ва аскарларини, унинг ғоятда азиз кишиларини ўғлонларини тўплаб, деди:— Бу душман ниҳоятда хавфли. Гарчи у хорижий бўлса ҳам бизнинг еримизда пайдо бўлди. Фикримча, мен у билан биронта жойда учрашмайман ва уни қилич ёки найза билан муқобил этмай, балки чор атрофда айланиб юрман, ҳамда раияларим билан ҳар тарафдан унинг устига чанг соламан. Биз уларнинг кифтларидан босиб, қўл-оёқларини кесамиз, кундузи уни таъқиб этиб, кечаси кузатамиз. Имконимиз етгунча унга қарши куч-қувват ва отлиқлар тайёрлаймиз. Ҳардам унинг ғафлатдалигини сезсак бўйин ва бошини бўлаклаймиз. Баъзан унга қилич уриб, баъзан эса найза санчамиз, бир марта унга жароҳат етказиб, иккинчи марта молларини ҳайдаб кетамиз. Биз унинг оромини бузиб, қайтишига монельлик қилиб, олдини тўсамиз. Шунда унинг учун тор жойлар ҳосил бўлиб аҳоли қийинлашади, йўллар ва юрадиган жойлар ёпилади. Бироқ, э, олийжаноб кишилар! Сахро йўлбарслари ва одамлар бургутлари! Сизнинг вазифангиз ҳеч бир вақт — на кечасию, на кундузи ғафлатда бўлмай (шаҳар) деворларининг мустаҳкамлигини кўриқлашдир. Мен сизлардан узоқда турган вақтинда ҳам душманларнинг биронтаси сизга яқин келолмайди. Агар улар сизни қуршаб олса, у вақтда сизларда ўзингизни ҳимоя қиладиган даражада куч бор. Мен сизларни худого (омонат) топшираман, чунки у энг яхши паноҳдир. Сизлар фақат бу шиддатда энг кўпи билан тангри таоло ўз набийси Мусога қанча (вақт) ваъда қилган бўлса, шунча вақт²⁹ бўласиз. Бу фикр оллоҳга мансубдир. У нақадар қатъий, мустаҳкам ҳамда бу мақсаднинг юзи қанчалик ҳусндордир. Кейин Шоҳ Мансур чиқиб, (бошқа) бир томонни кўзлаб кетди.

Шоҳ Мансур шаҳар дарвозасидан ўтаётган пайтида шум кампирлардан бири уни кўриб, у ҳақида бўлмағур сўзлар ёғдирди ва ажаллар тилида жар солиб:— Бу уятсиз мижговга қаранглар. У мол-дунёмизни ютиб, қонимиз устидан хоҳлаганича ҳукм юртди, энди эса биз унга ғоятда муҳтож бўлиб турган пайтимизда бизларни душманларимиз чангалига ташлаб кетаёттир. Қўрол кўтаришни тангри унга ҳаром қилсин ва (ўз) мақсад ва орзуига эришишида, (тангри) унга сира мадад бермасин!— деб нидо қилди.

Бу (сўзлар) Шоҳ Мансурнинг чақмоқтошини аланглатиб, қалбини жароҳатлади, ғазаб ўти ҳазсиллаб (ёниб), ундан чиққан аланга Шоҳ Мансур мулоҳазаси ғарамларига ўт қўйиб юборди. Унинг мағрур қалби нафратга тўлиб жаҳолат таассуби (уни) шу даражада қамраб олдики, ҳатто шундай бамаъни кишидан ақл-идрок кетди. Натижада у ғалат ишга юз тутиб унга ёпишиб олди³⁰. Кейин азм жиловини (орқага) буриб, ўз журъат тишларини гижирлатди, курашдан қайтмасликка, уруш жазоси мажлисида бўладиган тўқнашишдан орқага чекинмасликка қасамёд қилди. Бу нарсани эрталабу кечқурун ўзига одат қилиб, токи «тангри истаган кишисига ғалаба ато қилмагунча»³¹ давом эттиришга онт ичди. Кейин у душманга рўпара бўлди ва ўз ботирларини тартиб билан жойлаштирди, уруш қилди³². Шоҳ Мансур аскарлари орасида Темурга сирдош бўлган хурросонлик бир амир бор эди. У Муҳаммад ибн Зайнуддин, деб аталиб, (бениҳоя) бузук фосиқлардан эди. Шоҳ Мансур аскарларининг асосий қисми у билан бирга эди. Қутилганда, у Темурга томон юргач, қўшиннинг кўпчилиги унга эргашди. Оқибатда (Шоҳ Мансур билан) қўшинлардан фақатгина минг чоғлиги қолса-да, уларда бирортаси ҳам жанг майдонидан қочмади. Ишлари изтиробга тушса ҳам, Шоҳ Мансур мустаҳкам турди. Жанг оловлари бир-бири билан туташиб, уруш чақмоқ тошлари ловуллаб ёнди: ўқ уққунлари ҳар томонга учар, қилич ўроқлари билан ўрилган бош мевалари (атрофга) сочиларди. Ниҳоят, тун лашкари келиб, кундуз қўшини қочиб учун этагини шимарди. Рақиблардан ҳар бири ўз қароргоҳига қайтиб, Шоҳ Мансур (қандай) макр ишлатиш устида фикр юртди.

Тун оғуши остида Шоҳ Мансурнинг Темур аскарига нисбатан қилган уруши ва (етказган) кулфати ҳақидаги нақл баёни

Замондан ҳам қайсар, даврдан ҳам шиддатлироқ бир отга миниб, Шоҳ Мансур вақт ярим кечадан ўта бошлаганида душман қароргоҳи томон юзланди. У бир парча палосга ўралган мис қозонни отининг думига тангиб олди ва уни ип билан маҳкамлаб ўраб боғлади ва отнинг бошини душман томонга буриб ҳайдаб кетди. (Бу шовқин-сурондан) одамлар саросимага тушиб, бир-бирлари билан (ўзаро) урушиб кетдилар. Гўё қиёмат қойим яқинлашгандек ёки осмон учар юлдузлари билан улар устига ағдарилиб тушгандек ёки ер улардан ларзага келиб (кўтарилиб) тушгандек бўлди. Шоҳ Мансур, гўё ўз ўлжаси атрофида парвона бўлган лочиндек улар атрофида турар, ким четланса уни ўлдирар, ким қочса яксон қиларди. Улар гўё (ушбу) шеърда айтилгандек бўлдилар:

Кеча қоронғисиди кўчқорлар ғоятда шиддаа билан
сузишардилар — уларнинг ярашиши кўринмайди менга.
Бунда бирови турган, бирови ўтирган, бирови ётган,
(бундан)
кимки бошини саломат олиб чиқса, ўша ютган бўлади.

Айтишларича, ўн мингга яқин одам ҳалок бўлгунча улар бир-бирлари билан урушаверганлар. Тун ўз чодирини бузиб, кундуз ўз байроқларини кўтарганда Темурнинг одамлари бу балонинг қаердан келганини билдилар. «Кошки, бу тун улар тепаларидан кетмаганда» эди³³. Тонг отганда Шоҳ Мансурнинг ёрдамчилари камайган ва мададкорлари қочган эди: Лекин у (ўз) жамоасидан беш юз чоғли бир гуруҳни танлаб, улар билан (душман устига) шердек савлат тўкиб ташланди ва ҳаёт-мамот жанги гирдобига шўнғиди. Улар олдида бирон кимса бошқадан мадад топмади. Шоҳ Мансур бўлса ўнгу чапга чайқалиб, олға ташланиб: Мен сабр-тоқат қилиб, ўз қилган иши учун худодан эҳсон кутувчи Шоҳ Мансур бўламан! — деб бақирарди.

Шоҳ Мансур от устида ўтириб икки қилич билан душманга ўнгу-чапдан зарба берарди. Унинг учқур оти эгаси билан (бир)га жанг қилиб, бу урҳо-урда кимки унга яқин келса тегиб тишларди. Гўё у мен «Миръотул адабда»³⁴ айтган шеър маъносини нашида этарди:

Тангри қўли менга қувват бериб, душман қўлини боғлади
бу қўлларим икки қилич билан уларга зарба беради.

Ниҳоят, жанг Шоҳ Мансурни ҳолдан тойдирди, қўллари қиличу найза зарбасидан чарчади, ботирлари ер тишлаб от ва одамлари ўлдирилди, унинг ҳол-аҳволи ҳар жиҳатдан ўзгарди. Унинг (нажот) йўллари беркилди, дарбандлар тўсиб кўйилди. Унинг овози ўчиб, омон қолган одамлари ташвишга тушиб қолди: унинг яшини сўниб байроқлари қўйи эгилди, ютуқлари озайиб, қаноти кесилди, руҳи заифлашиб, жароҳати оғирлашди; вайсашини соқит бўлди, ғинғиллаши тинчиди. Кейин у ўз ҳамроҳларидан четланиб, ёлғиз қолди — жароҳати унга азоб бериб қийнар эди — ва у билан бу денгиз (оқими)да фақат икки кишигина қолган эди. Улардан бирининг исми Таваккал (мумкин Тукал), иккинчиси эса Миҳтар Фахр (уддин) эди. Шоҳ Мансур даҳшатда қолди ва уни ташналик қамраб олди, жигарини чанг ва иссиқлик тафти қоплади. У ичиш учун (бир қултум) сув излаб, топа олмади. Агар томоғини хўллайдиган бирон нарса топганда эди, ҳеч бирон кимга унинг йўлини тўса олмас эди. У ўзини (ўлганга солиб) ўликлар ичига ташлашни авло кўрди ва қурол-яроғини ташлаб, отини ҳайдаб юборди ва ўзини ўликлар орасига олди. Таваккал ҳам ўлдирилиб, етмиш жойидан жароҳатланган Фахруддин эса қутилиб қолди. У кейин тўксон (ёш)гача яшаб узоқ умр кўрди. У (Фахруддин) ботир ва паҳлавон кишилар (тоифасидан) эди.

Улим булоғига яқин келганидан кейин Темур аскарлари

орқага қайтиб, (бир жойга) тўпланиб ўзларини тикладилар. Бу, улардан кечасию кундузи беҳисоб ўлиб нобуд бўлганидан кейин (юз берган) эди. Темур Шоҳ Мансурни йўқотиб қўйганлиги ва бу даҳшатли шернинг ҳоли не кечганидан воқиф бўлмаганлигидан изтироб чекиб, безовталанди ва (кўзларидан) уйқуси қочди. У, қуёш то ўз пардаси орқасига яшириниб, зиё қиличи қоронғилиқдан иборат қинига киргунга қадар ярадорларни текшириб (кўришни), ўлганлару ётганлар орасидан Шоҳ Мансурни қидиришни буюрди. Ялтироқ қуёш динори ёруғлиқни қоронғилик либоси остига яшириб, қудрат тикувчиси фазо бўшлиғига асосини ёйганда ва «қоронғилик келиши билан кеча»³⁵ ер сатҳи устига ўз ярқироқ юлдузларидан иборат дир-ҳамларини сочган зулмат тушиб ҳамма томонга ёйилган бир пайтда чиғатойликлардан бири ўлим ҳолатида ётган Шоҳ Мансурга дуч келиб қолди. Шоҳ Мансур бу инсонга — йўқ, хиёнаткор шайтонга (маҳкам) ёпишиб олиб: омонлик, менга омонлик (бер)! Мен Шоҳ Мансурман — деб нидо қилди, — Сен мени сир тутгину (мендан) мана шу жаҳоирларни олгин. Менинг ишимни хуфя тутиб, ошкор қилмагин, гўё мен сени, сен мени кўрмадинг ва мен сени билмайману, сен мен, — деди. — Агар (сен) мен турган жойини сир тутиб, мени дўстларим ва ёрдамчиларим ёнига етказсанг, унда сер гўё мен сотилганим кейин озодликка чиқарган ва мен ўлдирилгандан кейин тирилтиргандек бўласан. Сен менинг мукофотимни кўриб, сидқидилдан дўстлигимга сазовор бўласан. Кейин Шоҳ Мансур чиғатойликка шунчалик миқдорда кўп жаҳоирлар чиқариб бердики, улар унинг ўзи ва бутун зурриёти умрининг охиригача ҳам етарди. Бу билан Шоҳ Мансур ўз қиссасида ва ғуссасини очишда гўё кулфатзода вақтида Амирини ёрдамга чақирган (киши)га ўхшаб кетди³⁶. Чиғатойли бир дам тўхтамасдан Шоҳ Мансурга ташланди ва унинг бошини шартта кесиб Темурга олиб келди. Бу воқеъ бўлган ишни: жаҳоирлар бериб Шоҳ Мансур қутилиб қолишига уринганини Темурга ҳикоя қилди. Темур унинг сидқидиллиги ва сўзларининг тўғрилигига ишонмасдан Шоҳ Мансурнинг қабила ва гуруҳларидан уни танийдиганларни (олиб) келтирди. Улар Шоҳ Мансурнинг белгисидан — юзидаги ҳолидан уни танидилар. Ҳақиқатдан ҳам бу Шоҳ Мансурнинг айнан ўзи эканлигини билгач ва у (ўлдирган) одамнинг ёлғонидан чинини ажратгач, Темур ғазабланиб, хафа бўлди. Шоҳ Мансурнинг ўлдирилганлигидан у куйиб-ёниб, афсусланди. Кейин (ўлдирган) одамдан унинг насаби, отаси, авлодлари, қабила-уруғлари, хўжайинию мураббийлари ҳақида сўраб суриштирди: улар ҳақидаги маълумотларни аниқлаб, унинг наслу насаби ва яшаш жойларини билгач, ўша жойнинг мутавваллисига ўз фармонини юборди. Мутаввали унинг аҳлико болаларини, ёрдамчиларию-тарafdорларини, бола-чақаларию неваралари, куёвларию-қайинларини ўлдирди. Чиғатойликни (ўзини) эса Темур ниҳоят даражада қийнаб қатлга тортиб (унинг) изини қўртди. Унинг маҳдумини ҳам мол-мулкани мусодара қилиб, уни ҳам ўлдирди ва диёрларини вайрон қилди. Кейин Темур ўз ерлари атрофларига хат-хабарлар юбориб, уларда Шоҳ Мансур билан бўлиб ўтган жанглар ва тўқнашувлар тавсифини тасвирлади. Жангларда Шоҳ Мансурнинг ҳамласию саботидан нималарнинг шакли бўлганини ва қандай қилиб Шоҳ Мансур ўзи (жўшқин) жанг майдонидида шўнғиб (қилич билан) зарба берганини, жангда ўзига нима ҳосил бўлганини, олд (томонидидаги) қўшинлар саросимага тушганларию душманлар уйларига бостириб кирганида аёлларнинг дод-фарёд кўтарганликларини даҳшатли иборалар, фасоҳат ва балоғат майдонидида жавлон урадиган (жимжимадор) калималар билан тавсифлади.

Бу хабарлар одамлар йиғиладиган мажлислар ва маросимларда тиловат қилиниб, катта йўллар ва майдонларда қироат этиларди. Илм-маърифатли кишилар у хатлардан истифода қилиб, котиблару мактаб болалари уларни меҳр билан ёд олардилар.

Этиборли кишилардан қай бировининг қиссасида гўё 95 йилнинг шаввол (1393 й., август) ойда Бистом³⁷ соҳибининг элчиси Миср султонига³⁸ келиб, Шоҳ Мансурни ўлдирди, Темур Шероз ва мамлакатнинг бошқа ерларига эгалик қилди, деган қалласини Бағдод ҳокимига юбориб, унга ва у билан (бирга) бўлган жамоага ўзига бўйсунини амр қилган ҳамда унга бир хилъат юбориб, ўзи номидан пул зарб қилишликни ва жума (намоз)да бу ҳақда хутба ўқитишни буюрган. Бағдод ҳокими Темур хилъатини кийиб, у (Темур) нимаики буюр-

ган бўлса ҳаммасига амал қилган. Шаҳар деворлари атрофида каллани айлантириб чиққанларидан кейин у Шоҳ Мансурнинг бошини осиб қўйди деган хабарни келтирган. Буни тўғри деб гумон ҳам қилмайман.

Давоми келгуси сонда

Изоҳлар

1. Қуръон, 35-сурасидан «Ҳеч бир юк кўтарувчи иккинчи бир киши юкини (гуноҳини) кўтармайди» (деган) 18-оятга ишора.

2. Қуръон, 26-сура, 18-оятдан.

3. Шаҳардаги мустаҳкам, машҳур қалъа Ихтиёриддин қалъаси кўзда тутилади.

4. Хавоф — Бушенгнинг ғарбида жойлашган бир қасаба. Ҳозирги хариталарда Ҳоф деб ёзилади.

5. Шайх Зайнуддин Абу Бакр Хавофий — Хуросондаги Тайобод қишлоғида Зайнуддин Абу Бакр Тайободий деган бир зоҳид киши яшаган. Темур мана шу шахс билан учрашгани тўғрисида тарихчи Ҳофиз Абрўйга ҳикоя қилган.

6. Қуръон, 22-сура, 28-оятдан.

7. XIV асрнинг ўрталарида Хуросоннинг кўпчилиги қисмида пайдо бўлиб, қарийб ярим аср давомида (1337—1381) тўхтамаган сарбадорлар ҳаракати тарихда машҳурдир. Сарбадор сўзи форсча бўлиб, «бошини дорга тиккан» демасдир; арабча бир мунча ўзгартирилиб «сарбадол» кўплиги «сарбадолия» дейилади.

8. Ийас — Басра қозиси Ийас ибн Муовияга ишора.

9. Хожа Али ибн Муайяд ат-Тусий — Сабзавор сарбадорларининг охири ҳукмдори (1364—1381 йил).

10. Рай — Техроннинг шарқида жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, XI—XII асрларда ғоятда гуллаб яшнаган бир маконга айланди. Аббосийларнинг машҳур халифаси Ҳорун ар-Рашид шу шаҳарда туғилган.

11. Шоҳ Шужъо (Абул-Фаворис) — Жамолуддин ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар. У 1364 йилдан Форс, Кермон шунингдек Исфаҳонда ҳокимлик қилган.

12. Ажам Ироқи — Қадимги Мидия ерларини ишғол қилган жойлар шундай аталган.

13. Қуръон, 28-сура, 77-оят.

14. Хусайн Сўфи назарда тутилаётир.

15. Валлода (вафоти 1087 йил) — Испаниядаги Кордова шаҳри қироли ал-Мустақфининг қизи. У бағоят соҳибжамоллиги ва шеърятдаги таланти билан донг таратган.

16. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу юриш 790 (1388) йилда бўлган.

17. Мозондарон — Каспий денгизининг жанубида жойлашган ерлар шундай аталиб, 644 (1246—1247) йилда Табаристонга қўшилгандан кейин араблар уни Табаристон, деб атаганлар.

18. Низомуддин Шомийнинг ёзишича (Зафарнома, 84—86-бетлар) Темур элчиси борганда амир Вали аввалига унинг итоатига киришга рози бўлади, бироқ, кейинчалик унга қарши курашга бел боғлайди.

19. Машҳур араб масали.

20. Мутанаббий (Абу Таййиб) — X аср машҳур араб шоирларидан.

21. Қуръон, 89-сура, 27-оятдан.

22. Қуръон, 59-сура, 2-оятдан.

23. «Мажол етмайдиган (нарс)дан қочиш суннати». Азалдан машҳур бир ибора.

24. Манбаъларда «Шосбон» эмас «Шосмон» деган мавзеъ учрайди.

25. Бу ўринда ҳам Ибн Арабшоҳ ноаниқликка йўл қўйган. Бу шахс Абу Бакр Шосмоний номи билан учраб, у Хуросон сарбадорлари бошлиқларидан биридир. У сарбадорлар гуруҳига бош бўлиб, Шоҳ Валига қарши уруш қилган, аммо мағлубиятга учраган.

26. Гўё Таабата шарран қутулганидек қутулди — Исломдан олдин яшаган араб шоирларидан бири Собит ибн Жобир

Ибн Суфйон ал-Фаҳмий (вафоти 530 йил) бўлиб, у Таабата шарран («ёмонликни қўлтиқлаган») номи билан машҳурдир. Бу ўринда унинг ҳаётидан бир воқеага ишора қилиниб, ҳозирча уни аниқлай олмадик.

27. Амироншоҳ (Мираншоҳ) Темурнинг 1366 йилда туғилган ўғли.

28. Қуръон, 8-сура, 60-оятдан.

29. «Тангри-таоло ўз набийси Мусога қанча (вақт) ваъда қилган бўлса шунчалик (вақт)» бу ибора моҳиятини ҳозирча аниқлай олмадик.

30. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ наздида Шоҳ Мансурнинг ғалат иш қилгани — Темур билан урушишга бел боғлагани бўлса керак.

31. Қуръон, 3-сура, 26-оятдан.

32. Низомуддин Шомий ушбу урушда Темур набираси Муҳаммад Султон зўр жасорат кўрсатганлиги ва биринчилар қаторида шаҳар қалъасига кирганлиги ҳақида ёзади.

33. Арабча бир ибора.

34. «Миръот ул-адаб фи-л-маоний ва-л-баён» (Маъно ва баёнда адабиёт ойнаси) — Ибн Арабшоҳнинг адабиётга оид икки минг байтдан иборат назмий бир асари шундай аталади.

35. Қуръон, 93-сура, 2-оят.

36. Тарихий бир воқеага ишора.

37. Бистом — Араб географларининг ёзишича, азалдан Бистом катта бўлмаса-да гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. IX асрда Бистомда машҳур тасаввуф шайхларидан Абу Язид Бозид Бистомий яшаган.

38. Султон Барқуққа.

Мундарижа



НАСР

- Баҳодир МУРОД АЛИ. Куктўнликлар. Қисса 10
ШУКРУЛЛО. Кафансиз кўмилганлар. Хотира-қиссанинг охири . . . 49



НАЗМ

- Садриддин САЛИМОВ 8
Чори АВАЗ 31



ТАНИШУВ

- Абдувоҳид ҲАЙИТ. Шеърлар 39



НИГОҲ

- Абул Ҳасан АЛ-КИСОИЙ. Оламнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусусида. Ислом олами ривоятлари 33
Очил ТОҒАЕВ. Мустақиллик — миллий эркинлик демек... 42
Тил сандиғи 45
Маҳмуд БҮРОНОВ. Ишонмагин дўстингга. Қувноқ қиссанинг давоми 46



ПУБЛИЦИСТИКА

- Лоқайдлик зинапояларидан. Шифокор Жуманазар БЕКНАЗАРОВ билан суҳбат 2
Ибн АРАБШОҲ. Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари 73



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

- Шукур СОДИҚ. Ибо гулларига ўралган исён 40
Эмин УСМОН. Умидворлик . . . 67
ЧУЛПОН. Эътироз 66

Муқованинг 1—4 саҳифаларини расом Р. Зуфаров ишлаган.

[«Молодость»]
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 78—94—05
Бош муҳаррир ўринбосари: 78—49—83
Масъул котиб: 78—97—07
Наср бўлими — 78—97—58
Назм бўлими — 78—77—16
Публицистика, адабий танқид ва
санъат бўлими — 78—17—47
Фотомуҳбир — 78—97—58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортик роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар кўлэмасини қабул қилмайди.
Бир босма табақчага бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар кўлэмасинигина қабул қилади.
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик» дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 24.08.90 й.да туширилди.
Босишга 27.09.90 й. да рухсат берилди.
Офсет босма. I офсет қоғози.
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ.
Шартли босма табақ — 8,82
Нашриёт ҳисоб босма табақ — 12,6
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76
274142 нусхада чоп этилади.
Буюртма № 3811
Баҳоси 50 тийин.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси.

«Ешлик», № 10, 1990.
Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.